


МУХАММАД
АЛИ

АМИР ТЕМУР
ЧАМАНИ

МУҲАММАД
АЛИ

АМИР ТЕМУР
ЧАМАНИ

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-
МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2006



Али, Муҳаммад.

А 49 Амир Темур чамани / Муҳаммад Али. — Т.: Ўзбекистон, 2006. — 216 б.

ISBN 5-640-01079-0

Соҳибқирон Амир Темур даври тарихи Ўзбекистон халқ ёзувчииси Муҳаммад Али ижодида етакчи ўринни эгаллайди. Адиб бу мавзудаги асарларини жамлаб китоб ҳолига келтирди. Ундаги шеърлар, достон, ҳикоя, тарихий романлардан парчалар, Улугбек Мирзо ҳаётига бағищланган драматик асар ҳамда эссе ва публицистик мақолалар Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида ҳикоя қиласи.

Китобни бадиий безатишда қадимги шарқ миниатюраларидан фойдаланилди.

Китоб Соҳибқирон таваллудининг 670 йиллигига бағищланади.

ББК 84(5У)6

№ 187-2006


Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси.

A 0301020000 - 178 2006
M351(04)2006


“АДЛУ ЭХСОН БИЛА
ОЛАМНИ ОБОД
ЭТИБМЕН ...”

СОҲИБҚИРОН
ТАШРИФИ

ХАЛҚ ЯРАТГАН
ДАҲО



“АДЛУ ЭХСОН БИЛА
ОЛАМНИ ОБОД
ЭТИБМЕН...”



АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА

Жаҳонгир кўз ташлар олис ёқларга,
Хаёл уммона ида жамулжам жаҳон,
Бир пас ором олинг энди боғларда,
От бошини буриңг, эй Соҳибқирон!

Гижинглаган тулпор майдонларга зеб,
Хиёбонга сифмас шиддат ва суръат.
Эҳ, отимни боғлаб қўйдингиз-да, деб
Хўрсиниб қўяди мисли йўқ қудрат...

1993 йил

РИВОЯТ

*Агар күнглимин шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш эткүм Самарқанду Бухорони!.. (Хуршид тарж.)



Сенми, ўша Ҳофиз булбулигүё?.."
 "Ҳа, менмен, амирим... Қисмат экан-да...
 Оҳ-оҳ, гўзал турур шерозлик раъно!
 Шаҳармас, жондан-да кечишига бормен.."
 "Бас, ушбу калиманг ёд айла, бебош,
 Ва билким, бир ишга доим тайёрмен:
 Афв этмам, отса ким Ватанимға тош!
 Бухори шариф — шарафим, шоним,
 Волидам дунёга қўз очган макон!
 Самарқанд — томирда оққан ол қоним,
 У билан тирикмен, билсун бу жаҳон!
 Бухори шариф — белим қуввати,
 Самарқанд — чехрамга кўрк ила ҳусн!
 О, сенинг журъатинг — кимнинг журъати,
 Бир гўзал холига бердинг иккисин?"
 "Амирим! — дебди-да, тўннинг ичидан
 Ялангоч кўксини кўрсатиби у, —
 Қўлимнинг шу қадар очиқлигидан
 Афтода аҳволга тушиб қолдим-ку!.."
 Қаҳ-қаҳа солибди Темурбек шу дам,
 Айлабди ғазабу қаҳрин бегона.
 Сарполар берибди, қилибди карам,
 Сўнг яна бўлибди йўлга равона...

Эй, Ҳофиз, эй танти шоир, зукко таъб!
 Қарамай сарф этган бойлигу зарни!
 Ким сени айттолур бечораҳол деб,
 Бир холга берсанг икки шаҳарни!
 Маҳбубанг бўлса ҳам золим шунчалар,
 Қилган ҳимматингга қойил қолурман.
 Мен ёрга бергайман на уй, на шаҳар,
 Мен факат қалбимни бера олурман.
 Чунки қизиқтирмас уни сийму зар,
 Гавҳару дурларга йўқ, унда ҳавас.
 Шаҳрингни қўй, дейди, керакмас шаҳар,
 Қалбингни бер менга, қалбинг бўлса, бас!




САРБАДОРЛАР ҚҰШИФИ

Икки дарё орасида
Сарбадорлар ватани
Афсонадай яшади-я
Лол қолдириб ҳаммани,
Сарбадорлар ватани!



Мискин, гадо, йүқсилларга
Абу Бакр бўлди бош.
Кулу факир эрк, эрк, дея
Қўлларига олди тош!
Абу Бакр бўлди бош.



Бир замонлар, бир замонлар
Озод бўлган ўлкада,
Туғилмоқда гўдаклар ҳам
Қамчи изи елкада,
Озод бўлган ўлкада.



Эрк бер, дея кутиб турмас,
Эрк излайди сарбадор.
Гарчи доим боши узра
Қулоч ёзиб тургай дор,
Эрк излайди сарбадор!

Қиличингни қиндан суғур!
Дўустлар, курашда нажот.
Бўйин эгсанг, бўйнинг эзгай
Бўйинтуруқ, умрбод.
Дўустлар, курашда нажот!



Икки дарё орасида
Лол қолдириб ҳаммани
Афсонадай яшади-я
Сарбадорлар ватани,
Лол қолдириб ҳаммани!


Эркни севган авлодида,
Эркни севган халқида
Құшиқ бўлиб қолди мангу
Эрк, озодлик ҳақида,
Эркни севган халқида!..

1968 йил

— АМУР ТЕМУР ҚАБРИДАН ОВОЗ

— Мурзикчи, этма умримни торож!
— Гай гапларга эмасмен муҳтож.
— Аза ҳам — соуз аталур соуз,
— Күнганды ҳам тож — барибир тож!

1968 йил



АВРАНГЗЕБНИНГ ЧИНОРИ

... **Б**ир чинор ўсарди Кашмир шахрида,
Подшо Аврангзебнинг севган чинори.
Салтанат ишларин қўйиб нарида
Тез-тез бураг эди бу ён тулпорин.
Ногаҳон битта шайх кўнглини ёрди:
"Зинҳор тилим бормас сизга айтгани,
Балдаи Кашмирда зўр масжид бор-ку?
Ибодат маскани, тоат маскани...
Ёниб кетмиш! Кечир, э парвардигор!.."
Подшо сапчиб турар ўрнидан шу он:
"Унинг ёнидаги чинор-чи, чинор?
Чинорга не бўлди?.. Тез айланг баён!"
"Чинор бут! Чинорга ўт теккани йўқ!"
"Хайрият!" — дер подшо...
Ҳай-ё, бу калом
Аъёни салтанат, аъёни қутлуғ
Шайхларни ҳайратта солганди тамом!
Ибодат маскани бўлса-ю кул-кул,
Бу машъум хабарга қилмасдан парво,
Қандайдир чинорни сўраб турса ул...
Шаҳаншоҳни шайтон чалғитдими ё?

Сўнгроқ, сўрадилар буни подшодан,
Подшо кулиб деди: "Аён кўурмен,
Ибодат маскани ёнса мабодо,
Сизга юзтасини тиклаб берурмен.
Аммо билинг, ёниб кетсами чинор,
Гарчи зўр подшомен, узундир дастим,
Гарчандки истасам, этсам ихтиёр,
Битта чинорни ҳам тиклай олмасдим!.."

СОҲИБҚИРОН

(Станслар)

1.

*Ш*ирин тушларимга кириб чиқади,
Забт этмоқчи бўлиб кўхна дунёни,
Қаршининг чўлига лашкар йифади
Туркистонзаминнинг буюк ўғлони.

2.

Машварат, кенгашу тадбирлар бўлмиш
Салтанат юмушин тўққиз ҳиссаси.
Фақат бир улуши қиличга қолмиш,
Фақат бир улуши — уруш қиссаси.

3.

Кўксарой ичига кирибдур Шоҳруҳ,
Ногаҳон бир динор топиб олибдур:
"Хайрият, отамиз сарватидан бу,
Бизга ҳам насиба, қисмат қолибдур".

4.

Ангора ёнида лашкаргоҳ тузиб,
Кунпаякун бўлди Боязид жўмард.
Наҳот ўз инимга қўл кўтардим, деб,
Юрак-юрагингиз ўйиб олди дард.

5.

Терек соҳилида қўшинлар саф-саф,
Нотанти Тўхтамиш от солди йироқ.
Наҳотки ўқ отдим ўз ўғлим тараф —
Дебон қалбингизни ўртади-я ох!



6.

Дедингиз: "Эй наслим! Ёлбор худога,
Мен ҳам тилай Ҳақдан илгингга мадад.
Туркистон деб жонни эттил садоға!
Йўқдири, жон бермақдан ортиқроқ шавкат!.."

1996 йил



ТУРКИСТОН СУЛТОНИ

(*"Озод Ватан" ораториясидан*)

Жаҳондан от суриб ўтғон Темурбек,
Озодлик туғини тутғон Темурбек.
Миллатнинг қалбида түғён Темурбек,
Мехру муҳаббатдир арконинг сенинг.

Юрганда шахтингдан титрайди тоғлар,
Қарору аҳдингдан яшнайди боғлар.
Тугилган диллардан кетгувси доғлар,
Хазондан йироқдир бўstonинг сенинг.

Туркистон султони бўлғонга салом,
Қалби юрт ишқига тўлғонга салом.
Ўғлонлар ичида ўғлонга салом!
То абад янграгай достонинг сенинг!

1999 йил



БОБУР МИРЗО ЎТИТИ

Хар қачон сен душманингни
Бартараф айлайин деб,
Ўтга-чўқقا урма ўзинг,
Юрма беҳуда ғам еб.
Ўз ишинг қил. Ҳақ деб сени,
Бир кун кўргизиб имдод,
Тор кўнгилли душманингни
Бартараф эттай ҳаёт!

1984

ГУМБАЗДАГИ НУР

(Достон)

I

Мурибди бир бола
Макбара қошида,
Савол-ла банд эди
Боланинг ёди:
"Гўри Амир нима?.."
"Не ичу тошида?.."
Ўзи соддагина.
Темурдир оти.

Хилпирап галстук,
Пирпирап киприклар,
Гумбазга термилиб
Оғрийди бўйни.
Чиқади, киради
Қабрга тириклар,
Болакай туради
Унутиб уйни.

"Во-о-о!.. Қандок қурганлар?
Жуда ҳам катта-ку?
Бўлганми кранлар
Аввали ҳам, а?
Домламиз дер эди:
Ўтмишда, ҳаттоки,
Арпа нон ер эди
Қари-ёш. Ҳамма!



Кран-ку, қийин гап.

Арпа нон еса гар,
Юрса гар қўш судраб,
Зор ўтган умр".
...Тушади эсига
Яна кўп гаплар,
Илашар кўзига
Гумбаздаги нур.

II

*M*иттигина боласан, асли
Хаёлинга қизик хаёллар.
Бундай ўйга боришар балки
Дунёни бир қайирган чоллар.
Уларга-ку ярашар, укам,
Уларга-ку, бу нарса одат.
Лекин сенинг ўйларинг бу дам
Мени ҳайрон қолдирар фақат.
Сенга нима дунё тақдири?
Дунё иши битгуси сенсиз.
Билсанг, мушкул бу ўйлар сири,
Катталар ҳам қолишар унсиз.
Сен-ку, бола!..

Самарқанд мана!..

Эртақдан ҳам қадимлиги рост.
Салобату шукух, тантана —
Фақат буюк пойтахтларга хос.
Теграсида парвона бўлган
Зарафшон ҳам бетин югурап.
Миноралар "кўк — баланд" деган
Лофчиларнинг оғзига урар.
Мадрасалар мўйсафиidlардек
Рўпарангда ўқишар дуо.
Қаландарлар кезар ҳар томон,
Тилларида: "Ҳақ дўст, ё Олло!.." 
Нарироқда бозор. Тим аро

Бесаноқдир ғимирлаган жон;
 Бүён игна ташланса аммо
 Тушмогига топилмас имкон.
 Буюк пойтахт яшарди гүё
 Фароғатнинг тўшагида масти.
 Лекин жангу жадаллар аро
 Етмас эди нафасга нафас...
 Темурбекнинг шахти кўп баланд!
 Еру кўкни у тақ тиндирап.
 Шу лаҳзада қайтса Самарқанд,
 Яна отга уради эгар.
 Шунчалар тез дунё суръати,
 Шунчалар тез олинди Халаб!
 Жаҳон титрар, Боязид каби
 Қолмасин деб ҳеч кимса қақшаб!
 Қайга борса ул чақмоқ қадам,
 Ғолиблигин айлардилар шарҳ.
 Шундай яшар эди Самарқанд
 Зафарларнинг оғушида фарқ,



*Ж*анчалар тез дунё суръати!
 Мунчалар зуд у берган фармон!
 Бу кун пойтахт маъюс туради:
 Ғариб топмиш Муҳаммад Султон!
 Ўзим асли қисмати азал,
 Чаманинг ҳам бошида бор гап.
 Амир билар ва лекин бу гал
 Тан оғиси келмайди, ажаб.
 Сиз суюкли набира қани?
 Жирқилдими лочин парвози?
 Ҳемум энди унинг Ватани
 Залмаҳдисиз қолмоғи лозим?
 Шак келтириб бўлмас бир орзу
 Бўлган эса наҳотки рўё?
 Ўзанглайига тарс уради у
 та инграйди: "Бевафо дунё!.."

Кипригида хуноб-хуноб ёш
Жилва қилар ғамдан бехабар.
Наҳот унда йўқ, эди бардош?
О, чораси бўлсайди агар,
Агар келса тирилиб ўғлон,
Амир Темур, фотих, ўшал он
Тахтидан ҳам кечарди ҳатто!

Йифи олар кўнгил дардини,
Гарчи битмас, нимаки синди.
Оlamгирнинг кўз ёшларини
Артиб қўяр ўзгалар энди.

Фармон қилар ниҳоят амир:
"Чорлағайсиз меъморларни бот!
Хазинани кўрсатинг бир-бир
Ва этсунлар саъи-ижтиҳод!
Набирамнинг исмиға атаб
Курсинларки шундай софона,
Истаганин олсунлар тилаб,
Фақат даҳма бўлсун шоҳона!.."

III

Үопар зоти — худди замона!
Чақмоқдай тез у минган тулпор!
Жам бўлишди пойтахтда, мана,
Ўн икки жон, ўн икки меъмор.
Бухородан келмиш сангтарош,
Фарғоналик гилкор ҳам бунда.
Наққошини юборибди Шош,
Хоразмлик ганчкор ҳам бунда.
Донишманлар бежиз демаслар:
"Меъмор боши — палахмон тоши!"
Не тонг, турли элдан келса гар
Муҳандису кошингтароши?

Кеча-кундуз фарқсиз ўтадир,
Қўл тегмайди бош қашувга ҳам.

Субҳу шомин шунда кутадир
 Кўз илғамас тумонот одам.
 Ўн икки жон, ўн икки меъмор.
 Бир нуқтада ғимирлар хаёл.
 Лой пишитар чапани гилкор,
 Фишт теради тетиккина чол.
 Ганчкорниң ҳам юмуши душвор:
 Ганч қотгуси шошибилмаса гар,
 Сўнгра ҳамма заҳмати бекор,
 Унда яна бошидан бошлар.
 Наққош иши ундан-да мушкул!
 Лекин очса ганчнинг бағрини,
 Ёқа ушлаб дейсан: "Наҳот гул
 Тон ичида ётмиш яшриниб?"
 Кошиналазнинг қўлида сопол
 Куттувальар айлар ихтиро,
 Найкемалак шарчаси мисол
 Нигонхарин эркалар жило.

Тон ташмади катта-кичик эл,
 Тоннадигу тагин пешона!
 Бориридан чатнаган кўнгил
 "Сур! Сур!" дея зорланар яна.
 Башттарнинг қараши кескир,
 Ийтиради қилич дамин ҳам.
 Факстгина событ ва эски:
 Асъад — кулагу, кўзда — қотган нам...
 Жизнімда, олис қишлоқда
 Йори бирининг қолган онаси.
 Йори бирининг Фарғона ёқда
 йул-бўш ётар кулба — хонаси.
 Йори бирининг балки аёли
 Йуталекдай ўғил кўргандир?
 Йидирга ҳам ёлчимай, нолиб
 Йи уйда нон ёпиб юргандир?
 Йори, ёнроғин уйида балки
 Йори кўшкни берилди барбод, —
 йекка ота сўнгти бор қалқиб

Киблага юз бургандир, ҳайҳот.
Балки, балки, энг кенжा мөъмор
Ўй-ташвишсиз юрибди бунда?
Балки, билмас — нима дард, озор,
Доғ бор демас нурағышон кунда?
Балки ўзга уйга бўлиб зеб,
Суйган ёри ғамга ботгандир?
Бедарак деб, номард экан деб,
Лаънат тошин унга отгандир?..

"Бўл, ҳа, бўл!
Ҳей!
Анграйган ким у?
Имиллаган қайси бадкирдор?.."
Одамлар ҳам шошиб қолди-ку,
Улар доим никтовдан ҳушёр.
"Ҳа!" — дейилса бас. Ҳамманинг ҳам
Кўз олдида туради жони.
Мунча энди севмаса одам
Яшамоқни, ёруғ дунёни?

IV

*Ж*умбаз... Рангми ёки зарҳал из,
Ё қуёшнинг нури жилвагар?
Бўларди у якка-ю ёлғиз,
Кўк — такори бўлмасайди гар!
Қаранг, гумбаз қобирғалари
Бир-бирига вазмин нур ташир.
Қодир қисмат йўлидай бари
Бир нуқтага бориб бирлашур.
Жанг-жадалдан йўқ бунда асар,
Йўқ, дунёнинг шўриш — ғавғоси.
Фақат бунда жимгина ётар
Улугбекнинг буюк бобоси.
Зиёратта одамлар келгай,
Теваракка бокурлар бир-бир.
Кўнгиллар ҳам ҳайратга тўлгай:

"Қарангиз, о!.. Фотих, жаҳонгир!
Бир вақт унга дунё эди тор,
Кичик қабр унга кенг энди".
Ха, Темурбек оқсоқлиги бор,
Тан олмаслик жуда қийиндир.
Даштта чиққан олмасди пичноқ
Бўлмасайди яшашдан илинж.
"Ҳоким", дея сўз айтилган чоғ
Акс садодай янграйди "қилич".
На бу ҳайрат, на бу таажжуб!
Гарчи ҳайрат дерлар ҳар сафар.
Йўқ! Бу мангу фармони вожиб
Эскирмаган қари фалсафа!

Темурбек, жеч эдимираво
"Фотих" деган номни олмоқлик?
Кўхна тарих майдони аро
Ансагада туриб қолмоқлик?
Қабиладир от сурмоқлик, нега?
Нахот сенин тўйдиролмаган
Тупроти ҳар бўлган шу ўлка?
Не-не чаки боқдан шу Ватан?
Мистабиндинг ёки шон-шараф,
Мистабиндинг ё мол-дунёни?
Ҳар нарсада бор икки тараф,
Табқанинг ҳам икки томони.
Европага панжа ургали
Ул ғоязида — усмоний арслон
Ор титратиб улгурмай ҳали,
Булсаннида ер билан яксон,
Россияни ютмак қасдида
Ояси очган саҳройи аждар —
Салтия Үрда қипчоқ даштида
Бер квидан кетганда бадар,
Темурбек, Европа чехраси
Тенга кулиб боқди ўшандада!
Кўп гаройиб тарихнинг иши,
Илтифоти қизиқ экан-да...

Регистонга ёниб қарайман,
Тасаввурдан қуваман жангни.
Кошинларни аста силайман,
Кафтиим олар губору чангни.
Чаппар нақш йүрикларида
Фарҳод орзу қилган тилсимот.
Шоҳи Зинда гирихларида
Ўз қисматин кўради ҳаёт.
"Бибихоним" гумбази турар
Бекасидан кўнгли яримта.
Кўз ўнгимда шаҳар югурап,
Оқиб борар нигоҳларимда.

О, кўрмаган роҳат тўшагин,
Жанг-жадал деб туғилган инсон,
Меъморликка меҳринг тушмаги,
Менинг учун таажжуб ҳамон!
Наҳот, қаҳру гумонлар аро
Гулдан нозик кўнгил яшайдир,
Ки юрт аро, майдонлар аро
Нафосатни кўрмакка шайдир?
Ҳа... Бир гап бор, қадимдан келгай,
Гапки, ҳануз айлар мени масти:
"Агарчи бор шиша ичра май,
Ичмай, кучин ҳеч билиб бўлмас!"

V

Кечиргайсиз, азиз ўқувчим,
"Ўн иккилар" хусусида гап.
Асли улар мавзу мен учун,
Асли улар — дилдаги матлаб.
Оталар дер келтириб имон:
"Савоб бўлар ҳеч бўлмагандан —
Ўтганларни эслаб ҳар қачон
Гул дасталаш ушбу чаманда".
Ошкоралар ичида пинҳон

Үн икки жон, үн икки меъмор, —
Булутларга кўмилган осмон.
Ёмғирларга зориққан баҳор.
Насибангиз — гаройиб қисмат,
Қисматингиз — аччиқ насиба.
Тик боқару тарихдай хилқат,
"Ожизман..." деб турар беибо.
Сиздан на бир қолибди хабар,
Сиздан на бир қолибди исм.
Үн икки жон — йўқолган гавҳар,
Үн икки жон — очилмас тилсим...
Хаёллардан сўрайин десам,
Хаёл қурғур ўзи омонат.
Тарих сари юрайин десам,
Собъяларим чалишар фақат.
Чаман тузи бўлмаса сарие,
Ҳатто телба кўриб, "куз" демас.
Тўхта бир зум, эй кўҳна тарих,
Чархи фалак айланмай тур, бас!
Энди менга ҳал қилиб бергил,
Бир бошимда минг битта савол.
Саҳифангни варакла бир-бир
Тарих номли, эй, донишманд Чол!

VI

*А*жаб, кўм-кўк турибди гумбаз
Аза тутган аёл сингари.
Одамлар ҳам бир лаҳза тинмас,
Кўрмагандек мақбара, бари —
Кўзларини тикар ҳавасманд,
Ўтмиш кезар эди кўзгуда,
Мақбара ҳам кошона монанд,
Қаббринг борми деса, дегудай...
Чол турарлар сехр қошида,

Калимага келмайди тиллар.
Деворларнинг гажжак кошида
Қотиб қолган қайси бир йиллар?
Нима бордир? Тоқи муқарнас
Нималарни демоқчи шу тоб?
Ақлга ҳам ҳатто бўй бермас,
Ўқилмаган бу кўхна китоб, —
Йўқ, амирнинг сағанасимас,
"Ўн иккилар" ҳайкали эрур!
Йўқ, амирнинг сағанасимас,
Ўн икки қалб жо эттан фурур!
Ўн икки жон, нақшлар ичра
Ҳаётингиз кезади ҳануз.
Сиз тарихнинг даштлари ичра
Даврларни ёритган фонус!
Ўн икки жон, ўн икки меъмор,
Сизга боқар одамлар шу пайт,
Дерлар: "Ана нафосат, викор!" —
Ўзингизни кўришмас фақат.
Илиқ сўзга хасис одамлар
Сизга таҳсин айтишар қат-қат.
Дерлар: "Ана маҳорат, самар!" —
Ўзингизни эслашмас фақат.

VII

Яна келдим, эй Тарих бобо,
Сендан яна талаб қилурман.
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво —
Ҳақиқатнинг йўли билурман.
Ўн икки жон, ўн икки меъмор,
Ўн икки фам, ўн икки севинч.
Тингловдингми лоақал бир бор
Сен уларнинг эртагини ҳеч?
Билмасанг гар сўйлаб бераман,

Саҳифангта қайд айласанг бас.
...Не-не аср, не-не Аҳриман
Йўлларингда қолган мисли хас.
Валломатлар учиб гард каби,
Паст бўлгандир ҳаддидан ошган.
Лекин бошқа менинг талабим!
"Ўн иккилар" йўриғи бошқа!

Мақбара. Уй. Йўқ! Кўҳна мозор,
Сукунатнинг сўнгти марраси.
Жунжиктириб баданни эсар
Асрларнинг совуқ нафаси.
Кошин, гириҳ кўринар аранг,
Бирор лабин қимтияптими?..
Хуве пештоқда жимиirlайди ранг,
"Қараётган ким?" деяптими?..
Ажаб ҳолат: эй Тарих бобо,
Сукунатнинг портлашини кўр!
Ҳазин-ҳазин келмоқда садо,
Тунда хира тортган каби нур:

*...Биз ўн икки жон эдик,
Биз ўн икки жон эдик,
Голеи паст ер қадар,
Ҳиммати — осмон эдик,
Ҳиммати — осмон эдик.*

Умидан-ку кўнгил тўқ,
Айрус деган таплар йўқ,
Бизлар камтар бир одам,
Номимиз аммо қутлуғ,
Номимиз аммо қутлуғ.

*Кўрдик не-не иморат,
Аймо билмадик горат,
Умр деган бу савдо
Меъморликдан иборат,
Меъморликдан иборат!..*

Боқ, эй Тарих, оҳиста елар
Не йилларнинг дудли сабоси.
Тинглайсанми, қулоққа келар
Кетмонларнинг гурс-гурс садоси?
Хаёлларинг кўряптими, айт,
Осмонларга кўчганин тўзон?
Манглайини артар ўша пайт
Ўн икки, йўқ, ўн икки минг жон!
Фарғонанинг катта канали
Ростламақда қаддини шитоб.
Сипо эрлар бугун жангари,
Қўлда — кетмон, бош узра — офтоб...
Водий аро кезарди байрам.
Шу водийда қишлоқ бор — Бешгул.
"Мен — шу ёқдан!" деб чиқди отам —
Бекназарнинг ўғли Аҳмадқул.
Ўзбекнинг шўх, чапдаст ўғлони,
Ўттиздаги тинмас бир йигит.
Билагида кучи тўлғанур,
Иштиёфи синмас бир йигит.
Бир дуррани асрайди доим,
Гарчи шунча йиллар ўтибди.
"Яша, мард!" — деб Тамараҳоним
Дуррасини бериб кетибди!..
Бу дуррани танғиб олган-да,
"Ҳай-ё, ҳыйт!" деб ишлай берган у.
Қирқ беш кеча-кундуз деганда
Канал ичра чаппар урди сув!
О, кўзларга қўнди табассум,
Кўз ёш ювди юздаги чангни,
Тингла, Тарих, тингла ушбу зум
Қах-қах уриб келган оҳангни:

"Бизлар минг-минг бор эдик,
Оға-ини, ёр эдик,
Кўнгиллар-ку азал кенг,
Аммо сувга зор эдик,
Аммо сувга зор эдик..."

Садо келар, тинглагил яна,
 Садо эмас, шерлар наъраси.
 Айланади Сирда пүртана,
 Гумбурлайди Фарҳод дараси!
 Чўкичлардан қочар ушоқ тош,
 Харсангларда чақнайди учкун.
 Яна белин боғлар кекса-ёш,
 Яна отам йўл олар бугун!
 Тўрт йил умр не бўпти ахир?
 Лекин отам пешонасига
 Бир камликини битибди тақдир
 Смоленск остонасида.
 Гарчи йўқдир аввалги кучи,
 Шижаоти гарчи қолганмас, —
 Туролмади! "Четга чиқувчи
 Бу улусда ҳали бўлганмас!
 Мажруҳ бўлса агар битта қўл,
 Кўнгил — бутун, бутундир умр!
 Қани, бизга тилангиз оқ йўл,
 Оримиз бор, йигитмиз, шукур!"
 Ўзлигини англамак учун,
 Инсонлигин билиш-чун чиндан,
 Не ёруғ тун, не-не қора кун
 Кураш кетди майдон ичинда!
 Эркин юрган дарё бўйнига
 Сиртмоқ тушди, бўлди жуда соз!
 Тингла, Тарих, шовқин қўйнидан
 Сизиб келар қудратли овоз:

*"Нур ҳам келди, келди сув,
 Дилдан ювилди қайфу.
 Илгимизда қолгани
 Озод, эркин ҳаёт бу!
 Озод, эркин ҳаёт бу!"*

Тингла, яна садо келадир
 Садолардан чиқариб қанот.
 Кошонадай Катта театр



Бўлаётир Тошкентда бунёд.
 Бухородан келган сангтарош,
 Фарғоналик гилкор ҳам бунда.
 Хоразм-чи, йўллабди наққош,
 Самарқандлик ганчкор ҳам бунда.
 Андақкина кексайган отам
 Кўшолмади бу ишга улуш.
 Йифигланди ва лекин олам,
 Шовқин-сурон, ҳаракат, жунбуш.
 Кечалари мизфимас меъмор,
 Муҳандисга ором бермас ўй.
 Ганчкор ажиб яратса гулзор,
 Наққош гули таратади бўй...

Чекиниш

Оҳиста-оҳиста
 Кезишар икков,
 Нуроний мўйсафиғ,
 Микти ўспирин.
 Мўйсафиғ қўзидан
 Сачрайди олов,
 Ўспирин бепарво
 Ташлар кўз қирип.
 Безакли деворлар,
 Зарҳал кунгура.
 Фусундан яралган
 Ажид кошона.
 Лайлуга дарс айтар
 Тилсиз қайгулар,
 Саҳролар ортида
 Мажнун — девона...
 Мўйсафиғ йигитни
 Туртар: — Ёсуман!..
 Суратга термилар
 Йигит бепарво.
 Сўнг четга боқаги:

— Ўзиям, дейман,
 Талаӣ пул кетгандир
 Қуришга, бово?..

Бир лаҳза суратдан
 Кўзин олар чол,
 Фижимланган соқол,
 Чимрилган қошлиар:
 — Э, шунақа жойда
 Шунақа савол.
 Шаккок-да, кўп шаккок
 Ҳозирги ёшлар!

Унумиб қўйишиди
 Андишани ҳам,
 Фақат ҳисоб-китоб
 Булар билгани.
 Бу, ахир, санъат-ку!
 Қай маҳал, бўтам,
 Арzonга тушибди
 Санъат дегани?..

Хаёт кузги япроқдек қалқиб,
Үлим унга сурганида от,
Менинг халқым, фидойи халқым,
Кифтинг узра яшади ҳаёт!
Жангу жадал майдони аро
Ёттанида не-не вайрона,
Меҳнат ўпган құлларингдан, о,
Қад күтарди шундай кошона!
Халқым! Нокас әрүр үл фарзанд,
Гар сени деб бўлмаса фидо!
Тингла, Тарих, тингла, донишманд,
Шиддат билан келмоқда нидо:

*"Юксак әрүр азмимиз!
Ҳам удуму расмимиз:
Хоҳ қиши бўлсин, хоҳи ёз
Меъморликдир касбимиз!
Меъморликдир касбимиз!"*

Қулоқларинг бўлдими батанг,
Бардошинг ҳам бўлдими адo?
Наҳот шундай ер қаттиқ, заранг,
Келмоқда-ку даҳшатли садо?
Дағдағага азал парвосиз —
Ер, кафтига қўйиб расмана,
Тошкентдайин шаҳарни, эсиз,
Қўғирчоқдай ўйнатар мана.
Жароҳатга бормикин малҳам?
Ер тинчишин кўрарми кўзлар?
Шунда, бизлар чақирмасак ҳам,
Қўл чўзишиб келишди дўстлар.
Дўст дегани ортиқ бўлурму?
Дўстлик оғир кунда билинур.
Тинчтиб-ку бўлмади Ерни,
Лекин қалбда бор эди фуур:

*"Норинг бўлса қаторда,
Қолмайсан ҳеч хатарда.
Омон бўлсак хатар ҳам
Бир кун ўтар-кетар-га!
Бир кун ўтар-кетар-га!"*

Жам бўлишиб уста-ю меъмор,
 Уй ҳақида юритишса сўз,
 Ерни қучган метин пойдевор
 "Макон бўлдим!" — деб қувнатса кўз,
 Солланганда шоқулнинг ипи,
 Уюм-уюм фиштлар ётганда,
 Девор ичра шажара каби
 Темир синчлар томир отганда,
 Осмонўпар кўркамгина уй
 Кўрсатганда бўю бастини,
 Мен кўраман барчасида, ҳув —
 "Ўн иккилар" ахди-шахтини!

...Лой пишитар чапани гилкор.
 Кошинпазнинг илгига — сопол.
 Наққош.

Бўёқ...

Девор.

Нақшинкор.

Меъмор.

Орзу.

Хаёл ва хаёл.

"Йил ўтса ҳам йил оша,
 Қўлдан тушмас пойтеша...
 Она халқум, жон халқум,
 Қўлинг гулдир ҳамиша!
 Қўлинг гулдир ҳамиша!"

VIII

Недан менинг шодлигим дуркун,
 Недан ғамгин кулишим маним?
 Тарих тилга киради бир қун,
 Бугунча мен айтай билганим:
 Гўри Амир қўр тўкиб мағрур,
 Паҳлавондай менга тикилар.

Кўзларимга чалинмас қусур,
Бунда бордир фақат зар, зар, зар.
Бунда бордир бир дунё илм,
Фиштлар аро яширинган роз.
Ҳамма бордир, ҳамма ва лекин
Ўн икки жон бунда йўқ, холос!..
Зулмат ичра қолгандай ногоҳ,
Нарсани кўз илғамас чоғдир.
Саҳролардай кенгу бегиёҳ,
Тарихнинг ҳам вароги окдир...

Недан менинг шодлигим дуркун?
Недан ғамгин кулишим маним?
Тарих тилга киради бир кун,
Бугунча мен айтай билганим:
Кўҳна Тарих, сура берма ўй,
Ҳайратланиш сенга ҳам даркор!
Рўбарўнгда чарх урмоқда-ку
Ўн икки жон, ўн икки меъмор!
Ҳа, ҳа, улар! Йўқ, ўзга эмас!
Самарқанддан биттаси, ана!
Бири ҳануз умридан сармаст
Андижонда топмиш бошпана.
Пойтахтда бири кун кўтар,
Ўзгасига маскан — Бухоро.
Бир қўл каби, мушт каби юрар
Бу ҳамсаф эл, ҳамсаф фуқаро.

Недан менинг шодлигим дуркун?
Недан ғамгин кулишим маним?
Тарих тилга киради бир кун,
Бугунча мен айтай билганим:
Ўн икки жон ажиб қисматдир,
Худди йилнинг ўн икки оий.
Ёзин-қишин сайдай айла, бир-бир —
Далаларда кўргайсан доим.

Далалар, ҳе, бир чети мағриб,
 Бир четида ухлайди машриқ.
 Далаларнинг ям-яшил бағри
 Деҳқон учун энг кўҳна тарих!
 Юлдузифат очилган чаноқ —
 Ҳайратта мос буюк жангнома!
 Фўзадаги ҳар битта япроқ,
 Тарих, сенга битилган нома!

Недан менинг шодлигим дуркун?
 Недан ғамгин кулишим маним?
 Тарих тилга киради бир кун,
 Бугунча мен айтай билганим:
 Фазоларга қарап мунаҗжим,
 Улуғбекнинг илғар нигоҳин.
 Юраги ҳам симиради жим
 Милт-милт қилган юлдузлар оҳин.
 Аторудга кўз югурттар у,
 Суҳайлни тун ичра истар.
 Сўнг уйига ҳорғин қайтару
 Боғчага сув очар оҳиста.
 Суронларга қўшиб овозин
 "Мана, мен!" — деб қўксига урмас.
 Бахтин баҳам кўришга рози,
 Лекин, лекин қайғусин бермас!

Недан менинг шодлигим дуркун?
 Недан ғамгин кулишим маним?
 Тарих тилга киради бир кун,
 Бугунча мен айтай билганим:
 Бастакор ҳам ўзича ёнур,
 Куй тарашлар тонгларни кутиб.
 Шеъриятдан излаб қолар нур,
 Навоийнинг руҳин шод этиб.
 Қоғоз узра нақшлар чизгай —
 Роҳат топиб салгина жони.

Юрагининг чигилин ёзгай
Сўнгти нуқта қўйгани они.
Куй. Қанчалар сафоли куй бу!
Садоланган қайси гулшанда?
...Ўйин бўлса, "Пахтакор"га у
Тушмоқни ҳам қилмайди канда.

Недан менинг шодлигим дуркун?
Недан ғамгин кулишим маним?
Тарих тилга киради бир кун,
Бугунча мен айтай билганим:
Ўқитувчи дўстим ҳар сафар
Қуш уйғонмай отланар ишга.
Намозшомда боғчага кирар
Интиқ турган ўғлин олишга.
...Бу — уйсоздир, тинмайди мана,
Пойтахтига излайди даво.
"Олтмиш олти" деган бир сана
Хотиридан чиқмайди асло.
Буниси-чи, шоир, жангари,
Манглайига битгани олов.
...Вақт топилса, жам бўлиб бари
Чойхонада дамлашар палов.

Недан менинг шодлигим дуркун?
Недан ғамгин кулишим маним?
Тарих тилга киради бир кун,
Бугунча мен айтай билганим:
Мана, яшар инқилобчи чол,
Хотиралар ичра кўмилиб,
Манглайида кўради иқбол
Набиралар дуосин қилиб.
Ўғли эса дастгоҳ, бошида,
Мурватларда кўрар келгусин.
...Бу — чўлқувар, бола ёшидан
Дашт елида қорайган юзи.

Ҳаммасида бир аъмол эзгу,
 Битта ташвиш, биргина ният.
 Кўнгилларни банд этган ҳам шу —
 Яратмоқлик улуф жамият!

Недан менинг шодлигим дуркун?
 Недан фамгин кулишим маним?
 Тарих тилга киради бир кун,
 Бугунча мен айтай билганим:
 Рост гап, дўппи айланар бир бор
 Юз йил, минг йил деганларида.
 Собит тургай ўн икки меъмор
 Ўзбекистон чаманларида.
 Ўшанда ҳам кезгайлар мағрур,
 Бу дунёни кўргайлар обод.
 Ўшанда ҳам юрақда суур,
 Кўлларида улғаяр ҳаёт.
 Ўшанда ҳам тарих энтикиб,
 Эслолмаса ёшлигин, ионон:
 Менинг каби бир шоир чиқиб,
 Ўшанда ҳам ёзгуси достон!

IX

*И*рибди бир бола
 Мақбара қошида,
 Кўзида хаёллар
 Патирлар унинг.
 Эй дўстлар, у кимдир?..
 Дилемда нашида!
 У бола укамдир,
 Укамдир менинг!

Бунчалар хаёлкаш
 Бўлмоқни қўйсанг-чи,
 Ўқи, ўрган, укаш,

Фанни гангитиб!
Дўстларингни топиб
Ўйноқлаб юрсанг-чи,
Югуриб, тўп тепиб,
Майдон чангитиб!


Вақт кеч. Юр, укам,
Оёқларинг толган,
Уйингда онанг ҳам
Бўлгандир интиқ,
Сабабин айтарсан.
Бугунги хаёлга
Истасанг, қайтарсан
Эртами, индин.

Ўн икки қаҳрамон —
Қай бири шу пайтда
Кўзингда ғалаён
Кўрмакда балки.
Ҳайратингни кўриб,
Ўзи ҳам ҳайратда
Мехр-ла термулиб
Турмакда балки.

Гумбазда ўйнайди
Ўша нур, ўша нур,
Уфқ аста ямлайди
Офтобни, қара!
Заволлар.
Саволлар.
Юр, укам, қани, юр!
Олдинда хаёллар.
Ортда мақбара...



СОҲИБҚИРОН
ТАШРИФИ



КОНИГИЛДА ТИКИЛГАН ДОР

(“Сарбадорлар” тарихий дилогияси
иккинчи китобидан парча)

Самарқанд сарбадорлари султони Абу Бакр Калавий Наврўз сайлидан қайтиб келганда, шом бўлиб қолганди. Ҳовлида сумалак пиширилган катта қозон тўнкарилиб қўйилганди. Қозонни кўрди-ю, Абу Бакр Калавий тўйнинг эртаси куни гавжум ҳовлининг ҳувиллаб қолиши кўнгилни қандай сирқиратса, ўшандай ҳолга тушди. Тўхтамай ётоқقا шошилди, қаттиқ ҳориган эди. У буни кун бўйи бир жойда қоқилиб ўлтиришдан, хийлагина майхўрлик қилганидан эмас, балки игнанинг устида бориб келгандек бўлганидан деб билди. Ҳарқалай, амирлар билан мулоқот ҳазилакам иш эмас... Амирлар ва сарбадорларнинг дўст бўлмоғи улус учун баҳт-саодатдир...

Абу Бакр Калавий қаттиқ уйқуга кетди. У ғалати туш кўрди, мана шу ҳовли эмиш. Ҳовлида қулаб тушган кўшк атрофида Мавлонозода, Ҳўрдак Бухорий, Уста Кулол... хуллас, ҳамма дўстлари тўпланган. Ҳаммалари жам бўлиб эгнига пахтагуллик жома ташлаган муаллими соний Абу Наср ал-Форобийга тикилиб туришар, ул зотнинг сўзларини тинглар эмишлар. “Фозил жамоа қурғонларингизни эшишиб кўргони келдим, қулун! — дер эмиш Абу Бакр Калавийга қаратा. — Киши қонини тўкмак, ҳибс этмак фозил жамоага ярашмайдур. Кимсага тиф кўтармак бадхўйлиқдур. Бу Аллоҳга ҳам ёқмайдур. Сизлар кўпларнинг умрига зомин бўлибсиз, кўпларни озурда этибсиз. Тенгҳуқуқли жамоа хусусинда фалсафа сўқасиз, vale қулларни занжирдан фориф айламайсиз, қулун...” Муаллими соний кўп гапирган эмиш. Абу Бакр Калавий ҳаммасини эслай олмайди. Нихоят Ал-Форобий қўлларидағи китобни очиб ниманидир ўқий бошлабди.

Абу Бакр Калавийнинг кўзлари ҳам китобнинг қуидаги сўзларига тушибди: "Фозил шаҳар сардорида жаъми фазилатлар бўлса-ю, донишманд бўлмаса, шаҳар ҳалокатга юз тутадур..." Шу ерда қизиқ ҳодиса рўй берибди. Китобнинг "Донишманд бўлмаса, шаҳар ҳалокатга юз тутадур...", "...шаҳар ҳалокатга юз тутадур...", "...ҳалокатга юз тутадур..." сўзлари жаранглаб бутун Самарқандга таралар эмиш! Бирдан "ҳалокат" сўзи саҳифадан кўчиб чиқиб, иириклишиб Абу Бакр Калавий кўзларини ёруғ олам-жаҳондан беркитиб қўйибди! Кўз олдини зулмат қоплаб олибди. Қулоғида эса муаллими сонийнинг ўша сўзлари йироқлаша бориб, охири эшитилмай қолганмиш.

Абу Бакр Калавий чўчиб уйғонди. Фира-шира тонг отиб келарди. Майдан оғриган бош озроқ бехузур қилмоқда эди. "Босинқираб қолибман-ку, — деди ўзига ўзи калима келтириб. — Салтанат юмушлари билан бўлиб муаллими сонийни ҳам фаромуш этдим. Рухлари безовта бўлибдур".

Сарбадорлар сultonни ўрнидан туриб, таҳорат олди. Жойнамозни ёзиб, бомдод намозини ўқишига тутинди. У бугунги тоат-ибодатини астойдил муаллими соний Абу Наср ал-Форобийга бағишилади. Намоздан кейин ҳам, қимирамай, узоқ тиловат туширди. Сўнг қўлини фотиҳага очиб, дуосини:

— Аъзама қадраҳу каррама важҳаҳу, илоҳо омин! — сўзлари билан яқунлади.

Эрталабки салқин баҳор ҳавосининг сехрими ёки ихлосу ибодатнинг шарофатими, ҳарқалай Абу Бакр Калавий бир оз енгил тортди. Энди бош оғриғи тарқаган, нохуш тушни ҳам хаёлидан нари қувгандай бўлди.

У об-ҳавога эътибор қилди. Ажабо, бугун билан кечаги кун ўртасида еру осмонча фарқ бор эди. Куннинг кўзи кўринмас, осмон ҳам қовоғини утоб олган, булатли, гўё қандайдир сирни пинҳон сақлаётгандай, ниманидир яшираётгандай туюларди.

Чошгоҳ бўлиб-бўлмай Самарқанд сарбадорлари салтнати кенгаши аъзолари Чорсу майдонидан Конигил томон йўл олдилар. Абу Бакр Калавийнинг негадир оёғи тортибтортмай борар, аммо буни бировга билдиргиси келмасди. Гарчанд кечаги майхўрлиқдан озгина ланжлик бўлса ҳам,



кўплар тетик, бугун бўлажак зиёфату майшатнинг завқу ҳавоси дилларни аллаларди. Айримлар Наврўзнинг биринчи кунидаги сайил тафсилотларидан сўзлашар, таассуротларни ўртоқлашар эдилар. Айниқса, Абумансур жуда хурсанд, каламуш башарасига табассум ёйилиб, сарбадорлар шаънига мақтov гаплар ёғдиради:

— Биз, сарбадорлар андоқ қудратлимизки, ҳатто Мовароуннаҳр ҳукмдорининг ўзи меҳмонга чорлайдур! Кўркишадур, ҳа, бизлардан ҳайиқишаадур! Бу шундоқ кўриниб турибди. Мовароуннаҳрда якка-ю ягона ҳоким бўладурмиз ҳали, мартабаларга эришадурмиз!

— Бисёр хурсандсиз, Абумансур? — сўради ғаши келиб соҳибевон Мавлонозода. — Важи не экан? Билсак бўлурму?

— Важи?.. Ҳи-ҳи-ҳи... — Абумансур отини соҳибевон томон бурди-да, секин деди: — Ахир яқинда дўстимизнинг тўйларида кайфу сафо айладурмиз... Хурсандчилигимизнинг важи шу!.. Қувонмайликму ё?.. А?..

Абумансур шундай деса ҳам, ичида бошқача ўйларди: "Кимнинг тўйида ким сафо айлашини ҳали кўрасен! Сенинг қайлигинг Жаҳон бика билан ўзим айш-ишрат қурамен! Қозикалон бўлиб, Самарқандда давру даврон сурамен!.."

Мавлонозода индамади. Чунки у тўй, қайлифи ҳақида бирорвлар билан ошкор гаплашишни хуш кўрмасди.

Сарбадорлар гавжум Чорсу майдонидан, Кулоллар кўчасидан ўтиб, Конигилга яқинлашиб борардилар. Улар шу палла ўзлари кўйган, ёнган, севган, қадрлаган она шаҳар Самарқанд билан бир умрга хайрлашаётганларини, Конигилга бўлган юриш дунё билан видолашув эканлигини хаёлларига ҳам келтирмас эдилар...

Амир Ҳусайн чодири олдида бугун кечагидан кўпроқ одам тўпланганди. Одатдагидек, сарбадорлар ташрифига "Шодиёна" куий чалинди; карнай, сурнай ва ногора авж пардага чиқди. Мамнун сарбадорлар, ҳеч нарсадан бехабар эллик қадамча берида тўхтадилар. Отдан тушар эканлар, Амир Ҳусайннинг саропардадан чиқиб келганлигини, кеча дастурхон ёзилган ерга етганда, уч бор қарсак урганини эшигдилар. Шу палла ҳукмдор: "Отил!" деб қичқирди. Қаёқдан-дир норгул-норгул аскарлар пайдо бўлиб, ҳайратда қотиб

қолган сарбадорларга ташландилар! Кўз очиб юмгунча ҳамасини қуролсизлантириб, қўлларини орқасига боғладилар. Фақат Абумансурга тегмадилар, аксинча у амирлашкар Хўрдак Бухорийни, Мавлонозодани банди қилишда аскарларга кўмак берди.

— Бадбаҳт! Сотқин! — тиш орасидан деди Мавлонозода.
— Ҳақиқий башаранг энди очилди!

Абу Бакр Калавий бу гапни эшилди-ю, Мавлонозоданинг "Абумансурни салтанатга яқинлаштирмак хатарлидур..." деган сўзларини эслади. Абусус, сарбадорлар султони алданганларини кеч билди.

— Не қиммақасин, эй феъли фалатлар? — деди у аскарларга. — Эй, Амир Темурбек! Уйайн, бу не қилиқ? Мардлар ишиму бу найранг? Ҳо... фи англамайдурмен!..

Амир Ҳусайир Калавий бу гапни салтанатга яқинлаштирилганда жавоб бермади. Амирлашкар кўринмасди.

— Абий ин, мубқийат Уста... — бўлсин ишқилиб, дер эдим-а... —

— Тажири чо... — Ҳи-да... — ўксинди Қодир Ҳалвойи. — Кетди, чоқидан! — алам билан деди вилаб юборди, эсиз...

— Ник қилдик, ҳибста оласиз? — қич-жмет бутун фожиани англаб етиб, —

— Ҳамониши, ўзбек... — бўлсин ишқилиб, дер эдим-а... —

— Ҳамониши, ўзбек?.. — қўшилди Лакшман ҳам.

— Гапнига ҳайрон қолган Мавлонозода ўзмакда ўзи? Сарбадорлар амирларга бандилар-ку! Амир Ҳусайн-ку, тўғри, у

— Ҳатто Жаҳон бикага совчи юбортирилди, у билан ҳисоб-китобни соҳибевон

кеинини курбони келибди... Аммо Темурбек-чи? Темурбек қаерда? Него... — Ҳамониши, ўзбек?.. Амирлашкар кўринмайдир? "Менинг кўнглим сарбадорлар тегмадилар!" демағонмиди?.. Мавлонозода кенгаш аъзолди, ахри Абу Бакр Калавий билан Хўрдак Бухорий оддигина деган одам бўлди энди? Ахир бу гапни

Обимашҳо, тарири бўйидаги суҳбатда Мавлонозода айтган,

шерикларини Темурбекка ишонтирган эди-да! Аҳд-паймончи? Ахир ҳар иккиси оталари гувоҳлигида, то ҳаёт эканлар, бир-бирларини қўллашларини изҳор этиб аҳд-паймон айладилар. Аҳд-паймон эмас, қуруқ сўз экан-да? "Фақат юлдузларгина бу дунёда абадул-абаддур, — деганди падари бузруквори Яҳё Ҳасан барлос. — Улар умр деган оқар дарёнинг сўл томонидан макон қидирадурлар, бизлар бу қирғоқда қолаверамиз. Дарё эса азим дарёdir, қурдим дарёdir. Дарёнинг у ёғида туриб, пайт келганда сенга қўл узатмайди, буни ёдингда сақла!.." Мавлонозода шу пайтгача бу сўзларга тушунмай келганди, мана энди тушунди..."

Амирлашкар Хўрдак Бухорий лом-мим демас, ҳозир сўзнинг шамолга сочилган қумдек бенафу бефойда эканлигини билар, тишини тишига қўйганча саропарда томонга қараб турарди. Гапирмаслигининг бир жиҳати, унинг Абу Бакр Калавийтга айтган ҳадигу гумонлари исботлангани ҳам эди. Бу ҳақда оғиз очса, сарбадорлар сultonига таъна бўлиб туюлмасин, деган андишага борди, дўстини аяди. Бусиз ҳам унинг аҳволи аён. Ана, саропарда рўпарасида шитоб баланд дор тика бошладилар. Ўттиз етти ёшга кирган амирлашкар Хўрдак Бухорий ёш туриб ўлиб кетишдан қўрқмайди, бир бошга бир ўлим ҳамиша бор. Фақат фозил жамоа қурмак орзуси амалга ошмай қолаётганидан, бунга эса ўзлари, ҳа, ёлғиз ўзлари айборд эканликларидан жони ачириди, холос. Аксига олиб, бугун лашкар ҳам тарқатиб юборилган, ғофил аскарлар сайил қилиб турли жойларда юрар эдилар...

Сарбадорлар сultonи Абу Бакр Калавий ногаҳоний ғазабдан тили боғланиб қолган, инсон зотининг бу қадар маккору айёrligi, тақдирнинг бу қадар буқаламунлигидан ҳайратда эди. Кечаги зиёфату мана бу фалокат... Кеча улар амирлар билан бир дастурхон атрофида ўлтирган, майшат қилган эдилар. Бугун эса ана бу саропарда билан мана бу тикилаётган дор ўртасида даҳшатли тубсиз жарлик ётибди. Шу пайт Қавомиддин қозининг арра овозидай кулгуси эши-тилди. Нега қозикалонни омон қолдирди? Абумансур-чи? Сарбадорлар сultonи хуфия сафи сардори бўлиб туриб, ғаним учун от сурғон экан! Ё раббий! Сарбадорлар сultonи ўзини тўғрисўз, ҳалол деб билади... Наҳотки тўғрисўз, ҳалол

одамга кун йўқ бу оламда? У Амир Ҳусайн билан Темурбекларга ишонди, йўқ эса Ҳўрдак Бухорий айтганига кўнганда, бундай фалокатга йўлиқмасдилар. Кўнгилни қийнайдиган жойи шуки, сарбадорларнинг сардорлари дорга тортилмайдилар, балки улусни баҳт-саодатли қилмак фояси, тенг ҳуқуқлилик аъмоли, мақсади, нияти дорга тортилади! Ҳалқ такрор калтабин, мартабалар ишқибози — ўшал мансабпаст ҳокиму амирларга қул бўлиб қолаверади, қолаверади... Барча айб Абу Бакр Калавийда, ҳа, авлодлар билиб қўйиснларки, Самарқанд сарбадорлар салтанати инқизози фақат Абу Бакр Калавий бўйнидадир! У амирларга кўр-кўронада ишонди, менинг ниятим яхши бўлгач, ёмонлик кўрмаймен, деб ўйлади. Ёнида қиличи борларга ҳеч ишониб бўладими, эй Абу Бакр Калавий! Ҳайҳот!..

Сарбадорлар султонининг қорайиб кетган юзига аччиқ кулгу ёйилди.

Чодир ичида ўлтирган Амир Ҳусайн мамнун, қисик кўзла-рида кулгу ўйнар экан, дунёда энг ашаддий душмани бўлган сарбадорларни осонгина қўлга туширганига ишонмасди. Яна у Мовароуннаҳрнинг якка-ю ягона ҳокими!

— Салтанат тузган ялангоёқлар! Хе-хе-хе! Тахтга миниш осон эканму? — кулди Амир Ҳусайн. — Тахтимга кўз тикканлар ана шундок қон ютадур! Шағолни шер боласисен, деб алдадилар, у ишонди. Шервачча деб чақирсалар, маҳлиё бўлиб ҷоҳга тушганини билмай қолди. Ўзидан кетишнинг оқибати шулдир. Заковатсиз кишилардан йилқи афзал!

Амир Ҳусайн "менинг тахтимга кўз тикканлар..." деганда фойибона Темурбекка ҳам теккизиб ўтди. "Жуда ўзингдан кетма, бир кун сен ҳам шундай аҳволга тушасен" қабилида маънони жойлади у назарида ўзининг гапига.

Иттифоқо, амирлашкар Темурбек саҳар шаҳарга, эгачи-си Қутлуғ Туркон оқаникига кетган, улар Наврӯзнинг иккинчи куни Шоҳизиндага бориб, азиз-авлиёларни зиёрат этишини дилга тушишганди. Икки ой олдин вафот этган Улжой Туркон оқа ҳам шу ерга дафн этилганди. Амир Ҳусайн пайтдан фойдаланиб қолмоқчи эди. Икки амир ўртасида пинҳона кураш ҳеч тинмас, ҳар ерда ҳар лаҳза давом этарди.

Қавомиiddин қози билан Абумансур ёnlарига аскарлардан олишиб, сарбадорлар раҳбарлари дорга осилишини билдиргани шаҳарга кетдилар.

Абумансур тўрт аскарни етаклаб, бошқа кўчаларни оралаб бўлгач, кейин Арк кўчасига боришга қарор қилди. Унинг мақсади гўзал қиз Жаҳон бикани қўлга киритмоқ эди. "Абу Бакр Калавий ҳам, Мавлонозода ҳам дорга тортиладир, — деб ўйларди у от чоптириб бораркан. — Энди Абумансур олдида ҳеч қандай тўсиқ йўқ! У Жаҳон бикага уйланиб, давру даврон сурадир! У мана шундай кунларни орзу қилиб келди. Хайрият, ниятига етди!..." Унинг шилпик кўзлари қувончдан юмилди.

Бирпасда машъум хабарни эшишиб, дор атрофига одам ёғилиб кетди. Бу томоша сайилдаги жаъми томошалардан кескин фарқ қиласарди.

Нақоралар қоқиди. Ташвишли садолар юракларни сирқиратиб ўтди. Саронарда олдига қўйилган таҳтда Мовароуннаҳр ҳукмдори салобат тўкиб ўлтириби, атрофда эса Бадаҳшону Боглон, Андҳой ва Шибирғон, Қаршидан йиғиб келинган қўшин саф тортган. Дор теварагида Самарқандан, узоқ-яқин қишлоқлардан сайилга келган одамлар туришарди. Улар ичида сарбадорлар ҳам бор.

Амир Ҳусайн издаҳомга қараб деди:

— Эй, аҳли Самарқанд! Маълумингизким, бадбаҳт мўғул билан юз берган жангда бевафо омад биздан юз ўтириб, чекинишига мажбур бўлдик... Ҳукмдорингиз Жайҳуннинг у томонида, амирлашкар Темурбек эса бу томонида аскар йиғиб, кучдан қолғон салтанатни оёққа турғизмак ташвишида кўп азият чекдик. Юртнинг улуғлари шундоқ машаққат гирдобига ботғон бир пайтда Самарқандда бир тўда ялангоёқ, гадо, рунуду авбош ўзларини сарбадор атаб, фаяқат Чингизхон авлодларига мансуб бўлғон ҳукуматга қасд қилиб, иқтидор курсисиға ўлтурдилар, яrim йил мобайнида идора этдилар. Қуввату ихтиёрлари кўп бўлғон бу ялангоёқлар бошларига фуур боди хаёли тушиб, жасорат оёғини ўз ўрнидан баландроқ кўтардилар ва ғазабли ёвуз қўлларини қон тўкишга, фасод чиқаришга чўздилар... Ҳукуматга

тажовуз айлағон бадхулқ бандалар дину мусулмончиликни поймол этишда илфорлик күргиздилар, расамадни буздилар...

Саропарда ёнидаги одамлар орасида мударрис, яъни Хожа Лутфуллох, имом Қутбиддин, шайхулислом Абулворис Самарқандийлар ҳам бор эдилар. Шайхулислом Совғончи қишлоғига бадарға қилингандан бери мударрису имом билан илк бор учрашиб турғандилар.

— Бало-қазосидан сақласин, бало-қазосидан сақласин! — дерди имом Қутбиддин.

— Сарбадорлар ўзлари ёмон одам эмас эдилар, — сўзланди шайхулислом афсус билан. — Аммо юрт бошқаришни билмасдилар, ахир ота-боболари юрт бошқариб келишмағон...

— Ажаб... Ажаб... — демакдан нарига ўтмасди мударрис.

— Чинос жангига бораётиб, раҳматли Садр Сулаймондан сарбадорлар ҳақида таинвишли гаплар эшитиб эрдим... —

— Этди Амир Ҳусайн. — Бир кун қолиб, бори тўнгбўйин-

и қиличдан ўтказиб бормагим лозим эди. Эсини ўнглар,

йўлдан қайрилмадим. Ҳимматимизни англашмади бу қўйилар! Аксинча, ўлпондан бош тортишди, муҳорабамиз-

боратга чиқаришди, қочиб қолғон амирларнинг ҳоливой, айюҳаннос солишиди. Бу оламда ҳар нарсанинг жавоби бордир. Мовароуннаҳр хони Қобулшоҳ фармони билан ўзларини сарбадор деб атаган гумроҳлар дорга тортиладур! Ахир сарбадорларнинг эътиқоди "бошимиз дорга тортилсун" деган сўзларда жам эмиш-ку... Фармон ижро этилсун!

Амир Ҳусайн Темурбек қайтгунча сарбадорларни саранжом этиш ташвишини чекарди. Нақоралар овози кучайди. Биринчи бўлиб сарбадорлар султони, қўллари боғлиқ Абу Бақр Калавийни дор тагига олиб бордилар. У ҳеч нарса демас, қўй кўзлари одамлар оша йироқларга, тоғларга тикилган, уларда афсус-надоматдан белги кўринмасди. Ҳа, олам кенг, бепоён, аммо ҳозир бу оламда бор-йўфи беш-олти лаҳзалик умр қолган эди, холос... Унга бир нарса қаттиқ ботди, одамлар ичидаги сарбадорлар сийрак тортгандай кўринди, сабаби, айрим сарбадорлар пахтагуллик жомаларини ечиб кўлтиқча урган эдилар. Водариф!

Аскарлардан бири унга сиртмоқ солмоқчи бўлди. Абу Бакр Калавий бўй бермади.

— Шошилма, эй феъли хунук! Битта бош бўлса сеники бўлур!

Иккита аскар унга ёпишишиб, қийнай бошладилар. Шу пайтгача индамай ўлтирган амир Кайхусрав аскарларга ғазабли қичқирди:

— Нечук султонни хор қилурсен? Тийил! Гуноҳкор бўлса ҳам ул сарбадорлар султонидур! Абу Бакр Калавий қалима келтирмакчи! Имкон бер!

Аскарлар чекилдилар.

— Улусимиз, ҳалқимиз сарбадордир! — деди Абу Бакр Калавий. — Ҳокимлар зулму истибод түгин юксак кўтардилар, афсус, биз зулм түгини йиқа олмадик, зулм занги ҳаёт оиналаридан кетмади... Барчани teng ҳуқуқли этиб бўлмади. Самарқандни фозил шаҳарга айлантириб улгурмадик. Начора, Аллоҳнинг иродаси шундок экан... Сарбадор отабоболар хатоси сарбадор фарзандларга сабоқ бўлсин! Биз ҳозирча енгилдик. Қутлуғ йўлда мағлуб бўлдик... Бас, бошимиз дорга тортилсун! Сарбадор!

Абу Бакр Калавий энди мағур бошини сиртмоқقا тутиб берди. Шу пайт бирдан эрталаб кўрган тушини эслади. У тушини Қорасоч бикага айтмоқчи бўлган, лекин шерикларини кутдириб қўйишдан андиша қилиб, шошилиб буни кейинга қолдирганди. Афсуслар бўлсинки, Қорасоч бикани, қизи Жаҳон бикани кўз олдига келтирди, Шамсулмулкни ҳам... Сарбадор Ҳожа Қурробий ёдига тушди. Сабзаворда сарбадорлар элхоний Туға Темурхонни ўрдасига бориб меҳмон бўлиб, ўлдириб қайтгандилар. Бу ерда эса сарбадорларни меҳмондалик пайтида ўлдиришмақда... Тақдирнинг тескари ўйинлари... Бирдан ўйлар, хотиралар кесилди, сиртмоқ бўғиб, ёруғ жаҳон қоронғи бўлди-қолди.

Амирлашқар Хўрдак Бухорий бир оғиз ҳам сўзламади, фақат дор тагида мағрур туриб "Сарбадор!" деб гулдираб овоз берди.

Камонмерганинг дордаги паҳлавон гавдасини кўрган амир Мусо: "Шундай лашкарбошиларинг бўлса экан, — деди ўзига ўзи. — Паҳлавон бекорга кетди-я..."

Нодирбек ибн Яхё — Мавлонозода, сарбадорлар салтноти соҳибевони ҳам умрининг саноқли онлари қолганлигини билди. Эндиғина йигирма тўрт ёшга кирган йигитнинг орзу-ҳаваслари бир олам эди, икки-уч кундан кейин Жаҳон бика билан тўйи бўлиб ўтарди... Йўқ, йўқ, бари энди ортда қолди! Тақдир уни ўзгача сийлашни лозим топди.

Аммо у зинҳор ўксинмайди. Умрини сарбадорларнинг улуғ эътиқоди йўлида балогардон қилди. Юрт ташвишини чекди, эл-улус фамини еди. Бир фарзанд учун шу кифоя қилур, иншоолло... Аммо, Темурбек қай ерда?.. Темурбек?.."

Қошлиари қоп-қора, олифта мўйлаби бор Мавлонозода бошини фоз тутиб, дор тагига қараб юрди. Дорга тикилди-ю, бир пайтлар Лакшманнинг уйида кўз олдига келган дорни эслади. Ажабо, ўшанда дорда аввал Мавлонозоданинг мисқоли салласи осилган, кейин салла бошга айланиб қолган эди. Мана, яна дор... О, қисмат!..

Шу топда:


— Тўхта!!! Тўхтангиз!!! — деган кучли овоз эшитилди.

Ҳамма овоз келган томонга қаради. Уч юз қадамлар нарида шаҳар ёқдан кимдир от чоптириб келарди. Бу Темурбек эди. У Шоҳизинда қабристонига бориб, эндиғина Қусам ибн Аббос мақбарасини зиёрат этиб чиққан, Улжой Туркон оқа қабрига эса ҳали ўтолмаган эди. Одамларнинг оғзидан: "Конигилда фалокат юз берибди! Сарбадорларни дорга тортишмоқда экан!" деган сўзларни эшитиб қолди. Эгачиси Кутлуғ Туркон оқага қараб:

— Яна Амир Ҳусайн иш кўргизибдур!.. — деди-да, узр сўраб шитоб Конигилга от қўйди.

— Нега тўхтадинг?! Ос дорга, даюс!! — бақирди Амир Ҳусайн дор ёнидаги навкарга.

Навкар каловланиб, Мавлонозоданинг бўйнига сиртмоқ сола бошлади. Одамлар дам дорга, дам иш суст кетаётгани-



дан фижинган Амир Ҳусайнга, дам эса узоқдан отига қамчи босиб келаётган Темурбекка қарар эдилар.

Рикобдор чопиб бориб, амирлашкарга тушишга кўмаклашди. Темурбек ҳеч ким билан салом-алик қилмай, тўғри дорга қараб юрди. Баланд бўйли чорпахил амирлашкарнинг шиддат билан келаётганини кўрган навкар беихтиёр ортига тисарилиди. Темурбек ранги оқариб кетган Мавлоно зоданинг бошини сиртмоқдан чиқарди ва пастга олиб тушди. Бу пайт нариги дорда Уста Кулол билан Қодир Ҳалвойиларни осиб бўлган эдилар.

— Бу ёғи қандоқ бўлди, Ҳусайнбек?! — сўради Темурбек, ниҳоятда дарғазаб эса-да, билдирамасликка тиришиб. — Бу бечора сарбадорларнинг гуноҳи не? Булар ҳам худонинг бандалари-ку?..

Амир Ҳусайн таҳтда ўлтирас экан, Темурбекнинг бирдан келиб қолиб ишга халал берганидан ранжиганини яширмас, Темурбекка боқмай, ҳадеб навкарни жеркир эди:

— Ландовур! Латта! Олиб бориб йигирма дарра урингиз! Сендайларнинг орқасиндан салтанат пароканда, турли ялангёқлар юртни эгаллашга уриммоқда!..

— Ҳусайнбек!!!

Темурбекнинг кучли овози ҳаммани ўзига қаратди. Улжой Туркон оқанинг тўсатдан вафот этиши ораси асли яхши бўлмаган икки амирнинг ўзаро муносабатларини ортиқ чигаллаштириб юборди. Сарбадорлар воқеаси бунга қўшимча бўлди, ўрталаридағи сиркани тагин ачитди.

— Ҳусайнбек! Сиздан сўраётимен: сарбадорларнинг гуноҳи не? — Темурбек таҳт олдига яқинлашди. — Бу қандай мусулмончилик ахир?

— Аҳ-ҳа!.. Темурбек!.. Мана энди кимлигинги аён бўлди! — деди кутилмаганда Амир Ҳусайн. — Энди кимлигинги аён бўлди... Ҳа-а!.. Сиз ҳамиша менинг тутумларимга қаршилик этиб келдингиз! Биламен, мен сизга ёқмаймен!.. Ҳа!..

— Гапни опқочманг, Ҳусайнбек! — Энсаси қотди Темурбекнинг. — Гап сарбадорлар устида кетмоқда, сизнинг ҳақингизда эмас!..

— Ўзингиз опқочмоқчисиз гапни, Темурбек! Тўртта-бешта ялангоёқни деб, орамизга совуқчилик тушиб турибди...

Бўлаётган гаплардан амирларнинг ҳар бири ўз ҳолича иш тутишлари кўриниб туради. Нариги дунёнинг оғзидан қайтиб келган Мавлонозода атрофга аланглар, бу остинустун оламга ҳайратда боқиб, ўзича пицирларди: "Нега дўстларим ўладилар-у, мен омон қоламен?" Ҳеч кимнинг у билан иши йўқ, ҳамманинг хаёли икки амирда эди. Бирдан Жаҳон бика йигитнинг ёдига тушди. Ҳа, у шу қизни деб тирик қолиши керак! Қизнинг ҳоли не кечди экан?.. Кўнгли ғаш йигит одамлар орасидан аста сирғалиб чиқди, қайдандир қилич топди-ю, тўғри келган отни миниб, шаҳар томон учиб кетди.

— Мен сўзимнинг эгасимен, Ҳусайнбек! — деди Темурбек вазминлик билан. — Ўн сўзни сўзлассанг, бирини айтфил, тўққизини тийфил, дейдилар. Бас, тўққизини тийиб, бирини айтғоймен, ўшал сўзимда турғоймен.

— Нима, Мовароуннаҳр ҳукмдорининг сўзи иккита дурму? Ул айтғон сўзида турмасму?

— Буни бандаси билмайдур, Аллоҳ биладур, илло айтмайдур, — киноя билан жавоб қилди Темурбек. — Қуръони қаримни ўртага қўйиб дўсту биродар бўлдик... Шундан сўнг Чекчек дараси ёнида қўлга тушириб ўлдирмоқни ўйладингиз. Салтанат хизматини яхши адо этмади, деб баҳона қилиб менинг йигитларимга товон солдингиз... Чинос ёнидаги жангда атайлаб сусткашлик этдингиз, енгилморимиз сабаби ёлғиз ўшалдирки, яна душманнинг бирор ўқига учар деб кутдингиз... Чопаримнинг тилини кесиб, оғзини қонга тўлдириб жўнатдингиз. Барча-барчасини пинҳона менинг бағримни ўймоқ учун қилдингиз!..

— Зинҳор! Зинҳор! Мен ҳаммага бирмен, менга хосу ом баробардур! — ён бермасди Амир Ҳусайн. — Аммо... мени сарбадорларга, анови қўскиласрга бунчалик меҳрибончилик кўргиза ётғонлифингиз ҳайратга соладур... Улар билан қилғон аҳд-паймонларингизни бузиб қўйдимми, дейман, а, Темурбек?

— Сарбадорлар мард одамлардир, Аллоҳ олдида айтадурғон сўзим шулдир! Мен мардларга тан берурмен! — деди Темурбек. — Сиз билан биздай амирлар қилолмағон ишни ўшалаар адо этлилар, юртни душман форатидан асраб қолди-

лар! Сиз билан биз эса, Ҳусайнбек, андоқ қилодурмиз, бундоқ қилодурмиз, деб, биримиз Амударёнинг у томонида, биримиз бу томонида жонимизни сақладик... Сўнг бизлар уларга маншури давлат юбордик. Улар бизларни одам деб ўйладилар, ишондилар... ишониб Конигилга келдилар, дилларида ёмонликни ўйламадилар. Биз шундай яхшиликка нима билан жавоб бердик?.. Дорга осиш билан!.. Билингизким, бундай ноинсофликни Аллоҳ кечирмайдур! Келажак насларга Амир Темур ўз улуси одамларини ўзи дорга осибдур, деб масал бўлғоним аlam қиласур, холос... Афсус, фафлатда қолдим, бир умр юрагимга тош бўлиб ботадур бу нарса! Чунки сиз яна менинг баъримни ўйиш учун бегуноҳ сарбадорларни дорга тортиридингиз!..

Ҳамма жум, жеч ким орага қўшилолмас эди. Амир Ҳусайн Темурбекининг мантиқий сўзларини эшитиб, оранинг узилсизна бузилишини таъвудади, уларни бирлаштириб турган сине яни тади бўғт

— Энди... биланбиз-да, Темурбек... Сарбадорлар сизнинг зулматариниң охан-ку, — Амир Ҳусайн шартта шаллабуллоҳни ўзи. — Есанчи! Мени пандавоқи деб ўйламангиз, сизни... Они кўнглови тахтимга кўз тикасиз, ўзингизга бино вўйни, Мовароуннахрга хону хоқону шаҳаншоҳ бўлиб даври... роҳакни бўйсан!.. Мен эса йўлингизга говмен!.. Энди сарбадорлар билан ўзи бириткириб, Амир Қозогон зурёди-яч орадат олиб ташлемакчи эдингиз! Худди шунинг учун ҳам сиз Самирқандага маншури давлату у-бу юборайлик деб, эсининг кетди-да! Шунинг учун ҳам, сарбадорларнинг ҳокимияти ўз қўлларига оғонлиқларини мақбул ҳисобладингиз-да! Нима, улар ҳокимиятни сизга беришмакчи эдиларму?.. Ах-тайин! ё пундоқ эдиму?.. А?..

Темурбекининг бир даҳза тили боғланиб қолди, лекин дароров ўзини ўтиклиди.

— Тукмук, Темурхон Мовароуннахрга бостириб келғонда менга ўзининг бобоси Қобулхон билан менинг бобом Қочувли баҳодирларнинг аҳдномасини кўрсатғон эрди. Ўша пўлат тахтачада шундай сўзларни ўқифондим: "Хонлиқ Қобулхон авлои қўлида, амирлашкарлик эса Қочувли баҳодирхон болаларида бўлсун, улар бир-бирлари билан ёвлаш-

масунлар". Кейинроқ эса бешинчи жаддим Қорачар нўён Чингизхон қўлида амирлашкар бўлғон. — Темурбек Амир Ҳусайнга тик боқди. — Э, Ҳусайнбек! Мен амирмен, иншо-оллоҳ, амирлигим ўзимга етадур! Менга амирлашкарлик ота меросдир, ҳар доим амирлашкарлигимни қилурмен! Борди-ю Аллоҳ, юрт бошқаришни фақирға насиб этса, билсунларким, мен ўзимни хон, хоқон ё шаҳаншоҳ деб атамасмен! Асло! Менга ёлғончи шон-шухрат, сохта обрў ҳожат эрмас! Мен Амир Темурмен... Амир Темур бўлиб қоламен!..

Темурбек гапирав экан, беихтиёр қўли қиличга бориб қолар, Амир Ҳусайн эса ўрнидан туриб кетай дерди. Икки томоннинг амирлари, мабодо иш қиличга бориб тақалгудай бўлса, нима қилиш кераклигини ўйлаб, шай ҳолда қараб турар эдилар. Ҳеч ким ён беришни истамасди. Темурбек авваллари бундай ҳолларда шайтонга ҳай бериб, кечириб кетавераарди. Ҳозир ундаи бўлмади:

— Бас! Сўзини иккита қиласурғонлар билан ортиқ бир йўлда юрмасмен! — қатъий деди Темурбек.

Амир Ҳусайн ҳам қараб турмади. Шу ондаёқ Темурбекдан амирлашкарликни олиб, ўрнига амир Мусони тайин қилди. Амир Мусо бундан хижолат эди.

"Яхши бўлмади!", "Хунук бўлди!" дейишди одамлар.

Темурбек Аббос баҳодирга буюрди:

— Сарбадорларни Шоҳизинда қабристонига дафн этурмиз... Аллоҳнинг буюргони бу, начора... Кулли нафсин заикатул мавт¹...

Аббос баҳодир Шахриёр, Нозим Меҳмет, Лакшман, Исҳоқ этикдўзлар ҳаммалари биргалashiшиб дафн ишлари билан машғул бўлдилар. Конигилдаги Наврӯз байрами ҳам азага айланди.

1989 йил

¹ "Ҳар бир тирик жон ўлим шарбатини тотади". ("Куръони карим"дан.)

СОҲИБҚИРОН ТАШРИФИ

Тарихий ҳикоя

*Ш*одшолик мартбасида илк бор Самарқандга қадам қўйган Амир Темур эгачиси Қутлуғ Туркон оқанинг кенг ва мўл ҳовансига келиб тушди, бу арқдан унча узоқ эмасди. Бодомқовоқ, хушрўй, онасидан кўра кўпроқ отасига тортгани, юмалок юзли Қутлуғ Туркон оқа хурсандчилигидан ўзини қуттагани жой топа олмай қолди. У, ҳали соҳибқирон Балхда ёкан, шавқатни амирни қандай кутиб олиш ғамини ея бошлади. Ҳудога шукур, шундай кунларга ҳам етди! Шавҳари¹ Амир Довуд дуғлат ҳам ҳумоюн уғруқ Шаҳрисабзда тўхтаб турганидай, ҳудди шу ниятда Соҳибқирондан ижозат олиб, бир неча кун аввал Самарқандга жўнаб кетади.

Нуфузни дуғлат амирининг ўғли Амир Довуд дуғлат Темурбек эгачисига уйлангач, келиннинг пойқадами ёқибми, Самарқанднинг зътиборли кишиларидан бирига айланди. Ҳайҳотдан юзли ҳамиша меҳмонлар билан гавжум. Йигирма йилдирки Амир Довуд дуғлат ва Қутлуғ Туркон оқа шу ҳовлида умртубронолик қилишади, тўйлари ҳам шу ерда ўтган. Аллоҳ, зебо уларни тўрт йил фарзанд йўлига қаратди. Биринчи фарзандлари Сулаймоншоҳ туғилганда бу ҳовлида катта тўй бўлиб кетди. Ўшанда Амир Тарағай билан Текина ҳогуналар набираларнинг кетма-кет туғилганларидан шошилиниб қолдилар. Битта гижинглаган тойни етаклашиб, безатилган олтин бешикни олишиб, Самарқандга келишиб ултурмай, орқаларидан Шаҳрисабзда Темурбек хонадонида парвандигорнинг инояти билан бир ўғил туғилганлиги, келинлари Турмиш оқа юқидан бўшаб олганлиги

¹ Шавҳар — умр йўлдоши, ёстиқдош маъносида.

ҳақида хабар етди. Сулаймоншоҳ Жаҳонгир Мирзодан ойига катта эди, холос.

Аввалги ҳаражу мараж¹ замонларда Темурбек вақт-бевақт, кўпинча кечаси, яшриниб бу ҳовлига кириб келар, дунё тор бўлиб қолганда шу ердан паноҳ топарди. Самарқанд деганда, Темурбек даставвал меҳрибон эгачисининг фариштали ҳовлисини кўз олдига келтирас, бундан кўнгли сув ичар, вужуди яйради. Чорпаҳилдан келган, бақувват, гулдираб босиқ оҳангда гапирадиган Амир Довуд дуғлат қачон, қай вақтда юз беришидан қатъи назар Темурбекнинг ташрифидан, шиҷоатли амир билан дийдорлашганидан мислсиз қувончларга ботарди. Ўлимдан тап тортмас дуғлат амирининг ўнг юзида билинар-билинмас қилич изи кўриниб турарди. Темурбекнинг келар кунлар ҳақидағи сўзларини эшитганда унинг қисиқ кўзлари мамнунлиқдан ўйнаб кетарди. Эгачи ҳам, почча ҳам ҳамиша шаҳрисабзлик амирга кўмак қўлини чўзишга тайёр турадилар.

Олий мартабали меҳмон қўш табақа дарвозадан ичкарига кириши биланоқ, пойига бир жонлик сўйдилар. Меҳмонни ҳовли ўртасидаги, атрофига қалин толлар экилган, зилол сувлари лиммо-лим ҳовуз томон бошладилар. Ушбу ҳовуз бўйида ўлтириш Темурбекка азалдан хуш ёқарди. Ҳар келганида тол тагидаги супада шойи тўشاқда парқувга ёнбошлиб, зилол сувга термилиб, фир-фир эстан шабадада яйраб ўлтиришни яхши кўрарди. Кутлуг ташриф саратоннинг сарик кунида юз беришини, кун иссиқ бўлишини назарда тутиб, эгачи билан почча, соҳибқирон бироз роҳат қилиб ўлтирисин, дея ҳовуз устига атайлаб чиройли панжарагулчин сўри ясатдилар. Тўртта нақшин устунга ўрнатилган кўшксимон нилийранг том ҳавода муаллақ туриб қолгандек вазнсиз туюларди. Амир Темур, кўшк унинг ҳурматига маҳсус бунёд этилганини билди, эгачиси билан поччасига меҳри қалбида ортиқ жўш урди... .

Ҳовлининг ўнг томонидаги очиқ айвон тагидан дилтортар наволар тараларди. Юртда номлари машхур найчи Султон Аҳмад, қонунчи Хожагин Жаъфарий, удни қийворади-

¹ Ҳаражу мараж — анархия маъносида.

ган Султон Мұхаммадлар қамишдан бел боғлаб хизматда әдилар.

Амир Темур даставвал пири муршид Мир Саййид Баракані сүрига таклиф этди:

— Марҳамат күргузсингелар, пийрим!

Мир Саййид Барака әхтиромлари учун Соҳибқиронга шукроналар келтириб, сүрига биринчи бўлиб чиқишдан ўзини тийди ва қўлларини кўксига қўйиб:

— Биз ризодурмиз! Биз ризодурмиз! Ўзлари бошлаб берсунлар, Амир соҳибқирон! Ўзлари!.. — дея мулозамат билдириди.

Навбатма-навбат Суюрғатмишхон, Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз, Амир Муайд арлот, Давлатшоҳ баҳши. Аббос баҳодир ва бошқа амирлару баҳодирлар ҳам сўридан жой олдилар. Аҳли салтанат жамулжам эди. Ёз неъматларидан бозангандастурхонга бир-биридан мазали таомлеб тортниди. Жамбили райҳонлар ҳиди анқиб турган умоч оғизни сўнг титрама кабоб, ортидан коваток буғлама келди. Оратерада равочдан тайёрланган таом, каллапоча, яхна жигарларни ҳали тановул айлаб қўядилар.

Мамлакат нойтакти фирдавсмонанд Самарқандга қадам қўйгандан кейин ҳам Амир Темурнинг кайфиятида бирон бир ўзгартириб баштимади. У шаҳар, эл, раё аҳволини кўрибми, ҳар хил ўйлар оғушида қолгандек эди. Катта бир чўққига чиқиб, ортига, настда қолиб кетган ўтилган йўлга назар ташлаган саййидга ухшарди соҳибқирон шу паллада!.. Сайёҳ энг баланд чўққига чиқдим, мақсадимга етдим, дея мағрур бош кўтариб атроф оламга назар ташлайди, назар ташлайди-ю забт этгай чўққисининг кичиклигини, юксак чўққиларнинг эса олдиңда савлат тўкиб турганлигини кўради... Қалбини ярим голиблик гуйгуси, ярим ўқинч ҳисси чулғаб олади. Чўққиларга чиқмоқ учун ҳали кўп тер тўкмоқ кераклигини англайди.

Шу пайт зерҷӯва палов келтирилди.

— Кўп таомларни тановул этсак-да, паловга ҳамиша жой топилур! — ҳозил аралаш сўзланди пири муршид. — Биз... бошладук! Олсунлар, Амир соҳибқирон!

Амир Темур фағфурий лаганга қўл юборди. Кейин ўзга амirlар ҳам иштаҳа билан хушбўй ҳиди таралиб турган олтинранг паловни тановул қилишга киришдилар.

— Эй соҳиби шараф амирларим! Бизлар Турон ерининг болалари дурмиз. Фарзандларига мулк улашфонда Чингизхон ҳоқон юртимизни ўғли Чифатойхонгараво кўрмиш... Маълумингизким, Чифатой улуси ушбу дамларда парокандадур...

Соҳибқирон кучли, ўқтам овоз билан гапиради, шошилмас, овозида кишини ўзига жалб қилгувчи қандайдир жозиба, сеҳр мужассам эди.

— Оре, рост... — деб қўйди пири муршид.

Бу пайт ош ейилиб, лаганлар йигиштириб олингаңди.

Офтоб тиккага келган бўлса-да, томлар орасидаги сўрида мўътадил салқин ҳаво ҳукм сурарди. Шавкатли амирлару баҳодирлар ҳамон сукут сақлаб келаётган соҳибқироннинг ногаҳон сўз бошлаб юборганидан ҳушёр тортдилар. Суюрватмишхон Амир Сайфиддин некўзга қаради, у одатдагидек томоқ қириб қўйди-да, рўбарўда тиз чўқкан Амир Жоқу барлосга кўз ташлади, Амир Жоқу барлос Амир Муайяд арлотта. Амир Темур сўзларди:

— Хоразм Танғадой авлоди Сўфийлар қўлидадур, Жета бўлса Қамарииддин ва Анқо Тўра каби қайсар амирларга тебе... Улар улуснинг қўллари етган бўлакларини малолсиз ўз ҳукми қарорлари қабзасига киритиб, жаҳон ягонасимен, деган хаёл этагидан тутмишлар. Аллоҳ, инояти бирлан кўнгли-мизда улуғ мақсадлар, мулку миллат тамойиллари устувордур, бас, қадим улусни тикламак шарт, бор саъй-харакат, шахту шижаот юзини унга қаратмак лозимдур. Аллоҳ, таоло биз бандаларига қулай имкон ато этди, бундай чоғда фурсатни, келиб турғон омадни илиқдан бермак — кечирилмас жиноятдур!.. Аллоҳ берган омад — Турон юртин тикламакдур, фурсат ҳозирдур, ушбу лаҳзалардур!..

Салтанат акобирлари соҳибқирон сўзлари мағзини чақишига уриндилар. "Аллоҳ берган омад — Турон юртин тикламакдур!" — дея пицирлади ичиди Амир Довуд дуғлат. Амир Сайфиддин некўз соҳибқироннинг мантиқан кучли мушо-

ҳадаларига яна бир бор тан берди ва бир лаҳза ўзаро бошбошдоқликлар тинган, дориломон Турон мамлакатини қўз олдига келтириди.

— Мақсудни ҳамиша катта қилмак керак... — пири муршид бирдан ҳали соҳибқирон сўзлаш ҳавосида эканлигини англади-ю жим бўлди. Чиндан ҳам Амир Темур сўзида давом этди:

— Катта давлат машаққатлар эвазига келадур. Даставвал ўз уйимизни ўнглаб олайлик. Жаҳон элини баҳтиёр қилмакка бел боғлағон султон иморати мустаҳкаму собит бўлмоғи зарур. Давлатимиз туғининг марказига айланажак Самарқанд шуҳрати-ю довруғи оламдаги барча макону манзиларга тиб борсан! Шаҳарда олиймақом бинолар, тиллакори сарбийлар бўлди этилсун!

Иншадид, "Бунёд этилсун!" деган сўзлар янгради. Амир Темур сўзларни Самарқанд, унда қурилажак иморатлар, сарбийлар, Генгизхой ва Бўстонсарой қасрлари, шаҳарни кўмакчаладиган девор, ўқдек кесиб ўтадиган маржондек тизилажак савдо расмийларасалар ҳақида завқ-шавқ билан гатарди. Ҳар атрофида барпо этиладиган ажиг тибундай таърифладики, ўлтирганлар ибораларда кезиб юргандек, сарин ҳаводарлиги ҳис қилдилар.

— Олар дарвозаси олислардан савлат тўкиб менажонда Амир Темур. — Ушбу юмушларимизни ўзгурлаб олди эзгуудир. Давлату салтанат кўшкини эзгу ва сарбийларни ўзгурлаб олди. Йиғори устига бунёд этилса, унинг қадри ишороллоҳ, фалак қунгиралари қадар сарбалоҳ.

— Бондаги садр тилак бўйдаги хайрлири бил оланини ўзга, Ҳаматидан дариф тутмасун! — қўлини алантираш экан, Мир Сайид Барака шаҳар қурмак, бунёд этмақдан ўзга йўқурган ўзига йўқдур! Ал-ҳамду лиллаҳир рабби.

— Рост сўзладилар! — пири муршидини кўллаб-кўллаб Амир Сайфиддин некўз.

Атрофидини кўзумсанчи овозлар эшитилди.

— Бас, фирмавсмонанд Самарқанд овозаси оламшумул Бағдод шаҳрини лол айласун, токи аламли кўз ёшлари Дажла бўлиб оқсун! Миср рашку ҳасаддан ўзини дарёи Нилга отсун! Кўстантиния эса дардини Шўрдарёга айтиб йиғласун!

— Айтгонингиз келсун, илоё, соҳибқирон! — гулдиради Амир Довуд дуғлатнинг овози. Амир Темурнинг сўзлари ҳаммадан ҳам Самарқанд доруғасини қувонтириб юборди. Ўлтирганларнинг юзларига ёқимли табассум ёйиди.

Амир Темур кўзлари билан кимнидир қидира бошлади. Амирлару баҳодирларнинг ҳар бирида, соҳибқирон мени қидирмаётганмикинлар, деган тарафлуд сезилди. Пири муршид Мир Сайид Барака ҳам шундай ҳолатга тушди. Олий назар ҳаммадан ўтиб, қуйироқда тиз чўккан амирлардан бирида тўхтади:

— Амир Оқбуғо!

Амир Оқбуғо найман шитоб ўрнидан қалқди ва қўл қовуштиргунча деди:

— Амрингизга мунтазирмен, Соҳибқирон ҳазратлари!

Амир Оқбуғо найман қирқларга борган баланд бўйли, товоқ юзли, кетмонсоқол бир киши эди.

— Монанди йўқ пойтактимизни ободу фаровон этиш юмушларига бош қўшингиз! Барча харажатни хазинадан олурсиз. Харажатлар устидан мутасадди эрурсиз, амир жаnobлари!

— Бошим устига, соҳибқирон ҳазратлари! Олий ҳимматлари учун қуллук!

Амир Темур мамлакатда уй қураётган фуқаролардан биринчи йил ҳеч қандай хирож олинмаслигини Самарқанд доруғаси Амир Довуд дуғлатга уқтириди. Сўнгра эртага тонгсаҳар бўлажак қурултойга мавжуд туманлару ҳазоралардан амирларнинг келган-келмаганларини суриштира бошлади.



Ховлининг ичкариси ҳам ташқарисидан қолишмайдиган даражада гавжум эди. Ҳар ёқдан хотин-халажнинг қийчуви эшитиларди. Бошига гулгун такана ташлаган, мовийранг ипак кўйлак устидан олача ҳошияли авра тўн кийиб

олган Қутлуғ Туркон оқа чарчаш нималигини билмас, ҳовлида чарх уриб юрарди. Муштипар эгачининг ушбу воқеадан нечоғлик мамнуну масрур эканлигини муҳтарам ўқувчиликимиз тасаввур этсалар керак. Дунёда якка-ю ёлғиз инисининг баланд мартабага эришганидан, ўзини ўтга-чўққа уриб тинмаган Темурбекнинг юрт бошига келганидан беадад баҳтиёр эди у.

Қутлуғ Туркон оқа Амир Темурнинг аҳли аёлинин эҳтиром илиа кутиб олишга қаттиқ саъй-ҳаракат кўргизди. Эгачи, айниқса, инисининг Сароймулхоним билан бир ёстиққа бош қўйганидан бағоят қувонди. У илгарилари ҳам Сароймулхонимни иқи суюб юрарди. Қозон Султонхоннинг номдор қизи, юриш-туриши, тутуми, одоби, ҳусни-мaloҳати билан диққатни ўзига тортарди. Аммо ҳеч қачон уни бир кун келиб иниси Темурбекка ёстиқдош бўлади, деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Тақдир экан. Қудратли подшоларга гул юзли маликалар керак! Сароймулхоним Темурбекка жуда муносиб малика. Темурбекнинг ўзи ҳам энди Чингизхон авлодига куёв бўлди, ҳа, Чингизхон авлодининг куёви! Эҳ-хе!.. Хон авлодидан эмасссан, деб укасини ҳамиша қамситиб келадилар, ҳар сафар шундай гапни эшитганда, Кутлуғ Туркон оқанинг бағри увалгандай бўлади. Энди гапириша олмайди фаразгўйлар, ичи қоралар! Темурбек хон авлодидан бўлмаса ҳам, хон куёви! Куёвни эса пайғамбари-мизнинг ўзлари сийлаганлар!..

Эгачининг эсида, Шаҳрисабзда, уларнинг тўйида хурсанд-чилиқдан кўз ёши ҳам қилиб олди. Ясаниб безанган, мушку анбарларга кўмилган келинчакни чимилдиқ хонасига кузата ётиб, пешонасидан ўпаркан: "Илоё, Темурбек билан қўша-қариб, мункиллаб-сункиллаб юрингизлар!" деди, деди-ю кўнгли бўшашиб кетди, аммо кўзларига қалқсан ёшни бирорвга кўргизмади. Мана ҳозир, келинлик саодатидан чиройи гул-гул очилган, тўпифигача оппоқ ипакка бурканган, латофати барқ уриб турган Сароймулхоним билан кўришар экан, хаёлидан: "Ҳа, қизга бергисиз жувон бор, тойга бергисиз фунон!.." деган сўзлар кечди. Ёнида шукрчи¹ катта

¹ Шукрчи — соябон кўтариб юрувчи хос хизматкор.

соябон тутиб соя қилиб келарди. Келиннинг қирмизи оқ юзлари офтобданми ё ҳаяжондан яна ҳам ол ранг касб этган, жон офати бежирим ёқут лаблари қимтинган, чап юзи-даги кичкина қора холи эса, нима бўляпти ўзи, дегандай атрофга ҳайрон боқарди. Сароймулхоним дарвозадан киргани ҳамон:

— Ассалому алейкум, ғамгузорим, меҳрибоним эгачим! — дея таъзим бажо айлади ва ўзини Кутлуғ Туркон оқанинг кучоfiga отди.

— Аллоҳга шукур! Аллоҳга шукур! — эгачи ардоқли келинини бағрига босганча, узок вақт қўйиб юбормади...

Эгачи-келин ушмундоқ дийдорлашиб тургандарида, машшоқлар эндиғина "Уззол" куйини бошлаган эдилар, Сулаймоншоҳ тенгқурлари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо ва Жаҳоншоҳ ибн Жоқулар билан бирга ҳовлига кириб келдилар.

Ўн беш ёш атрофидаги ўсмир йигитлар, катталар ўз-үзлари билан бўлиб эътибор қилмаганларидан фойдаланишиб, бир оз Арқ кўчасида кезиб юришни ихтиёр этдилар.

— Валинеъмат соҳибқиронга жаҳон тахти муборак бўлсун! — Жаҳонгир Мирзо билан Умаршайх Мирзоларни қутлади Сулаймоншоҳ.

— Муборак бўлсун! — қўшилди Жаҳоншоҳ ибн Жоқу.

Жаҳонгир Мирзо "Қуллуқ!" дегандай таъзим қилди. Йигитларнинг катталарникига ўхшамаган ўз завқ-шавқлари, ташвиши-ю муаммолари, йифилиб қолган турфа сирли гаплари бор эди, бир-бирлари билан тезроқ ўртоқлашмоқ, истардилар. Ҳали уй кўрмаган салт йигитларнинг учрашганда илк гаплари кўпинча муҳаббатдан, ёрдан бўлади. Кейин бошқа гапларга навбат. Жаҳонгир Мирзо Сулаймоншоҳ билан Жаҳоншоҳларга кўнглидаги туйғуларидан, Хоразм ёқлардан сўз очмоққа, айни пайтда дўстларининг фикрларини билмоққа шошиларди. Аммо ёнгинада укаси Умаршайх Мирзо борлигидан истиҳола этиб, сир айтишни бошқа вақтга қолдирди. Дўриллоқ овозли, елкадор Сулаймоншоҳ билан бурни суйридан келган, ияги учли, шартаки Жаҳоншоҳлар буни сезишиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйиши. Аввалла-ри ҳам кўп бор оғаларининг сирли гапларидан бенасиб қол-



ган табиатан бироз қўрс Умаршайх Мирзо, ярим ёш бўлса ҳам, ёш-ёш экан-да, дегандай ичидаги фижиниб қўйди.

Суюкли амирзода кўринавермаганидан кўнглининг бир чети хижил Қутлуғ Туркон оқа дарвоза томонга назар ташлади-ю суюниб кетди. Темурбек салтанатининг келажаги бўлган амирзодалар келишмоқдайди. Жаҳонгир Мирзо! Фарзанди аржуманд, салтанат тожининг дури, подшоҳлик айвонининг устуни, иқбол бўстонининг гули! Тоза кўнгил Темурбек ва моҳичеҳра Турмиш оқа — икки фаройиб покиза тийнатнинг ошкору тансиқ меваси! Қутлуғ Туркон оқа Жаҳонгир Мирзонинг тиниқ юзларига, ёрқин кўзларига тикиларкан, бу кўзлар тубида қандайдир исмсиз бир мунг кўрарди, сабабини эса тушунолмасди. Балки волидаи муҳтара маси Турмиш оқанинг вафот эттанидандир? Турмиш оқа — Жаҳонгир Мирзо билан Оқа Беги хонимларнинг онаси — дунёдан эрта кетди. Онасилик изтироби амирзодани тинч қўймаётганмикин?..

Амирзода Қутлуғ Туркон оқага қаттиқ боғланиб қолган, сирларини айтар даражада яқин эди, тез-тез дилини ёриб туради. Ўз навбатида соҳибқирон эгачиси ҳам амирзодани ўз фарзандидай, балки ундан ҳам ортиқроқ авайлаб ардоқлар, сўраб-сuriшишидан чарчамасди. Балх муҳорабасида амирзоданинг оёғига ўқ текканини эшитиб, то аниқ хабар олгунча юраги так-пуга бўлиб юрди. Шахрисабзда, Темурбек билан Сароймулхоним тўйига борганда соғлом ва дуркун амирзодани кўриб Аллоҳга шукурлар қилди. Ўшанда қизиқ бўлди. Югуриб келган Жаҳонгир Мирзо энаси билан саломлашиб ачомлашгач, негадир одатдагидек нари кетмади, эркалиқ қилибми суйкалиб тураверди, нур тўла жавдираган кўзларига қараганда зарур гапи борга ўхшарди. Энаси хушёр тортиди.

— Амирзодам... сиҳҳатингиз тузукми?.. — хавотирланиб сўради у.

Жаҳонгир Мирзо жилмайди.

— Аллоҳга шукур! Тузук-да!.. Сиҳҳатим тузук... эна.

У худди онасига суйканган қулундай ёндошли-да, энасининг қулоғига яқин келиб, ҳаяжон ичидаги нималарнидир шивиrlай бошлади. Қутлуғ Туркон оқа эшитар экан, авва-

лига тушунмай ҳайрон бўлиб турди, кейин чиройли юмалоқ юзларига табассум ёйилди-ю оғзининг таноби қочди:

— Вой!.. Вой ўзим гиргиттон! Ўзим гиргиттон! Бўйингиздан айланайин-а, бўйингиздан!.. Хоразмда-я, Хоразмда... Хонзода хоним... Эсимда, эсимда...

Юзлари қизариб кетган Жаҳонгир Мирзонинг ёрқин кўзларида бироз хижолат шарпаси сезиларди, бора-бора ўрнини табассум эгаллади.

Қутлуғ Туркон оқа тушунди: Жаҳонгир Мирзо бу "юмуш"-ни, яъни Хоразм маликасига совчи юбортиришни нуфузи кучли, сўзи тош босадиган энасининг зиммасига юкламоқчи. Бу ҳақда падари бузрукворимга айтингиз, демоқчи... Шу томонларини ўйлаб қўйингиз, дея яна эслатмоқчи... Ўйлайди энаси, ўйлайди. Нафси ламрини айтганда, энаси уринишни бошлаб юбордиям. Соҳибқирон билан кенгашиб ҳам кўрди. Амир Темур эътиroz билдиrmади, фақат мийифида кулиб қўйди. Соҳибқироннинг фарзандлар тақдирини ўйлашда, уларни уйли-жойли қилишда жуда инжиқ эканлигини эгачи яхши биларди. Қон тоза бўлиши лозим, дер эди Амир Темур очиқчасига.

Шуларни хаёлдан ўтказар экан, Қутлуғ Туркон оқа тили марҳабога безанди:

— Келингизлар, келингизлар!..

Дуркун амирзодаларнинг расида бўйларига қараб қувонган Қутлуғ Туркон оқа Жаҳонгир Мирзодан бошлаб барчаси билан қўришиб чиқди, ҳар бирининг пешонасидан ўпид елкасига уриб-уриб қўйди.

— Сулаймоншоҳ! — ўғлига буюрди Қутлуғ Туркон оқа.

— Сизларга ана бу чекка хушманзара айвонда жой ҳозирланган. Борингизлар! Чақ-чақлашиб ўлтирингизлар!

Кенг ҳовлида "Уззол" оҳанглари янграрди.

Амир Темурнинг иккинчи хотини кўзлари қийик Улус оқа, Амир Баён сулдузнинг қизи, орқароқда соябон остида хиёл эгилганча одоб билан Қутлуғ Туркон оқанинг холи бўлишини кутарди. Сариқ ипак матодан кўйлак кийган йигирма беш ёшлардаги Улус оқанинг бўйи Сароймулхонимга қараганда пастроқ эди. Беш қадамча нарида соҳибқироннинг башанг кийинишган ҳурилиқо канизаклари кўринди.

Умаршайх Мирзонинг онаси Тўлин оқа, Мироншоҳ Мирзонинг онаси Менгли бика ва Тоғай Туркон оқалар ним табассум ила муҳтарама эгачининг катта хоним билан кўришишаётганини кузатиб турадилар.

— Марҳабо, хонадонимизга хуш келибсизлар! — уйга таклиф этди эгачи қувончи чексиз, меҳмонлар билан кўришиб бўлгач.

Барча остонасига оқ пояндоз тўшалган уйга қараб юрди. Олдинда Сароймулхоним, орқароқда Улус оқа ва канизаклар оҳиста қадам ташлаб келишарди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! — Сароймулхоним оппоқ ипак кўйлаги барини хиёл тортиб назокат билан пояндозга қадам қўйди.

Хонадон соҳибаси муҳтарама меҳмонларни ичкарига чорлади. Деворларига лов-лов ёниб турган гиламлар осилга хона кенг ва чиройли. Бежирим токчаларда зарҳал идишлар, фағурий коса ва пиёлалар, ироқий кўзалар териб қўйилган, у меҳмонхонадан кўра кўпроқ янги тушган келгичак хонасига ўхшарди. Маликалар шоҳона безатилган а стурхон атрофига тиз чўкишди. Дуюи фотиҳа тортилди.

— Барчангизга подшолиқ қутлуғ бўлсун, ардоқли келингим! — деди Қутлуғ Туркон оқа қўлларини кўксига қўйиб.

Келинлар ва канизаклар ўринларидан турдилар-да, таъзе билан эгачига бош эгдилар:

— Ўзингизга ҳам қутлуғ бўлғай, эй бонуий кубро¹ ҳазрат олиялари!

— Илоё кам бўлмангизлар! Ўлтирингизлар!

Дастурхондаги ноз-неъматлар нигоҳларни ўзига сирли млади. Нон синдирилди. Бир неча "Олинг!", "Олинг!"лардан кейин Сароймулхоним қўмтинибгина дастурхонга қўл ўзди ва хиноли икки нозик бармоғи билан қатлама нондан жиндай ушатиб, оҳиста оғзига солди. Ўртадаги катта баркашда мева-чевалар — олма-ю мурут, ўригу гилос, узуму шафтоли — баридан бор эди. Моҳича деган хамири майдамайда кесилган суюқ овқатдан келтирдилар. Барча роҳат қилиб тановул айлади. Шўртаккина бу мазали таом Улус

¹ Бонуий кубро — энг улуғ аёл маъносида.

оқага айниңса жуда ёқди, яна ичкиси бор эди-ю, сұрашға ийманиб үзини тийди.

Маликалар үzlарини ҳур ва малолсиз ҳис этсунлар, деган маңнода сохибаи хонадон Қутлуғ Туркон оқа шундай деди:

— Ҳар банданинг манглайини Аллоҳ ёруғ қылсун! Бандасини үзи сийласун! Темурбекдек бор саъй-ҳаракатини шариату миллатнинг равнақ топишига қаратган, дину давлатни үйлаган инсон оламда камдур. Ана шундай бир инсонга сирдош бўлмак, унинг шабистонига маҳрамлик вазифасини адо қилмак сиз париурхорларга буюрибдур. Бу Аллоҳнинг буюк илтифоти... — Эгачи бироз жим қолди. — Наргизга боқингиз: бедорлиги учун ҳам олтин тож сингари тилмранг кўринадур. Кўзга яқиндур! Ҳушёру бедор турингиз, сохибқиронингиздан ҳамиша огох бўлингиз!

— Куллук, ғамгузор эгачи! — миннатдорчилик билдириди Сароймулхоним. — Соҳибқирон ҳазратларининг сарварлик савдоси тушган азиз бошлари, илоё, тошдан бўлсун!

— Аллоҳнинг лутфи муҳофазаси, бемисол қарами соясида басалашат юрсунлар, илоё! — қўшилди қийик, қўзлари чақнаб Улус оқа.

Канизак ҳам хусравона шахту шижаатлар сохиби ҳақига ду... Наргизда өдилар.

Хонага житмилик чўқди. Ҳамма одоб сақлаб, ерга тикилган, кимса сиз демасди. Ҳовлида айвон тагидан тараалаётган дилтортар таволар энди баралла эшитилар, кишида ёқимли туйгулар уйғотарди. Шу пайт машшоқлар "Дилхирож" куйини чала бошлидилар. Маҳди улё¹ сайида Сароймулхоним секин бошини кўтариб, ним табассум билан Улус оқага боқди ва ерга қараб ҳарир кўйлагининг этагини үйнаб ўлтирган Тоғай Туркон оқага ишора айлади. Улус оқа маъноли жилмайди ва маъқул, дегандай оҳиста бош тебратди. Қопқора шахло қўзлари ёниб турадиган ўн тўққиз ёшли Тоғай Туркон оқа "Дилхирож"га жуда яхши рақс тушарди. Канизак хиром айлаганда ҳар сафар маликалар тўпланиб томо-

¹ Маҳди улё — луғавий маъноси: улув беланчак. Нуфузли маликаларга бериладиган унвон.

ша қилишар, завқларга ботишар, мунглуғ кўнгилларини яйратишар эди. Канизакни қайта-қайта ўйинга тортишардид, рақс тугагач: "Ўйинни хўп қийворасиз, қаерда ўргангансиз?.." деб сўрашар, ҳатто "Ҳазрат соҳибқиронни ҳам ўйинингиз билан ром этиб олганмисиз? Валинеъмат ҳазратларига шундай ўйин тушиб берасизми?.." қабилида тегажоғлик қилишдан ҳам тап тортишмасди.

Аммо ҳозир ҳеч ким ҳеч нарса демади. "Дилхирож" эса бутун ҳовли-ю хонани ёқимли садоларга тўлдириб, дилларни қитиқлаганча жаранглашда давом этарди...

1996 йил

ПОДШО КЕЛИНИ

(*"Улугъ салтанат" тетралогиясининг
иккинчи китобидан парча*)

Соҳибқирон келини Хоразм маликаси Хонзода хоним учун совға-саломга даставвал икки сандиқ тайёрлатиши бу юрди... Биринчи сандиқ тилла исирға-ю билакузуклар, ёқут кўзли шоҳонаклару кумуш камарлар, зар тақинчоқлару маржонлар, олтин зебигардону тиллақошлиар, қашқар балдоғи-ю ойбалдоқлар, кўзмунчогу туморлар, Яман ақиқи, жавоҳири забаржад, лаълу ёқут, дурри Адан, гавҳару марваридлардан иборат бўлсин. Иккинчиси, шойи лиbosлару фўзапўчоқ нусха фижим рўмollар, шол рўмollару барқут нимчалар, заррин чопонлару пушти авра тўнлар, чунки Хоразм маликаси кўпинча пушти рангли тўнлар киярди, пишиқ саҳтиён маҳси кавушлар, кимхобу турфа хил атласлар, катону занданача ва ҳоказо тоза матоларга тўлдирилсин. Тағин. Упа-эликлар учун яна бир нақшиннигор сандиқча олинсин, унга пардоз-андоз буюмлари — мушку анбар, Бағдод сурмаси, Эрон атири, Ҳиндистон хиноси, Хўтсан уфори, боққанда



хуснга ҳусн қўшадиган зарҳал гардишли ойдай тиниқ кўзгулар, сурмадонлар, қошқаламлар, "олтин варақ" деб аталмиш хол ва қошга суриладиган қора бўёклар солиб қўйилсин...

Соҳибқирон түхфасини Муҳаммад Чуроға доддоҳ олиб кирганида подшо келини сандиқларни кўриб қувониб кетди, шаҳдо кўзлари нурланди. Сароймулхоним билан Оққиз түхфаларни кўришда Хонзода хонимга кўмаклашдилар. Малика сандиқларнинг чиндан ҳам тоза ва ноёб нарсалар, тансиқ моллар билан тўлиб-тошганлигини кўриб ҳайратда қолди. Ўткинчи дунё моли ўн етти яшар, тул қолган, кўнгли ярим келинчак хаёлини ўғирлашга қодир эди. Шундай бўлди. Соҳибқиронга ҳам шу керак эди аслида, мотамсаро келини андак овунса, дунёга сал кўнгли илиса бас.

Меҳмонхона остонасида Амир Темур билан Қутлуғ Туркон оқани қўлида заррин жиякли зангори баҳмал кўрпа-яга ўралган Муҳаммад Султонни кўтариб олган Сароймулхоним ва ўзига бир оз оро берган, чунки шундай қилишига уни Оққиз ундади, аввалги ҳусни кам-кам ўзига қайтаётган Хонзода хоним қаршиладилар. Ажойиб бир ҳолат юз берди: бобо билан биринчи набира дийдорлашмақда эдилар!

— Келсунлар! Келсунлар!.. — эркалади соҳибқирон бекасам заррин тўнча кийдирилган гўдакни қўлига оларкан.
— Паҳлавонни кўрингиз, паҳлавонни!.. Паҳлавонни!..

Амир Темурнинг Муҳаммад Султонни расмана биринчи марта кўриши эди. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейинги паллаларда гоҳ-гоҳ тўғри келганда чақалоқни кўришга интилмас, кўзикиб қолмасин деб кишилар олдида суюшдан кўрқар, фақат кўнгли увалганча бағрига босиб қўйиш билангина чекланарди. Мана энди Муҳаммад Султон билан илк бор юзма-юз кўришиши.. Бонуйи кубро, маҳди улё ва малика соҳибқирон ёнида уни кузатиб туради эдилар.

Ёпинчигни очиб, тўйган қўзидаи маъмраб ухлаб ётган гўдакка термилар экан, соҳибқирон қалбини аллақандай туйғу чулғаб олди. Жажжигина гўдак дунё ишларидан мутлоқ бехабар, ҳозир уни кўрмакка улуг бобоси ташриф буюрганини хаёлига ҳам келтирмай уйқуга ғарқ ётарди. Бирдан, худди бобоси келганидан мамнун бўлгандай, ширингина

кулиб қўйди... Унинг кулгуси шу қадар беғубор эдикى, соҳибқирон мўъжиза кўргандай алланечук ҳолга тушди, узоқ йиллар бундай мўъжизани учратмаганди! Гўдакнинг беғубор кулгуси чиндан ҳам Аллоҳнинг мўъжизасидир! Ҳаллоқи безаволга салламно!

Амир Темурнинг борлиғига нур юргургандай бўлди, кўнгли ёришгандан ёришиб кетди! Мана шу Муҳаммад Султон — ўғлининг ўғли... Ана, отасига ўхшаб турибди, қошлиари, лаблари, бурунчаси, манглайи — бари худди ўзи!.. Бас, ўғлининг номи ўчмайди, изи йўқолмайди! Валиаҳднинг ўғли валиаҳд бўлғусидир!

— Кўрдингизму, паҳлавонни!.. — деб қўйди Сароймулкхоним шу палла.

Амир Темур меҳр билан юзини оҳиста набирасининг момиқдай юзларига босганча бир лаҳза жим қолди... Соқол санчилганидан безовта бўлган мурғаккина уйқу аралаш тамшанганча ингранди-да: "Роҳатимга халал бераётган ким у?.." дегандай, бошини бир-икки қимирлатиб қўйди...

Қутлуғ Туркон оқа болани соҳибқирон қўлидан олар экан, эркалаб бола тилидан сўзланди:

— Хуш кейибсиз, бовоён! Сизни йуда соғиндим... Мени қачон йангга обоясиз?.. Мен йангта тайёман. Тайёман! Фақат энагам йўйагимни қуйуқлаб қўйсайай бўйди...

Ҳамма хандон отиб кулиб юборди. "Оббо, уни қаранглар-а!", "Жангта тайёр эмиш!..", "Йўргагини қуруқласа бас эмиш..." қабилида сўзлар эшитилди. Хонзода хонимга ҳам нашъя қилди, у овозсиз, оғзини беркитиб куларди. Кулги садолари орасида Муҳаммад Чуроға додҳоҳнинг йўғон овози ажралиб турарди.

— Хўп, хўп, паҳлавон! Жангта боясиз! Жангта боясиз... — чақалоққа тақлид қилиб деди Амир Темур қўзларидаги ёшларни артар экан.

Сароймулкхоним эгачидан болани олди-да, бир ўпиб Хонзода хонимга узатди. Оққиз, бирор кўмак керак бўларми дея, ўша ерга шошилди. У гўдакни кўрмоқчи бўлиб дамбадам бўйинини чўзар эди. Малика ўғилчасини бағрига босганча авайлаб ёпинчигини ёпиб қўйди, кейин нарироқда кутиб турган энага Холдона бибига берди...

Меҳмонлар устига башанг дастурхон ёзилган сандал атрофига, шоҳи кўрпачаларга ўлтиридилар. Соҳибқирон жијаклари барқут гулдор кўрпа остига оёқларини узатди. Ўт ҳарорати дарров зирқираб оғриб турган ўнг оёғига, сўнг ўнг қўлига етиб борди.

— Мўгулистон томонларда қийналмадингизму, Темурбек? — сўради Қутлуғ Туркон оқа мийигида табассум билан.

— Ёйини қочирдик... Мақсудимиз ани тутмак, бирвара-кайига иддаоларидан қутулмак эрди... — деди Амир Темур. — Аммо Қамариiddин яна жон сақлаб қолди, худонинг айтғони бўлар экан-да...

Сароймулхоним соҳибқиронни кўпдан қийнаб келаётган ўша муртад Қамариiddин ҳақидаги ёқимсиз гапларни тезроқ ўзгартиришни истарди. Маҳди улё деди:

— Амир соҳибқирон... Мол-хирож олиш ҳақидаги тузыклардан фуқаро мамнун эмиш. Раият хурсанд, ҳамманинг кали дуода...

— Шундоғму?.. — ҳайратлангандай деди Амир Темур. — Ўст, босқинчилар замонида кўп нарса издан чиқиб кетиш эди. Раият оғир аҳволда, юрт пароканда, ҳар ёқда вайронагарчилик... Энди уни обод қилишимиз жоиз... Бу бора-ғуқародан мол-хирож олиш, солиқ ундириш жуда ҳамарсилаған муаммо ҳисобланадур...

Ҳамма соҳибқиронда бу ҳақда гапириш истаги борлиги-и сезди:

— Барини изга солмак лозим бўлди... — давом этди Амир Темур. — Кимки бирон сахрони обод қилса ёки кориз¹ курса бирон боғ кўкартирса, ёки хароб бўлиб ётган ерни чаман-а айлантирса, биринчи йили ундан ҳеч қандай солиқ олингасун, дедим. Бу ўшанга ажр ҳисоблансун. Иккинчи йили ғуқаронинг ўзи ҳиммат қилиб берганини олсунлар. Учинчи йили қонундагидек олсунлар... Бундан бошқа, ёзги, бағорги ва кузги экин-тикинлардан олинган ҳосил раиятнинг ўзига қолсун. Лалмикор ерларга келганда учдан бир, тўртдан

¹ Кориз — ер ости сувларини йиғиши ва уларни юзага чиқариши учун куриладиган ер ости иншооти.

бир қоидасига кўра иш юритсунлар. Яна. Кориз, булоқ дарё ва сойлар суви билан сугориладиган ерларни ҳисобдан ўтказсунлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини раиятга, қолган бир ҳиссасини олий саркорлик¹ учун ажратсунлар... Яна. Раият етиштирган ҳосилнинг бир харвон² буғдойини беш мисқ ол кумуш, бир харвон арпасини икки ярим мисқол³ кумуш миқдорида баҳоласунлар... Яна. Буюрдимки, солиқни яхшиликча олсунлар, калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасунлар, ҳеч кимни банд этиб, занжир билан кишанламасунлар...

Амир Темур, мол-хирож масаласида батафсил тўхталаркан, адолат тамойилларига риоя қилиниши зарурлиги, раиятни қашшоқлантириб қўймаслик кераклиги ҳақида гапирди. Акс ҳолда бу салтанат хазинасини камбағаллашишга олиб келишини ургулади. Хазина камайса, сипоҳни тутиб бўлмай қолади. Сипоҳсиз салтанат салтанатми?..

— Аъло дедингиз! Сипоҳсиз ҳеч қандай салтанат узоқа боролмайдир, Амир соҳибқирон! Кам бўлмангиз! Улус-халқнинг дуосига қолибсиз... — маъқуллади Кутлуғ Туркон оқа. У мавзуни ўзгартириш учун, гарчи хабари бўлса ҳам, билмагандай сўради: — Айтгандай... Жўжи улуси шахзодаси қошингизга келаётғон эмишму?..

— Ҳа, Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон фарзанди Тўхтамиш ўғлон шундоқ истак билдирибдур... — Соҳибқирон узун қўлларини кўрпа остидан чиқариб сандал устига қўйди. — Даشتি Қипчоқ томондаги вазият мамлакатимиз учун бафоят муҳим... Жўжи улуси бизга дўст эрмас... Ва улар бизларни ёқтирумайдурлар, чунки юз эллик йилдан бери бу юртни Чингизхон авлодлари бошқардилар, эзгу одатларимизни топтадилар, мамлакатимизни хароб этдилар... Уларнинг фикрича, шундое давом этабермоғи лозим эди... Энди эса Туроннинг ўзидан чиқғон, подшоликка дахли йўқ, қандайдир шухрат таратмағон бир бекнинг ўғли юртга эгалик қилиб турибдур... Ана шу салтанат тизгинини ўзимиз қўлга

¹ Яъни салтанат хазинаси.

² Харвон — уч юз килограммга teng оғирлик ўлчови.

³ Мисқол — таҳминан 4,8 граммга тенг.



киритғонимизга чидај олмайдурлар. Улар давру даврон суришлари керак, биз эса хизматкорликдан нари ўтмаслигимиз лозим эди. Ундан кейин ҳеч ким, мана шу Темурбек-нинг ишлари бир юришиб кетсун, Турон мамлакати гуллабяшнасун, деб бизга меҳрибончилик қўргизмайдур. Ҳеч қачон! Аксинча, иложининг борича халал етказадилар, тўсқинлик қиласдилар. Юрт ичидаги тескаричилар бор, бузғунчи унсурлар кўп... Улардан фойдаланадилар. Бас... Шимолий чегараларни мустаҳкамлашимиз даркор, бизга йўлдошу қўлдошлар керак. Шу маънода Тўхтамиш ўғлон келишига умидлар боғлайдурмен, Опа... Қани келсун-чи, қўрайлик-чи... Аллоҳ ноумид қўймасин ишқилиб... Барчаси суннати Аллоҳдан-дур, албатта...

— Худо ёрингиз!.. Тилагимиз — юртимиз тинч бўлсун...
Ҳам ўзларини эҳтиёт қилсунлар, Темурбек!

— Аллоҳ ўз паноҳида асрасун!.. — қўшилди Сароймулкхоним.

— Худо поишшо эгам, деганлар... — деб қўйди ўз-ўзига айтгандек Мұҳаммад Чуроға додҳоҳ.

— Куллук,... Мана яқинда хабар етдики, қариндошимиз хоразмшоҳ Юсуф Сўфи Кот билан Хеваққа яна чопқун ўюштирибдур... — деди ғижингандек Амир Темур...

Сароймулкхоним ҳайратда Қутлуғ Туркон оқага кўз ташлади. Бу қараашда: "Ҳазрат Хоразм ҳақида гапириб юбордилар-ку... Сал сабр қилсалар бўлармиди. Бунга Хонзода хоним қандай қарайдир энди?.. Шўрлик келинимиз ўз дарди билан ўзи эзилиб, азоблар тортиб юрибди-ку?..." деган маъно яшринган эди. Хонзода хоним эса хотиржам ерга қараб тураради...

Малика бунга ўрганиб қолган. Амакиси Юсуф Сўфининг қайинотаси валинетьмати Амир Темур Кўрагон билан таранг муносабатларини ўйлаганда ҳамиша шўрлик маликанинг юраги қон бўлади... Нега энди икки ҳукмдор келиша олмайдилар, муроса отини тутмайдилар? Ахир шунинг учун қуда-андачилик ришталари билан бир-бирларига боғландилар-ку!.. Оҳ, бу қандай қисмат эканки, суйганига тегиб баҳтли бўйолмаса, икки салтанатни хешу акрабога айлантиришда

хизмат қилиши керак бўлган тўйи ҳали роҳатини туюб ултurmай азага айлансан!.. Амир соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хонимлар ақди никоҳини "салтанат ҳужжати" деб атаган эдилар... Агар Самарқандга келганига уч йилдан ошаётган бўлса, "Ана, яна Юсуф Сўфи жанг қилибдур!..", "Тағин Хевақни форат этибдур!..", "Бухорони босибдур!.." қабилидаги пана-пастқамлардан отилган ҳар хил дашномлардан қулоғи бўшамади, Хоразмшоҳнинг ҳам босқинлари тўхтамади... Икки салтанат ўртасида илиқлик пайдо бўлишини дил-дилдан истаган малика бунинг учун нималар қилиш лозимлигини ўйлаб ўйига етолмайди. Ҳаммасига ўзини айбдордай ҳис қиласи, ўз ёғига ўзи қоврилади...

— Назаримда, Хевақ билан Котга чопқун уюштириш қудамиз Юсуф Сўфининг иши эрмас... — сўзга аралашди Қутлуг Туркон оқа оҳиста Сароймулхоним ёнида кўрпа жиякларини ўйнаб ўтирган Хонзода хонимга бир қараб қўяр экан. — Ахир шундай қилса, у қудасига қарши борган бўладику! Қариндошга қилич кўтарган бўлади-ку, Темурбек? Буни худо кечирмайдур!

— Шубҳасиз, Хоразмшоҳ ундей йўлга юролмайдур, — эгачини сезилар-сезилмас қўллаб-қувватлади Сароймулхоним... — Барчаси фитначилар ишидур.

Бонуйи кубро билан маҳди улё шундай дер эканлар, Юсуф Сўфи ҳақидаги адолатни айтиш эмас, балки кўпроқ малика Хонзода хонимни ёлғиз қолдирмаслик, унга, биз ёнингиздамиз, соҳибқирон гапирсалар қудаларидан ўпка қилиб гапи-ряптилар, яқин кишидан ўпка қилинади-да, буни тўғри тушунингиз, дейишмоқчидаи эдилар.

Амир Темур бирдан бошини эгиб ўтирган Хонзода хонимга қаради, унинг руҳан эзилаётганини кўриб, шу ҳақда сўз очганидан ичида койинди. Нима қилар эди бу ҳақда сўз очиб? Энди вазиятни ўнгламоқ лозим. Аммо қариндошлиқ, қуда-андачилик бошқа, давлат муносабатлари бошқа... Ўртадаги рангларнинг хилма-хил товланишларини ўзгартириш жуда қийин. Касални яширсанг иситмаси ошкора қиласи, деганларидаи, пинҳон тутиб бўлмайдурғон нарса. Ахир жуводизни қопнинг ичида ҳеч сақлаб бўладими?

— Хонзода хоним, қизим... Ўғлим ўрнида ўғлим... — деди Амир Темур. — Унинг кўнглини ҳамиша авайлаб келамен.. У менинг дилбандимдур, юрагимнинг бир парчасидур, тобакай тирик эканмен, қўлим унинг ёруғ манглайнин силашдан, тилим bemисл ақлу идрокини мақташдан, кўзим кўрку ҳуснини кўриб қувонишдан асло толмайдур! Озор чекдириб қўймасмен. Асло! Билсунларким, Хонзода хоним Амир Темур хонадони муртазойи мукаррама маликалариданур ва шундай бўлиб қолгувсиdir!..

— Аллоҳ, умрингизни зиёда қилсун, ҳазратим!.. Толеимизга дунё тургунча турингиз, илоҳо!

Хонзода хоним шундай дегач, шарт ўрнидан туриб, тавоф айлаб соҳибқирон тўни пешини ўпди... Амир Темур қизалоғини эркалаб бағрига олган отадай малика бошини оҳиста қучоқлаб ўзига тортди... Бонуий кубро билан маҳди улё, Муҳаммад Чуроға додҳоҳ, ундан нарида Муҳаммад Сultonни кўтариб олган Холдона биби ва Оққизлар Амир Темурнинг катта-катта кўзлари ёшга тўлганини, икки томчи ёш маликанинг кўк рўмолига томиб тушганини кўриб турардилар. Валинъематининг бағрига бош қўйган Хонзода хоним ҳам унсиз йиғлар эди... Эй, дунёи бевафо!.. Шу топда Амир Темурнинг ҳам, Хонзода хонимнинг ҳам кўнгилларида тутғён урган армонларни, — малика учун суюкли ёридан айрилиш, соҳибқирон учун ишонган тогидан жудо бўлиш ҳасратларини таърифлашдан... — бу бағоят мушкул юмуш эканлигидан, — ўзимизни тиямиз.

Бир оз фамгин сукунат чўқди.

Шу пайт Холдона биби қўлидаги гўдак нимадандир йиғлаб қолди. Хонзода хоним ўғилчаси томон талпинди... Энага сўзланар эди:

— Қойинчангиз очдиму, шаҳзодам?.. Қойинчангиз очдиму?.. Вой, қойинчаси очибди...

Холдона биби шаҳзодани эмизгани қўшни бўлмага йўналди.

Мехмонхонага жимлик чўқди.

— Аллоҳдан унинг қилган ишлари ҳақида, нега шундай қилдинг, деб сўралмас экан, Опа, ҳали ўзингиз шу ҳақда сўйлағон эрдингиз... Ҳа-а... — деди жимликни бузиб Амир

Темур. — Мұхаммад Султон, Аллоҳдан умидим бор, менинг сұянчигим, валиаҳдим бўладур!..

Хонзода хонимнинг шўрлик қалби қандайdir фуурдан ожизгина титради. Ростдан ҳам, унинг фикрича, — буни бировга айтгани йўқ, — Жаҳонгир Мирзо соҳибқироннинг шаръий никоҳдан туғилган фарзанди бўлганлиги сабабли валиаҳд саналган эди, у тахт вориси ҳисобланарди. Мұхаммад Султон эса ўша валиаҳднинг ўғли...

— Худо хоҳласа, сұянчигингиз бўладур!.. Валиаҳд бўладур! — деди эгачи. — Қандай сұянчик, денг? Чинордай сұянчигингиз бўладур, ҳа!

— Яқиндагина шаҳзодам йигит бўлиб ёнингизга кириб қоладур, ҳазратим!.. — Сароймулхоним қувончини яширамади. — Иншоолло, келин қидиришга тушғоймиз...

— Бандаси айтғони бўлавермас экан-да... — деди оҳиста Амир Темур, бу "вазиятни ўнглаш"нинг давоми эди. — Қула-андачилик ришталарини боғлашимиздан катта ниятлар қилғон эрдик... Бу дунёда бирлашмак улуғ ҳикматдир, бўлинғонни бўри ер, дейдилар. Агар Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи билан иқин бўлсайдик, агар у оқилона кенгашларга қулоқ солсайди, қудалар бир бўлиб юртимизни ёғийлардан асрай олар эдик-ку!.. Мана ҳозир мен билмағон, синамағон чингизийлардан бирига умид боғлаб ўлтирибмен. Йироқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши эмасмуди?.. Агар қудамиз билан тил топишғонимизда Жетани ҳам бир ёқди қилмасму эрдик, Даشتি Қипчоқ томонлар ҳам осойишта бўлмасму эрди?.. Юрт-эл, улус эмну омонлиқда кун кечирмасмуди?.. Ёғийларни тинчтииш ўрнига, ўзимиздан чиққан балолар билан савашмоғим лозим бўлиб турибди. Гоҳ Бухорога чопамен, гоҳ Хеваққа, гоҳ Андижонга... Ҳолбуки, Аллоҳ Куръони каримни ўқимақдан ва фақиру мискин ғамини емақдан ўзга ташвишни менга раво кўрмажон. Чорасизмен, ўзга иложим йўқ, тағин гуноҳ, остонасида турибмен, тағин қўл ихтиёrsиз қилич қабзасига чопадур.

Амир Темур сандал устида турган қўлларини дам-бадам бир-бирига ишқаркан, хаёлга чўмди...

Маҳди улё, Амир соҳибқиронни чалғитишим керак бўлиб колли. лели ўзича ва шикаста овозда сўради:

— Агар оёқларини уқалаб қўйсам, майлими, ҳазратим?..

У ҳозир соҳибқироннинг ўнг оёғи бир пайтлар санчилган найза асорати туфайли зирқираб оғриб турганини сезди, ҳазрат оёқларини Сароймулхонимнинг уқалаб қўйишини истар эди-ю, аммо барчанинг олдида жони қийналганини кўрсатгиси келмади, деб ўйлади ва ортиқ қистамади. Рости, маҳди улё эсласа, фақат хос хонада ёлғиз бўлганларида Сароймулхоним ҳазратнинг ногирон оёқларини уқалаб қўяр экан...

— Йўқ, Биби... Қудамизда ҳам балки айб йўқдур, — Амир Темур яна ўз фикрини давом этдиаркан, қўли беихтиёр иягига чўзилди. — Ҳамма гап унинг ёнига тўпланиб олғон сотқин фитначи, иғвогарларда!.. Барини биламен!.. Анови Кайхусравнинг ўғли Султон Маҳмуд, Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясовурийлар Хоразмшоҳнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, бизга қарши гиж-гижлағони гиж-гижлағон. Уларнинг мақсади юртни пароканда қилмак, кейин бир бўлагига эга бўлиб олиб даврон сурмак, холос...

Хонзода хоним соҳибқирон чекаётган азоб-уқубатларни яхши ҳис этиб туради. Шубҳасиз, Хоразм маликаси билади — ўн етти ёшли келинчакка қийин, бошига оғир савдо тушди — Жаҳонгир Мирзоси кетди... Аммо Хонзода хоним, ақлу идрокининг теранлиги, фаҳму фаросатининг ўткирлигидан кўрдики, Амир Темурнинг дарди-ю ташвиши уни-кидан кўра залворлироқ экан!.. У буни энди тушуниб етди. Малика қайнотасини шунчалар яхши кўрар ва эъзозлар эдики, унга тикон киришини ёки совуқ шамол эсишини ҳам раво кўрмасди. Дунёда унга яқин уч одам бор, холос: Амир Темур, Сароймулхоним ва волидаси Шакар бика... Кошки эди, қўлидан келса-ю, Амир соҳибқирон дардларини енгиллатса!..

Бирдан унинг хаёлига мавзуни ўзгартириш лозим, деган фикр келди. У шундай фикр бўлсинки, бу гапларни эсдан чиқарсин, Амир Темур кўнглига ёруғлик олиб кирсин.

Хонзода хоним Сароймулхонимга ўғринча назар ташлади, маҳди улё сезилар-сезилмас "Ҳа!" дегандай бош иргаб қўйди. Амир Темур кузатар экан, улар ўртасида қандайдир сир борлигини фаҳмлади.

Чиндан ҳам, сир бор эди.

Боги Чинорга кўчиб ўтганидан кейин, малика қўп дамларини маҳди улё билан бирга ўтказарди. Кунлардан бир кун сухбатлашиб ўлтиришарди, ўз-ўзидан гап айланиб, соҳибқироннинг ўғиллари, қизларига келиб қолди. Аслида эса бу Сароймулхонимнинг иши эди.

— Аллоҳнинг кўрсатғонига шак келтириб бўлмайдир, фақат тан олмак лозим. Жаҳонгир Мирзо мусибати салтанатга бало-офатдай ёприлиб тушди. Ҳаммамизни шу алам чулғабдур, қўллар ишга бормайдур, кўнгиллар ғаму андухдан зада... Жудоликнинг исканжаси барчамизни, бутун салтанатни чирмаб олғон...

Сароймулхоним уф тортди... Хонзода хоним бош экканча тинглар эди.

— Бонуйи кубро эгачи дедиларки, ҳаммаси пешонадан, фақат соҳибқиронга қийин, ота-оналари вафотидан сўнг залиаҳд деб атағон жигарбандини тупроққа қўйиш унга юнг оғир кулфат бўлди. Унинг устига фарзандлари ҳам унча кўп эмас. Бандаси эртанги кунни ўйламоги фарздор...

Хонзода хоним маҳди улё сўзларини тушунолмай ўлтираса-да, гоҳ-гоҳ "тўғри" дегандек бош ирғаб қўяр, Сароймулхонимнинг нимадир демоқчи бўлаётганини, ийманиб, ниятини очиқ айттолмаётганини кўриб тураг, аммо буни сездирмасди.

— Бир нарсани ўйлағон эрдим... — давом этди Сароймулхоним. — Мұхтарама эгачимга кенгащ солдим, ул зот ниятимни жўяли топдилар... Маликам, билурсиз, ҳазратим сизни бағоят ардоқлайдурлар, авайлайдурлар. Кўнглингизга бирон хиравлик тушиб қолмаслигини ҳамиша уқтирадурлар...

— Аллоҳга шукур... Биламен, мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсун!

— Энди амирзодам маросимларини ўтказдик... Кун кетидан кунлар келмақда... Агар сизга мақбул бўлса, бир кенгашим бор эди-да...

— Қулогим сизда... — Ўнг қўлини қўксига қўйиб таъзим қилди Хоразм маликаси.

— Амир соҳибқирон ўғиллари Умаршайх Мирзо шиддатлари баланд, Мироншоҳ Мирзо бўлса ҳали ёшлар... Аммо

қызлари бүй етиб турибди... Айниңса, Оқа Беги хоним... Ҳам унашиб қўйилғон...

— Оҳ, Оқа Беги хоним меҳрибон қайинсинглим!.. — ёришди бирдан Хонзода хонимнинг юзлари. — Ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчоқлигини айтсангиз... Ҳамиша маъюс ҳолда кўрамен, қоп-қора мунҷоқдек кўзлари ҳамиша мунгли... Амирзодамга қаттиқ қайfurди, юпатғонга кўнмайдир. Кечалари ҳеч кимга билдиrmай йиғлаб чиқадир...

— Шундок акасидан жудо бўлади-ю йиғламайдирму? Айниңса, сингил ака учун ёмон куядир...

— Чора йўқ экан-да, эвоҳ!.. — Хонзода хоним бошқа сўз қўшмади.

— Оқа Беги хонимни, биласиз, Муҳаммадбек ибн Мусога унашилғон эди.

— Биламен...

— Кўнглингизга малол келмаса, уларнинг тўйини қилсак, девдим...

— Вой, нега малол келсун?.. Вой нега ундоғ дейсиз?.. — Хонзода хоним астойдил ўпка қилар эди. — Жуда яхши ўйлабсиз, маҳди улё жаноби олиялари!.. Қандай яхши! Бечора синглим ҳам сал қайғу-аламларни нарига қувадур...

— Кам бўлмангиз, маликам, — Сароймулхоним бир лаҳзага жим қолди. — Бироқ....

— Нечун ўйланиб қолдилар?

— Мотамдан ҳали узоқ кетғонимиз йўқ... Тўй ҳақида фақат бир одамгина оғиз очиши мумкин. Агар бизлар шундок тўй қилурмиз, десак, ул зот сизни аяб, ранжитиб қўймасмиканмиз... демасмиканлар?.. Ҳазратим сизни жуда авайлайдилар-да...

— Нега?.. Ундоғ демасалар керак... — Хонзода хонимнинг шаҳло кўзлари Сароймулхонимга синчков тикилди. — Ҳим-м. Тўй ҳақида оғиз очиши мумкин бўлган одам ким экан?

— Тўй ҳақида оғиз очиши мумкин бўлган одам... бу фақат — сиз... маликам! Борди-ю, Оқа Беги хоним тўйини ҳазратимга... сиз айтсангиз, қандай бўларкин... Фақат сиз айтишингиз мумкин-да...

Гапнинг рости, Хонзода хоним бу ҳақда ҳеч ўйламаганди. Лекин муҳтарама Орзумулк оқа уни кўргани келганида

гал орасида, ўтгай ўғлини Оқа Беги хонимга унашиб қўйганларини айтиб ўтарди.

Дунё шунаقا экан... Ўтган қайтиб келмаскан, қисматга бўйсунмай чора йўқ, деб ўйлади Хонзода хоним, подшо-ю гадони, асилизода-ю факирни бир хил баҳога сотиб оладиган қудратли харидор — ўлим от солар экан, бандаси ҳеч қаерга қочиб қутуломайдур. Энди Аллоҳдан умид улдурки, амирзода руҳларини биҳишту ризвон уфорлари ила сийласун, мағфират чечаклари хуш бўйи ила обод этсун.

— ...Фақат мен айтишим мумкин... дедингизму?

— Албатта, маликам! Сиз айтсангиз, Амир соҳибқиронга малол келмайдир, аксинча, келиним қайинсинглисига меҳрибонлик кўргизаётир, дея мамнун бўладурлар, ҳимматингизга тағин қойил қоладурлар... Шу билан ўзингизни ҳам, соҳибқиронни ҳам аяган бўлурсиз, бу фақат савобли юмушдир, маликам!

Хонзода хоним, индамасдан, розимен, дегандай бош эгди...

Хонимларнинг мусибатли воқеалардин кейин тўйлар ҳақида илк бор сўзлашишлари эди. Орадан бир оз парда кўтариғач, ҳар иккиси ҳам ўз кўнгилларида яширин ниятларини бир-бирларига айтиб бердилар. Сароймулхоним Жаҳонтир Мирзо вафотидан олдин бўлиб ўтган воқеадан оғиз очди. Гал шундаки, ҳазратнинг мулоzими Мұҳаммад Чуроға додхонинг сулув энага Холдона бибига майлу рағбати бор экан. Бу ҳақда энаганинг ўзи маҳди улёга ёрилибди...

Сароймулхоним табиатан ёрдамга муҳтоҷ кишилар ҳожатини чиқаришни яхши кўрар, ҳамиша ўзини шундай савоб ишларга урар эди. Синчков назар ташлаб юрар экан, ўз мулоzиму канизаклари орасида шундай тақдирга муносиб кишиларни дарров илғаб олар ва тўйларини ўтказиб берарди. Бони Чинор атрофидаги маҳаллаларда доим мана шундоқ тўйларга бош-қош бўлади, етим-есир, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиб туради. Бир куни қирқларга кирган муштипар аёл маҳди улёга келиб, биргина ўғли борлиги, маҳаллада номи чиққан зангин одам қизига ошиқ бўлганлиги, аммо у одам рўйхушлик бермаётгани, ёлғиз ўғлининг эса озиб-тўзиб бораётгани ҳақида йиғлаб арз қилди. Сароймулхоним ҳалиги қизга совчи бўлиб борди, тўй ҳам

бўлиб ўтди... Муштипар аёлнинг ҳали-ҳануз дуодан қўли бўшамайди...

Йигирма бирга кирган Холдона бибини уч йил аввал суйган йигитига узатган эканлар. Қиз тақдиридан жуда ҳам мамнун экан, чақалоқлари бўлиби, бўлиби-ю, афсуски, беш ойлик эканлигига кетиб қолиби. Ўша йили фалокат юз бериб, куёви ҳам Хоразм юришида ҳалок бўлиби... Қайғуга чўмган бебаҳт қиз, ўшандан бери, бошқа эр отини атамаймен, деб келаркан. Муҳаммад Чуроға доддоҳ, сулув энагани суюб қолиби... Доддоҳнинг хотини бир неча йил аввал оламдан ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз уйланишни истамас экан... Ўшанда Сароймулхоним саъй-ҳаракат кўргизиб, уларнинг тўйини ўтказиб берди. Тўрт ой аввал Холдона биби билан Муҳаммад Чуроға доддоҳ, ўғил кўрибдилар...

Хонзода хонимнинг айтганлари ҳам қизиқ эди. Жаҳонгир Мирзонинг ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир билан маликанинг канизаги Оққиз ўртасида шаффоф кўнгил пардаси бор... Улар бир-бирларини жуда яхши кўрадилар. Амирзода баҳодирга энг яқин мулоғимларидан бири сифатида қарап, унга ишонарди. Баҳодир ҳам ҳеч қачон панд берган эмас, ўзини аямай амирзода хизматини адo этарди. Хоразмда Қайсария карvonсаройидан кейинги муюлишда Зангориқўл бўйига боришаётган Хонзода хоним ва унинг дугоналарини "қароқчи"лардан "кутқариб" қолган ҳам шу баҳодир эди...

Мотам кунларидан кейин, баҳодир юкуниб келиб: "Малика жаноби олиялари, амирзодам хизматкорларимен... Ижозат берсалар, амирзодам ҳурматлари, хизматингизда қолсан... Сизни худо ўз паноҳида асррасун, мени бошқа ёққа бериб юбормангиз!.." дея илтижо қилди. Тўғри, қолса — амирзода ҳурматлари, айни бир пайтда уни бу ерга боғлайдиган бошқа сабаб ҳам бор, бу — баҳодирнинг Оққизга муҳаббати... Хонзода хоним йиллар ўтиб канизаклиқдан сирдош дугонага айланган Оққизнинг баҳодир номини эшитганда титраб кетишини ҳам яхши билади.

— Оқа Беги хоним билан Муҳаммадбек ибн Мусо тўйла-ри бўлса, бошқа тўйларга ҳам йўл очилади... — деди Сароймулхоним. — Раияту фуқаро мотаму зам тўрига ўралиб Қолди...

— Аллоҳнинг буюргани шу экан-да... — деди холос малика... — Не десалар, розимен...

Хонзода хоним Сароймулхонимнинг уни қанчалар авайлашини яна бир бор ҳис этди. Таклифни ҳам узоқдан олиб келиб айтдилар. Ҳа, одамни авайлаш — Аллоҳнинг иноятларидан бири, пайғамбаримиз суннатларидандир...

...Ана шуларни эслар экан, Хонзода хоним ийманганча Амир Темурга деди:

— Эй меҳрибон падари бузрукворимиз! Валинеъмат соҳибқиронимиз... Бир нарса сўрасам бўлурму?..

— Сўрангиз. Сўрангиз...

"Хайрият, — деди ичида Амир Темур. — Нима сўраса, адо этгумдир. Кўнгли сал ёзилсин..."

— Хусну сийратда ва суратда ягона қайнисинглим Оқа Беги хонимнинг тўйлари қачон бўладур?..

Кутилмаган бу саволдан нафақат Амир Темур, балки Қуттуб Туркон оқа ҳам, бошқалар ҳам ҳайратга тушдилар. Ноҳазм маликасининг ҳимматини кўрингиз! Ўзи азада ўлтишибди, шу нарса қайнисинглиси баҳтига зомин бўлиб тушибди, тўй ахир баҳорда бўлиши мўлжалланганди-да. Қолиб кетди. Бу ҳақда оғиз очишга ҳеч ким ботина олмаётир. Энди олийжаноб малика ўз ҳасратларини қалбининг бир гучмоғига жойлаб, сасини чиқармасликка тиришмақда ва қайнисинглиси тўйи ҳақида ўзи тараддуд кўргизмақда, айтмақда...

Сароймулхоним ерга қараганча мийифида сезилар-сезилмас жилмайиб ўлтирап эди.

— Бўладур, қизим, албатта бўладур, яқинда бўладур!.. — жавоб қилди соҳибқирон.

Амир Темур Хонзода хонимни энди кўриб тургандай, тикилиб қолди.

Уч ойдан кейин Оқа Беги хонимни "ёр-ёр"лар билан Муҳаммадбек ибн Мусога узатдилар. Соҳибқирон суюкли қизига бир ҳафта тўй берди. Оққиз билан Ахий Жаббор баҳодир тўйлари унга уланиб кетди...

УЛУФБЕК МИРЗОНИНГ СҮНГТИ КУНИ

4 саҳнали пьеса

ИШТИРОКЧИЛАР:

Улувбек Мирзо
Али Қушчи
Абдулатиф Мирзо
Миршаб
Полвон
Тиланчи аёл
Сарой аъёнлари, гадолар, кўча одамлари

Воқеа милодий 1449 йил 24 октябрь оқшомида
Самарқандда бўлиб ўтади.

1-САҲНА

Мусика

Муғулатиф Мирзонинг Мовароуннаҳр таҳтига минганди куни. Кўксарой. Ани онҳазратни қутмашга келган аъёнлар саройни тўлдириб базари жамишиғ қилмоқдалар. Шомдан бери ўйин-кулги авжига. Қийқириқ суроғидан Кўксарой ҳам ўзини ўнғайсиз сезаётгандек эди. Бугун эртага Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган Улувбек Мирзо, қирқ йилдан бери Кўксаройга ўрганиб қолганиданми, шогирди Али Қушчи билан бештади, инде Кўксаройга келиб қолади. Улар саройнинг ланг очиқ кўш табакалари саҳшинкор эшиги олдида базми жамишидни кузатишмоқда... Уларни ҳеч ким ичкарига тақлиф қилмайди. Шодиёна суронлар ҳамма ёқни тушумдирган. Мусика жаранглайди, ашула янграйди...

Улувбек Мирзо — О, буқаламун дунё! (Али Қушчига пишираб). Кўрингиз, ота ўғли! Кечагина Мирзо Улувбек пойниси ўпиди, тўнининг пешини кўзига суртишни орзу қилгандар энди бошқанинг атрофида парвоналар! Улар қирқ йил сultonлик қилган Соҳибқирон набирасини энди танишмайди. Водариф!

Али Қушчи — Ўкинмангиз, устоз... (*Юпатиб*). Юлдузлар ҳамиша ўринларини алмаштириб туришларини биласиз-ку...

Улугбек Мирзо — Биламен... Уф-ф... Кўксарой мени ҳар томондан босиб келмоқда... Мавлоно Фаридиiddин Аттор бу дунёни қудуққа ўхшатмиш эди...

Али Қушчи — Қудуққа?..

Улугбек Мирзо — Ҳа, қудуққа. Қудук бўлганда ҳам суви қуриган қудуқнинг нақ ўзи, дейди...

Али Қушчи — Ё, алҳазар!

Улугбек Мирзо — Худди ўша қудуққа тушиб қолгандаймен...

Али Қушчи — Үндоғ демангиз, устоз!..

Тўрда, олтин тахтга ширақайф ястанган Абдулатиф Мирзо мамнуну масрур ўлтирибди. Атрофдан қийқириқлар тинмайди.

Овозлар — Оlam устуни Абдулатиф Мирзо салтанатлари пойидор бўлсун! — Аллоҳ умрларини зиёда қилсун! — Ҳавол кўрмасунлар! — Соҳибқирон Амир Темурдек давру аврон сурсунлар! — Довруқлари етти иқлимга таралсун! — Таралсун! Тарал-с-у-у-ун!

Абдулатиф Мирзо (*ширакайф овозда*). — Мутрибани, мутриб?.. Айтсу-у-ун ашуласини!..

Улугбек Мирзо (*Али Қушчига шивирлаб*) — Наҳотки ша бошига ёқут кўзли тож қўндириб олган менинг зурёим бўлса?.. Наҳотки?..

Али Қушчи — Ҳа-ҳа, амирзодамнинг ўзлари...

Абдулатиф Мирзо — Шўҳроқ ашуладан олсун, шўҳроғида-а-ан!..

Улугбек Мирзо — Сиз ўғлим қаторидасиз, балки унан ҳам ортиқроқдурсиз, мавлоно Али Қушчи! Сиздек фарсанди аржуманд янглиф бир шогирд ато қилғонига парвар-дигорга шукурлар деймен, ота ўғли!

Али Қушчи (*кўлинин кўксига кўйиб*) — Қуллук, устоз! Каминани баоят қарздор этдилар... ҳа, ҳа, қарздор этдилар...

Устозу шогирд ўзлари билан ўзлари бўлиб ичкарига уларни кўпдан кўзатиб турган икки амирни сезмас эшилар. Шу пайт юпун кийинган Тиланчи аёл эшик ёнидан ўта бошлиайди.

Тилянчи аёл — Хайру садақа радди балодур... Хайр қилинглар!.. Султондай ўғлим бор эди... Бор эди-и-и... Худо олди. Ҳеч кимим йўқ энди... Хайр қилинглар!..

Улуғбек Мирзо ёнчигига қўл узатаги. Амирлардан бири: "Э... қаердан келиб қолди бу қасофат!.. Кем! Кем!.." дега туртиб Тилянчи аёлни ҳайдаб юборади. Улуғбек Мирзо тикилганча қараб қолади.

Улуғбек Мирзо — Фарзандлар... Ё, Аллоҳ! Бир бандангда нима қасдинг бор эдикি, фарзандлардан... Йўқ. Йўқ, абас айтдим, абас айтдим, фарзандларнинг борига шукур! Қани, бандаси фарзанднинг бир мўйини, бир тирноғини яратиб кўрсинг-чи? Фарзандни ҳам парвардигор берганга беради! Лекин... нега фарзандларим бир-бирлари билан иноқ эмаслар-а? Нега? Не-га-а?.. Нега улар оталарининг бағрини тилаётғонларини билмайдилар, билишга уринмайдилар ҳам?.. Ахир ота, падар ҳам дунёда ягона-ку?.. Нега фарзандлар оталарини ўтга отишлари керак? Отa бўлғонлиги учунми?.. Шу ёруғ дунёга келишларида сабабчи бўлғони учунми?.. Э, хом сут эмган бандалар!

Али Қушчи — Афу этадилар, устоз! Онҳазратнинг бунчалар надомат тўрига тушиб қолишларига, тушиб қолиш эмас, балки ўзларини ўша тўрга отишларига важ йўқдур! Шукур қилмак керак, холос...

*Мусиқа кетидан мусиқа уланаги,
таҳт олдига ракқосалар хиром айлайди.*

Улуғбек Мирзо (*хаста овозда*) — Шукур қиласмен бешак, ота ўғли, шукур қиласмен! Шундоғ яратғонига шукур... Аммо, фарзандлар... (*Жимлик*). Фарзандлар... Ҳайрон қолмангиз... Кўнглим тўлиб кетди...

Али Қушчи — Устоз... Устоз... Кўнглингиз чўкмасун, устоз!..

Улуғбек Мирзо — Мен фарзандларимни ёмон демаймен. Зинҳор! Қайси ота ўз пушти камаридан бўлғон дилбандини ёмон дейди?.. Аммо, мен... Аммо, мен уларни эл суюдурғон, улус корига ярайдурғон валламатлар бўлиб камол топишларини истар эдим-ку? Ахир мен уларни Амир

Темур соҳибқирон авлоди эканликларини унутмайдурғон, оталарининг қадрига етадурғон, бир оғиз қаломини ҳам ерда қолдирмайдурғон, иззат-икромини жойига күядурғон элнинг оқил ўғиллари бўлиб бўй чўзишларини хоҳлар эдимку! Э, парвардигор! Нечун орзуларим аро йўлда қолиб кетди? Нечун? Оҳ!..

Улугбек Мирзоны синчикалб кузатиб турган иккита амир энди уларга яқинлаша бошлигиди. Сарой аъёнларининг кўзларида ҳайрат ва разаб учқунлари кўринар эди.

Биринчиси — Нималар деяпсиз шундоғ муборак кунда?.. Шодлик айёмида нечун надомату оҳ-воҳлар?

Иккинчиси (*дагал*) — Боядан бери озмунча гапларни гапирмадингиз, нақ илон пўст ташласа арзийдиган гаплар-а!

Биринчиси — Мовароуннаҳр сultonни эшитиб қолсалар, нима дейдир? Жонингизга жабр қилмакчимисиз? Хулингиз жойида эмас шекилли...

Иккинчиси — Бехуд бўлиб қолғон... Кўриниб турибди йўқ эса шундоқ гапларни оғизга олармиди...

Биринчиси (*Улугбек Мирзо қўлидан тутишга урина-гу*) — Қани юрингиз! Сизнинг жойингиз бошқа ерда...

Али Қушчи (*орага тушиб*) — Устозни тинч қўйингиз, тақсир! Мана, мендан сўрангиз! Нима гапингиз бўлса менга айингиз, тақсир! Мен жавоб берай... Айтингиз!

Биринчиси — Йўқ, йўқ, сиз аралашманг, мавлоно... Аралашманг!.. Бу кишининг жойлари бу ерда эмас, бошқа жойида, ҳа!

Иккинчиси — Ҳа, ҳа, бошқа жойдадур! Бу аниқ гап!

Али Қушчи — Тақсирлар... Тақсирлар... (*Секин Улугбек Мирзога*). Тез бу ерни тарқ этингиз, устоз! Тез бўлингиз!.. Буларни овора қилиб турамен... (*Аъёнларга*) Тақсирлар! Фароғатингизни бузмангиз! Ахир ўзгаларнинг ҳам дикқатини жалб қилмақдамиз... Базми жамшидни бузиб қўимайлик, дейман, тақсирлар...

Биринчиси — Майли, ризомиз. Бу ердан тез кетсун!..

Улугбек Мирзо ҳанг-манг бўлганча саройдан ўироқлашади.

2-САҲНА

Самарқанд кўчаси. Кечқурун. Муюлишларда қўйилган фонуслар йўлни тира-шира ёритади, одамни таниб бўлмас даражага қоронги. Аҳён-аҳёнда шақилдогини ўйнатиб Миршаб ўтиб қолади. Улуғбек Мирзо қаёқладир кетмоқда, аммо қаёқга эканлигини ҳам билмайди. Мунгли мусиқа янграйди. Кўксаройдан ўироклашиб борар экан, тобора Улуғбек Мирзо енгил торттар эди. Навбатдаги муюлишда, лопиллаб турган фонус тагида у ёқдан бу ёққа юрган Миршаб уни кўриб шақилдогини кўтариади.

Миршаб (*gafgafali*) — Ҳой, ким у? Кўзингга қара!..
Қаён йўл тутарсен? Бемаҳалда нима қилиб юрибсен? Тўхта!..

Улуғбек Мирзо (*каловланиб*) — Мен... мен.. Хўп, тўхтадим, ота ўғли, тўхтадим. Мана...

Миршаб — Кимсен? Нима қилиб юрибсен?

Улуғбек Мирзо — Мусофиримен, мусофири... (*Ичида*).
Мусофири! Ўз шахрида, бобо юртида... мусофири!..

Миршаб — Мусофири?

Улуғбек Мирзо — Ҳа, ҳа, мусофиримен.

Миршаб — Қани фонусга яқин кел-чи! Кўрай-чи... Ҳм-м...
Қаердан келмақдасен, шу келишда энди?..

Улуғбек Мирзо (*енгил тортиб*) — Шошдан келмак-дамен...

Миршаб — Шаҳарда таҳтдан кетган Улуғбек Кўрагон одамлари изғиб юрганимиш... Мовароуннаҳр сultonи Мирзо Абдулатиф жаноби олийларидан фармон етдиким, шундоеф кишилар дуч келса, шитоб ҳибсга олинсун, деб... Тўртта одамни қўлгаям олдик... Сен, эй мусофири, сўраганинг айби йўқ, мабодо ўшандайлардан эмасмусен, эй умрингни бергур?

Улуғбек Мирзо — Йўғ-е! Султон Улуғбек одамлари қайда-ю мен қайда!.. Мен бир бечора одаммен. Туарга жойим йўқ... Бошпана излаб юрибмен, бошпана...

Миршаб (*бироз юмшаб*) — Аввал ҳеч Самарқанди фирдавсмонандда бўлганмусен, мусофири? Бундай сал шаҳарни билармусен?..

Улуғбек Мирзо — Йўқ... Ҳеч бўлмағонмен...

Миршаб — Ҳечам-а?

Улубек Мирзо — Ҳечам. Самарқандда илк бор бўлишим.

Миршаб (*афсуслангандек*) — Э, Самарқандда бўлмабсен, дунёга келмабсен, ҳа... (*Жим қолади*).

Улубек Мирзо — Карвонсаройга қандай борилади, айтиб юборсалар...

Миршаб — Эса, тўғри йўлдан борасен, чорраҳадан чапга буриласен, адашма! Узоқ эмас. Карвонсарой сўл томонда бўлади, эй умрингни бергур!

Улубек Мирзо — Тутганинг олтин бўлсун, хуш қол...

Миршаб — Аллоҳнинг паноҳига... (*Шақилогони ўйнатиб, қичқириб қўяги*). Ҳой! Ким у? Кўзингта қара!..

Муsicа

3-САҲНА

Самарқанд карвонсаройи. Сўл томондан Исфаҳондан, ўнг томонда Хўтандан келган икки карвон аҳли жойлашиши умидига у ёқдан бу ёққа ивиқсиб юришибди. Фала-ғовур. Улубек Мирзо аста яқинлашади. Бирлан нарироқда турган икки чакмонли одамнинг сўзлари унинг кулолига чалинади.

Биринчи одам — Эшийтдингизму?..

Иккинчи одам — Нимани айтмоқдасиз?

Биринчи одам — Самарқандда тўполон-ку! Тезроқ жўнамоқ даркор, бу ерда кўп туриб бўлмайди. Юрт жуда ноҳинч экан.

Иккинчи одам — Тўғри айтасиз... Шаҳарда ҳам файз йўли ҳувиллаб ётибди...

Биринчи одам — Ўттиз йилдирки, Хўтандан шахри Руғга карвон билан қатнаймен. Ҳеч қаерда бундай осойишта ва дориломон шаҳарни кўрмажонмен. Самарқанд деса, юргимиз ҳаприқиб турарди. Падари бузрукворимиз ҳали Амир Темур Кўрагон замонларида бу йўлдан қатнар эканлар. Бир ҳикоялари ҳануз эсимда. Амир Темур замонида

осойишталик шу қадар зўр эканки, агар бир боланинг бошига лаган қўйсангиз, унга беш тилла солсангиз, у бола Султониядан, ҳа-ҳа, Эрондан Самарқандгача юрса, йўлларда биттаям камаймас эмиш! Ана кўрдингизму!..

Иккинчи одам — Ҳа, энди у замонлар бир бўлдида... Ҳозир жуда нотинч экан. Тезроқ жўнаб кетиши керак, сардор жаноблари! Юрагинг сиқилиб кетади-я!

Биринчи одам — Тўғри айтасиз, бек. Бироз нафас ростлаб олсак кифоя, бир-икки кун... Ҳали сафаримиз узоқ.

Иккинчи одам — Манзилимизга етиб олгунча зимистон қишига қолиб кетмасак, бис...

Биринчи одам — Бембек-шубҳа! Зимистон қишига қолмай шахри Румга етиб олсанлий, иншооллоҳ!

Иккинчи одам — Мирзанингиз келсун, сардор жаноблари! (Жимлик). Даринч, ҳамги отлиқ, подшонинг чопари нима деб бақириб юриш... Мен карвон билан овора бўлиб эшитолмай қолдим.

Биринчи одам — Ҳатто... Мовароуннаҳр султони Улуғбек Мирзо Кўрагон таҳ. ёли бадарга қилинғон эрмиш. Ўрнига ўғли Абдулатиф Мирзо подшо бўлибди. Улуғбек Мирзо қочиб юрғонмийт... Агар бирон бир карвон ўзига қўшиб олса-ю яширса... (Илорининг кетма-кет кишинага ништилади) ... Шунидатул куз-қулоқ бўлингиз сиз ҳам, бек жаноблари! Юрингиз курундан хабар олайлик. (Кетамалар).

Улуғбек Мирзо (ўзаш ўзи) — ...бирон карвон ўзига қўниб олса-ю яширса... яхши кишинаб гапни охиригача эшитолмай қолдим-да! Ажкин, сап нимадалигини англашим! Алоҳавла вала қуввати! Розидан ҳам, бирон карвонга қўшилиб тезроқ юртдан чиқиб чотмакчи эрдим... Ҳаж томонларга бирмакни ўйлафондим. Қаққай мукаррама билан Мадина шунавварани зиёрат отмакка кўп орзуманд эрдим. Бу ҳам сенга насиб этманда шекилли, эй бечора Мұҳаммад! Ох, олар нима бўлишингни ҳеч қачон билмас экансен... Эвоҳ!..

Улувбек Мирзо бирор таниб қолмасин, дея атрофга ҳадик билан қараб, қаерга яшринишини, нима қилишини билмай боради. Ногаҳон ўнг томонда күнжакда уймалашиб ўлтирган одамларни кўриб қолади...

...Ўртага ягона шам липилаб ёниб турибди, ўттизтacha уй-жойсиз мусофиirlар унинг атрофида парвоналар сингари хуш кайфиятда чақ-чақлашиб ўлтиришибди. Тенага осилган хира фонус шуъласига ҳар ким тимирскиланиб нима биландир машғул: кимдир ухлаш пайига бошига гиштдан ёстиқ қилмоқда, кимдир этигини ечиб пайтавасини қуритиш билан овора, кимдир аллақачон хурракни бошлаб юборган...

Полвон бир одам атрофдагиларга гап бермоқда, гап орасига даврагагиларга оз-оздан май улашади... Гоҳ-гоҳда "Дунё билан ишимиз йўқ! Кўнглимиз тўқ! Кўнглимиз тўқ!" дея хиргойи қилиб қўяди. Улувбек Мирзо дунёни сув олса тўпигига чиқмайдиган бу одамлар ёнига бир лаҳза тўхтаб қолади...

Полвон — Ўйланмай келавер! Бағримиз очик, кўнгли-миз ҳам очик, эй мусофири! Келавер, нега қаққайиб турибсан?.. Хо-хо, келолмай турибди... Ҳой, бу ёққа келтиринглар уни! Тез!

Ҳаш-паш дегунча бўлмай, икки одам шарт ўрнидан туриб, ҳангича Улувбек Мирзонинг қўлтиғидан олишиб даврага кўшиб қўйишишади.

Полвон (*косагулга буюриб*) — Майдан узат! (*Улувбекка*) Ана буни ол-у сипқариб юбор! Қани бўл!

Улувбек Мирзо (*ҳайратда*) — Мен... мен... ичмасмен, ота ўғли...

Даврадагилардан бири — И-е... Шуни олмайдиган одам ҳам бўлар экан-да. Ҳи-ҳи..

Полвон — Йўқ, десанг оғзингдан қуямиз. Шартимиз шунаقا...

Даврадагилардан бири — Ҳа, ҳа, ётқизи-и-иб қуямиз! Бир марта ҳам биттаси, шунақа ичмаймен, деди. Ётқизиб қуйгандик, бир оздан кейин ўзи сўраб олиб ичди! Хо-хо-хо!.. (*Кулги*).

Полвон — Ичилсун!!

Улувбек Мирзо — Йўқ, йўқ... Ича олмаймен...

Полвон — Қани, йигитлар! Бунга бир ичиринглар-чи!

Улубек Мирзо (*ўзича*) — Ичиришади шекилли... Тўхтангизлар! Аллоҳнинг ўзи афу этсин, ўзи кўриб турибди... Майли, кўзимни чирт юмай-да, бу дунёning заҳар-закқумини ичсан ичиб юбора қолай!.. Аллоҳнинг ўзи кечирсин!

Овозлар — Баракалло! Офарин! Э, қойил-е! Яшавор!

Тиланчи аёл (*пайдо бўлиб*) — Хайру садақа радди балодур... Полвондай ўғлим бор эди. Худо олди... Энди ҳеч кимим йўқ... Хайр қилинглаб-а-а-р!

Улубек Мирзо — Мана бу тангани олингиз!

Бонкалар — Пўлни олинг! Пулни олинг!

Тиланчи аёл — Йаё, тупроқ ушласангиз олтин бўлсун! Быни ўзингизга буюрсин! (*Кетаги.*)

Бир овоз — ...Давомини эшитайлик, Полвон ака! Жуда кийин, бўнти-ку... Шу дараарда Улубек Кўрагон қаерда жан? Бирор кўрибдиши? Кўрмабдими?..

Улубек Мирзо (*шоъниаб*) — Улубек Кўрагонни... саерда жан?.. Тутиб олинибдими?

Полвон — Йў-ў-ўк! Ҳозирча тутишгани йўқ...

Улубек Мирзо (*ўзига ўзи*) — Хайрият, танишмади...

Полвон — Лекин баррабир тутиб олишади-да. Қайга сениб борарди бечора...

Улубек Мирзо (*ўзича*) — Бечора! Ҳалигина Кўксанида у бегонадай эди, кўчага чиққанида мусофирилик марғасига минди... Мана энди бечоралик тожи ҳам унга насиб тарб туребди...


Бир овоз (*косагулга*) — Косани айлантир, акант айлансун!

Бир овоз — Гардуни дун янглиғ кося айлансун!

Бир овоз — Гардуни дун янглиғ кося сендан айлансун!

Полвон — Кўп айлантирма! Тез-тез қуйиб айлантири!

(Кулги)



Майкоса шитоб айланишда давом этади...

Улувбек Мирзо (*навбатдаги косани бўшатиб, сархуш*) — Пошишо... пошишо эмас, ҳақиқий пошишо сен экансен, эй косагул! Куй, ота ўғли!..

Кайфдан қийшайиб қолганлар сафи кўпайиб, давра сийрак тортшиб боради. Улувбек Мирзо нинг боши айлана бошлиайди. Полвон сармасликдан тебраниб зўрга ўлтиради.

Полвон (*хиргойи қилиб*) — ...Дунё билан ишимиз йў-ў-ўқ, адоман-ей, кўнглимиз тўқ, кўнглимиз тў-ў-ўқ...адо-оман-о.

Улувбек Мирзо — Майини... ўткир экан... Кам бўлма, биродар... (*Полвоннинг елқасида қўяди*). Ўткир экан... ҳа-а-а...

Полвон (*мамнун, сармаси*) — Ургутнинг шароби! Ургутнинг, ҳа!.. Дунёнинг роҳати шу-да!.. Роза абжабим чиқди... Энди ётамен... (*Хиргойи қилидиги*). Энди ётамен, хуррак ётамен!..

Жем:

Улувбек Мирзо (*бирдан*) — Шошма!.. Мен... подшомен... Подшомен! Подшо-о-о..

Полвон (*беларво оҳсанги*) — Ҳа... ҳаммамиз ҳам пошишимиз... Пошишомиз. Рост яйасен... Аммо мен катта пошишомен, сен кичкина пошишомен! Билдингму? (*Қах-қах отиб ушичи*)... Мен — катта пошишо, сен — кичкина пошишо... кичкина пошишо-о-о!..

Ухлаганларни дурраклари эшишилади.

Улувбек Мирзо... Мен сенга айтсам, кулма, ота ўғли! Полвон — Ҳе-ҳе-ҳа!.. Кулма... кул... кулма... Хо-хо-хо!...

Улувбек Мирзо — Мен подшомен, деяпмен сенга! (*Полвонни уйқудан уйгота бошлиайди*). Подшомен!! Англадингму? Англадингму?..

Полвон (*эринчак*) — Ҳўп, хўп... Пошишосен... Кечаям битта пошишо келганди...

Улуғбек Мирзо (*қайсалик билан*) — Кулма, деяпмен!.. Мен Улуғбек Кўрагонмен! Қирқ йил Туркистон сultonи бўлғон Улуғбек Мирзо! "Зижи жадиди Кўрагоний" китобини ёзғон подшо! Билдингму? Мен...

Полвон (*дагаллик билан*) — Йў-ў-ў-ўк! Сен Улуғбек Кўрагон эмассен! Сен Амир Темур соҳибқиронсен! Чингизхонсен! Искандари Зулқарнайнсен!.. Бўлдими? Бор энди, кўзимга кўринма! Ухлагани қўясанму ўзи?.. Йўқол!

Улуғбек Мирзо атрофга назар солади. Жимлик. Давра дошлари пишиллашиб ухлашмоқда, хуррак овозлари атрофни тутган...

Улуғбек Мирзо — Бу дунёда нақадар ёлғизмен!.. Нақадар ёлғиз!.. Бирон яқин кишим йўқ! Самарқандада ҳеч кимим йўқ!.. Падари бузрукворим хоқони сайид Шоҳруҳ Мирзо уч йил аввал у дунёга риҳлат этғонлар. Жойлари жаннатда бўлсун! Волидаи муҳтарамам Гавҳаршод бегим эса Ҳиротда, узоқдалар... Онажоним! Онажоним!.. Ёнингизда бўлсам эди!.. (*Йиглаб юборади*). Энди нима қиласмен?.. Нима қиласмен?.. Ёраббий!.. (*Жимлик*). Бу ердан кетишим керак!..

Мусика

4-САХНА

Улуғбек Мирзо ўрнидан туради ва кўча томон йўналади. Самарқанд шоҳ кўчаси. Жимлик. Хаёллари пароканга Улуғбек Мирзо бирдан ўтига келади, ҳушёр тортган, майдан асар ҳам йўқ.

Улуғбек Мирзо — Назаримда, ортимдан қандайдир шарпа қузатиб келмақда. Ким экан у? Миршабларданми? Билмаймен. Ана яқинлашаяпти... Қочиш керак! Тез қочиш керак!

Овоз (*узоқдан*) — Қочманг! Қочманг!..

Улуғбек Мирзо — Ё, Аллоҳ! Ана! Ростдан ҳам қувиб келишмақда!.. (*Қаттиқроқ югурга бошлиайди*). Ҳозир етиб олишади!.. Қаерга яшринишим мумкин? Кошки бу оламдан

шу топда қочиб чиқиб кетиш мүмкін бўлса?.. Ие! Анави чуқурлик, қудуқми? Қудуқ экан! Шунга яшринсам-чи? Ҳеч ким тополмайди! Лоҳавла вала қуввата! Шайх Фаридиддин Аттор дунёни қудуққа қиёс этғон эди-я! Ўша қудуқ шу бўлса керак...

Овоз — Тўхтанг! Қочманг!..

Улуғбек Мирзо — Ҳозир келиб қолади!.. Тез шу қудуққа тушайин... Хийла чуқур экан. Ҳайрият, суви қуриган экан... Қани, кутайин-чи... (*Жимлик*). Тепадан бир парча осмон кўриниб турибди, холос... Ёраббий! Дунёнинг торлигини!.. Ие! Ана! Бир чақноқ юлдуз жамол кўргизмақда... Бутун осмони фалакда биргина юлдуз чақнаб турибди! Танидим... Алтойирсен! Алтойир юлдузи! Ҳолимдан хабар олғони келдингму, эй, садоқатли дўст!

Овоз (*тепадан*) — Устоз! Устоз!..

Улуғбек Мирзо — Алтойир! Устоз деганингга шукур! Шукур... шукур.. (*Тўлиқиб кетаги*).

Овоз — Устоз! Устоз...

Улуғбек Мирзо — Аллоҳнинг қарами кенг! (*Йигидан тўхтаб*). Ю́гуз изирипти-я, юлдуз гапиряпти! Ўн саккиз минг оламга ўзинген этғон ўзингсен, эй парвардигор! Ҳамма нарса қўлиниң келадур...

Овоз — Устоз! Устоз... Али Қушчимен...

Улуғбек Мирзо — Али Қушчи? Али Қушчи дейдирму? Ана... Тепада Али Али Алтойир чараклаб турибди... Алтойирга айланган Али Қушчи...

Овоз — Юғуриб изингиздан ета олмадим... Изламаган жойим қолмади. Ҳудога шукур, ахийри топдим. Устоз!.. Али Қушчимен...

Улуғбек Мирзо — Ҳа-а... Али Қушчига айланган Алтойир... (*Тагин ишғлаб юборади*). Ёраббий! Бир бандангни қўшини қудуқда ёлғиз кўлдирмаганингга шукур!

Али Қушчи — Ўқинмангиз, устоз! Тепага чиқингиз!..

Али Қушчи: "Қани, устоз! Қўлингизни берингиз!", "Қани.." "Ҳа, яна оз қомди!" — дега Улуғбек Мирзога чиқишига қўмаклаша бошлиди. Улуғбек Мирзо ламину қудуқдан чиқади. У осмонларга суқли боқади. Шу

tonga соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли набираси, Турон мамлакатининг қирқ йиллик султони Улувбек Мирзо умридан бор-йўғи бир кунгина қолганини хаёлига ҳам келтирмас эди.

Улувбек Мирзо (*хурсанг*) — Аллоҳга шукурки, дунё бир парчагина осмондан иборат эмас, мавлоно Али! Хайрият!.. Дунё кенг, осмон бепоён!.. Минг йигирма икки юлдуз ўрнини аниқладим. Ҳали осмонда юлдузлар саноқсиз, улар мени имлашмақда, бизнинг ҳам ўрнимизни топиб бер, дейишмақда... Топамен! Улар ичида ўз юлдузимни ҳам топажакмен, бешак-шубҳа топажакмен!..


Мусика

Тамом

2001 йил, октябрь



ХАЛҚ ЯРАТГАН ДАҲО



САРБАДОРЛАР — ХАЛҚ КУРАШЧИЛАРИ

(“Ўзбекистон агадиёти ва санъати”
газетаси мухбири билан сұхбат)

Журналист: — Мана, ниҳоят, сарбдорлар түғрисидағи романга ҳам сўнгги нуқта қўйдингиз. У дўстларингиз, баъзи ижодкорлар назаридан ҳам ўтди. Катта асарнинг юки енгил бўлмайди. Ҳар қалай бу юкни кўтариш сиз учун осон бўлмагандир?

Ёзувчи: — Аббатта. Лекин мен сўзим бошида бир гапни таъкидлаб туини истардим. Биз яқин-яқинларгача тарихимизни бу бобокалонларимизни, уларнинг қилган муборак низомини яоралаш билан шуғулланиб келдик. Энг ёмони, бу тарифни тарихимизни мутлақо билмаган ҳолда бирорлантириш "табори" билан қилиб келдик. Эндилиқда эса кўзимиз оға очишиб, тарихимизни билганимиз сайнин бундай гумроҳлик тарз қутулаяпмиз.

Энди роман жадид келсак, асар устида кўп йиллар меҳнат қилишга тұраған келди. Аввало, материаллар тўплаш билан шуғулландым. Бунга беш йилча вақт кетди. Уларни ўқиб ўргандым, уша давр ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишга уриндим. Тарихимиз билимдонлари билан сұхбатлар қурған. Кейин уни бең йил ичидаги қофозга туширдим.

Мәълумки, XIV аср — тарихимизнинг нуфузли, бироқ интилларга бой даври, унга баҳо беришда оддий китобхонаси эмас, балки тарихчилар ҳам ўйланиб қоладилар. Чунки бу асрда юртимиз мўғул босқинчилари зулмидан тозаланди, оламишумуда сарбадорлар ҳаракати рўй берди, ниҳоят Амир Темур ҳокимият бошига келди, марказлашган йирик давлат барло бўлди.

Сарбадорлар ҳаракати, энг аввало озодлик ҳаракатидир, кейин унга ижтимоий адолат талаблари, масалан, хусусий ер әгачилигини йүқотиш, ҳамма ер, бойлигу неъматларни дәхқонларнинг умум тасарруфига бериш, умум ижтимоий тентхұкуқлиликни ўрнатиш сингарилар қўшилди. Бу ҳаракат Хурсонда туғилиб, "Сарбадорлар давлати"ни вужудга келтириди ва бу давлат 1337—1381 йиллар давомида ҳукм сурди. Унинг таъсирида Мозандаронда (1350), Самарқандда (1365), Фийлонда (1370), Кермонда (1373) шундай ҳаракатлар бўлиб ўтди. Буларнинг ичида, албатта, Самарқанд—Туркистоннинг пойтахти, Мовароуннахрнинг марказий шаҳри, сарбадорлар эса пойтахтда иш олиб бордилар.

Журналист: — Сиз шоир сифатида ўқувчилар мөхрини қозонгансиз, тарихий достонлар, шеърий роман ёзгансиз. Лекин сарбадорлар мавзуига энди мурожаат қиляпсиз чофи?

Ёзувчи: — Сарбадорлар мавзуи мен учун янгилик эмас. Ўтмишимиз ҳақидағи шеърий түркүмимда "Сарбадорлар қўшиғи" номли шеърим бор. Бундан йигирма тўрт йил илгари ёзган "Машраб" достонимнинг дастлабки номи ҳам "Сарбадор" эди. Мен Машрабни сарбадорликнинг юксак нуқтасыга чиқариб тасвирламоқчи эдим. Унинг қисмати ҳам сарбадорларники сингари дор билан боғлиқ-да. "Балҳда дор интизор бу дарбадарга, Қаро ер бўлғувси ёлғиз маскани. Ҳаётдан тегмиши шу сарбадорга: Аммо Навоий ҳам, Сино ҳам яъни, Умр йўлларида ким топса маъни, Ўша — сарбадордир ва уни дорга, Гар ўзи тортмаса, тортгувси риё, Ё осмон, ё замон, охири — дунё..." Бу достондан. Демак, "умр йўлларида ким топса маъни", у ҳамма замонларда ҳам сарбадордир, деган ғоя сингдирилган. Сарбадорлар ҳамиша бўлган, бор, бўлади ҳам! Халқни, миллатни, Ватанни ўйлай-диган кишилар, эрк учун, эзгулик учун курашаётган инсонларни мен сарбадорлар қаторига қўшгим келади.

"Сарбадорлар" — насрдаги биринчи йирик асарим. Унинг насрда ёзилишига келсак, буни мавзунинг ўзи танлади. Мен

ҳамиша ҳаётни кенг эпик кўламда тасвирлаш тарафдориман, буни достонларимда, "Боқий дунё" шеърий романимда ва эпик достонларни таржима қилганлигимдан ҳам кўрса бўлади. Наср ижодкорга катта имконлар беради. Наср — катта шеърият.

Журналист: — Сарбадорлар ҳаракати юз берган даврни ўрганишда қандай манбаларга мурожаат қилдингиз?

Ёзувчи: — Жуда кўп. Шулардан айримларини келтириб ўтишим мумкин. Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн", Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро", Фасиҳ Хавофиининг "Мужмали Фасиҳий", Ибн Баттутанинг саёҳатномаси, Шарафиiddин Али Яздийнинг "Зафарнома", В.В. Бартольднинг "1365 йилда Самарқандда ҳалқ ҳаракати" ва Туркистон тарихига оид бошқа мақолалари. И. Петрушевскийнинг "Хуросонда сарбадорлар ҳаракати" Р. Набиевнинг "XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар" китоблари... Саналган асарларнинг ҳар бири — нахмий қимматга эга. Айниқса, "Мужмали Фасиҳий" — ҳада сўз айтмай илож йўқ. Бу ноёб хазина деса арзигу — шарқшунос Д. Юсупова рус тилига таржимида — 1980 йили нашр этдириди. XIV асрдан XV аср — арбача бир юз қирқ йиллик даврни ўз ичига олган бу фуросон ва Мовароуннаҳр ҳаётига оид жуда ҳам маълумотлар тўпланган. Бўлиб ўтган воқеалар оғизида ғулма-йил кўрсатиб берилган, ишончли манба. Шу азизи оғиз башқа китоблардаги фактларни бу китоб билан солиштириб кўп янгиликлар топиш мумкин. Фасиҳ Хавофиий сарбадорлар ҳақида ҳам нодир маълумот келтириб ўтади.

Журналист: — Радианингизда сарбадорлар сардорлари — Ҳабиб, Мавлононцида, Хўрдак Бухорий каби қаҳрамонлар обраси бор. Нима, улар тарихий шахсларми?

Ёзувчи: — Сарбадорлар оддий кишилар, улар ҳалқ ва-киллари. Териний манбалар бизга фақат юқорида сиз номларини санаган китнилар ҳақида маълумотлар беради. Улар тарихий шахслар. Сиз Қалавий деяпсиз, Бартольд бу исмни

шундай қабул қилишни таклиф этган. Л. Строева деган олима "Кулуий" деб үқиши керак, дейди. Менинг назаримда, бу пахта тозаловчилар маҳалласи оқсоқоли Абу Бакрнинг нисбасидир. Демак, унинг исми юқоридағидек тарзда эмас, балки "Калава" шаклида ёзилиши керак, чунки анъанага кўра, касб эталари номига касб моҳиятини ифодаловчи сўзлар қўшилади¹. Мавлонозода — мадраса толиби, Хўрдак Бухорий сипоҳий... Улар Самарқандни фозиллар шаҳрига айлантириш орзусида ёнадилар, инсон инсондек яшасин, ҳамма тенг ҳукуқли бўлсин, сингари талабларни ўртага ташлайдилар. Улар 1365 йилнинг кузида мўгулларни Самарқанддан қувадилар ва ярим йил давомида ҳокимият тепасида турадилар.

Мўгуллар бу мағлубиятдан кейин Мовароуннахрга бошқа кела олмайдилар. Жасоратли, мард сарбадорлар ҳақидағи гап-сўзлар бутун Мовароуннахру Хуресонга тарқалади.

Амир Ҳусайн бобоси Амир Қозогоннинг меросхўри сифатида Туркистонда ўз ҳокимлигини ўрнатиш ташвишида эди Шу мақсадда у қўрқмас ва ақлли Амир Темур билан яқинлашишга ҳаракат қиласи, унинг салоҳияти, тадбиркорлигидан фойдаланмоқчи бўлади. Амир Темур ҳам айнан шу йўлдан боради, чунки бу — ҳокимиятта яқинлашишнинг бирдан-бир йўли эди. Икки амир Қуръони Каримни ўртага қўтиб дўст тутинадилар. Амир Темур Ҳусайннинг Улжой Туғон оқа отли синглисига уйланади. Аммо дўстлик юзаки бўтиб қолаверади, улар ўртасида пинҳона рақобат давом этади.

Энди тарих майдонида учта куч — Амир Ҳусайн, Амир Темур ва сарбадорлар пайдо бўлади. Амир Ҳусайн сарбадорлардан ҳайиқарди. Амир Темур эса жасоратли кишиларни ўз томонига оғдиришни ўйларди, юрт тузища улардаги фойдаланишга интилади. Чунки Амир Темур ҳам, сарбадорлар ҳам шу тупроқнинг фарзандлари эдилар, душманлари битта — мўгуллар эди. Ана ўша бўлажак иттифоқдан ҳайиқкан Ҳусайн пайт пойлаб сарбадорларни дорга торттиради, кеч қолган Амир Темур фақат Мавлонозодани қутқарриб қолади, холос. Содда, ишонувчан, мард сарбадорлар

¹ Романда «Калавий» тарзида олишга қарор қилдик. (М.А.)



эса амирлар ўртасидаги муносабатнинг қурбони бўлиб кетадилар...

Романда талай тўқима образлар ҳам бор. Булар романдағи Уста Кулол, Қодир Ҳалвойи, Ахий Жаббор, Абомуслим, Жаҳон, Худобанда, Садр Сулаймон кабилардир.

Журналист: — Келгусида ижодий режаларингиз?

Ёзувчи: — Романни ўқиганлардан баъзилари бу мавзуни давом этдириб, Амир Темур даври ҳақида ҳам асар яратинг, деган фикрни билдиримоқдалар. Тўғри, бу даврни имкон қадар ўргандим, лекин ҳали бу ҳақда жиҳдийроқ ўйлаб кўрганим йўқ. Ҳозир эса кўпдан кўнглимда туғилиб келаётган ниятим — бир саҳна асари устида ишни давом эттиряпман. Бу мавзу ҳам ўзимга қадрдон — Бобораҳим Машраб мавзуси...

Журналист Мирза КАРИМ суҳбатлашди

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси,

1990 йил 2 ноябрь

"АМИР ТЕМУР" ФИЛЬМИ ЛИБРЕТТОСИ ҲАҚИДА

Саҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк шахслар ҳаётни ўрганиш, улар ҳақида асарлар, фильмлар яратиш авло, лар бўйнида турган катта бурчdir, ҳақиқий виждан ишилди. Бу ҳар қанақасига қўллаб-қувватланишга муносабиб шир шижаотдир. Мен "Амир Темур" фильмига ёзилган либреттони ўқишига киришар эканман, ана шуларни ҳаёлимдан ўтказдим.

Амир Темур сиймоси ҳамда унинг ҳаётига ёндошилганда, тозига тошни баробар қўйиш кераклиги муҳим шартлардан бирига айланади. Чунки бу ҳаёт уммони шунчалар мазмунли, қизиқ, варойиб, шиддатларга тўлиб-тошиб ётибдик, чамалашга киши дабдурустдан ожизлик қилиб қолади. Унда ҳамма нарса — юрга муҳаббат, бирлашиш туйфуси,

дүстгә садоқат, ўз сүзига беклик, душманга аёвсиз нафрат, маҳбуба ишқи, ҳаром-ҳаришга тоқатсизлик, эл маданиятига меҳр, илм соҳибларига ҳомийлик, давлат шукухини мустаҳкамлаш, муҳофаза қилиш, қудратини ошириш ниятида ўзга мамлакатларга қилинган ҳарбий юришлар, меъморлик ишларида фидойилик, ўзбек (турк)ка хос бўлган оиласдаги қаттиқўллик, аёлларга ҳурмат (аёллар номидаги мадраса, хонақоҳ, масжиду мақбараларни эсланг), фарзандларга меҳрибонлик — барча-барчаси мужассамдир. Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" достонида инсон яратилиши ҳақида ёзиб, сувни оловга душман қилиб яратди, шамолни эса тупроқда зид қилди, дейди. Яратувчининг қудрати билан ана шу бирбирига зид тўрт нарса (унсур)инсон ҳилқатида бир бутун ҳолда бирлашди. Бу сўзлар худди Амир Темур ҳақида ёзилгандек туюлади. Унда чиндан ҳам сув ва олов, шамол ва тупроқ бир сиймода бирлашгандир. Шу маънода, фильм либреттосида бу улуғ шахснинг кўпроқ икки жиҳати олинганилиги (яъни "олов" һисоблан "шамол"), унинг бунёдкорлик, ҳаётбахси ("шамол" "тупроқ") фазилатларига эса кам эътибор берилади, шунга ташланади.

Албаттар, суннат учун кенг майдонлар, улкан жанг саҳналари, янги мадарозҳрамонлар зарур бўлади, бари уни қизиқарли қиади — ёмда асосий саҳналарни хориждаги воқеалар ташкил этиди. Эрон, Хиндистон, Туркия, Озарбайжон, Гуржистон, Миср ва ҳоказо мамлакатларда кечади воқеалар. Демак, ўз-ўзидан Амир Темур сажиисидаги "олов" ва "шамол" хисоблари, уларнинг ҳам салбий қирралари — оловнинг ёндиришини (иситиши эмас!), шамолнинг совуриши — олинмайди. Улар асли моҳиятан ҳаётбахш унсурлардир, лекин ҳамма гап уларга қандай нуқтаи назардан ёндошишда. Демак, асосий диққат улуғ амирнинг ҳарбий юришларига қаратади, ўзига хос саргузашт фильм яратишга йўналтирилмайди. Афсуски, фильм муаллифи ҳам Амир Темур шахснинг тарихимизнинг долзарб ва муҳим даврига эскича қарашлар исканжасидан қутула олмабди, унда биз янгича тафаккур, янгича қараш меваларини кўришни истар эдик...

Унутмаслик лозимки, Амир Темур ҳақидағи фильм биргина амир ҳақидағи фильм эмас, балки у мансуб бўлган ҳалқ — ўзбек (турк) ҳалқи ҳақидағи фильм ҳамдир. Бу ҳалқнинг иззат-нафси, нафсонияти, миллий туйғуси билан боғлиқ жихат фильм ижодкорларидан ҳамиша ҳушёр туришликни талаб қиласди. Фильм Амир Темур ҳақида, унинг ҳалқи ва Ватани ҳақида нотўғри тасаввур тарқатувчи манбага айланиб қолмасин; унда мураккаб бир замонда яшаб, юртни бирлаштириб қудратли давлат туза олган, олам тарҳига таҳрирлар киритган, юртнинг равнақи-ю илму тамаддун ривожи учун тарихий шарт-шароитлар пайдо қилган фавқулодда салоҳиятли саркарда, мард ва қаттиққўл (қаттиққўллик ўрта асрларда яшаган барча миллат ҳукмдорларига хос хислатдир) давлат арбобининг зиддиятларга тўла ҳаёти намоён бўлсин. Шундагина фильм тарих олдидаги ўз бурчини адо этади, томошабин ардоқлаб юрадиган санъат асарига айланади.

"Халқ сўзи" газетаси, 1992 йил 20 октябрь

АМИР ТЕМУР ВА САРБАДОРЛАР

(*"Ўзбекистон агадиёти ва санъати"*
газетаси мухбари билан сұхбат)

М. А б д у л л а: — Мұхаммад Али ака, маълумки, узоқ йўллардан бери Амир Темур ҳақида матбуотда холис фикр юритишига турли йўллар билан ғов солиб келинди. Эҳтимол она шунинг учун ҳам Амир Темур шахси кўп мунозараларда сабаб бўлмоқда. Сарбадорлар ҳақида роман ёзаётib, аллатта, сиз тарихнавис адид сифатида Темурбек шахсини кетлаб ўтишингиз мумкин эмасди. Сиз бу борада қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

М. Али: — Мен бутун материалларни ўрганиб чиқиб, асарни ёзишга қизғин киришган чөгларим, десангиз, бир пленум бўлиб ўтди. Унда Темур, Бобур ҳақида кўп асарлар ёзилаяпти, деган маънода сўз кетди. Пиримқул Қодиров ижоди танқид қилинди. Мен бу пайтлар ёш Темурбек ҳаёти ҳақида қалам сурмақда эдим. Қўлим қалтираб қолди... Роман муҳокамасида буни тўғри кўрсатиб ўтишиди. Кейин барини тузатишга ҳаракат қилдим, албатта...

Ҳамма бало шундаки, биз Амир Темурга ўз кўзимиз билан эмас, бошқалар кўзи билан қараб келдик. Амир Темур забт эттан мамлакатлар олимларининг фикрига суюнишга мажбур бўладик. Бу тарихий шахсга ҳалол баҳо бериш йўли бўла олмайди. Бир мисол: Амир Темурни қароқчи, ўғри, дуган тушунича тувелиб юради. Бу қаердан чиққан? Расмий тарих, деб Ҷади Б.Б. Бартольд "Улуғбек ва унинг замони" китобидаги, Темурнинг 1360 йилгача ҳаёти ҳақида ҳеч қандай мозаҳумот келтирмайди. Кейин эса бундай дейди (айнан): "Из рассказов Ильяша и Ибн Арабшаха можно заключить (!) что молчание официальной хроники объясняется другими (?), причинами; подобно Чингизхану (?), Тимур начал свою деятельность в качестве атамана разбойников, вероятно (!), в смутные годы после смерти Казагана".

Сарбадорлар ҳаракати ҳақида ажойиб илмий асар муаллифи И.П. Петрушевский бундай ёзди: "... А.Ю. Якубовский, ёшлида ёлланма кондотъер ва саргузаштлар ишқибози (!) бўлган Темурнинг сарбадораар билан қандайдир алоқаси бор эди, деб тахмин қиласди. Бу жуда ҳам ҳақиқатта яқиндайдир..." (Таъкидлар бизники — М.А.)

Бу ерда биз "кондотъер" сўзининг атай таржимасини бермадик, укувчи холис баҳолай олсин, деб шундай қилдик. "Кондотъер"нинг икки хил маъноси бор: 1). Ўрта асрларда Италияда ёлланма аскарлар бошлиги; 2). Пул учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган одам, согъян.

Бартольдай одам Темурбекни қароқчилар бошлиги (буни қаердан олганини олим, афсуски, айтмайди) деб атаганидан кейин Якубовский ҳам "кондотъер" сўзини Амир Темурга нисбат берганда, унинг иккичи маъносини кўзда тутгани кишида шубҳа уйғотмайди. Бу — биринчидан. Иккинчидан,

олимларнинг бири "дейиш мумкин", "чамаси", "эҳтимол" каби мажхул тушунчаларни ишлатади, бошқаси "тахмин қиласди...". Учинчисида бу "тахмин" "ҳақиқатга яқин" деб баҳоланади. Илмий тарих бундай ноаниқликларни күтара олмайди. Модомики, **расмий тарих** бирон-бир маълумот келтирмаган экан, илмий тарихда у ҳақда баҳо беришдан тийилиш керак, вассалом! Илмий тарихда фаразларга ўрин бўймаслиги лозим. Роман устида иш олиб борар эканман, Амир Темур ҳақида муқим бўлиб қолган ана шундай "баҳолар" билан кураш — энг асосий қийинчиликлардан бири бўлди.

М. Абдулла: — Бизга тарихдан маълумки, Амир Темур тож-тахтга эришишда сарбадорлар ҳаракатидан фойдаланган. Баъзан улар тарихий жараёнда бирга юрган ҳам бўладилар. Бироқ Амир Темур тахтга мингач, сарбадорларга вафо қилмайди. Улар ўртасида муайян ихтилофлар келиб чиқади. Мақсад Шайхзоданинг "Мирзо Улугбек" фожиасидаги Пири Зиндорий образини эсланг. У ҳатто ҳукмдор сифатида Улугбекка ҳам қек сақлаб: "Мен ҳукмдор Улугбекка асло бош эгмайман. Мен аллома Улугбекка бош энаман", дейди. Бу ўринда тарихий ҳақиқат бузилаётгани йўқми?

М. Али: — Аввало, Амир Темур тож-тахтга эришишда сарбадорлардан фойдаланди, дейиш ноўриндир. Сарбадорларнинг ҳаракати 1366 йилда барҳам топади. Амир Темур эса бу пайтда юрт бошлиғи эмас, балки амирлашкаргина эди, холос. Юрт бошлиғи Амир Ҳусайн эди, эҳтимол, бу ғапингиз унга нисбатан тўғри чиқар. Темурбек билан сарбадорлар бир тупроқнинг фарзандлари эдилар. Темурбек ҳам юртни сарбадорлардан кам севмас эди. Уларнинг душманлари битта — мўғул босқинчилари эдилар, душман бир ғулгач, уларни ҳамфирлар, маслақдошлар дейиш ўринлилар. Албатта, Темурбек буни пинҳон сақлаган, ахир у зўр сиёсатчи-да, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу ерда катта сиёсий куч ўртага чиқади: юрт ҳукмдори Амир Ҳусайн, урушқоқ амирлар бошини биринкириб катта давлат тузишни орзу қилган Амир Темур ва икки амир ҳам

қила олмаган ишни қилган, яъни мұғулларни юртдан ҳайдаб чиқарған жасур сарбадорлар. Халқимизнинг табиати сода, ишонувчан. Сарбадорлар мана шунинг учун ҳам, ўта ишонувчанликларидан құрбон бўлиб кетадилар. Шу воқеадан кейини — бунга Темурбекнинг завжаси (хотини), Амир Ҳусайн синглиси Улжой Туркон оқа вафоти ҳам қўшилади, — икки кучли амир ўртасига совуқчилик тушади, улар бир-бирларига ашаддий душман бўлиб қоладилар. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий хабар беради. Бартольд ҳам унга суюниб шундай хуносага келади. 1370 йилда Амир Ҳусайн амир Кайхусрав томонидан қатл қилинади. Амир Темур эса ўзини бу юмушдан тияди, чунки улар Амир Ҳусайн билан Қуръони каримини уртага қутніб биродар бўлган эдилар. Табиатан мард, ҳалол одам бўлганнидан Амир Темур ҳеч қачон, ўз аҳдига, берган ватнасини кийнат қымган эмас, дейдилар.

Амир Темур ва сарбадорлар ўртасидаги ихтилофларга ким ким туттилофлар ҳақидаги гаплар тағин ўша ғарбий тарихидан келиб турундурилди. Аввало, Амир Темур таҳтаси тағинидан келиб туруннахрда сарбадорлар ҳаракати — Ҳардиканни тағинидан келиб турундурилди. Бу ҳолда қандай ихтилофлар бўлганнидан келиб турундурилди, — мүк эди. Бу ҳолда қандай ихтилофлар бўлганнидан келиб турундурилди, Темурбек замонида Моваро-унгни тағинидан келиб турундурилди, — номи остида бирон-бир қўзғолиш, Ҳуғарчар, ишни тағинидан китобларда ёзилмаган... Қолаверса, сабаки тағинидан келиб турундурилди, сабаки босқинчиларга қарши кураш эди. Аммо тағинидан келиб турундурилди, эса худди шу ният амалга ошганди. Ватанни тағинидан келиб турундурилди, — оёғидан тозаланганди...

"Ўзбекистон ССР тарихи"нинг биринчи жилдида Сабзабор сарбадорлариниң сўнгти сultonни Хожа Али Муайяддининг Амир Темур оғлини келиб, унинг давлатини тан олғанилиги ҳөттимиздан келиб турундурилди. Сабзабор сарбадорлар давлатини топширганлиги айтадиган, "Бу тарсанинг ўзи, — дейилади "Тарих"да, — Темур билан Жарисон сарбадорлари ўртасида қандайдир қалингина дустми адбқалари бўлганлигини кўрсатади" (447-бет). "Муажзин Фасихий"да сарбадорлар давлати сultonни Хожа Али Муайяддининг 1386 йилда ўз ажали билан ўлганлиги хабари келтирилди. Муаллиф Фасих Ҳавофий сўнг ёзади: "Амир соҳибқирон Хожа Нажмиддин Али Муайяддининг

жияни — Хожа Имомиддин Маъсудни Сабзавор ҳокимлигига тайин қилдилар" (109-бет).

Лекин айни шу воқеани И.П. Петрушевский бундай шарҳлайди: "Али Муайяд унинг (Амир Темурнинг — М.А.) истиқболига ошиқди ва таъзим бажо келтириб ўзининг тобелигини билдириди (783-ҳижрий — милодий 1381-82). Темур Али Муайядни ўз саройида сақлади, унга давлат бошлиғи сифатида қараашар, иззат-икром кўргизишар, аммо Темур аскарлари томонидан ишғол қилинган (!) Сабзаворга юбормас эдилар. Бир неча йилдан кейин Темур ошиқча матоҳ бўлиб қолган Али Муайяддан қутулиш учун уни ўлдиришга фармон берди (788-ҳижрий — 1386 йили)". ("Хуросонда сарбадорлар ҳаракати" китобидан. 157-бет). Бир нарсанинг турли талқинларига эътибор беринг.

М. Абдулла: — Кечирасиз, Темурбек замонида Мовароуннахрда сарбадорлар номи остида бирон-бир хуруж бўлмаган, дедингиз. Яқинда Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи" асарини ўқиб қолдим. Унда қандайдир "Самарқанд бузуқилари ва шутторлари" ҳақида сўз кетади...

М. Али: — Аввало, Ибн Арабшоҳнинг ўзига хос қомус дарражасидаги бу асарининг ўзбек тилида нашр қилиниши диққатга сазовор ҳодисадир. Арабшунос олим ва таржимон Убайдулла Уватов бу борада катта саъй-ҳаракат кўргизди ва тарихшунослигимиздаги мавжуд кемтикни тўлдириб, бизни Амир Темур тарихига оид яна бир муҳим манба билан яқиндан танишишга мушарраф этди. Таржимага батафсил изоҳлар илова қилинган, бу нарса нашрнинг илмий қимматини оширган, пойдор айлаган.

Чиндан ҳам, Ибн Арабшоҳ "Темур билан Самарқанд бууқилари ва шутторлари орасидаги можаро" ҳақида тўхтабиб ўтади. "Самарқандда кўпдан-кўп бузуқилар тоифаси бўлиб, — деб ёзади Ибн Арабшоҳ, — улар ичида ҳар хиллари: полвонлар, найзабозлар, муштлашувчилар ва шифокорлар бор эди. Етарли ҳайбати борлигига қарамасдан, улар томонидан ўзига (қарши) бирон қайсаарлик ва хилоф (иш) бўлишидан Темур хавфсираб юради. Агар у бирон томонга юриш қилмоқчи бўлса, зинҳор ўрнига Самарқандда ноиб

(тайинлаб) қолдирап эди. У шаҳардан узоклашиши биланоқ, албатта, ўша жамоадан бир тоифаси хуруж қилиб, ноибни ағдариб ташлар ёки у билан (биргалашиб) хуруж қилар ҳамда (Темурга) мухолафат билдирапди... Бу ахвол түккиз мартача такрорланади..." ("Амир Темур тарихи", 1-китоб. 84—85-бет).

Бу ерда гап "бузуқилар ва шутторлар" ҳақида бормоқда. Гарчи, Ибн Арабшоҳ, "сарбадор" деган сўзни тилга олмасада, ўша "бузуқи ва шутторлар"ни уларга нисбат бериш илмий таомилга кириб қолганлигидан (буни Ибн Баттута бошлаб берган) Самарқанддаги "бузуқи"ларни ҳам сарбадорлар деб тушуниш кучли. Бу эътиroz туғдиради. Биринчидан, Ибн Арабшоҳнинг Самарқанд сарбадорлари ҳақида келтирган маълумотлари, афсуски, илмий аҳамиятга молик эмас. Сабабин умрада на бир сана, на бир сарбадорнинг исми, на бир лекра соҳири бўлган жой номи келтирилади. Бу нарса Ибн Арабшоҳнинг сарбадорлар ҳақида материални чуқур тушунишни ташкидлариганини ёзиб қолдирганини қўрсатади. Бининг Шайх Ҳасан Журийни¹ Сабзавор ҳокими, деб ажоди маълум ёки барини ёки Шайхнинг Сабзаворда Амир Темурга қадиляр билан пешвуз чиқиши каби анахронизм-иборат мисондори бунинг далилидир. Шундан бўлса кечидан, Бартольдий олим Самарқанд сарбадорлари ҳақида яхши ёзар экан. Накомиддин Шомий, Шарафиiddин Али

ибн Абдураҳим, Самарқандий ва Муъиниддин Натанзий-ибн Абдураҳим асарларига сенади, аммо Ибн Арабшоҳга бирон кечидан ҳам мурожида оғмайди. Бу жуда ибратли фактдир.

Биринчидан, аз шу маълумотларга суюнганидан машҳур тарихчи олим Б. Нафуров ҳам, табиий, ноўрин хулоса чиқараб, тарих олдиндук хижолат бўлганини билмай қолади. У ёзди: "... Темур даҳлати юзага келгач, ҳар сафар у юртдан узоқ, бўлганда Самарқанд ҳалқи (!) қўзғолон кўтарарди. 18 йил 1370—13681 лавомида түккиз марта шундай қўзғолон юз берди; Төмурнинг барча шафқатсизликларига қара-

¹ Агар Шайх Ҳасан Журийнинг бу воқеалардан анча оддин 1342 йилдаёқ оламдиган ётиб кетганлиги назарда тутилса, бу чалкашлик яна ҳам ойдинлашади. (*Гоҳрияят*).

май самарқандликлар мардларча озодлик (?) учун кураш олиб бордилар".

Қандай "озодлик учун кураш", "қўзғолон"лар ҳақида гап кетаётитпи? Афсуски, булар бари далилсиз, асоссиздир. "18 йил"деган муддат ҳам қаердан чиққанлиги номаъум, ҳарқалай Ибн Арабшоҳ бундай рақамни келтирмайди, унинг китобида бундай гап йўқ. Таниқли олим эса ўз асарида бу фактларни Ибн Арабшоҳдан олинди, дейишга журъат этади. Бу кишини ўйлантириб қўяди. Ҳолбуки, Амир Темур замонида сарбадорларнинг ҳокимиятта қарши хуруж қилиб чиқишилари ҳақида бошқа бирон-бир манбада маълумотлар учрамайди. Яна бир жиҳати ҳам борки, сарбадорлар — бизнинг ота-боболаримиз "бузуқи ва шуттор" эмаслар, улар Ватан озодлиги йўлида жонини аямаган мард инсонлардир. Шу пайтгача уларга нисбатан бўлган ноҳақ муносабатларга, баҳоларга мутлақо чек қўйилмоғи керак. Мана шу маънода Ибн Арабшоҳ фикрларига танқидий кўз билан қарашимиз лозим бўлади.

Пири Зиндонийга келсак, у асарига романтик рух, беришга уринган ижодкорнинг хаёл маҳсули, холос.

М. Абдулла: — Амир Темурнинг шахсияти, тийнати-ю сийрати жуда қизиқтиради. Кўплар назарида у гўё фақат кирон келтириш учун туғилгандек.

М. Али: — Йўқ, албаттa! Саволингизнинг биринчи қисмига Ибн Арабшоҳ жуда гўзал қилиб жавоб берган. Мен "Сарбадорлар" тарихий романи устида ишлар эканман, Амир Темурни худди шундок, "баланд бўйли, бўла, кучли ва салобатли, ўлимдан қўрқмас, вазмин, ёлғонни ёқтирас, бўлиб утган ишга азият чекмас, ютуқдан шодланмас" бир инсон сифатида тасаввур қиласар эдим. Зоро, юрт беги шундок бўлмоғи керак. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, из даврининг фарзанди бўлган Амир Темур яхшига — яхши, монга эса ёмон эди, аммо зинҳор шунга бир ёмонлик қилиб қўяй, ўтмишини унугтириб юборай, хароб қиласай, қираи, ондирай дейдиган ҳукмдорлардан эмасди. Унинг неча марта Гўхтамиш ўғлонга ёрдам берганини эсланг, аммо Тўхтамиш-сон шуни билмади, қадрига етмади. Ана шундай калонди-

моғлиқ туфайли түрк султони Йилдирим Боязид ҳам Амир Темур қаҳрига учради... Ёмонга ёмон бўлишга яна бир ёрқин мисолни келтирай. Амир Темур 1362 йилда Амир Ҳусайн иккиси Сеистонда саваш қурадилар. Душманнинг сардори Амир Темурнинг ўнг қўли ва ўнг оёғини қаттиқ ярадор қилади. Эндиғина йигирма олти ёшга кирган амир бир умрага ногирон бўлиб қолади. Шарафиғдин Али Яздийнинг ёзишича, 1383 йилда Амир Темур Сеистонда ўша сардорни кўриб қолади ва уни камондан отиб ўлдиришга фармон беради.

1362 йилда Амир Темур билан Амир Ҳусайн Моҳон деган жону бўлбек Жониқурбоний фармони билан бургаларга юренини ертўлага ташланадилар, улар 62 кун бўлғандар. Моҳоннинг бой туркманларидан 62 куннинг амирларга ёрдам беради, қийин паллада юренини оғ-улов, пул-зар билан сийлайди. 1383 йилда Амир Темурнинг гувоҳлик беришича, Муборак-бабаки авлодлари ҳам бу яхшилиги сарбадорлари олдида иззат-ҳурматда бўлиб юнусида яхши бўлишга айрим мисол-

Борадек... — и, бир муқояса қилмоқчиман: сарбадорларине Тарз-жараёни эдилар, ноз-неъматлардан барча тикраманни, бозилини, фозил жамоа куришни исботлайди. Акия узоғини нияти амалга ошмади. Шу маънавиевиклар бозилини сарбадорлар ўртасида қандайдир борадек... Бозичневиклар ҳам бойларни камбағалтентег қиамониди эдилар ва шунга, сарбадорлардан фарзандларни ўлароқ, эринидилар: ҳамма камбағал бўлиб бир-бirlарини тенг бўлади... Аммо барибир большевиклар ҳам ўзларният қилгаган коммунизм"ларини қура олмадилар. Демак, озод жамоа куриш тоғасининг замини бўшиди? Бу йўл ўзини оқламайдиган йўлмиди ё?..

М. Аз: — Империятнинг азал-азал орзуси фозил жамоа қурмади, озод жараёнига эришмоқ бўлиб келган. Халқ ўзининг эртак яриди, қўшиқларида шундай ҳаётнинг хаёлий манзараларини назаран. Бундан минг йиллар муқаддам бобокалонимиз Абу Наср Форобий ер юзида фозил жамоа,

шаҳарнинг пайдо бўлишини орзу этганди. Самарқанд сарбадорлари муаллими сонийнинг ғояларини рўёбга чиқармоқчи эдилар... Йўқ, фозил жамоа қуриш ғоясининг замини бўш эмас! Фоя сифатида у сарбадорларда ҳам, большевикларда тўғри танланган эди. Лекин у ғояни амалга оширишда йўллар, усуллар бошқа-бошқача бўлди. Сарбадорларнинг нияти ниятлигича қолди: тақдир уларга фозил жамоа қуришга вақту имкон бермади; сарбадорлар давлати бор-йўғи ярим йил ҳукм сурди, холос. Большевиклар эса сўзда шу ғояни маҳкам тутдилар, амалда тескарисини қилдилар, ғоя ғоялигича қолди. Бразилиялик машҳур адаб Жоржи Амаду "Известия" газетасида босилган сұхбатида (1990 йил 20 октябрь) худди шу ҳақда ғаройиб сўзларни келтиради. Социализмнинг ривожланиши нотуғри йўлдан кетди, дейди у, ҳамма нарсани диктатура қўлига олди, ғоя бутунлай сохталаштирилди, фирт ёғон остида қолди. Кўрдингизми, гап ғояда эмас.

М. Абдулла: — Сўнгги йилларда Темур ва темуршунослика оид фанимиз олдида қатор муаммолар вужудга келмоқда. Бир жиҳатдан Салоҳиддин Тошқандийнинг "Темурнома", Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи" сингари бир қатор бадиий асарларнинг ўқувчиларимиз қўлига тегиши кўп бизга ноаниқ бўлган, босқинчилар мафкурасига измат қилган хато қарашларни ўзгартиришга олиб келган бўлса, иккинчидан, шу муносабат билан Амир Темур даври воқеаларига янгича кўз билан қарашга имкон бермоқда. Айни сайдта ҳали чуқур ўрганилмаган жуда кўплаб воқеа-ҳодисалар ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Матъумки, тарихий асарларда Амир Темурнинг ёшлик йиллари ҳақида маълумот кам. Бадиий асар ва ривоятларда эса унинг ҳаёти афсонавий қаҳрамон даражасига кўтариб талқин этилган. Бу нарса турли тадқиқотчилар ўртасида турлича фикрлар туғилишига олиб келди. Сиз адиллар Пойн Равшан ва Жумақул Қурбоннинг Амир Темурнинг ёшлик йилларига доир шу чоққача номаънум бўлган ҳақиқатларни ривоятларда, ривоятлардагина эмас, ярим ривоят, ярим тарихий, ярим бадиий асарларда талқин этилган воқеа-ҳодисалар изидан бориб, уларни тарихий

жойлар ва тарихий асарлардаги мавжуд манбаларга таққослаб ўрганиш йўлидаги изланишларига қандай қарайсиз?

М. Али: — Тарихимизни энди расмана ўрганишга киришяяпмиз, ҳадиксираб эмас, бемалол фикрларимизни айтишга ўрганаяпмиз. Ахир бор-йўғи тўрт йил олдин бир эссеmdа: "Эй ҳалқим, ўз-ўзингни англаб ет, буюк ўтмишигни ўрган, қадингни кўтар!" деган фикрни айтганим учун Марказий Комитет бюросида муҳокама бўлишимга оз қолувди. Худога шукур, энди бу борада кенг изланишлар бошлиниётир. Шу нуқтадан назардан адабиётшунос олим Поён Равшан ва би адид Жумакул Қурбон изланишларини ҳар тарафдан излаб-куватлайман. Ахир изланишсиз ҳақиқатнинг таъни отиб бўладими? Биз изланишларимизда француз физики Рене Декарт йўлини тутишимиз лозим. Декарт тарихини, схоластикани ўрганишда шубҳа руҳи таътифни уйлаб топган. Бунга кўра, фалсафага, унадиги изланишларга шубҳа кўзи билан қараш керак, шундагина эса... мисбетинилади. Албатта, бундай шубҳа ҳамма персий индор таънинига олиб келмаслиги керак. Бевосита изланишларини изланий қимматига келсак, бу ҳақда фикр бўладиришни дар... деб қисоблайман, чунки бу изланишларни избейтига тушни ҳамма нарса равшан бўлганича йўқ. Бундай ҳам, Заманъироий Қарши—Бухоро йўли устида изланишларини изланишларидан бири, Амир Темур ажадлари бу срларда кўн марта бўлганлари аниқ. Лекин маънанишур китобларининг қарийб барчасида П. Равшан билди. Ҳ. Қурбон қарашларидан бошқача фикрлар мавжуд... Амир Темур ота-оналари қабрлари Кешда, ҳатто ўзларига таърихоб кўйган қабрлари ҳам худди шу жойда... Шарафиддин Али Яздий ҳам, сохибқироннинг туғилиши ҳақида "...Канин үйлаш виссостида... кун киби зоҳир бўлди" деб ёzádi. Шуларга қарамай, дустларимиз Амир Темурнинг киндик қони тўйилган жойида аниқлаш масаласини ўртага кўйишмоқда. Қисорида таъкидлаганимдек, изланишлар давом этмоқда, буир натижалар ҳақида илмий жамоатчилик ҳали ўз фикрларини айтади, албатта. Аммо бир нарса аён: улар бу билан барчонинг диққатини буюк Амир Темур шахси ва ҳаётига қаратдилар, ўрганиш муҳимлигини, ўзимиз билган

ҳақиқатларга янгича күз билан қарашимиз лозимлигини эсга солдилар. Бу эса савоб ишдир.

М. Абдулла: — Маълумки, ўз "Тузуклар" ида Темур бобомиз "Куч адолатдадир" деб иншо этганлар. Менимча, шу биргина сўз унинг маънавий қиёфаси, давлат тузуми, жамиятга, инсонларга муносабатини рўй-рост кўрсатиб туриди. Бундай ақидага бутун ҳаёти давомида амал қилган инсондан ўзга бир нотанти ҳукмдор яратишга уриниш бехудадир.

Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари, у тузган поёнсиз салтанатдаги ҳуқуқий мезонлар, ҳуқуқий тизимларнинг ўзи бугунги давримиз учун ҳам ниҳоятда фойдали бўлур эди. Ўзбек ҳуқуқшунослари, ҳуқуқчи олимларимиз Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашларини чуқур ўргансалар фоят қимматли иш бўлур эди. Зоро, у буюк ватандошимиз амалга киритган ҳуқуқий мезонлар бугунги кун учун ҳам фойдан холи эмас. Сиз бунга тарихчи адаб сифатида, Амир Темур даври билан боғлиқ манбаларни чуқур ўрганган олим сифатида қандай қарайсиз?

М. Али: — Жуда тўғри айтасиз. Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари, ҳуқуқий мезонлари, тизимлари бугунги давримиз, мустақил Ўзбекистонимиз учун ҳам бафоят фойдали бўлур эди. Бизлар демократия деймиз. Мана бу сўзларга тътибор беринг: "Амр қилдимки, қачонки асили сипоҳлардан иш кўрган, жанг-жадал билан суяги қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижаоти, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маънудлаши билан уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар. Ўн нафар ўнбоши жам бўлса, ўз ичларидан ёнг иш кўрган, жанг майдонларида тобланиб тажриба ортирган, баҳодирликда номи чиқсан бирорини амир қилиб, уни юзбоши деб номласинлар. Агар ўн юзбоши йиғилса, амирзодалардан ақлли, шижаатли, баҳодир бир кишини таниш-билишни эмас! — М.А.) амир этиб сайлаб, уни минг-боши десинлар ва амири ҳазора деб улуғласинлар... "(Таъкидлар бизники — М.А.) Бу ерда изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Бошлиқларнинг одил сайлов йўли билан сайланишини кўринг! Одил демократиянинг содда ва тўғри йўли бу.

Амир Темур давлатини, Б. Аҳмедов таъкидлаганидек, етти вазир бошқарган экан. Шулардан түрттаси мамлакатдаги ички сиёсат билан, учтаси, уларни давлат ҳайъати (холиса) деб аташарди, ташқи сиёсат, яъни сарҳадлар ва тобе мамлакатлар ишлари билан шуғулланишар эди. Бу етти вазир девонбегига бўйсунишарди. Бундан бошқа яна юртни идора этишда арзбеги (арз-додларни тинглаб адолат кўргизувчи), бош садр (сайиidlар ва бошқа арбоблар, аллома, фозилу фузалоҳарга суюреол тариқасида берилган ерлар назоратини омб бориѓувчи, ислом қозиси (шариат ишлари) ва аҳдос көзиси (зулғубий ишлар билан шуғулланади), маҳсус котиб, махфий (махфий-яширин кенгашларни дафтарга солтанат идораларидағи кирим-чиқимлар-арражистларни ёзиб бориш учун котиб, ва нишони ҳазратларига арзлар, чиқарилган ҳукмнамада кўриаган мамлакат аҳамиятига молик тартибчарчасини дафтарга тушириш вазифаси орнинча котиб (мажлиснависон) иштирок этарманди арзигулик ҳол.

Авват барпо қилиш умидида яшамоқда-
шти. Узбекистон Республикасининг Асосий Тузуги¹ тайёр-
ланадиганда керак. Бу йўсинда ҳуқуқшуносла-
рни таъминландинг қонуну тартиботидан, унинг
"Ҳуқуқлари"дан унумли фойдаланишла-
рдек, ўзинчаликни ўнда бизлар кўпдан қидириб юрган
жадорларни ўз ечимини топгандир.

Абдуллах Абдуллоҳ Мұхаммад Али ака, мана сиз бутун
Бига кирди. Узбек китобхонлари сизни, аввало,

Узбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул
қилинди. (Таҳририят.)

¹ Узбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. (Таҳририят.)

ижодкор учун катта баҳт ҳисобланади. Айни пайтда "Сарбадорлар" баҳона бутунги адабиётимизда Амир Темур мавзусини бошлаб берган(бобомизни сўкиб, бўхтонлар ёғдириб асар ёзгандарни биз ўқиши раво кўрмадик) адаб сифатида яна сизга бир савол бермоқчиман. Романингизда, эҳтимол менга шундай туъюлгандир, нимадир тутамагандек кўринади. Амир Темурнинг айни қизғин тарихий саҳнага чиқиши арафасида асарнинг тутаб қолганлиги шундай таассурот туддиради. Келажақда қандай нижтиңгиз бор?

М. Али: — Аввало, бу роман, номидан ҳам кўриниб туриди, сарбадорлар ҳақида, Амир Темур ҳақида эмас. Лекин Амир Темур сарбадорлар замондоши, улар билан бирга яшаган, бирга нафас олган. Табиийки, бу даврга назар ташласангиз, назарингиз сарбадорлар қатори Амир Темурга ҳам тушади. Асар сарбадорлар ҳақида бўлганидан бу ҳаракатнинг фожиаси (1366 йил) билан тутайди. Орадан тўрт йил ўттач, Амир Темур Мовароунинаҳр таҳтига минади. Романдаги воқеалар соҳибқироннинг сарбадорлар билан боғлиқ жиҳатлари нуқтаи назаридан тасвирланган. Асарингизда нимадир тутамагандек таассурот қолади, дейсиз. Тўғри пайқалансиз. Сарбадорлар ва Амир Темур — булар ягона жараён иштирокчилари, уларни бир-бираидан узиб, ажратиб бўлмайди. Бу жараёнда босқинчиларга қерши кураш олиб борган Ватан ўғлонлари иштирок этадилар, фанқат даврига кўра бири аввал фаолият кўргизади, бири кейин. Романда бири кўрсатилди, бу — сарбадорлар, иккинчиси қолди — бу, Амир Темурнинг мураккаб ва шонли ҳаёти...

Амир Темур ҳақида роман ёзиш нияти кўнглимга нур бераб туриди. Оз-моз тайёргарлигим ҳам бор. Худои таоло ўша қўнларга етказсин.

Журналист Мурод АБДУЛЛА сұхбатлаши.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси,
1992 йил 3 июль

УЛУФБЕК МИРЗО ВА АБДУЛАТИФ МИРЗО

Милодий 1447 йилда Амир Темурнинг кенжаша ўели Хурросон ҳукмдори хоқони саййид Шоҳруҳ Мирзо оламдан кўз юмди. Тахт бўш қолди. Хурсонда бир томондан Улубек Мирзо ва Абдулатиф Мирзо, иккинчи томондан Бойсунқур Мирзо ўнилари Алоуддавла билан Абулқосим Бобурулар ўрганишда тахт учун кураш авж нуқтасига чиқди. Кураш Шоҳруҳ Мирзо набиралари ўртасида борарди. Турли музокаралорни бирони натижага бўлмагач, Мовароуннахр ҳукмдори Узбек Мирзо ўни Абдулатиф Мирзо билан 90 минг аскар тұнчлар умумига юриш қилди. У катта ўғил сифатида падарди. Сифатиди мулкига ўзини ворис ҳисоблар эди.

Хиротда — фарсах¹ йўлда Тарноб деган ерда Улубек Мирзо Амудария кўничинини тор-мор этди. Сўнг Хиротга берди. Амудария сада, Ибришим деган дарёдан ортига қайтди. Ана бир кече жигитлардан кейин Хиротда Абдулатиф Мирзони қўлдирди, хоқони саййид Шоҳруҳ Мирзо хокини мебо — унин улуг бебоси ёнига дағи қилдирмоқчи эди, — ёки уст-салтана Созиаркандга жўнади. Ана шу Хурсон юришинга бола ўртасида пинҳона давом этиб келаётган ёвқаликларни, ёсанчанкини яна ҳам кучайтириди.

Абдулатиф Мирзо турилибдики, Хиротда Гавҳаршод бегим кўлида катта бўлади. Отасига нисбатан бемехроқ ўсади. Шоҳруҳа ўртасидаги ташликини ҳатто Гавҳаршод бегим ҳам чуваши уринса-да, берпераф эта олмади. Тарнобда бўлган жаён² Абдулатиф Мирзо жон олиб жон бериб жанг қилди. Лекин Улубек Мирзо буни сезмагандай, бутун вилоятларга фатҳномани унча жонита кирмаган иккинчи ўели Абдулазиз Мирзо номидан юборди. Бу Абдулатиф Мирzonинг кўнглига қаттиқ ботди. У Хирот забт этилганда Ихтиёриддин қальасига яшириб қўйин ўз мол-мулкини (тажминан бир мил-

¹ Фарсаҳ — тажминан 6 км. масофага тенг.

лион танга атрофида) олмоқчи бўлди, аммо бунга Улуғбек Мирзо йўл қўймади. Умуман, Абдулатиф Мирзо бобоси Шоҳруҳ Мирзо хузурида доим иззату ҳурматда яшаганди, отаси келгач эса, камситилиб ҳақоратланиш даражасига етди. У Ҳиротни ташлаб, Балхга, яъни ўзининг суюрголига келганда 1449 йил кўкламида темурийзодалардан бири исён кўтарди. Бу ҳақда муаррих Мирхонд ёзиб кетган.

Исённи бостирган Абдулатиф Мирзо қатл қилинган ҳалиги темурийзода буюмлари ичидан бир хат топиб олди. Хат Улуғбек Мирзога тегишли бўлиб, унда Абдулатифга қарши исён қилиш ҳақида гап борган экан. Ана шундай гина-кудуратлар томчи-томчи бўлиб кўпайиб Улуғбек Мирзо билан Абдулатиф Мирзо орасининг қаттиқ бузилишига олиб келди ва падаркушлик билан тугади...

"Шоҳруҳ Мирзо жамиъ Мовароунинар вилоятини улуғ ўғли Улуғбек Мирзога бериб эди, — деб ёзганди афсус билан Захиридин Муҳаммад Бобур. — Улуғбек Мирзодин ўғли Абдулатиф Мирзо олди. Бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди..."

1992 йил

"МЕНКИМ, ФОТИХ, ТЕМУР..." АСАРИ ҲАҚИДА

("*Шарқ юлдузи*" журнали, 1995 йил, 1—2-сонлар)

*С*оҳибқирон Амир Темур ҳақида ёзилган ҳар қандай асар ҳамиша бизнинг меҳру муҳаббатимизга лойик бўлади ва бу асарларни ўқувчиларга етказиш истаги, барчани баҳраманд этиш нияти доим ардоқлаб келинади. Шу маънода "*Шарқ юлдузи*" журналининг умуман саъй-ҳаракатларини маъқуллаш ва қўллаб-қувватлаш керак.

Асарни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Тўлиқ ўқиб чи ғилса соз бўларди, афсуски, зарурат юзасидан ушбу эълон қи ингана парча ҳақидагина фикр билдиришга тўғри кела-

ди. Муаллиф ўша даврни жуда яхши билади, ниҳоятда билимли эканлиги кўриниб туради.

Амир Темур ҳақида, худога шукур, расмий тарихга эгамиз. Бу тарих бир неча мўътабар асарлар заминида ("Темур тузуклари", Фиёсиiddин Алиниңг "Ҳиндистон юриши кундаги", Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома," Ибн Арабшоҳ, Р.Г. де Клавихо асарлари) шакланган. Бу тарихларда Амир Темур даври, унинг ҳаётига оид маълумотлар, саналар, шахсларнинг номлари кўрсатиб ўтилган. Уларни Амир Темурни кўрган кишилар ёзганлар — Фиёсиiddин Али билан Низомиддин Шомий асарларини соҳибқироннинг ўzlари кўрганлар, Яздий асари эса Амир Темур набираси Иброҳим Султон назоратида қофозга тушган, ҳар бир воқеа, факт қаттиқ текширув асосида асарга киритилган, шоҳидлар тасдигидан ўтган. Бу асарлар шу маънода қадрли ва қимматидир. Шу сабабдан Амир Темур даври ҳақидаги асарларни ўқиганимизда юқоридаги мўътабар китобларга қиёс қилишимиз табиийдир.

Масалага шу нуқтаи наъбдан ёндошганда, "Менким, фотиҳ Темур" асари кишини ғантириб қўяди. Асарда келтирилган саналар, шахслар номлари расмий тарихга унчамос келмайди, агар асарни таржимаи ҳол десак, у ҳолда тарихий фактлар устувор бўламишни керак. Агар асарни бадиий асар десак, унга талаб кечиқача бўлади. "Бобом Чингиз" деган ибора кўп учрайди. Агар шу тўғри бўлса, нега Амир Темур "Кўрагон" номинан олишга интиди, олгач, уни ҳатто ўз тангаларида ёзди. Ибн Арабшоҳнинг китоб ёзгани ҳақида гапириш нисбатан чунки 1436 йилда ёзилган китоб ҳақида Амир Темурни маълумот бериши анахронизмдан бошқа нарса эмас, лекин оёқ эмас, соҳибқироннинг ўнг оёғи мажруҳ эди... Эътизимлар кўп топилади.

Хуроса шулки, ушбу асар Амир Темур томонидан эмас, балки аноним автор томонидан ёзилган деган фикрга борали киши. Бунга асарнинг кўзига йўли — туркийси топилмагич, инглизчадан французчадан улдан форсчага, ундан ўзбекчадан таржима қилиниши — додолатдай туюлади.

"БҮЮК ТЕМУР" БАДИЙ ФИЛЬМИ СЦЕНАРИЙСИ ҲАҚИДА

Машхур шахслар тұғрисидеги асарлар фактат ўша шахслар ҳаётинигина эмас, балки, ўша шахс мансуб халқ ҳаётини ёритиб беришни үз олдига мақсад қилиб қўяди, муҳиммитири ҳам аслида шу жиҳатдир. Демак, Амир Темур ҳақидағи фильм бу ўзбек халқи ҳақидағи фильмдир ва томошабин фильмни халқимиз тарихининг кўзгуси сифатида қабул қилиши керак. Бунинг устига, бўлажак фильм Амир Темур тұғрисидеги илк фильм эканлигини назарда тутсак, унга бўлган талаб ўн чандон ортади. Масалага ана шу томондан ёндошадиган бўлсан, сценарий (1-серия — 148 бет) хусусида танқидий гапларни кўпроқ айтишга тұғри келади.

Аввало, сценарийни ўқиб, муаллифлар ўша давр тарихий шароитини яхши тасаввур эта олмаганликларини кўриш чумкин. Шунинг оқибатида кўп тарихий шахслар чалкаштириб юборилган, номларда ноаниқликлар кўп, ҳар қадамда анахронизм ҳолларини кўриш қийин эмас. Мисолларга муарожаат қиласиз. Сценарийда хоқон Туклук деб берилган, аслида Мўғулистон хони (хоқон эмас!) Туғлук Темурхондир. У негадир Амир Қозогоннинг куёви қилиб кўрсатилади, бу тұғри эмас, афтидан Хоразм амири Қутлуғ Темур Бўлдой (бу Амир Қозогоннинг куёви эди) билан Туғлук Темурхон шахслари қориштириб юборилганга ўхшайди. Булар бошқа-бошқа шахслардир. Хоразмда Бердикбек деган хон бўлганлигини билмаймиз, аммо шундай хон Олтин Ўрдада хукмронлик қилганлиги маълум...

Сценарийда воқеалар 1360—1366 йилларда бўлиб ўтади. Бу пайтларда Тўхтамишхоннинг Амир Темур билан учрашиши, унинг Амир Темур ҳақида "лихая мальчишка" деб гапириши ҳеч ҳақиқатта тұғри келмайди. Чунки Тўхтамишхон тарих майдонига анча кеч кириб келган, 1376—1390 йиллардагина Олтин Ўрда хони бўлиб турган эди.

Масаланинг бошқа томони шуки, Амир Темур сиймоси ва унинг талқини кишини ўйлантириб қўяди. Негадир у Темур Барлос, деб ёзилади, гарчи у барлос уруғидан бўлса ҳам, тарихий манбаларда шундай ёзилганини кўрмадик. У ҳақда гапирилганда беписандлик билан гапирилади, унинг йигитлари "каллакасарлар тўдаси" (23, 45-бетлар) деб номланади; қароқчилик қилишади ("грабитель" сўзи тез-тез учраб туради — 4, 5, 7, 9-бетлар). Амир Темур одамлари талончилик, ўтирилик билан шугулланишади, Амир Темурнинг кўз олдида аёлларни қамишзор ичига олиб кириб кетишади ва зўрлашади, Амир Темур эса индамай кузатиб туради, улар ўлжа учун жон олиб жон берадилар. Амир Темур фитнани, кутқу солишини яхши кўрадиган бир шахс қилиб тасвирланади: у Бердивекни алдаб ўлдириб Амир Қозогонга бошини жўнатади, Амир Қозогонни алдаб унинг умрига зомин бўлади, хоқон Туклук билан дўст бўлиб қадаҳ кўтаради (18-бет) аммо унга ҳам вафо қилмайди... Хуллас, Амир Темур кўз олдимизда ўзимизлар билан мартабага эришган бир кишига айланади... Бир тарзда аудишиасизлик қилиб Амир Қозогонга: "Набиғати синглингта синглингта уйланмоқчиман!" дейди. Амир Ҳусайнга ҳам тап синглингта синглингта уйланмоқчиман!" деб юборади. Бир тарзда аудишиликка ярашмайдиган иш. Амир Темурнинг Амир Ҳусайнга ҳуқосабати ҳам ғалати. 12-бетда бир одамнинг Амир Ҳусайнга турга шундай мурожаат қилгани айтилади: "Благодарен! Аллах тебя и твоих людей..." Жавоб эса бундай берилади: "Слава Аллаха, которого ты не видел. Зачем пришли?" но 13-бетда шундай парча ўқиймиз: "Скажи, ты уверен, что Бог существует? — Старец молчит. — Ответь мне, я должен знать! — Бог существует. — Темур делает по залу круг. — Ты врешь мне, старик, бога нет..." 118-бетда ҳам Амир Темур худонинг бор ёки йўқлиги ҳақида иккиланиб турсан кўзларга боради... Аллоҳнинг ўзи кечирсин.

Амир Ҳусайнининг синглиси Улжой Туркон оқа ҳақида ҳам ишқ танлар айтиш қийин. У нихоятда қайсар, инжиқ, индишасиз бир киз қилиб тасвирланади. Ҳаммани сенсирейди (!). Амир Темурнинг юзига туппуради, бақириб гапиреди ва ҳарказо...

Савол туғилади: биз қандай бир даврни күрсатмоқчимиз? Қандай Амир Темурни саҳнага олиб чиқмоқчимиз? Амир Темурга қарашларимиз ўзгардими ёки аввалларда бўлганидек, бу буюк инсон сиймосига бир ёқлама қарашларда турибмизми? Шу нұқтаи назарни аниқлаб олиб, кейин бу қутлуғ ишга киришилса мақсадга мувофиқ бўларди.

"Буюк Темур" фильмси сценарийси муаллифлари Амир Темур даврига, унинг шахсига бўлган муносабатларни ўзгартирас эканлар, эскича қарашлардан қутулмас эканлар, кўзланган мақсадга эришиш мушкул бўлиши шубҳасиз. Ушбу сценарий шуни қўрсатиб турибди, уни томошабинга тавсия қилиб бўлмайди.

1995 йил 21 декабрь

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ¹

1

ТАРИХИЙ АДАБИЁТДА

*Ж*уркистон амирлари ўртасида бўлган курашларда голиб чиққан Амир Темур 1370 йил 9 апрель куни, бу — Қуръони Карим нозил этилган рамазон ойи ўн иккинчисида, чоршанбай муродбахшда юз берди, — Туркистон тахтини эгаллади. Шунда Амир Темур 34 ёшга кирган эди. Уни Европада "Тамерлан" деб билишади. Жанглардан бирида 1362 йилда унинг ўнг оёғига найза тегиб ярадор бўлди, шунинг натижасида умр бўйи оқсоқланадиган бўлиб қолди. Темур-ланг (ланг — форсча, оқсоқ дегани) деган номни Амир Темурнинг ўзи ҳақорат деб билар эди. "Тамерлан" ана шу номдан


¹ 1996 май ойида АҚШнинг Вашингтон Университетида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишилаб ўтказилган "Амир Темур ойлиги" ҳамда шу йилнинг октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни" халқаро конференциясида ўқилган маъруза. (*Mujarrir*.)

олинган ва жаҳонга тарқалган. Асил номи Амир Темур ибн Муҳаммад Тарагай баҳодир бўлиб, чингизий Қозон Султонхон қизи Сароймулхонимга уйланганидан сўнг "Кўрагон" (мўғулча — куёв) лақабини олган. Шундан кейин уни Амир Темур Кўрагон деб шарафлаганлар. Худди шу ном ўша замон тангларида зарб қилинган. Амир Темур 1370—1405 йилларда Туркистон мамлакатини бошқарди. Унинг даври, шахси қандай тарихий солномаларда акс эттан?

Амир Темур саройида котиблар ("дабирони хос"), замонанинг олим ("фозилони аср") кишилари бор эди, улар мамлакат тарихини ёзиб борар эдилар. Кўп ёзилган тарихий китобларни, ҳақиқат тўлиқ ёзилмабди, деб соҳибқироннинг ўзи бекор қилганини айтадилар, улар табиийки, сақланмаган ҳам.

Даставва Амир Темурнинг ўзи кўриб маъқуллаган асарларга тўхтадомиз. Бундай асарлар иккита. Биринчиси — Фиёсидин Алининг "Хиндистон ғазовоти кундалиги" китоби. Бу асрда И.И. Сартольдининг аниқлашича, 1402—1403 йилларда ёзилган. Бернида Фиёсидин Али китобнинг ёзилиш тарихи маълумот берига ўтади. Ҳикоя қилинишича, Амир Темурнинг ўзи вакили олим яшаётган Язд шаҳрига келиб ёзилган. Бирор китобнинг ўзи ёзил беришни, шунингдек, асар бошида аввалдан ўзининг ўзи ёзилган олий фармон эълон қилинади. Фиёсидин Али китобнинг ўзи ёзилган олий фармон ўзининг 1398 йил апрелида бошланиб 1399 йил 27 апрелида тасвирланган. Хиндистон мухрабаси во-кеаларига бағришадиган амарини тез муддатда ёзига битиради.

Иккинчи асрда Шомиддин Шомийнинг "Зафарнома" сидир. Уни ёзилган тарихга Амир Темурнинг ўзи топширган. А. Якубийнинг ёзишича, бу пайтда, яъни 1401—1402 йилларда Амир Темурнинг жаҳонгирилик тарихи аллақачон битиб бўлганинг аммо улар соҳибқиронни қаноатлантиришади. Шомиддин ёзарини 1404 йилда ёзига тутатган, унинг охирин бўйича 1404 йил баҳорида Қорабоғ (Озарбайжон) тасвирланганда бўлиб ўтган байрам тасвирланган.



"Зафарнома", А. Якубовский фикрига кўра, юқорида айтиб ўтилган котиблар ва солномачилар томонидан ёзиг тўплланган айрим ҳарбий юришлар ҳақидаги материаллардан фойдаланиб қофозга туширилган.

Кейин яратилган асарларнинг барчаси юқоридаги икки асарга суюниб ёзилган, чунки ушбу икки асар уларга Амир Темур назари тушганлиги билан қимматлидир. Аммо бир асар бундан мустаснодир. Бу — испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Амир Темур саройига қилган зиёрати кундаликлари. 1403—1406 йилларда Кастилия қироли Генрих III Клавихони Амир Темур саройига элчи қилиб юборади. Умуман, Амир Темур Испания, Англия, Франция, Генуя, Венеция, Византия мамлакатлари подшолари билан дипломатик амбасадарни ятиналди, ўзаро савдо-сотиқни ривожлантириш кусусида иччига фаолият олиб борган эди. Муаммаларни ёкин бўзи билан олас, балки музокаралар олиб борниш бўзи билан хаз ўтиш, дастак муносабатларини ўрнатни Амир Темурнинг жадон мамлакатлари ҳукмдорларига бўлан турар мактублари мунадоримасини ташкил этади. Амир Темурдан ёки бинайи бирупо давлатлари ўртасидаги муносабатларни шудур трагисен олиб И. Умняков жуда қизиқ таъмулчарни кептиради. Амир Темур 1402 йилда Византия императорининг Константинополдаги ноиби Иоани Палеологта нақшуб юборади. Форс тилида битилган бу мактубнинг итальян тилига таржимаси сакланиб қолган. Венецияда 1743 йилда итальянлик тарихчи Муратори тарафидан оълов қилинган, унда турк султони Боязид Йилдирим билан бўлажак муносабатлар ҳақидаги сўз боради. Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI Валуа номига юборган мактубнада икки мамлакатаро савдо-сотиқни йўлга қўйиш, савдо кервонлари алмашини, бир-бировларига хайриҳоҳлик кўргизиш фикрлари баён этилган. 1402 йил 1 августда ёзилган бу мактубда икки жойда Амир Темурнинг машҳур мурари босилғанигини қайд этадилар. Париждаги Франция Миллий кутубхонасида Туркистон ҳукмдорининг Карл VI Валуага ёзган яна бир мактуби, аникрофи, шу мактубнинг лотин тилига таржима нусхаси сакланади. И. Умняковнинг таъкидлашича, "Франклар фаолиятининг айрим қайдлари" номли

солномада шундай маълумот көлтирилган, яъни 1403 йилда Парижга Амир Темурнинг Иоанн Галонифонтибус бошчилигидаги элчилари келгани ва элчиларни тантана билан кутиб олингани батафсил таърифланган. Элчи, агар зарурати бўлса, насронийларга Амир Темур давлати томонидан эркинликлар берилиши, икки мамлакат тожирлари учун эркин савдо шароитлари яратилиши ҳамда қирол ва герцоглар рози бўлсалар, ушбу эркин савдо муносабатларини бирон шартнома ёки битим билан мустаҳкамлаб қўйиш ҳақидаги таклифларни Франция қиролига етказади. Карл VI Валуанинг 1403 йил 15 июнда Амир Темурга ёзган мактуби ҳам сақланниб қолган, нусхаси Франция Миллий кутубхонаси дадир. Амир Темур билан Франция қироли ўртасидаги ёзишмаларни илк бор ўргангандан XIX асрда яшаган француз олими Сильвестер де Саси меҳнатлари катта таҳсинга сазовордир.

Англия архивларида қирол Генрих IV (1390—1413) нинг Амир Темур ва Мироншоҳ Мирзоларга ёзган икки мактуби сақланади. Амир Темурга ёзилган, асли лотин тилида битилган мактуб 1846 йилда Лондонда эълон қилинди, асил нусха оса Британия музейидадир. Умуман, Амир Темурнинг хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалари — алоҳида мавзуу. Академик Бўрибой Аҳмедов таъкидлаганидек, "Амир Темур давлатининг ташқи сиёсати ва жаҳонда туттган мавқеини ўрганиш вақти етди". Чиндан ҳам, "Амир Темур дипломатияси" номли йирик тадқиқотлар яратиладиган давр келди.

Юқоридаги қисқа маълумотларни көлтиришдан мақсад, Амир Темур давлати ва унинг Шахси ўша пайтда жаҳон сиёсат майдонида катта нуфузга эга эканлигини, жаҳон сиёсат иқлимига таъсир этишда соҳиб иқтидор, фалакиқтидор даражасида бўлганлигини таъкидлаб ўтишдир.

Испан элчиси Клавихо кундаликлари Амир Темур даври ва бу даврдаги халқаро алоқалар тўғрисида бебаҳо маълумотларга эга манбадир. У Амир Темур шон-шуҳрат чўққисига чиққан бир пайтда, Самарқанд буюк пойтахт сифатида дунёга донг таратиб, кўрганларни лол қолдирган бир замонда барчасини ўз кўзи билан кўрган киши томонидан ёзилганлиги ила қимматлидир. Тадқиқотчilar фикрича, кундаликлар 1406 йилдан кейин ёзилган, унинг биринчи нашри

фақат 1582 йилда Арготе де Молина томонидан амалга оширилди. Клавихо кундайларининг рус тилига сўнгти таржимаси И. Мирокова қаламига мансубдир (1990). "Марко Поло, Иоанн Галонифонтибус, Афанасий Никитин, Барбаро ва Контарини асарлари қатори, — деб ёзади И. Мирокова ушбу нашрга битган сўзбошисида, — Клавихо кундайлари ўрта асрлар жаҳон адабиётининг олтин фондини ташкил этади".

Амир Темур даврини тўла ёритиб берган манба Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" номли қомус даражасидаги асаридир. У 1425 йилда Шерозда ёзиб тугалланган. Муаллиф "Зафарнома"ни Амир Темурнинг набираси Иброхим Сумон ибн Шоҳруҳ ташаббуси билан ёзганини айтиб ўтади. "Позднейшее время барча томонларидан (Амир) Темур туркӣ ва форсӣ тилларда баён этилган ҳикояларни аз шарифорин ҳамда насрӣ нусхалари тӯпланиб ўтади. Муаллиф "Зафарнома"ни Али Яздий, — улар билан туркуз тузилган туркий ва форсий тилларни ёзган ҳикоялари иккита туркани, воқеаларни ўз кўзи ёзганни ёзган туркӣ тилларни ёзганни тақиқил этган. Дастлаб (Амир Темур) туркӣ бир ҳикоя ўзигач, агар бу воқеа баёни тургаган кунининг тартибига тўғри келмай қолса, туркӣ таркибига таъминланадиган ҳакиқатни топиш учун турли шаҳарларга ёзиб, мазкур воқеалин (Амир) Темурнинг бошқа таркибига таъминланадиган суриштирган ёки қўшимча маълумотлар ўзигач, "Зафарнома"нинг 1425 йилда Омонулла Бўриев таржимаси китоб ҳолида босилиб чиқсан 1360—1370 йиллардаги таркиби ёзган ҳисмига А. Ўринбеков ёзган сўзбошидан олиндиган. "Зафарнома" ана шундай критик тартиб ва интизом билан ўзигача ёзиб. Шуниси диккатта савоворки, Иброҳим Султон мусаллиғи, хеч нарсани бўйиб кўрсатмасликни уқтиради ва бундай съехсан ўзи бошдан объектинорат қиласиди. "Зафарнома"ни ўз тилларга таржима бўлган асардир. XV асрда шоир Ауғоний сарни шеърий йўлда ўзбек тилида иншо этди. XVI¹ ва XVII эврларда яна икки марте ўзбек тилига ўтирилди.

¹ 1516 йилда "Шарқ" нашриёт-матбоза концерни асарнинг 1516 йилда Муҳаррир Али ибн Дарвеш Али Бухорий томонидан қилинган ўзбекча таржимасини чоп этди. (Муҳаррир.)

Яна бир китоб ҳақида, Амир Темурни қўрган ва Самарқандда яшаган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи" (У. Уватов таржимаси, Тошкент, 1992) китоби хусусида тўхтала миз. Амир Темур 1401 йилда Шом (Сурия) ни фатҳ этгач, бу мамлакатдан кўп илм ва фан арбобларини Самарқандга кўчиради. Кўчирилганлар орасида ўн уч ёшли Ибн Арабшоҳ ҳам бор бўлиб, у онаси ва биродарлари билан бирга эди. У Самарқандда ўсиб-улғайди, яхши ҳаёт кечирди, истаганча билим олиш имконига эга бўлди, натижада машҳур олим, муаррих мақомига эришди. "Амир Темур тарихи" 1436 йилда ёзилган. Унда Амир Темур ва унинг сиёсатига танқидий назар билан қараш қучли, муаллиф ёзганда баъзан фаразга йўл берганини билмай қолади. Асарда У. Уватов таъкидлаганидек, "... муаллифнинг шахсий адовати ёки бадиий безакка берилиб кетиши туфайли баъзан чалкаш фактлар, тахминий талқин қилинган ҳолларнинг учраши" сезилади. Шунга қарамасдан, асар ўзига хос тарихий қимматга эга, В.В. Бартольд, А. Якубовский, Б. Аҳмедов каби олимлар Амир Темур даврини ёритишида ундан фойдаланганлар, айниқса, шу даврни ёритган бошқа китобларга қиёслаб, даврнинг ҳақиқий манзарасини чизишга жаракат қилганлар. Турли фикрлар тўқнашувидан чақмоқ, ай ҳақиқат юзага келади.

Кейинги асрларда, то шу кунгача Амир Темур ҳақида жуда кўп асарлар ёзилди ва ёзилмоқда. Улар жаҳоннинг турли тилларида яратилмоқда. Бу ўринда Россия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Франция, АҚШ, Англия, Германия ва Венгрия тарихчи олимларининг асарларини кўрсатиш мумкин.

II

БАДИЙ АДАБИЁТДА

Бироз тарих: жаҳон адабиётида Амир Темур сиймосинг ёритилиши ҳақида сўз кетганда, Кристофер Марлонинг "Улуғ Темур" трагедияси, Иоганн Вольфганг Гётенинг "Темурнома"си, Льюисен Карен, Хильде Хукхем сингари европалик адиллар ва бир қатор осиёлик ёзувчиларни эслаб

үтиш жоиздир¹. Биз мавзумиз доирасини бир қадар чега-
ралаб, бевосита Амир Темур Ватанида соҳибқирон ҳақида
яратилган асарлар тўғрисида фикр юритамиз, яна ҳам аниқ-
роғи, XX асрда пайдо бўлган бадиий темурнома намунала-
рига назар ташлаб ўтамиз.

Бадиий адабиётнинг вазифаси, хоҳ, у тарихий бўлсин, хоҳ
замонавий, қаҳрамоннинг руҳий сиймосини яратишдан ибо-
рат. Адабиёт руҳият оламининг инъикосидир. Биз тарихий
шахснинг фаолияти, ҳаёти саналари, сафарлари, бунёдкор-
лиги тўғрисидаги маълумотларни илмий тарихнинг бемин-
нат хизматлари туфайли билиб оламиз. Адиг ана шу илмий
тарихдан фойдаланиб бадиий асар ёзди, тарихий изчил-
ликка амал юнайт худа қалам тебратади. Бу ерда ижодий
фантазия, бозиса кейл кучи катта аҳамиятга эга. Бошқача
айлану, илмий тарих Шаҳе ҳақида, бадиий адабиёт Инсон
хонаси Ғарурларди, ғисоннинг руҳий олами тўғрисида та-
саввур бердиган ҳарекат қўлади.

Андреуслар ёндоғи қада ғимонд лозимки, XX асрда Амир
Темур Ватанида Соҳибқирон ҳақида асарлар қарийб яра-
тилмади. Мен бу ерда Ўзбекистон мустақилликка эришгун-
гани бўлган даврни назарда тутмоқдаман. Яратилган асар-
лар ҳам затондорилар тарафидан омас, балки ўзга эллар адаби-
лари томонидан бўлди. Етминн ёна давомида ҳукмрон бўлган
расмий нафисура Амир Темурни қоралаб келди, у ҳақда-ку
ёзиш у йўқло турсин, умуман ўтмиш ҳақида асар битиш
"Люмешни нафалаштириш" деб баҳоланди. Абдулла Қоди-
рий, Ойбек сингири забардаст адиллар юқоридаги сабабга
кўра Амир Темур ҳақида асарлар ёза олмай армонда ўти-
лар. Улур хот ҳақида нафақат бадиий асар ёзиш, балки ил-
мий тарихий тадқиқотлар олиб бориш ҳам хатарли эди,
бошларда калтак синарди. Мисол тариқасида, академик
Иброҳим Мўминовнинг "Амир Гемурнинг Ўрта Осиё тари-

¹ 2004 йилда АҚШга қилган ижодий сафаримиз чорида Вашингтон
Университети кутубхонасида XVII асрда яшаган инглиз адаби Чарльз
Саундерс Ҷемилита мансуб "Үлуг Тэмур" (1681) деган, бизга маълум
бўлмаган трагедияни кўлга киритишга муваффақ бўлдик. (Муаллиф.)

хида тутган ўрни ва роли" рисоласи билан боғлиқ воқеани эслаб ўтиш кифоя.

ХХ аср ўзбек адабиётида Амир Темур учун куйиб-ёнгандардан, ва эҳтимол, биринчиси — оташин маърифатпарвар адаб Абдурауф Фитратдир. Фитрат аср бошидаёт Амир Темурдек буюк сиймонинг миллатнинг сёққа туришида улкан таъсир кучи-қудратига эга эканлигини чуқур англаб етган эди. Адаб улуғ соҳибқирон ва унинг даври билан чексиз фурурланар, илҳомлар оларди. У "Темур сағанаси" номли саҳна асари ёзди, бир қанча публицистик мақолаларида Амир Темур сиймосига муржаат қилди. Жумладан, "Юрт қайфуси" мақоласида Она Турон юртига хитоб этар экан, "Эй... Темурларнинг, ўғузларнинг оиласарининг бешиклари!.." деган сўзларни келтиради. "Темур олдинда" мақоласида соҳибқирон мақбарасини зиёрат этган адаб кўнглида нечоғлик ҳаяжонли туйғулар кечганлигининг гувоҳи бўламиз: "Сенинг зиёратингга келдим, сultonим!.. — деб ҳайқиради адаб. — Улуғ хоқоним! Турклик шарафи таланди. Туркнинг номуси, ёътибори, иймони, виждони золимларнинг оёғлари остинда қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди! Хоқоним! Туркликка хиёнат қилганлар турк бўлсалар ҳам қонларини оқитмоқ сенинг муқаддас одатингдур, стма, тур! Сенинг омонатингга хиёнат қилганларни эз, ур, ўлдир! Мен уч қунлик умримни тинчгина ўтказмакчи бўлмаса бордим, шуларнинг бирортаси бўлмас эди. Мен қўлимга топширдифинг қилични ташлаб, чолғуни олмаса эдим, Туроним аланмас эди... Эй арслонлар арслони! Меним ёзуқларимдан ўт, менинг қўлимни тут, белимни боғла, муқаддас фоти-сангни бер! Сенинг дунёга сифмаган файратингга онт ичамки, Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтармасдан бурун оёқдан ўтирмасман!" ("Хуррият" газетаси, 1917 йил 31 октябр сони).

Қозоқ халқининг ўтли шоири Мағжон Жумабоевнинг 1915 йилда ёзган "Амир Темур монологи" номли шеъри ҳам алиққатта сазовордир. Қозоқ шоирининг Туркистон халқининг маънавий ва руҳий валинеъмати Амир Темурга мурожаати табиий ва ўринлидир. Шоир ёзади:

Кўк тангри — тангри,
Кўнгрансин, кўкин бийласин.
Ер тангри Темирмен,
Еримга ҳеч ким тиймасин.

Амир Темурнинг "Мен Ер тангрисиман" дейиши, албатта, рамзий маънода олинган, буни шаккокликка йўймаслик керак. Шоир буюк жаҳонгир тупроғида ўзгалар ҳукмфармолик қилиб юрганларини кўриб ўртанади, қани энди ҳозир Амир Темур бўлса эди, деб армон қиласи.

1908 йилда Салоҳиддин Тошкандий "Темурнома" деган китоб битади. Китоб 1990 йилда Поён Равшан томонидан нашрга тайёрланиб Тошкентда нашр этилди. Жуда ширали тилда ишю этилган бу асарда Амир Темур афсонавий қаҳрамон сифатида тасвирланади.

Юкорида биз Амир Темур мавзуси тақиқланган, табу қўйинчли мавзу эканлигини айтиб ўтгандик. Ҳа, тарихий мөнбадиҳа табризи тебратиш мушкул юмуш эди. Асар ёзилса да, макомони шоир ёки аллома бўлиши, зинхор макомони шоир подшо бўлмаслиги керак эди. Шунинг учун Амир Темурнинг шоир ёки аллома авлодлари макомони шоир тайдо бўлди. Темурийлар сиймоларини биз "Амир Темур" номли асарларида кўрамиз. Кейинчалик бундан кейин шоир Муаллиф Муҳаммад Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" номли китобига Мақсад Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" номли асарларида кўрамиз. Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", Пиринмурадовнинг "Юлдузли тунлар" ва "Авлодлар давони" сийматкорларини манлари қўшилди. Бу асарларда бевосиж Амир Темур образи яратилмаган эса-да, унинг руҳи тумо сенисаб туради.

Узбекистонда янаган рус совет ёзувчиси Сергей Бородин Амир Темур дарига бағишилаб "Самарқанд осмонида Юлдузлар" номли уч китобдан иборат асарини ёзди. Муаллиф Амир Темурни босқинчи деб таърифлаган ҳукмрон мафкура чизигида қалам тебратди. Ёзувчи ўз асарида диккатни исълан Амир Темурнинг хорижий мамлакатларга қилинган коришларига қаратди ва китобни Соҳибқироннинг 35 йиалик ҳукмронлик даврининг фақатгина охирги

олти йилидан, яъни 1399 йил воқеаларидан бошлади, шу нарса асар руҳини белгилаб ҳам берди. Ушбу қалин китоб рус адабининг ўзига қондошу жондош бўлмаган тарих ҳақида муайян мақсад ва бараз билан ёзилган бир асари бўлиб қолди.

"Шарқ юлдузи" журналининг 1990 йил 10-сонида улуг адиб Ойбекнинг "Темур" достонига чизгилари эълон қилинди. Уни нашрга тайёрлаган адабиётшунос олим Наим Каримовнинг ёзишича, адиб 1965 йилларда ушбу достонини ёзишга киришган. "60-йилларда ҳам (Амир) Темур тўғрисида асар ёзиш расмий адабий сиёсатга зид бўлганлиги сабабли, — деб ёзади олим. — Ойбек ўз одатига қарши ўлароқ янги достонинг тархини пишишиб олмаган. Шунинг учун ҳам унинг қандай воқеалар тасвиридан иборат бўлиши, унда Амир Темур образининг қайси қирралари акс этиши мумкинлигини айтиш қийин..." (Юқоридаги журнал. 39-бет).

Ойбек ўз достонини битиришга улгурмаган, ўн тўрт саҳифадан ибораттина чизгилар қолган, холос. Ушбу чизгилар Амир Темур номига табу қўйилган замонларда ҳам соҳибқирон ҳаёти, сиймоси адабларимиз, олимларимиз юрагининг тубида жо бўлганлигига бир мисолдир. Ойбек соҳибқирон ҳақида кўп китоблар ўқиган эди ва келажақда роман ёзиш нияти бор эди. Сергей Бородиннинг юқорида зикр этгилган асарида Амир Темур образининг ноҳаётий, ноҳалов талқинидан кўнгли озор топган Ойбек "Темур" достонини ёзишга киришади... "Темур ҳовуч-ҳовуч олтин танглар, Сочади, думалар ерда янгалар", "Зифирдай келличак — Улуг қаллиғи, Пардадан кўринур яноқ яллиғи", "С., башар, ҳақ сўздир тарихнинг сўзи — Бир одам титратдир жаҳонни ўзи!" сингари сатрларни ўқиб, достоннинг тутагланмай қолганини афсус билан эслаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар биз Амир Темур ҳақида бошқалар томонидан ёзилган турли асарларни ўқиб келдик, тарихимизни бузиб кўрсатганга муносиб жицвоб беришдан маҳрум қилинган эдик. Ҳамма нарсани ўз юракларига олган ўзбек ёзувчи ва адабларига бу кутлуғ мавзуда қалам тебратишга фурсат ҳали етишмаган эди. Буюк Мустақиллик бизга соҳибқирон Амир Темур, унинг даври

ва умуман улут тарихимиз ҳақида баралла ёзиш ҳуқуқини инъом этди, тарихий ҳақиқатни рўй-рост кўрсатиб беришга шароит яратди.

1994 йилда академик Бўрибой Аҳмедов ўзининг кўп йиллик меҳнати самараси — "Амир Темур" тарихий романини ёзиб тутатди. Адабий жамоатчилик бу асарни қизиқиши билан кутиб олди. Роман қарийб ярим асрлик даврни ўз ичига олади. Иззат Султон уни жуда топиб "бадиийлашган тарих" деб атади. Асарни ўқиб, соҳибқироннинг шиддатли замони, жангу жадаллар, садоқату хиёнатлар, зафарли юришлар, фарзандлар тақдири, мамлакат истиқболи ҳақида нурли ташвишлар, жаҳон мамлакатлари билан алоқалар, Конигилда кечган набиралар тўйи, Бибихоним билан кечган лаҳзалар ва ҳоказолар ҳақида тасаввур олиш мумкин. Асарнинг қимматли жойи шундаки, унда келтирилган воқеалар, шахслар барчаси аниқ тарихий фактларга асосланган, улар Амир Темур ҳақиқи чархини туркий, форсий ва арабий асл манбалардан олининг. Бирорда одатда ёзувчи қўшадиган, албатта, табиий сабаби "Фантазия" мутлақо йўқ, унга эҳтиёж ҳам йўқ. Чунинча, соҳибқироннинг ҳаёти, даври ўзи ҳар қандай фантазияларни қолдирада даражада гаройиб ва саргузаштади. Шу туфайли асар Амир Темур ҳаётига оид муҳим маънни тифтида ҳам қадрланмоғи шубҳасизdir.

Одна йиғубининг "Фотиҳи музофтар ёхуд бир париваш асири" аниқида шалум ва машҳур Бибихоним ривояти асосига курбсан. Йиғубин афсона қаҳрамонлари номини ўзгартириб олади.

Темур Сулувкўз номли кенжак хотинини жуда яхши кўрсан, унинг гўзаллигига маҳлиё. Адаб соҳибқирон қадабидага гўзаликка бўлган меҳр қудратини кўрсантига ҳарқат кўнсан. Соҳибқирон ҳаётининг сўнгги нафаси ками ўтига тоқсақ гўзаликка интилганча оламдан кўз юмади.

Йиғубин Сринебенинг "Соҳибқирон" номли шеърий драманинга рамзилик ишҳоятда кучли. Содда ва равон тилда йиғубин бу асарда Амир Темур ҳаётининг турли фаслларидан авваладир жамланган. Воеалар Самарқанд, Ангора каби шаҳарларда бўлиб ўтади. Амир Темурнинг мамлакат тақдири, унинг келажаги ҳақиқадаги башоратомуз сўзлари ҳозирги кунларимизга ҳамоҳанг жаранглайди. "Ҳамкор бўлсин

Оврупо-ю улуғ Осиё!" — бу сўзлар Амир Темур тилидан жуда мағур садо беради.

Ўзбек бадиий темурнома саҳифалари эндиғина бошланди. Буюк Амир Темур сиймосини, унинг мураккаб ва машхур даврини ёритишга энди киришилмоқда, биринчи қадамлар эса кўнгилларга қувонч ва фараҳ солмоқда.

1996 йил 27 май

АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА СҮЗ¹

*Д*унёда шундай тарихий шахслар бўладики, уларнинг ҳаёти, кечирган фаолияти кейин афсоналарга ўралиб кетади ва асрлар давомида бу мазмунан бой ҳамда ғаройиб умр достони унинг ҳалқига битмас-туганмас бойлик сифатида меросу ёдгорлик бўлиб қолади. Дунёга келган ҳар авлод унга мурожаат қилади, ўзини қизиқтирган саволларига, муаммоларига ўша умр саҳифаларидан жавоб топишга интилади. Амир Темур Кўрагон умри, унинг чақмоқдай ҳаёти бизнинг ҳалқимиз учун ана шундай умр достони вазифасини бажаради. Ҳар қандай улуғ шахснинг дунёга келиши, албатта, ўша шахс мансуб бўлган ҳалқнинг ақлий ва маънавий имкониятлари даражасини кўрсатади.

Шарқда одил подшолар ҳақида чуқур тушунчалар бор, бу тушунчалар бадиий адабиётда ва эртакларда акс этган. Амир Темур ана шундай подшо бўлмоқни орзу қилди. У кураш майдонига кирав экан, "Куч — адолатда" деган эзгу шнорни танлаб олди ва умрининг охиригача унга содик қолди. Бу сўзлар унинг муҳрига ўйиб ёзилган эди ва бу сўзлар давлат муҳрида бор эди. Унинг маъноси, агар адолат йилидан юрилганда давлат кучли, қудратли бўлади дегани дар. Амир Темур давлатининг моҳияти шунда. Амир Темур

¹ АҚШда чиқадиган «Сентрал Эйша монитор» журналининг 1996 йил 3-сонида инглиз тилида ўзлон қилинган мақола. (Мұхаррир.)

ҳамма учун баробар адолат бўлишини талаб қилди. Бу йўлда, агар адолатга путур етадиган бўлса, у ўз ўғлини ҳам аяб ўлтирмади, набираларига ҳам жазо беришдан тортинмади.

Бир мисол. Келини Хонзода хоним Султония шаҳридан келиб, қуёви Мироншоҳ Мирзодан шикоят қиласиди, унинг давлат ишларини унуглиб, ортиқча ўйин-кулгуларга берила-нини, хазинани бетайин одамлар совураётганини, амирзода-нинг эса насиҳатларга қулоқ солмаётганини куйиниб айтади. Ҳайратта тушган Амир Темур 1399 йилда Султонияга келади ва бу ерда аҳвол ҳудди келини Хонзода хоним айтгандек эканлигини кўради. Ўғлим деб ўтирумайди, Мироншоҳ Мир-зони Озарбайжон ва Мозандарон таҳтидан мосуво қиласиди, уни йўлдан урганларни жазолайди, хазинадан сарф қилинган маблағларни тўлаттириб, олдинги ҳолатига келтиради. Мироншоҳ Мирзо ҳудди назардан қолгандай бўлади, асли ҳам шундай, чунки Амир Темур унга ортиқ юрт бошқаришни топширган эмас... Ҳолбуки бу вақт соҳибқироннинг фақат иккита ўғли бор ҳади, колос ва Мироншоҳ ўша ўғилларнинг каттаси ҳади... Генгизхон жуда ҳам ибратлидир.

Амир Темур күпроқ жаҳонгирлик юришлари билан ном берилген шахсият ва инсонларни нарса у ҳақида Темурнинг инсонларини овордин. Аввалин кўргизган садоқатни инг фикрича, Амир Темур мумкин, бойлик, сарзинадай деганлар адашади. Бундай маддоҳларни кўйнайдиган ортириб бўлмайди, бундай тул билан фақат аскар ёллаш, инсанни холос

"Ер юзида битта" Амир Темурга нисбеттә ка йүнәлдәр. Бирок

Күнбекар бейлигін
Берілді. Пұндың бұл
бейнін шағын
шілде күндерінде

"ши керак" — деган сўзларни
ва буни шухратпастлик-
шухратпастлик сингари
уйгулардан бениҳоя юксак-
ад, жуда кўп жойлар Амир
бунёд-
тада қолдиради. Самарқанд-
қасрлар, мадрасалар, мас-


жиidlар, карвонсаройлар, Самарқанд атрофидағи боғлар, бозорлар, Шаҳрисабздаги Оқсарой... Буларнинг биронтаси Амир Темур номи билан аталмаган, балки унинг суюкли ўғиллари, опаси, хотинлари, набиралари номлари билан аталған.

1388 йилда Сирдарё бўйида Чингизхон вайрон қилиб кетган Бинкент шаҳрини қайта қурдиради ва унга кенжА ўғли номини бериб "Шоҳруҳия" деб атайди.... Амир Темур бино қилган ўша боғларда ва саройларда дарвозалар амирлару баҳодирлар қатори авом ҳалқ учун ҳам ҳамиша очиқ бўлган. Эл бу боғларда сайд қилган. Амир Темур тарихининг зўр билимдонларидан Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Темурбек бир пайтнинг ўзида душманлари учун оғат, аскарлари учун сифинадиган тимсол, ҳалқи, эли учун эса ота қатори эди. Ўз подшолик давримда зулм аҳлиниң ожизу бечоралар дилларини оғритишларига йўл қўймадим, дейди у ўлими олдидан қилган васиятида.

"Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуси эса қилич билан бажо келтирилишини англадим", деб ёзган эди Амир Темур ўз "Тузуклар"ида. У давлатлар ўртасидаги муносабатларни, асосан, кенгаш, тадбир ва машваратга боғлик ҳолда олиб боради. Ҳар бир қадамни тўққиз марта ўлчайди, иложи бўлмаган жойдагина қиличга ўрин беради. Қилич бирлаштирмайди, қилич айиради, дейди. Унинг Рум, Франция, Англия, Испания мамлакатлари билан олиб борган ёзишмалари, дипломатик алоқалари шундан гувоҳлик беради.

Афсуски, қилич айирган паллалар ҳам бўлди. Кенгашу тадбир, машваратлар ожиз қолиб, битта ҳалқ фарзандлари бўлган Амир Темур, Йилдирим Боязид, Тўхтамишхонлар ораларига қилич тушди, натижаси эса жаҳонга маълум...

Амир Темур XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошида жаҳонда сиёсий иқлимини белгилашда катта нуфузга эга бўлган сиймо даражасига кўтарилди, жаҳон тарихига таъсир ўтказувчи давлат арбобига айланди.



* * *

Нима учун биз Амир Темур туғилган йилни байрам қилмоқдамиз, унга ҳурмат намоён этмоқдамиз? Аввало, у тарқоқ бўлиб ётган юртимизни бирлаштириди, бирлашишнинг қандай буюк иқбол эканлигини исбот этди, ўзаро жанжалларга барҳам берди, юртда осойишталик ўрнатди, Туркистонни дунёга танидти, унинг довругини ёйди, фанимиз ва маданиятимиз, адабиётимизнинг юксак поғоналарга кўтарилишига асос, шароит яратди. Ўзбек адабиёти, санъати, фанининг жаҳоний даражага чиқиши бевосита Амир Темурнинг шавкатли даври билан боғлиқ. Буюк мунахжим ва муаррих Мирзо Улуғбек, улуғ шоирлар Лутфий ва Алишер Навоийлар, монанди йўқ мусаввир Камолиддин Беҳзод, улкан шоир, олим ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур... Санайверсак, саноқ етмайди, шукурлар бўлсин. Мамлакатда доҳқончилик маданияти ривожланди, ҳунармандчилик таракқин ҳодди, улкан шаҳарлар вужудга келди...

Биринчий сифатида Амир Темур мавзуига мурожаат этиб келадиган сизберионнинг шахси, ҳаёти менга ҳамиша илҳом бамониди. 1967 йилда "Гумбаздаги нур" достонини, 1989 йилда "Дарёлар" тарихий роман-дилогиямни битирдим, ундан Амир Темур сиймосини чизишига ҳаракат қилдим. Ундан сонг яхудадам, коммунистлар мафкураси Амир Темур ишондада тафалаган пайтлар бир рубоий ёзгандим. У "Амир Темурни бўридан овоз" деб аталарди:

Экинчил! Этма умримни торож!

Бас, тунгча гапларга эмасмен мухтож.

Тори уйни ҳам — соз аталур, соз,

Бошдан тулиғонда ҳам тож — барибир тож!..

Ҳа, у чиндан халқининг бошидаги тож эди, шундай бўлиб болади. Бу фавқулларда подир сиймо ва унинг ҳаёти ҳали бўлди авлодларниң дикқатини ўзига тортишига шубҳа йўқ. Амир Темурнинг параграфи мангулиқдир.

ОНА ТАРИХ КАМОЛИ

*Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"
асари ўзбек тилида*

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон даврига оид бўлган ҳар бир асар, хоҳ у илмий бўлсин, хоҳ бадиий, табиийки, бизларни, чинакам тарихини эндиғина ўрганиб, англаб келаётган озод Ватан фуқароларини бефарқ қолдирмайди. Зоро, бу давр миллатнинг қадди камолини оламга кўз-кўз қилган, шаън-шукуҳини улуғлаган олтин давримиз бўлган эди. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари эса ана шу қутлуг даврнинг тўлақонли ёрқин тасвиридир, бошқача айтганда, соҳибқирон ҳаётининг бетакрор қомусидир.

Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг ноширлари ушбу нодир асарнинг бундан тўрт юз саксон йил муқаддам Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий томонидан адо этилган ўзбекча таржимасини шарқона анъаналарда аъло нав қофозда чиройли безаклар билан чоп этдилар. Чиндан ҳам, "Зафарнома"нинг ўзбекча нашри маданий ҳаётимиизда сезиларли воқеа бўлди, бунга шубҳа йўқ. Уни таниқли олимлар Ашраф Аҳмад билан Ҳайдарбек Бобобековлар амалга оширдилар.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ибораси билан айтганда, "қалами ҳусни хат битувчи жаҳон хуштабларининг нозик сўзлиси... оқиллик буржининг равшан юлдузи" Шарафиддин Али Яздий ўз асарини 1424—1425 йилларда Шерозда ёзиб туталлади. "Хуршид раъйли ҳазрат, осмондек кудратли подшоҳ, ҳақиқат ва дунёning кўмакчиси" (Абдураззоқ Самарқандий) бўлган Форс ҳукмдори Иброҳим Султон ибн Шоҳруҳ улуғ бобоси тўғрисида мукаммал китоб ёздиришни кўнгилга тутади ва ниятига етади. Шуни айтиш керакки, Иброҳим Султоннинг (1415—1435) подшолик давридан энг улуғ ёдгорлик, бу, шубҳасиз, "Зафарнома" бўлиб қолажак.

Тарихимизнинг ягона эканлигини англаб етган шайбоний ҳукмдор Кўчкунчихон (1510—30) Амир Темур даври тарихига бағишлиланган "Зафарнома"ни ўзбек тилига таржи-

ма қилдириш қайғусини чекади ва бунинг учун биз, келажак авлодлар ундан беҳад миннатдормиз. Шайбонийлар ўзларини темурийларнинг қонуний ворислари деб ҳисоблар эдилар, бу ерда уларнинг Хуросон ва Ҳиротни қайтариб олиш учун олиб борган курашларини эслаш кифоя. 1519 йилда Мұхаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий "Зафарнома"ни она тилимизга ўтириб, маданиятимиз ривожига бебаҳо ҳисса күшди. Таржимон ўз "Муқаддима"сида ёзади: "Шаҳаншоҳи диндор Кўчкунчихон... муборак кўнгилларида ва саодатманд хотирлариға кечтиким, "Зафарнома"ким, мавлоно Шарафиiddин Али Яздий форсий тил билан Темурбекнинг воқеотин айтиб туур... турк элига файз тегмай туур, эрса керакким, бу китоб туркий билан бўлғай, то андин эл-улус фойда топқайлар. ...Бас, андин сўнг бу бандай камина... фуқаро Мұхаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорийга ишорат бўймас, туркий тил била "Зафарнома"ни буюрулғай." Таржимон Илдий асаридаги "Муқаддима"ни қолдирив, беноси, "Темурбекнинг мутаваллиид бўлғони"дан, яъни соҳибири, башка таржима қиласиди. Нашрга сўзбошик ёғор ғозиёти Ашраф Аҳмад билан Ҳайдар Бобоековлар мөънодр ғазбек мумтоз насрининг ilk буюк обиёнини "бўридир", ёб баҳолайдилар. Асарни ўқиб, юқоридағы кратерлар барозига көк ва адолатлилигига амин бўламиз. Чарх "Зафарнома" ўзбекчасининг тили гўзал ва ноёбдир. Унинг таржимасида фоалияти ҳақида ушмундок сўзларни ўз ишлаб, "...Ул бодибоҳ ҳашамат ва давлат тахтида қарор туттишади, мөънодр та ранж ва балодин андиша қилмағай. Жағончадарлик ва роҳиҳоҳи ул кишига лойик турниким, бийик ҳақида турнишни маққатидин ҳеч андишаси бўлмағай" (142-бет).

"Зафарнома"да Амир Темурини ёрқин сиймоси равшан кўриниб туради, биз уннан ишқони борича одамларга яхшилик қилиш йўлини тутган юрг бозилиги сифатида — Тўхтаконишон ва Йилдириим Боязид билан муносабатлар, "арқон-ишим ташлаш"ларни эслайлик — қўрамиз. Айрим юргларни ёришлар, қатли омлар можияти билан чукур танишиб чиққади, уларнинг бежиз юз бермаганига гувоҳ бўламиз,

бу ҳолатларда кенгашнинг тўққиз улуши ҳам наф бермай, иш қиличга тақалиб қолгани кўринади. Амир Темур билан Йилдирим Боязид муносабатлари ҳақида жаҳон адабиётида ҳар хил қараашлар мавжуд: гўё Боязидни темир қафасга солғанмишлар, унинг ҳарами соҳибқирон базмарида рақс тушишга мажбур қилинган эмиш ва ҳоказо. Афсоналар кўп. Энг ҳаққоний манзара Шарафиддин Али Яздийда берилган: "Намози хуфтан эрдиким, Йилдирим Боязидни даргоҳи олампаноҳда келтурдилар. Соҳибқирон фармонладиким, "Эликини ечиб, ҳурмат ила кийурсунлар!" Бас, ани ҳазрат қошида иззат била кийуруб, ҳазрат ани кўруб, кўб иззат тутуб, ўз қошига ўлтурғузди ва дедиким, "Ҳар нечаким, сенга насиҳат қилдуқ, эшиитмадинг. Ва бу воқеа ўзунгдин сенга келди... Ва агар сен менинг сўзумга кириб, йахши маош қилур эрдинг, мен сенга черик берур эрдимким, бориб ғазо қилур эрдинг. Ҳеч қайси била амал қилмадинг ва сендин муҳолифатдин ўзга иш зоҳир бўлмади... Бу жиҳатдин бу кунга учрадинг. Аммо бу жиҳатким, ҳазрат Ҳаққ субҳонаху ва таоло менга нусрат берди, сенга ва сенга таалуқ кишиларга йахшилиқдан ўзга иш қилмағумдур" (261-бет). Йилдирим Боязид хижолат бўлади, мудҳиш хатога йўл қўйганини тан олади, соҳибқирондан афв этишини сўрайди. Муаррих давом этади: "Йилдирим Боязид учун подшоҳона оқ уй тикиб эдилар. Соҳибқирон Йилдирим Боязидқа иноят ва шафқатлар қилиб, ҳар кун анга ўз қошига келтуруб, сұхбат тутуб, кўнгил берур эрди". Бундай муносабат, албатта, чин инсонийликка, одамгарчиликка ёрқин мисолдир.

Қўйидаги лавҳада эса соҳибқироннинг адолатпешалиги, ҳақиқатпарастлиги, тўғрисўзлиги яқъол намоён бўлган. 1403 йилда Эрону Туроннинг ҳар жойларидан уламо-ю умаро Байлақонда соҳибқирон боргоҳида йигиладилар. Анжумандан мақсад, Амир Темур раият — ҳалқ аҳволини таҳқиқ қилиш ва адду эҳсонни ўрнатмоқ учун обрў-эътиборли уламо ва умаро вакилларини мамлакатнинг ҳар турли пучмоқларига юбормоқчи эди. Соҳибқирон анжуманга юзланиб, уламонинг ҳар замонда подшоҳларга буюк насиҳатлар қилганилари, хайрли ишларни тарғиб этиб, номуносиб ҳаракатни

ман эттандырилганда эслатади ва иштирокчиларнинг шу маънода "иршод қилмаёттандыр"ларини таъкидлаб хитоб айлади. Уламо эса, Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, бундай насиҳатларга ҳожат йўқ, барча ишларингиз тўғри йўлдадир, деб жавоб қайтаради. "Сиз менга хушомад дерсизлар, — сўзни кесади Амир Темур. — Ва бу хушомад сўзларингиз менга хуш келмас... Менинг мақсадим бу туурким, сизлар ҳар бирингиз бир вилоятдан келгонсиз. Албатта, ул вилоятнинг яхши-ёмонидин хабардорсиз. Даруға ва девондин не нимаким воқе бўлубтурур, менга шарҳ қилинглар. Агар шаръ бирла адл қиласидурлар, баён қилинглар, то фикрини қилғаймен. Мутақаллаблар ва ситамкорларнинг эликлари ни ожизу факир ва мискинлардин қисқа қилдурғаймен" (279-бет).

Ушбу кемади тиссоладар соҳибқирон характерини кўрсатиш аспи сенгиз тароватини ҳам намоён этади.

Юнон фанни ўзининг тарихини ёзувчини тарихчи деб атаган эди. Шуда ўзининг ҳамми, биз тарихчини ёзувчи деб атай оламиз бу шарифий тарихчи. Шарафиддин Али Яздийга мосу мунбосидумир. Агар ёзри фарзанда, албатта, Мұхаммад Али иби даринот Али Бугорийнинг мислсиз меҳнатлари эвазига, баландия баджий асердек ўқилади, зоро соҳибқироннинг ҳаёти қазиқарли саргузаштларга бениҳоя бойдир.

"Зафарнома"да Амир Темурнинг ҳарами, хусусан, Сароймулхоним, Туман оқа, Дианинде оқа, Тўкал хоним, Чўлпон Мулк оқа ҳақида, ўғиллари ва пейярлари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мирониҳо, Мирзо, Шоҳруҳ, Мирзо, Мұхаммад Султон, Халил Султон, кызлари Оқа Беги хоним, ўзтон Бахт бегимлар тўғрисида мательмутлар жамланган. Соҳибқироннинг сафдошлари ва издошлари Амир Жоку баҳри Амир Сайфиддин некӯз, Амир Довуд дуғлат, Аббос баҳри қипчоқ, Амир Сулаймоншоҳ, Амир Шоҳмалик, Шайх Йўруддин баҳодир ва ҳоказоларнинг ҳарб майдонларидағи жасоратлари тасвиirlари завқ-шавқ билан ўқила-

ди. Асарда, шунингдек, мамлакатлар, қабила-ю элатлар, шаҳару қасабалар, вилоятлар ҳақида ажойиб маълумотлар бор, муаррих география илмидан ҳам бағоят хабардор эканлигини намойиш этган. Бизга энг муҳими, уларнинг ўзбекча атамалари ва номланишларидир. Хуллас, "Зафарнома"нинг ушбу ўзбекча нашри жуда кўп фазилатларга эга. Бир бор ўқиб чиққан киши уни қайта-қайта варақлаб, такрор мутолаа қилишига асло шубҳа йўқ.

Ушбу ноёб нашрнинг дунёга келишида нашр муаллифлари А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков ва масъул муҳаррир Б.Эшпўлатовларнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Истанбулда, Нури Усмония кутубхонасида сақланаётган ягона аслиятдан олинган нусха синчилаб ўрганилди, саҳифалар аслиятнинг мукаммал нашрига қиёслаб чиқилди. Нашрга минг бир юздан ортиқ батафсил изоҳлар ҳавола қилинди, улар муаррих фикру фоясини англаб етишда катта аҳамиятга молик. Ҳижрий саналар ёнида қавсда милодий сана берилиши замонни чамалай олишда ўқувчига катта ёрдам беради. Китобнинг охирида турли кўрсаткичлар — библиографик номлар, киши исмлари ва географик атамалар кўрсаткичлари ҳам илова қилинган, бу нашрнинг илмий қимматини яна ҳам оширган. Уларга назар ташлаб, исталган исм ёки атама тарихини билиб олиш мумкин.

Айни пайтда айрим изоҳлар кишини ўйлантириб қўяди. 132-изоҳда Улжой Туркон оқа Жаҳонгир Мирзо онаси, Турмиш оқа Умаршайхнинг онаси эди, деб шарҳланган. Темурйилар хонадони тарихини яхши ўрганган олим Турғун Файзиев ўзининг "Темур ҳарами маликалари" мақоласида ("Фан ва турмуш", 1993 йил 1-сон) Ҳондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асарига мурожаат қиласи. Ҳондамирнинг ёзишича, Шоҳруҳ, Мирзо унга темурийлар насабномасини туздирган экан, олим ўша "Насабнома"дан қуйидаги маълумотларни келтиради: "...Улжой Туркон оқа Султон Баҳт бегимнинг онасиdir. Турмиш оқа Амир Жоку барлос қизи эди. Турмиш оқадан соҳибқироннинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзо ва катта суюкли қизи Оқа Беги хонимлар туғилган".

Биз бу ерда Хондамир келтирган маълумотлар ҳақиқатга яқин, деган фикрдамиз.

968-изоҳда шундай ёзилган: "Амирзода Султон Ҳусайн соҳибқироннинг қизи Султон Баҳт бегимдан набираси эди". Энди "Зафарнома"нинг ўзида ўқиймиз: "Ҳазратнинг исмат пардасининг кейнида бир қизи бор эрди. Тағайшоҳ отлиқ-ким, ани севган жиҳатидин Оқа Беги дер эдилар... ҳазрат ани кўб севар эрди, ул гул боғи салтанатқа малолати пайдо бўлуб, марази анга оиз бўлди. Ҳар нечук табиблар саъй эттилар, ҳеч фойда қилмади ва жони шарифини топшурди. Андин бир ўғул қолди, Султон Ҳусайн отлиқ..." (93-бет). Бу ерда бирон сўз қўшиш қийин.

Самарқанд сарбадорлари ҳаракати ҳақидаги изоҳга мутлақо қўшилиб бўлмайди, бу ўкувчини чалғитиб қўяди, чамаси муаллифлар бу борада эскича қарашлардан қутула олмаган қўриниш. Бу кишини ҳайрон қолдиради. Биз бу озодлик ҳаларидан ҳаларининг юртни мўгул босқинчиликни, душманни Самарқандга кирилчанимиз ва улар фаолиятига мана шу ҳақиқатни келиши керак, деб ҳисоблай-ти. Гарефнинг сарбадорлар раҳбарлашада учун дор тагидан қутқашибиз зарур бўлади.

Айрим камчиликлар хусусида, албатта, ӯнинг тарзига бўлган ширининг қимматини асло тушире олбанди. Гарефнинг ҳарақлар экансиз, сал кам тўрт юз сиддифами слободада душманнинг ҳар бир сахифаси моҳия тошифрларнинг эми, мұхаббатидан баҳраманд бўлганини кўрасиз. Сахифада ҳарфлар терилиши, сарлачалар берилиши, айни, унинг кекизта миниатюра илова килиниши китобнинг хусуси бўлган қўшган.

Абдураззок Самарқандий "Метлаи саъдайн..." асарида "Зафарнома" ҳақида тўхтаний, Шарафиуддин Али Яздийнинг салоҳиятига тан бериб: "Инсофидасидан айтсан, унинг каби инсофид мусанииф йўқди" (ж. Үрінбоев таржимаси) деб ёзганди. Чиндан ҳам улкан мударрих яратган "Зафарнома" она тарихимиз камолини кўрсантиб берган инсоф тарозуси-

даги қомусий асардир, у ҳар бир хонадонда бўлмоғи лозим, деган фикрдаман.

Ватанимиз озодликка эришгани туфайли, онглар, фикрлар, қарашлар ҳам озод бўлди, мустабидлик занжирига чирмаб ташланган буюк тарихимиз озодликка чиқди. Шарафиiddин Али Яздий қаламига мансуб муҳташам "Зафарнома"нинг ўзбек тилида нашр этилиши ана шу ҳақиқатни яна бир карра исботлаб турибди.

*"Халқ сўзи" газетаси,
1997 йил 9 апрель*

ТАРИХ ДАВОМЛИ КИТОБДИР

(“Ёзувчи” газетаси мухбири билан сұхбат)

— *А*ввало, Мұхаммад Али ака, яқинда янти — "Жаҳонгир Мирзо" тарихий романингизни ёзib туттаганингиз билан чин дилдан табрик этамиз. Сизга бу мавзуу, умуман Амир Темур даври мавзуси бегона эмаслигини ўқувчиларимиз яхши билишади. Қарийб ўттиз беш йил давомида бу мавзуда шеърлар, "Гумбаздаги нур" (1967) достони, "Сарбадорлар" (1989) тарихий романини ёздингиз, мақолалар эълон қилдингиз. Янги тарихий романингизнинг ёзилиш тарихи қандай кечди?

— Тўғри айтдингиз, Амир Темур мавзуси менга яқин. Қандайдир оҳанрабоси борми, дейман, билмадим, ҳарқалай бу давр ҳақида хаёлларга берилишни яхши кўраман. Янги асар соҳибқироннинг суюкли ўғли, кўз қорачигининг нури валиаҳд шаҳзода Жаҳонгир Мирзо ҳақида, йигирма ёшга етганда катта умиidlар билан яшаётган Амир Темурни қайгулар гирдобига отиб, оламдан кўз юмган амирзода ҳақида... Демак, асар Амир Темур ҳақида. 1356 йилда туғилган Жаҳонгир Мирзо Хоразм маликасига уйланганинг иккинчи йили, 1376 йилда эндигина ўн еттига кирган дурри якто

Хонзода хонимни тул қолдириб бетоб бўлиб вафот этади... Жаҳонгир Мирзонинг ҳаёти Амир Темур салтанатининг оёққа туриб жаҳон майдонига қадам қўйиш йилларига тўғри келди. Соҳибқирон вақтлар келиб тахтни кўзи тириклигида валиаҳди Жаҳонгир Мирзога топширмоқ ниятида эди, ке-йин набираси, чевараси, эварасига навбат етарди, улуғ сал-танат даврон суриши давом этарди... Жаҳонгир Мирзодан Муҳаммад Султон ёдгор бўлиб қолди, бироқ соҳибқирон унга умид боғлагандা, у ҳам йигирма етти ёшида бетоб бўлиб оламдан ўтади! Агар Жаҳонгир Мирзо билан Муҳаммад Султон ҳаёт бўлганларида, Амир Темур вафотидан кейинги амирзодалар орасида бошбошдоқликлар, ўзбошимчаликлар, кераксиз тахт талашишлар — тахт ахир Амир Темур ав-лодлари, яъни ўзларининг қўлида-ку! — юз бермаган бўлар-миди. Ўшанда буюк давлатимиз, мамлакатимиз, миллатимиз тақдири қандай кечарди экан? Бу энди армон, ҳалқимиз-нинг буюк армони... Асар шулар ҳақида десам, муболага бўлмас.

— Сиз асарингизнинг тагматнида ётган айрим муаммолар, масалалар ҳақида гапирдингиз. Энди ёзилиш тарихи ҳақида ҳам бироз тўхталсангиз.

— Ёзувчи ҳамиша янги асар ёзишга киришишда қўрқоқ бўлади, минг хил андишага боради. Ботирлик эса иш вақтида келади. Бу асарни ёзиш билан боғлиқ 1991 йилда бўлиб ўтган бир ҳодисани айтиб ўтаман. Бир куни атоқли олим, устоз Матёқуб Кўшжонов билан сухбатлашиб қолдик. У киши, "Сарбадорлар" романини ўқиган эканлар, маъқул бўлганини, ҳатто у ҳақда матбуотга мақола ёзисб берганини айтиб, ушбу мавзудаги ижодий ишни давом эттиришга даъват қилдилар. Бу даврни синчиклаб ўрганганилигимни, қўлим анча келиб қолганлигини ҳам қўшиб қўйдилар. Хуллас, ишга киришиб кетдим.

— Амир Темур ҳақида қалам тебратганда асосан нималарга диққатни қаратасиз? Адаб сифатида сизни қайси жиҳатлар кўпроқ қизиқтиради?

— Адабиётнинг бош мавзуи — Инсон эканлигини яхши биламиз. Бу ерда ҳам биз Амир Темурни, буюк Инсонни бутун ўзининг мураккабликлари ва зиддиятлари билан Ада-

биёт Қаҳрамонига айлантиришимиз, тасвирлашимиз лозим. Тарихий қаҳрамон — ҳали адабий қаҳрамон дегани эмас. Амир Темур деганда биз ҳамиша отда юрадиган, ҳарбий юришлар соҳиби, фотих, йигирма етти мамлакатни мусаххар қилган, совуту дубулғага ўралган бир саркарда кўз олдимизга келади. Бошқача тасаввурга ўрганмаганмиз. Бир неча йиллар муқаддам машҳур мусаввир Чингиз Аҳмаров устахонасида бўлганимда, Чингиз оға ҳали поёнига етмаган бир суратини кўрсаттан эди... Амир Темур билан Бибихоним ўчоқ олдида гуриллаб ёниб турган ўтга қараб ўтиришибди, чехраларида шуъла ўйнайди, маҳди улё Бибихоним соҳибқироннинг увишган ўнг оёғини оҳиста уқаламоқда... Жуда ажойиб ҳаётий ва инсоний манзара, мана шу ерда Амир Темур тарихий қаҳрамондан санъат қаҳрамонига айланган эди.

Мени адид сифатида Амир Темур Кўрагоннинг хонадони, оилавий ҳаёт, фарзандлар, келинлар, ҳарам аҳли, — шуни айтиш керакки, соҳибқиронда ўн тўққизинчи аср хонларимиздагидек ҳарам бўлмаган, — улар орасидаги муносабатлар қизиқтиради. Амир Темурнинг дунёда битта подшо бўлмоғи керак, деган сўзларини катта даъвога йўйиш одат эди бир пайтлар. Аслида бунинг тагида чуқур маъно яшириниб ётибди, теран мантиқ бор. Дунёда бир подшо бўлса, уруш-жанжалларга йўл қўйилмайди, дунё тинч бўлади, одамлар бахтли умр кечирали, деб умид қиласди Амир Темур Кўрагон... Дунё аҳдини бахтли қилмоққа бел боғлаган соҳибқирон ўз фарзандларини бахтли эта олдими — мана шундай инсоний муаммолар менинг диққатимни ўзига жалб қиласди, мазкур жиҳатларни тадқиқ айлаш тарихнинг эмас, балки адабиётнинг вазифасига киради, назаримда.

— Янги асарингизни ёзишда қайси тарихий китоблар қўл келди? Мен муаррих-солномачилар китоблари ҳақида айтаётирман.

— Бизга маълумки, Амир Темур 1360 йилгача бўлган ҳаёти ҳақидаги тарихчилар асарларини, улардаги маҳобатга ҳеч ким ишонмайди, деб йўқ қилишга фармон берган. Соҳибқирон умрининг кейинги паллалари ҳақидаги китоблар бахтимизга, бизгача етиб келган. Уларнинг ичида, қилни қирқ

ёарар олимларимиз томонидан тан олинган ҳаққоний, бебаҳо китоблар бор. Аввало, Фиёсиiddин Али ва Низомиддин Шомийнинг "Ҳиндистон ғазовоти кундалиги", "Зафарнома" китобларини назарда тутмоқдаман. Бу китоблар соҳибқирион назаридан ўтганлиги билан қадрлидир. Учинчиси, Шарафиiddин Али Яздийнинг "Зафарнома"си ҳисобланади, у милодий 1425 йилда қофозга туширилган. Ушбу китобни ҳар томонлама мукаммал асар дейиш мумкин. Шунингдек, Кастилия элчиси Клавихо ва араб тарихчиси Ибн Арабшоҳларнинг ҳам асарларини айтиб ўтаман. Яна бир китобни эслаб ўтиш жоиз — бу Фасих Хавофийнинг "Мужмали Фасихий" номли бебаҳо солномасидир.

— "Жаҳонгир Мирзо" романининг давоми бўладими? Тарихий асарларни ўқиганда, ҳамиша давомини куттандай бўласан киши...

— Тарих давомли китобдир, уни узлуксиз мутолаа қилгинг келаверади. Бизнинг жонажон тарихимиз бу маънода, айниқса, монанди йўқ бир тарихдир, буюк китобдир. "Жаҳонгир Мирзо" тарихий романига келсак, аввало уни эълон қилиш керак. Ўқувчилар қандай қабул қиласи — муҳим томони шунда. Агар у ўқувчилар қалбида акс садо берса, бунга умидим бор, шундан кейин унинг давоми ҳакида ўйлаб кўриш мумкин. Эҳтимол, юқоридағидек, даъватга эҳтиёж қолмай, қаламнинг ўзи юриб кетса ажабмас...

Журналист Мурод АБДУЛЛА
сухбатлаши.

"Ёзувчи" газетаси,
2000 йил апрель

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ ҲАҚИДА ЯНГИ РОМАН

("Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси мухбири билан суҳбат)

А.О. — Турли даврларда, дунё ҳалқларининг бир неча тиларида буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳақида жуда кўплаб асарлар яратилган ва яратилмоқда. Бу қутлуғ мавзуга қўл уришнинг ўзи ижодий жасорат десак муболага бўлмайди... "Улуғ салтанат" номли янги романингизнинг мавзуи, унда қаламга олинган давр, умуман, бу асардан кузатилган мақсад ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

М.А. — Биз ўзимизда ва жаҳон адабиётида соҳибқирон Амир Темур ҳақида ёзилган асарларни ўқиганмиз. Уларда буюк бобомиз давлат арбоби, жаҳонгир сифатида гавдаланирилган. Уни биз умри мудом жангу жадалларда, от устида тган, қўлидан адолат шамшири тушмаган баҳодир сифатида тасаввур қиласиз. Бироқ бу тенгсиз инсоннинг ҳамма ҳатори Аллоҳнинг бир бандаси бўлганлигини кўз олдимизга телтиришга қийналамиз. Ҳолбуки, Амир Темур даставвал шоятда баркамол Инсон сифатида, қолаверса, давлат арбоби ва саркарда сифатида қадрлидир.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган ана шу улуғ бобомиз ҳақидаги тасаввуримизни заминга яқинлаштишимиз керак. Авлодларимиз учун бу жуда муҳим. Амир Темур нафрақат улуғ саркарда, айни пайтда фаолияти ҳалқимиз тарикни зарварақларини безаган табаррук Инсондир. Соҳибқирон жуда ҳам мард, ҳақиқатни ёқлагувчи, адолатпеша, ёлчонни ёмон кўрувчи, бир сўзли, оқибатли Шахс. У кечирмоқ ҳам Аллоҳнинг бир инояти, деб ҳисоблайдиган улуғ зот. Бирорвга ёмонликни раво кўрмайдиган бутун қалб эгаси. Шунинг учун ҳам у ёмонлик қилганларни ўз ёмонликларига топширдим, дейди ва бундайлар билан олишиб вақтини бехуда

кетказмайди. Масалан, Шибирғон ҳокими Зиндачашм Опардий түрт марта хиёнат қилганида ҳам кечиради, яъни ёмонлигидан қайтар, дўст бўлиб кетар, деб умид қилади.

А.О. — Тарихий романчилик борасида адабиётимиз бой тажрибага эга. Сизнинг ижодингиз ҳам бундан мустасно эмас. Янги романингизда соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятининг қайси томонларига кўпроқ эътибор қаратдингиз?

М.А. — Мен "Сарбадорлар" романимда Амир Темурнинг 25—30 ёшли даврини қаламга олган эдим. Янги романим — "Улуғ салтанат"нинг биринчи китоби "Жаҳонгир Мирзо"да соҳибқироннинг давлат тепасига келиши жараёнлари, давлатнинг шаклланиши, Амир Темурнинг буюк шахс сифатида камол топиши, 1370—1376 йилги воқеаларни қамраб олишга интилганман. Асарда иложи борича Амир Темурнинг оиласий ҳаётини ёритишга ҳаракат қилинган. Мақсад — миллиятнинг отаси ҳақида — унинг ибратли инсоний фазилатлари, намуна бўлгулик ҳаёти лавҳаларини ўқувчига етказиш. Ахир дунёда саркардалар, давлат арбоблари кам ўтганми, нега ҳануз Амир Темур шахси барча замонлар ва халқларни ҳайратга солиб келади, дерсиз. Бизнинг бобомиз жаҳонгирлигидан ташқари Буюк Инсон деган тушунча-мезонга тўла жавоб бера олган сиймодир.

Албатта, тарихий романчилик борасида адабиётимиз бой тажрибага эга... Устозларимиз Абдулла Қодирий, Ойбек, имкон бўлганида бу улуғ инсон ҳақида йирик асарлар ёзишган бўларди.

Бир қарашда Амир Темур ҳаётига доир маълумотлар кўпчиликка маълумдай туюлади, бироқ бу билгандаримиз умумий. Мен асаримда соҳибқирон бобомиз сиймосини ўқувчига янада яқинлаштириш йўлидан бордим.

А.О. — Фикрингизга қараганда, "Улуғ салтанат" романи бир неча китобдан иборат бўлади...

М.А. — Менинг мақсадим Амир Темур даври ҳақида, йирик бадиий полотно — тўрт китобдан иборат роман ёзиш... Қизиқ муқояса бор. Инсоннинг умри, шунингдек, йил тўрт фаслга бўлинади. Соҳибқироннинг эса тўрт ўғли бор... Унинг ҳақидаги роман ҳам тўрт китобни ўз ичига олиши керак, деб ҳисобладим. Бу асарларда имконим даражасида тенгсиз.

жаҳонгир бобомизнинг буюк инсон сифатидаги — ҳам юксак парвозлари, ҳам инқирозларини кўрсатишни ният қилганман.

Биринчи китоб бу йил "Шарқ юлдузи" журналида эълон қилинади. Уни китоб тарзида чоп этиш "Шарқ" нашриётматбаа акциядорлик компанияси режасига киритилган. Романинг иккинчи китоби "Умаршайх Мирзо", учинчи китоби "Мироншоҳ Мирзо", тўртинчи китоби "Шоҳруҳ Мирзо" деб номланади. Албатта, номлар рамзий маънода шундай қўйилган, бош қаҳрамон эса ҳамма китобларда — Амир Темур соҳибқироннинг ўзларидир.

Суҳбатимиз баҳонасида шуларни алоҳида таъкидлашни истардим. Тарихимизни яхши билишимиз керак. Агар тарихимизни яхши билсак, оламда биздан мағруроқ халқ бўлмайди. Тарихимизни ўрганайлик, унинг қадрига етайлик.

Журналист Аҳмад ОТАБОЙ
суҳбатлашди.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси, 2001 йил 12 октябрь

ХАЛҚ ЯРАТГАН ДАҲО

*C*оҳибқирон Амир Темур Кўрагон қурган буюк давлат за унинг ворислари бўлган темурийлар идора этиб келган Салтанатлар жаҳон тарихида улкан из қолдирганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу сулола вакиллари салкам беш юз йил давомида юрт бошқардилар, жаҳон тарихига муносиб шаклу шамойил беришда, дунё маданиятини ривожлантиришда катта саъй-ҳаракатлар кўргизиб, жумла мўъминни, башариятни ҳайратга соддилар. Бу тарихда бемисл ҳодисага яланган оламшумул ҳайрат ҳали-ҳануз давом этиб келмоқда.

Амир Темур қандай йўсинда шундай давлатни барпо қилишга эришди?

Бу давлат теп-текис жойда пайдо бўлдими?

Унинг сарчашмалари қаердан бошланади?..

Бу саволларга жавоб бериш учун Амир Темурнинг давлат бошига келиши тарихини кўздан кечиришимиз лозим бўлади. Албатта, соҳибқиронга буюк боболаримиз, аждодларимиз тажрибалари катта кўмак берган. Алломаларимизнинг пурҳикмат рисолалари, подшоларимизнинг парвоз ва инқирозлари сабаблари, саркардаларнинг жанг русумлари, давлатларнинг қонун-қоидалари, тўра-тузуклари — барча-барчаси соҳибқироннинг ақлини тўлиштирган, тафаккурини бойиттан омиллар эди. Улар билан танишиш, теран ўқиб-ўрганиш ҳавас қиласа арзигулик самаралар берди.

Давлатни бунёд қилиш, тузиш, уни маълум тўра-тузук асосида бошқариш борасида Амир Темур қўллаган тажрибалар дикқатга сазовордир. Бу нарса унинг билимга ўта чанқоқ эканлигини, билимга ҳам ўзи мутолаа қилиб, ҳам зиёли кишилар сұхбатларидан улги олиб, ҳам чечан қиссано Мавлоно Убайд ҳикояларига қулоқ бериб эришганини кўрсатади. Билим олмоқ яхши, бироқ ундан ҳам ортиқ-роқ олинган билимни ўз тажриба корхонасидан ўтказиб, ҳаётий хулосалар чиқариш, уни ҳаётга татбиқ эта билиш, амалда кўрсатиш муҳимроқдир. У ўзининг машҳур "Тузуклар" ида шундай ёзади: "...Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастур ул-амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин... Токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай..."

Маълумки, Шарқда одил подшо, саодатли мамлакат ҳақида орзулар қадим-қадимдан яшаб келади. Табиийки, бу ҳақда алломаларимиз турли рисолалар, қўлланмалар, панд-насиҳатлар ва маслаҳатларга бой китоблар ёзиб қолдиргандар. Чинакам салтанат соҳиби бўлмоқни истаган, мамлакат маснадида узоқ ийлар ўлтириб даврон сурмоқни хоҳдаган, миллат равнақи йўлида машаққат чекмоқни ўзига ша-

раф деб билган арбоблар бундай китоблардан унумли фойдаланғанлар.

Ана шундай китоблардан бири Абу Наср ал-Форобийнинг "Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари" рисоласи ҳисобланади. Уни ҳар жиҳатдан етүк шаҳар кишиларининг фикрлари, деб изоҳлаш ўринлидири. Ушбу рисола жуда кўп подшоларимизнинг севган китобларидан бўлганлигига шубҳа йўқ. Гарчи бирон ерда Амир Темурнинг ушбу китобга муносабати ҳақида эслатилмаган эса-да, соҳибқирон ҳам юқоридаги фикрдан мустасно эмас, у бу китоб билан шубҳасиз таниш, деган хаёлга боради киши.

Буюк бобокалон Абу Наср ал-Форобий ер юзида инсонлар жамияти, унинг шакли бўлган фозил шаҳар ва фозил шаҳар бошлиги тўғрисида ёзар экан, ўша бошлиқ(раис, ҳоким, умуман раҳбар маъносида) ўзида ўн икки хислат-фазилатни мужассам этмоғи керак, дейди, ўн икки фазилат, "ўн икки" рақамига ургу беради. Сўнг ушбу фазилатларни бирма-бир таърифлаб чиқади. Шуниси дикқатта сазоворки, ушбу таърифларни ўқиганда, бевосита Амир Темур сиймоси кўз олдингда намоён бўлади. Гўё аллома ўзидан беш юз йиллар кейин дунёга келадиган авлоди — соҳибқирон фазилатларини бирма-бир санаб ўтгандек... Тўғрироғи, бунинг сабабини Амир Темурнинг ўша рисолани ўқиб, рисоладагидек фозил раис, одил подшо бўлишга ҳаракат қилганлигидандир, деб билмоқ жоиздир.

Фазилатларга тўхталиб ўтайлик.

Ал-Форобий фикрича:

фозил Раис гаставвал тўрт мучаси соғ бўлсин, ҳар иштингки илгини тутса малолсиз адo эта олсин;

иккинчидан, табиатан нозик, фаросатли, зийрак эканлиги туғайли сухбатдош (раият)нинг сўзу фикрларини тез илғаб өладиган бўлсин;

учинчидан, кўрган-эшитган нарсаларини ҳамиша хотира кўзгусида саклай олсин;

тўртинчидан, идроки пок, зеҳни ўткир, зукко бўлсин;

бешинчидан, ўз фикрини ўзгага равшан тушунтира олсин, лафзи тиник ва равон бўлсин;

олтинчидан, билиму маърифатга меҳр қўйсин, толиқиши
нима билмасин, ўрганиш заҳматларидан зинҳор қочмасин;

еттингичидан, таом, май, аёллар бобида сабр-қаноатли
бўлсин, қимордан қочсун, унинг роҳат-фароғатидан ирган-
син;

саккизинчидан, ҳақиқатни ардоқласин, унинг тарафдор-
ларини олқишиласин, ёлғоннинг бетига қарамасин;

тўққизинчидан, қалби мағрур бўлсин, ўз обрўйининг қад-
рига етсин, номус-ориятли эканлигини унутмасин, билсин-
ким, унинг қалби табиатан разил ишлардан юксакда тура-
дир, илло олийжаноб ишлар учун яратилгандир;

ўнинчидан, дирҳам, динор сингари турмушнинг турфа
афзалликларидан нафратлансин, мол-дунё кетидан қувма-
син;

ўн биринчидан, адолатни севсин, нафрат ўқини золим-
ларга қаратсин, ўз одамларига ҳам, ўзгаларга ҳам бир хилда
боқсин, барчани одилликка чақирсан, ноҳақлик туфайли
етган зиённи событқадамлик билан ундириб берсан, одил
бўлсин, vale қайсар бўлмасин, ҳақ олдида ўзбошимчалик,
ўжарликка эрк бермасин, аммо ҳар турли бедодлик ва қабиҳ-
лик қошида иродасининг шижаатли кучини аён қилсин;

ва ниҳоят ўн иккинчидан, бирон бир юмушга илик сунса-
(яъни бирон ишни бошласа), ўша ишни қилмакни зарур
топган бўлса, бас, журъатли, қатъиятли бўлсин, минбаъд
қўрқиб-писиб қолмасин, жасурлигин аён этсин, шиддат
кўргизсин.

Биз бу ерда комил инсонга қўйиладиган юксак талаблар
билан танишиб чиқдик. Агар ушбу фазилатлар таърифини
бирма-бир Амир Темур ҳаёти пиллапояларини кузатиб,
муқояса қилиб кўрилса, ажойиб манзаралар намоён бўли-
ши шубҳасиз. Улар мужассамини Амир Темур сиймосида
кўра оламиз. Соҳибқирон узугида "Куч адолатдадир" сўзла-
ри нақш қилинмиш эди. "Золимлардан мазлумлар ҳақини
олдим", дейди ўз "Тузуклар"ида. Яхшиси, Амир Темур шах-
сига очиқласига бараз билан ёндошувчи араб тарихчиси Ибн
Арабшоҳнинг қуйидаги таърифиға диққат қилайлик:

"...(Амир) Темур қанчадан-қанча даҳо ва хуфёна фикру зақоватга эга эди... (Амир) Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ. (Амир) Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё қадимий паҳлавонлар авлоддаридан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли чўлоқ ва шол, икки кўзи бамисоли икки шамдек бўлса-да, шодлиги билинmas, овози йўғон эди; у ўлимдан қўрқmas, ёши етмишга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах, ёлғонни ёқтирmas, ўйин-кулги-ю кўнгилхушликка майлсиз, гарчи сўзда ўзига озор етадиган бирор нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди; у бўлиб ўтган ишга азият чекmas ва ўзига ҳосил бўладиган ютуқдан шодланmas эди... Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, нақбу форат қилиш ва ҳарам (ҳақига) ҳақорат гаплар бўлmasди. У бехато (нишонга ургувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз даражада бахтли, улуғворлиги ўзига мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, бошига кулфат тушганда ҳам ҳақгўй киши эди..."

Бу Ибн Арабшоҳ, зикр этилганидек, ғаразгўй тарихчининг таърифи эканлигини назарда тутсак, Амир Темурнинг комил инсон сифатида Абу Наср ал-Форобий қўйган табларга тўла жавоб берга олишини англаймиз.

"Темур тузуклари"ни варақлаганда, соҳибқироннинг "Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари" китобидан боҳабар эканлигини исботловчи яна бир ҳолни кузатиш мумкин. Соҳибқирон ҳам "ўн икки" рақамини яхши кўради. "Мен, — дейди у, ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтнат мартабасига эришдим..." Ҳайратланадиган жойи шундаки, "ўн икки нарса"даги ҳамда "Салтанатни ўз эркимда сақлаш тузугим" бобидаги жуда кўп нуқталар Абу Наср ал-Форобий орзу қилган фазилатлар билан уйғуналашиб кетади.

Масалан, подшоҳ ўз сўзига эга бўлиши лозим, ҳар нарсада адолатпеша бўлиши керак, адолатли вазирлар сақлаши даркор ва ҳоказо. "Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим, — дейди соҳибқирон. — Тўртинчидан, очик юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим."

"Салтанат корхонасининг тузуги"ни тузар экан, салтанат кишиларини ўн икки тоифага бўлади ва ҳар бир тоифанинг таърифини келтириб, вазифаларини белгилаб чиқади. Саййидлар, уламо-ю шайхлар, эҳтиёткор арбоблар, дуогўй кишилар, амирлар, сарҳанглар, баҳодирлар, вазирлар, девон муншийлари, ҳакиму табиблар, мунажжиму муҳандислар, муҳадису машойихлар, орифлар, ҳунарманлар, савдогарлару саёҳатчилар ва ҳоказо кишилар ана шу ўн икки тоифани ташкил қиласди. Амир Темур "Ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт" этганини таъкидлайди, агар ҳар қандай подшо ҳам шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебаҳра қолишини уқтиради. Албатта, бундай ишларни фақат Абу Наср ал-Форобий айтмоқчи, ўн икки фазилатга эга бўлган комил инсонгина амалга ошира олиши мумкин. Амир Темур ана шундай улуғ зот эди.

Юрт бошига келишдан аввал Амир Темур аждодлар тажрибасини чуқур эгаллаб, салтанатни пухта тузилган тузук ва низомлар асосида бошқариш сирларини ўрганганди. Амир Темур давлати теп-текис ерда пайдо бўлмади, балки ўтмишда чуқур из қолдирган давлатларимиз давомчиси сифатида бўй-баст кўргизди, ўзбек давлатчилигининг юксак чўққиси сифатида намоён бўлди. Подшолик оғир меҳнат эканлигини англаб етган соҳибқирон "азму жазм билан иш тутиб" қудратли давлат барпо этди. Буни "Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим..." деган самимий сўзлар ҳам исбот этади.

Амир Темур мулку миллат йўлида фидойилик кўргизган чинакам халқ яратган даҳодир. У хон авлоди эмас, халқ ичидан ўсиб чиққан буюк давлат арбоби ҳисобланади. Президент Ислом Каримовнинг Темурийлар тарихи давлат музеи очилишига бағишлиланган нутқида айтилган: "Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир!.." деган ҳақ сўзлари ҳамон қулоқларда жаранг бериб турибди.

Бу ёрқин сўзлар жаранги асло тин билмасдир.

*"Инсон ва қонун" газетаси,
2003 йил 9 апрель*

СОҲИБҚИРОН ФАРЗАНДЛАРИ

*С*оҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг бой шахсияти, суронларга тўла ҳаёти, ҳар амалга оширган юмуши, ҳар бир босган қадами авлодлар учун сабоқ ва намуна бўлиб хизмат қиласиди. Унинг фарзандларига бўлган муносабати, подшоҳ, эмас, балки даставвал бир ота, падари бузруквор сифатидаги сиймоси ҳам бафоят ибратлидир.

Амир Темурнинг тўрт ўғли ва икки қизи бўлган. Тўнгич ўғли Жаҳонгир Мирзо 1356 йилда туғилган, ўн тўрт-ўн беш ёшлариданоқ саркарданинг ёнига кириб, жангларда иштирок этган. Умуман, фарзандлар — ўғиллар ҳам, қизлар ҳам ҳарбий санъат сирларидан яхши хабардор бўлишган. Жаҳонгир Мирзо Амир Темурнинг Турмиш оқа деган хотинидан дунёга келган. Баъзан уни Нурмиш, Нурмушк оқа деб ёзишади, тўғриси, бизнингча, Турмиш оқа; чамаси, котиблар "То" ҳарфини "Нун" деб ўқиб юборгандар, иккинчидан, оиласда фарзандлар туравермагандан кейин, янги туғилган чақалоқقا умид билан "Турди", "Турсун", "Турмиш" каби исмларни қўйиш одати халқимизда азалдан бор. Турмиш оқа соҳибқироннинг яқин сафдошларидан Амир Жоку бар-оқа соҳибқироннинг яқин сафдошларидан Амир Жоку бар-

лоснинг дилбанди эди.

Амир Темур Жаҳонгир Мирзони жуда ҳам яхши кўрар, унга умид боғлар, валиаҳд, яъни салтанат ишларини давом эттиргувчи деб ҳисобларди. Милодий 1374 йилда Жаҳонгир Мирзо ўн саккиз ёшга тўлганда уни Хоразм маликаси, хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи иниси Оқ Сўфининг қизи, Хонзода хоним номи билан довруғи оламга ёйилган Севин бикага уйлантирадилар. Дунёнинг олди қизи бўлган Хонзода хоним бафоят гўзал эди, ақл-идроқи ҳуснидан ўтса ўтардики, аммо қолишимасди. Унинг онаси Шакар бика Олтин Ўрда хони Султон Муҳаммад Ўзбекхоннинг қизи эди. Севин биканинг "Хонзода хоним" дейишлари сабаби шу эди. Амир Темур ушбу никоҳни салтанат ҳужжати сифатида қадрлар, келинини қизи даражасида ардоқларди.

Афсуски, Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хоним фақат икки йилгина баҳтли турмуш кечирдилар, холос... 1376 йилда оғир бетобликка учраган валиаҳд Жаҳонгир Мирзо улуғ падари бузрукворининг юрагини вайрон қилиб, суюкли ёрининг қаддини букиб, оламдан кўз юмди. Хонзода хоним қўлида қирқ кунлик чақалоги Муҳаммад Султон билан оҳу ногалар гирдобида қолаверди... Жаҳонгир Мирзонинг ўлими салтанатда каттадан кичик барчанинг рангини сомон қилиб, гулдай чеҳраларни заъфаронга айлантирди. Амир Темур дунё ишларидан илик тортиб Боги Чинорга кириб, кўкрагини захга бериб ётиб олди...

Амир Темур ўғиллари, қизлари, куёвлари, келилари-нинг туриш-турмуши, ҳовли-ҳаётидан ҳамиша боҳбар бўлиб турарди. Ўн етти ёшида тул қолган малика Хонзода хоним тақдирни уни қаттиқ ташвишга сола бошлади. Наҳотки ёш нарса шундоқ ўтса?.. Унда-бунда оғиз очгувчилар ҳам чиқиб турибди. Наҳотки, бир жигарпорасига айланниб қолган Хонзода хонимни бирорга узатиб юборса?.. Шунда соҳибқирон халқимизнинг азалий удумини қўллади: бунга кўра, ака оламдан ўтса, унинг оиласи ташвиши ука зиммасига тушади. Хонзода хонимни ўзидан етти ёш кичик бўлган, Жаҳонгир Мирzonинг она бошқа иккинчи укаси Мироншоҳ, Мирзога узатдилар. Бу никоҳдан 1384 йилда Халил Султо тутуғилган.



Жаҳонгир Мирзонинг бир синглиси бор эди, Оқа Беги хоним дердилар, бағоят ҳалимтабиат, сулув қиз эди, деб таърифлайдилар муаррихлар. Амир Темур бу қизини жуда ҳам суяр, авайлар, сафарларда бўлганда юртдан хабар борми деб сўралганда, бу қизининг оти биринчилардан бўлиб суриштирилар эди. Оқа Беги хонимни Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекка никоҳлаб бердилар.

Кези келганды шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Қарши амири бўлган Амир Мусони кўп ҳолларда Сароймулхонимнинг акаси деб ёзадилар. Бу тарихан тўғри эмас. Амир Мусо тойживут ўмоқи (қабиласи) бегининг ўғли, Сароймулхоним чингизий Қозон Султонхоннинг қизи. Улар акасингили эмас, балки бўла бўладилар, яъни опа-сингилларнинг болаларидир.

Оқа Беги хоним 1380 йилда бир фарзандлик бўлди, чақалоққа Султон Ҳусайн Мирзо деб от қўйдилар. Икки йилдан кейин оғир қасалликка қалинган Оқа Беги хоним жон омонатини эгасига топширди. Амир Темур бундан қаттиқ, қайтурди. Шуниси афсусланарлики, Жаҳонгир Мирзо билан унинг синглиси Оқа Беги хоним умрлари бир-бирларига ўхшаб кетади. Улар — ака йигирма ёшда, сингил йигирма учда — ҳаётдан эрта кўз юмдилар, волидалари Турмиш оқа ҳам шундай қисматга дучор бўлган кўринади. Ҳарқалай, 1360 йилдан кейинги воқеалар ёзилган расмий тарихий адабиётларда (Низомиддин Шомий, Шарафиiddин Али Яздий ва бошқ.) Турмиш оқа номи учрамайди. Бунга Муҳаммад Султоннинг ҳам ёш туриб оламдан кўз юмганини эсласак, ўйлаб ўйимизнинг тагига етолмай қоламиз...

Ха, Амир Темурнинг ардоқли набираси, ўғиллари туриб уни катта умидлар билан валиахд деб атаган, Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хонимнинг ўғли чакмоқдай йигит Муҳаммад Султон ҳам йигирма етти ёшида шамоллаб, бетоб бўлиб кутилмаганда вафот этди... Соҳибқирон сафарларга кетганда юртни шу қатъиятли ва жасур набирасига ишониб ташлаб кетар эди. Бир лаҳза тасаввур қилгинг келади: агар Муҳаммад Султон ёш кетмай, бобоси ўйлаганидай мамлакат маснадига ўлтирса, соҳибқирондай барчанинг бошини қовуштириб, юртни ақду идрок билан идора этса, Туркистон замини яна ҳам гуллаб-яшнаган бўлармиди... Бу мангалик армонларимиздан бири. Амир Темур Самарқандда Гўри Амир мақбарасини асли ана шу суюкли набираси учун бино қилдирган эди... Барчасига Аллоҳнинг ўзи ҳакамдир.

Шундай мусибату кўргиликлар ҳам Амир Темур қаддини эголмади, метин иродасини буқолмади, ўзи учун эмас, бевақт кетган фарзандлари учун ҳам яшashi қераклигини

англаган соҳибқирон мулку миллат равнақи йўлида событқадамлик билан ўз фаолиятини давом эттириди.

Амир Темурнинг яна Умаршайх Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаронинг учинчи бобоси), Мироншоҳ Мирзо (Захиридин Муҳаммад Бобурнинг тўртингчи бобоси) Шоҳруҳ Мирзо (Улугбек Мирзонинг отаси) сингари ўғиллари, Султон Баҳт бегим деган шаддод қизи бўлган. Соҳибқирон меҳрибон ота, қаттиққўл мураббий сифатида барчасини диққат марказидан қочирмасди.

Умуман олганда, темурий фарзандларнинг камолга етишларида соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари ҳамда Бибихоним деб шарафланган катта малика Сароймулкхонимларнинг саъй-ҳаракатлари, беминнат хизматлари ҳар қанча эъзозланса арзиди.

Ана шундай қатъий тартибу интизом, яхши тарбия самараси ўлароқ Амир Темур авлодлари жаҳон майдонида салкам беш юз йил ҳукм сурдилар.

"Тошкент оқшоми" газетаси,
2003 йил 9 апрель

АМИР ТЕМУР ЧАМАНИ

Эссе

2006 йилда Соҳибқирон таваллудига олти юз етмиш йил пўлади. Бу қутлуғ сана мамлакат ҳаётига катта воқеа билишига асло шубҳа ўйқ.

Йўлимиз яна Амир Темур чамани сари тушиб турибди. Бу чиманди сирлар кўп.

1

*Ш*укурлар бўлсинки, Мустақиллик түфайли буюк бобоиз ҳақидаги ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши, тантанаси кун тартибига қўйилди. Бу миллат тарихи, Ватан тақдиди учун иҳоятда муҳим эди. Президентимиз ва унинг атрофида

жипслашган тарихчиларимиз, зиёлиларимиз саъй-ҳаракатлари натижасида буюк бобомиз ҳақидаги ҳақиқат тикланди, адолат қарор топди. Бугун биз ўзининг бемисл ақлу тафаккури, шаҳду шиҷоати билан жаҳон тараққиётига, тарих жараёнига улкан таъсир кўрсата олган, маданиятлар барпо бўлишида холис хизмат этган сиймо ҳақида баралла сўз дея оламиз. Фуруrimiz, фахру ифтихоримизни яшириб ўлтирамаймиз. Ватан узра Амир Темур Кўрагоннинг ўлмас руҳи кезиб юрганини ҳар лаҳза ҳис этамиз.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Амир Темур Кўрагон шахсияти жаҳон тарихида жуда кам учрайдиган ноёб ҳодисалардан биридир. Бундай улуг зотнинг дунёга келиши чиндан ҳам замон зарурати ва талаби эди, бошқача айтганда, тарих ва замоннинг ўзи ўз қаҳрамонини жаҳон майдонига олиб кирди. "Буюк шахсларни миллат қайфуси, ҳалқ дарди яратади", деб таъкидлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: "Дунёning қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва рухоният ҳомийси бўлган?" деган ўринли савонни ўртага қўйганида мутлак ҳақ эди.

Чиндан ҳам, ўрта асрлар шароитидай мураккаб бир даврларда яшаб, ўзининг жон ҳузурини эмас, балки даставвал Ватан равнақи ғамини чекиши, пароқанда юртни бирлаштириш, илму фан ҳомийси-ю бунёдкор бўла олиш Амир Темурнинг фавқулодда бир шахс эканлигини кўрсатади. У ҳали кўплар дунёning кенгу торлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга бўла олмай турган бир пайтда жаҳоннинг қудратли давлатлари, хусусан Европа билан тенг ҳуқуқларда алоқалар боғлашни ўйлаб, элчилар юбориш, савдо йўлларини очиш, дўстона муносабатлар ўрнатиш, бошқача айтганда, дипломатия, кенгаш, келишув, музокаралар йўли мухимлигини, буларсиз дунёning келажаги барқарор бўла олмаслигини англаб етганди. Соҳибқирон ўз "Тузуклар"ида давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш йўли билан адo этганлигини, бир улушини қиличга қолдирганлигини, яъни чораси топилмаган тақдирдагина, қиличга қўл узатганини бежиз таъкидламаган эди. Қиличга қўл узатилганидан ҳам кўз юмолмай-

миз, тарих ва замон тамойиллари шундоқ әди. "Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир" деб ҳисоблаган соҳибқироннинг бундай усули бутун ҳам долзарблигича қолаётгани ҳайратланарлидир.

Ҳар бир улуғ сиймо тақдирида бўладигандек, Амир Темур Кўрагон тақдирида ҳам гаройиб бир ҳолни кузатамиз. Бир қараганда, соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида жаҳонда ҳамма нарсани билишадигандай тутолади. Жуда кўп китоблар ёзилган, илмий тадқиқотлар олиб борилган, соҳибқирон адабиёт қаҳрамонига айланган, у ҳақда халқда эпик достонлар тўқилган, ривоятлар пайдо бўлган. Шуни таъкидлаш жоизки, Амир Темур шахсияти ва ҳаёти жаҳонда дини-ю эътиқодидан қатъи назар ҳаммани ўзига жалб эта олган ҳодисадир, ҳамма тилларда у ҳақда оригинал асарлар битилганигини биламиз. Эътибор берилса, буюк бобомиз ҳақида турк (ўзбек), араб, форс, усмонли турк, испан, инглиз, француз, олмон, рус, арман ва бошқа кўп тилларда иншо этилган китоблар намоён бўлади. Бу борада жаҳон тарихида соҳибқирон билан беллаша оладиган шахслар кам топилади.

II

Европа ва Америкада жаҳон тарихида ўтган тўртта шахсни ёнма-ён келтиришни яхши кўрадилар. Бу шахслар Александр, Атила, Чингизхон ва Тамерлан (Амир Темур)-лардир. Дарвоқе, француз олимни Рене Груссенинг 1939 йилда Парижда нашр этилган каттагина китоби худди шундоқ: "Сахро салтанати. Атила, Чингизхон, Тамерлан" деб аталгани эди. Яқинда, Америка Кўшма Штатларидаги Вашингтон университетида "Амир Темур даврида маданий ҳаёт" мавзуда маъруза қилганимда айнан шу мавзу ҳақида тўхтамашга тўғри келди. Тўғри, юқоридаги сиймоларни фавқулодда саркардалик фаолиятлари бирлаштириб туради. Ҳадар ўз отлари билан жаҳонгиrlар эдилар.

Мана шу ерда, тарихшунослиқда ушбу шахсларга баҳо беришда бир ёқламаликка йўл қўйилаётганини, дикқат асосан ҳарбий юришларга қаратилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Соҳибқироннинг улардан том маънода катта фарқи борлиги кўп ҳолларда эътиборга олинмайди. Масалан, саркардалик юқоридаги жаҳонгирлар ҳаётининг маъно-мазмуни, ўзагига айланган бўлса, Амир Темур кўп қиррали фаолиятининг бир қаноти, холос.

Соҳибқироннинг юқоридаги буюк шахслардан фарқи ҳақида кенгроқ тўхталиш лозим деб ҳисоблайман.

Биринчидан, Амир Темур садоқатли фарзанд мақомида юртини мўғул босқинчиларидан озод қилди, пароканда бўлган Она Ватанини бирлаштириди, унинг камолини қўришга ошиқди; бундай шарафни юқоридаги жаҳонгирларга раво кўра олмаймиз.

Иккинчидан, у халоскор эди, унга Европанинг халоскори сифатида қаралиши тарих солномаларида қайд этилган. Унинг жаҳон майдонидаги фаолияти Европа Ренессансининг барқарор бўлиши ва ривожланишига катта ҳисса кўшди. Бир лаҳза агар усмонли турк империяси Европага бўстириб бориши тўхтатилмагандა жаҳон майдонида қандай ҳол юз беришини ўйлаб қўрайлик...

Учинчидан, бунёдкор эди, ундан қолган ёдгорликлар ҳалихануз жаҳон аҳлини ҳайратта солиб келмоқда. Бу борада бирор соҳибқирон олдига туша олмайди. Мовароуннаҳр, Хурросон, Озарбайжон, Хоразм ва бошқа музофотларда тикланган турили иморату иншоотлар, масжиду мадрасалар, боғу саройлар, кориз ва ҳоказоларни эслайлик. Эҳтимол, Искандар Зулқарнайн бир қадар Амир Темурга яқин келиши мумкин, чунки у ҳам шаҳарлар бунёд қилган, масалан, Ўрта Ер денгизи бўйидаги Искандария шаҳри унинг номи билан боғлиқдир.

Тўртингидан, Амир Темур чинакамига илму фан ҳомийси эди, илму ҳунар, санъатнинг қадрига етарди. Илм кишисини, ҳунар аҳлини, кўлидан бунёдкорлик иши келадиган ҳар бир одамни қўллаб-қувватлар, ғамхўрлик кўргизиб Сармарқандга олиб келарди. Бу маънода ҳам у монанди йўқ бир сиймо ҳисобланади. Амир Темур маданиятимизнинг юксак поғоналарга кўтарилишида bemisл хизмат кўрсатган зотdir. Унинг улуғ салтанати туфайли илму фан, маданият Шарқ уйғониш даври бошланди. Тасаввур қилайлик: Амир

Темур дунёга келмаганда, бугунги ўзбек маданияти барпо бўлармиди? Жаҳон меъморчилигининг ноёб дурданалари бўлган Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлар қад ростлармиди? Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар бугунгидек дунё маданиятининг порлоқ сиймолари сифатида кўнгилларимизни тоғдек кўтариб, фуруримизга фурур қўшармиди?.. Мана шуларни ўйлаганда Аллоҳ соҳибқирон Амир Темур зиммасига нечоғлик улуғ вазифалар юклаганини юрак-юракдан ҳис қиласан киши...

Бешинчидан, Амир Темурнинг номи ниҳоятда диёнатли, иймони бутун, қалби пок, покиза бир хонадон соҳиби сифатида машҳур. У оиласа садоқат кўргизища монанди йўқ зот эди, унда ўн тўққизинчи аср тушунчасидаги ҳарам зинҳор бўлмаган, унинг кўнглига Аллоҳ меъёр туйфусини жойлаганди, нафсни жиловлай билишнинг уддасидан чиқа оларди. Донишманд ота, суюкли ёр, мард ва шерюрак валламат зот, аҳли аёлига меҳрибон Амир Темур миллатимизнинг комил инсонларидан бўлиб, унинг фарзандлар тарбияси ҳақида кўрсатган ғамхўрликлари таҳсинларга лойиқдир.

Ҳар бир нарса қиёсда билинади деганлариdek, жаҳонда арим подшоларнинг ўз заифаларини қийнаб, азоб бериб ўдирғанлари тарихдан яхши маълум. Амир Темур эса хотинлари, қизлари, набираларига атаб боғлар барпо қилди, уарни араб-авайлади, маслаҳатларига қулоқ осди. Махди у ё Сароймулхонимни, бутун умри давомида соҳибқироннинг энг яқин маслаҳатчиси бўлган, том маънода вазири дегулик катта хонимни юксак обрў-эътиборга, мартабага эришгани учун ҳам юртда "Бибихоним" деб улуғлардилар. Бу биргина мисол, холос.

III

Mаълум маънода, биз Амир Темурнинг Александр Македонский, Атилла ва Чингизхон сингари жаҳонгирлар-дун ажralиб турадиган фазилатлари-ю миллат олдидағи хизматларини кўриб чиқдик. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Энди табиий савол туғилади: хўш, бугун ис-

тиқолимизга ўн икки йил тұлаётган, мустақил мамлакатда тарихни янгича кашф этиш давом этаёттан, янгича қарашлар пайдо бўлаётган бир пайтда жаҳонда биз ҳақимизда нима дейдилар?

Шу ерда Президент Ислом Каримовнинг Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқини эслаш ўринлидири. "Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мағкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, фурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар, — деган эди Президент. — Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам "илмий тадқиқотлар" ниқоби остида талон-торож "тадди, топталди". Бу босқинчи мағкуранинг узоқ йиллар давомида Амир Темурга, демакки тарихимизга бўлган муносолабатини яққол кўрсатиб турибди. Турли китобларда, дарсларда ва энциклопедияларда, оммавий ахборот воситаларида атайлаб нотўғри, асосан, қораловчи маълумотлар кўплаб чоп этилди, тарғибу ташвиқ қилинди. Яна ҳам даҳшатлироғи, бу маълумотлар учриб жаҳон ахборот воситаларига кўчиб ўтди ва бу жараён ҳали-ҳануз давом этиб келмоқда.

Мисолларга мурожаат қиласиз. Тасаввур тўлароқ бўлиши учун авваллари нашр этилган китобларни варақлаймиз. Менса, кўнимизда 1901 йилда босиб чиқарилган Ф.А. Брокгауз ва И.А. Ефронларнинг машҳур "Энциклопедик луғат"и ўттиз учунчи томи. "Темур (Тамерланъ), — деб ёзилади унда. — Қадоннинг буюк жаҳонгирларидан бири. 1336 йил 11 марта (1337) Бухоро хонлигига ёки унинг чеккарогида Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)да туғилган. Турқлашган барулас деган монгол қабиласидан... ("Турқлашган барлос қабиласи" деган ибора ани шундай пайдо бўлди. Аммо бу фикр қаердан олингандиги лайтимайди). Темур Чингизхондан катта билим соҳиби эканлиги билан ажралиб туради. ... Темур ўз она (турк) тилидан ташқари форс тилини ҳам биларди. ... Ўзи фаол иштирок этиб қурдирган бино-иморатлари кўп. Уларда

(Темурнинг) нозик диidi, санъатни теран англаши кўриниб туради..."

Ўттиз томлик "Британника энциклопедияси" (1902) 23-томида шундай таъриф берилади: "Темур. Темур Бей ёки Темур Ланг, "Оқсоқ Темур" — бузилиб Тамерлан бўлган — машҳур Шарқ жаҳонгири... Унинг отаси Тарагай барлос қабиласининг бошлиғи бўлган" (399-бет). Шу китобнинг учинчи томида Бобур ҳақида ўқиймиз: "Бабер. Заҳири-аддин Муҳаммад. Номи йўлбарс ёки Бабер, Ҳиндистоннинг машҳур жаҳонгири ва Мўғул (?) сулоласи асосчиси... Чингизхон ва Темурнинг авлоди".

"Оксфорд Референс дикшионери" (1986) китобнинг саккиз юз ўттиз саккизинчи бети: "Тамерлан (вафоти 1405), Темур ленк ёки ланг (Оқсоқ Темур), 14 аср охири — 15 аср бошларида Осиёнинг катта қисмини забт этган монгол подшоси. Ҳиндистонда мўғул сулоласига асос солган..." (Ана холос! — M.A.) "Бабур (1483—1530) Тамерланнинг авлоди бўлган биринчи Мўғул императори. (!) У 1523 йилда Ҳиндистонга бостириб кириб, Оксусдан Патнага қадар жойларни забт этди..."

Нью-Йоркда нашр этилган "Ўқувчининг безакли энциклопедияси" (1989): "Тамерлан. Тамбурулейн ёки Таймур ҳам дейишади (?). Монгол жаҳонгири. У ўзининг кўчманчи ўрдасини Марказий Осиёдаги пойтахти Самарқанддан то Эрон, Туркия, Россия ва Ҳиндистонгача бўлган катта майдонларга бошлаб борди..." Бобур ҳақида: "Ба-бер ёки Ба-бар ёки Бабур, асил исми Заҳириддин Муҳаммад. Ҳиндистоннинг монгол жаҳонгири. Чингизхон билан Тамерланнинг авлоди... Ҳиндистонда 1857 йилгача ҳукм сурган мўғул сулоласига асос солди..."

"Колумбия энциклопедияси" (1993) бундай ёзади: "Тамерлан ёки Темур — Монгол жаҳонгири... Самарқандга яқин Кешда туғилган. Унинг ижобий ютуқлари одамлар учун санъат, адабиёт, илм-фан ва бунёдкорлик ишларини қўллабсанъватлаш билан боғлиқдир..." "Бабур (турк.-йўлбарс) Ҳингизхон мўғул империяси асосчиси... У Тамерлан ва Чингизхон авлоди..."

Энди ўттиз томлик "Янги Британника энциклопедияси"-га назар ташлайлик. Шуни айтиш лозимки, ушбу нашр илк марта 1768 йилда амалга оширилган. Биз 1994 йилда чиқарилган ўн бешинчи нашри ҳақида сўз юритамиз. "Темур, Темур Ленқ, ёки Темурленк (туркча: "Темур оқсоқ"). Инглизчча: Тамерлан ёки Тамбурлейн, Ислом динига мансуб турк жаҳонгири... Асосан, вахшиёна урушлари туфайли эсланди..." "Бабур (Арабча: йўлбарс) Ҳиндистонда мўғул суоласи асосчиси ва императори, монгол жаҳонгири Чингизхоннинг, шунингдек, Темурнинг авлоди..."

"Рендом Хаус вебстэрс" (Нью-Йорк, 2000 йил): "Тамерлан (Темур Ленқ) — Жанубий ва Фарбий Осиёдаги тартар жаҳонгири... Самарқандда ҳокимлик қилган. Яна уни "Тамбурлейн, Таймур, Темур" деб ҳам атайдилар..." Бобурни бу ерда ҳам мўғул суоласи асосчиси деб таърифлайдилар.

1829 йилдан биринчи марта нашр қилина бошлаган ўттиз томлик "Американа энциклопедияси"нинг 2001 йилдаги нашрини варақлаймиз. "Темур... Чингизхон империясини тикламоқчи бўлган Марказий Осиёлик жаҳонгир... Турклашган монгол барлос қабиласига мансуб..." "Бабур, Ҳиндистонда мўғул суоласи асосчиси. "Йўлбарс" маъносини бергувчи монголча сўздан Бабар ёки Бабер ҳам дейишади. Чигатой турк бўлган Бабур Темур (Тамерлан) ва Чингизхон авладидир..."

Фикримизча, жаҳон афкор оммаси тез-тез фойдаланиб турадиган юқоридаги китоблардан келтирилган мисоллар етарли деб ўйлаймиз. Чамаси, мазкур нашрларни тайёрланганлар қўл остида мавжуд бўлган манбаларни бошқаларига солиштириб ўлтирумай фойдаланибгина қўя қолганлар. Йўқ эса, Амир Темур айни бир пайтда ҳам монгол, ҳам турк, ҳам тартар(яъни Олтин Ўрда, оқибатда — монгол) жаҳонгири бўлармиди? Исми ҳам Тамерлан, Тамбурлейн, Тимурленк, Таймур, Темур, Темур оқсоқ ва ҳоказо шаклларда берилармиди? Ҳатто, бундан уч йилгина олдин Нью-Йорқда чиқкан юқорида келтирилган нашрда, унинг номи "Тамерлан" деб олинади, кейин "Темур деб ҳам атайдилар" деб таъкидланади. Унинг номини "Темур" ҳам деб аташар эмиш! Ёқангни

ушлайсан киши. Ҳолбуки, жаҳонда кенг тарқалған Қлави-хонинг машхур китобида Кастилия (Испания) элчиси олти юз йил аввал айни шунга эътибор бериб, авлодларни бундай огоҳлантирган эди: "...Тамурбекнинг ҳақиқий исми Тамурбек, зинҳор биз атаб юргандай "Таморлан" эмасдир. Тамурбек — темир бек (сенъор) деганидир. Таморлан (деган ном) бек шаънига тўғри келмайди, агар уни камситмоқчи бўлсалар шундай атайдилар, чунки Таморлан — оқсоқ деганидир..."(Руи Гонсалес де Клавихо. "Самарқандга Темур саройига саёҳат кундалиги". И.С. Мирокова таржимаси, М., 1990. 69-бет)

"Американа энциклопедияси"даги мақола Жон Эндрю Бойл (Манчестер университети) қаламига мансубдир. Муаллиф қандай манбалардан фойдаланганлиги ҳам ўқувчиларимиз учун қизиқ бўлиши табиий. Мақола учун маълумотлар Жин Ду Бекнинг "Буਯок император Тамерланнинг тарихи" (1597), Рене Груссенинг "Саҳро салтанати" (1970 йил нашри), Беатриса Манзнинг "Тамерланнинг давлати ва парвози" (1989), Давид Николленинг "Монгол саркардлари: Чингизхон, Қубилайхон, Хулагу, Тамерлан" (1990), Георгий Вернадскийнинг "Монголлар Россияда" (1953) китобларидан олинганд... Кўриниб турибдики, муаллиф асил манбалардан йироқ, учинчи-тўртинчи манбаларга мурожаат қилган. Тасаввур учун биргина мисол келтирдик, холос.

Хуллас, бундай қаралса, Амир Темур ва Заҳиридин Муҳаммад Бобур ҳақида ким нима билса шуни ёзавергандай таассурот қолади. Нима учун, Цезарь, Искандар, Чингизхон ёки бошқалар ҳақида жаҳонда ҳамма энциклопедияларда бир хил маълумотлар берилиб, номлари ҳурмат билан бир хил ёзилади-ю Амир Темур ҳақида худди Клавихо айтгандай, камситмоқчи бўлгандай хилма-хил номлар, таърифлар келтирилади?.. Эҳтимол, бу атай ўқувчини чалтириш учун қилинар?.. Бундай муносабатга ортиқ йўл қўйиб бўлмаслигини англаб етишимиз керак. Назаримизда, махсус шу масалага бағишлаб ҳалқаро конференция ўtkазиш ва Амир Темурга унинг Ватанидаги янгича қарашлар замидан келиб чиқиб, ягона нуқтаи назарни барқарорлашти-

риш, бирхиллаштириш (идентификациялаш), сохибқиран исмини "Амир Темур" шаклида түлиқ олиш ва жаъми ахборот воситаларида бир хил берилишига, илмий муомалага киритилишига эришиш лозим.

IV

Юкорида кўрилдики, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурга нисбатан "монгол" тушунчасини кўп ишлатадилар. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си 1722 йилда Парижда "Мўғуллар ва тартарлар императори буюк Тамерлан, яъни Темурбекнинг тарихи" сўзлари билан нашр этилган эди... Бу борада кўп баҳслашиш, далиллар келтириш мумкин.

Даставвал Амир Темур шахсиятини олиб кўрайлик. У шахрисабзлик турк амири эди. Чингизхон босқини пайтида ва ундан ҳам авваллари Мовароуннахрда, жумладан, Шахрисабзда турклар яшарди. Масалан, "Туркийи Ҳиндистонам, ҳиндавий гўям чу об" (Ҳиндистонлик турк бўлсан ҳам, ҳиндчани сувдай биламан) деб фахр билан ёзган Хусрав Дехлавийнинг отаси шахрисабзлик турк амири Сайфиддин Махмуд шу босқин туфайли Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлган эди. Амир Темур ана шундай заминда, қадимий шахарда дунёга келди. Эслатиб ўтиш жоизки, Туркистонда чингизий хонлардан энг биринчи бўлиб исломни қабул қилган киши Тармасирин (1326—1334) бўлди, шундан кейингина мўғуллар хондан улги кўтариб мусулмонликни қабул қила бошладилар. Ҳолбуки, бу пайтда Амир Темурнинг отаси Амир Тарагай юртда тақводор мусулмон сифатида ном қозонган, машҳур шайх Шамсиддин Кулол муриди бўлиб, Шарафиддин Али Яздий сўзларига кўра: "...уламо ва сулаҳо ва муттақиларга мушфиқ ва меҳрибон эрди".

Абдулла Хотифийнинг "Темурнома" достонида сохибқиран падари бузруквори "турк салотинларидан эрди.." деб таърифланган.

Амир Темур даврини синчиклаб ўрганган француз тарихчиси Рене Груссе ўзининг "Саҳро салтанати" китобида шундай ёзади: "Темурийларнинг тарихчилари унинг ша-

жарасини Чингизхон сафдошларидан бирига ва ҳатто Чингизийлардан бирига олиб бориб улашга ҳаракат қиласылар. Аслида эса, у ҳеч қандай мүгүл эмасди, у туркий эди." ("Амир Темур жаҳон тарихида". Т., 1996. 40-бет).

Беш марта Мүгулистонга юриш қилингандан сүнг бўлиб ўтган қурултойда Амир Темур шундай фармон қилади: "Беклар бўлак-бўлак ёзида кириб юрусунлар. Ҳар ердаким, билгайларким мўгулдин киши бор, анда бориб мўгулдин бир кишини тирик қўймасунлар!.." ("Зафарнома". Т., 1997. 125-бет.) Ҳатто Шарафииддин Али Яздий гўё шуни таъкидламоқчи бўлгандек, "Зафарнома"нинг бир бобини: "Ҳазрат соҳибқирон қурултой қилиб, яна баҳодир ва бекларни Мўгулистонга йибаргониким, ҳар ерда мўгул қолғон бўлса, мусаххар қилиб келсунлар" деб номлади.

Чиндан ҳам, у мўгул эмас, турк амиридир, Туркистон фарзандидир, бу исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Шу ҳақда фикр юритганда, қўйидаги икки жиҳатни ҳам эсда тутиш ўринлидир, деб хисоблаймиз..

Биринчидан, у юрт бошига келганда, ўзини хон деб атамади, балки чингизий Суюргатмиш ўғлонни хон қилиб кўтарди, ўзи амирлик рутбасида қолди. Агар у мўгулдан чиқиб, Чингизхон авлоди бўлганида бундай қилишига эҳтиёж туғилмасди. "Амир" мавқеидан кўра "хон" мартабаси юксаклиги аён, албатта. Аммо у инсофли ва диёнатли зот эди, шунинг учун бундай қиломасди.

Иккинчидан, у чингизийларга қандайдир яқинлигини, даҳлдорлигини таъкидлаш учун — ўша давр таомили шундай эди, — чингизий Қозон Султонхон қизи Сароймулхонимга уйланди ва Чингизхон авлодига "кўрагон" (куёв) бўлди, ҳатто фарзандларининг ҳам шундай мавқега эга бўлишлари учун курашди. Бу анъана набира, эвара-чевараларда ҳам давом этди. (Масалан, Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо Мўгулистон хонининг қизи Кутлуғ Нигорхонимга уйланган ва кўрагон бўлган эди.) Соҳибқироннинг бунга нечоғлик аҳамият берганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, давлат тангларида доим ихлос билан "Амир Темур" сўzlари ёнида албатта "Кўрагон" каломини зарб қилдиради.

Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" муқаддимасида Чингизхон билан Амир Темур ўртасидаги фарққа тұхталиб, шундай ёзади: "Чингизхон қайси шаҳар ва вилоятникім босиб олган бўлса, на ул жойдан асар қолди-ю, на улусидан хабар... Ҳазрат соҳибқироннинг баҳтиёр замонида фатҳ этилган жойлар эса, низочилар ва душманларнинг ихтиёридан бутунлай чиқди ва ...аҳволи олдингисидан ҳам анча яхшироқ ва ободроқ, ҳалқи эса тинч ва хурсанд бўлди..."

...Дарҳақиқат, устуналык ва истилодан мақсадлари фақатгина дунёвий ҳой-ҳавасга ва бу олам ўтқинчи лаззатларига эришишдан иборат шахслар билан диндор, ишлари мақтоворга сазовор ҳамда олам нишонли байроқни ўрнатишдан мақсади ислом (дини)ни юксалтириш бўлмиш кишилар ўртасида фарқ катта..." ("Амир Темур ажадодлари", Т., 1992. 29-бет).

Улуғ тарихчимиз, икки миллат вакили, икки эътиқод соҳиби, икки тупроқ фарзанди, зиммасига юклатилган вазифасига қўра мутлақо бир-бирига ўхшамаган икки сиймо ҳақида фикр билдириб, улар орасида "фарқ катта" лигини айтганда, шубҳасиз, мутлақо ҳақ эди.

Амир Темурнинг ўзи турк амири бўлиб турганда, унинг бешинчى авлоди Захириддин Муҳаммад Бобурнинг күппакундузи монгол жаҳонгири бўлиб қолиши, "Буюк Мўгуллар империяси"га асос солиши яна ҳам қизиқ. Юқорида келтирилган нашрларнинг қарийб барчасида Бобурга шундай таъриф берилади. Бу борада чукур изланишлар олиб бораётган таникли олим Сайфиддин Жалиловнинг гувоҳлик берисича, ҳатто Акбаршоҳ замонида ҳам бобурийларни ҳеч ким "Буюк Мўгуллар" деб атамаган, "туркий давлат" тушунчаси муқим экан. "Француз ёзувчиси Флора Анна Стил, — деб таъкидлайди олим, — "Бобурхон" романининг кириш сўзида овруполиклар Бобуршоҳ сулоласини "Буюк Мўгуллар" деб хато айтиб келаётганини таъкидлайди". (С. Жалилов. "Бобур ва Юлий Цезарь". Т., 2001. 23-бет).

Яқинда Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров билан сұхбатда ҳам Бобур ва бобурийларга нисбатан мана шундайadolatsizlik ҳақида гап кетди. Германиялик тарих-

чи олим Хельмут Ланг Ўзбекистонда бўлган вақтида адабимиз билан учрашган ва айнан шу мавзуда сўз юритган эканлар. Хорижлик олим билан машҳур адабимизнинг бу адолатсизликни тиклаш йўлларини бирга излашга келишганларини эшишиб жуда мамнун бўлдим.

Ростдан ҳам, вақти келди. Адолат тикланиши даркор, ҳар бир нарса ўз номи билан аталиши лозим. Бу билан авлодлар шуғулланишлари керак.

V

*А*мир Темур ҳақида турли тилларда жуда кўп китоблар ёзилганлиги ҳақида сўз юритган эдик. Олти юз йиллардан бери соҳибқирон ҳақида китоблар ёзилади, илмий тадқиқотлар яратилади. Ҳали-ҳануз бу ҳаракат тўхтамаган, аксинча кучайгандан кучайиб, улуғ сиймога қизиқиш ортгандан ортиб бормоқда. Амир Темур библиографиясини яратиш энди темуршуносларимиз олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Яқинда АҚШда ижодий сафарда бўлиб, Вашингтон университети кутубхонасида Амир Темур ҳаёти ва даврига оид китоблар бор-йўқлиги билан қизиқдим. Кутубхонада мен излаган китоблардан олтмиш саккизта ном борлиги аниқланди. Уларнинг ичидаги илмий тадқиқотлар, драмалар, романлар, тарихий асарлар таржималари, опералар ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар тўпланган. Биз, албатта, айрим асарлар ҳақидагина тўхталиб ўтамиш.

Дарҳақиқат, Амир соҳибқироннинг бемисл ҳаёти жуда кўп ижодкорлар кўнглига илҳомлар солган экан. Машҳур инглиз драматурги Кристофер Марлонинг 1587 йилда "Буюк Тамбурлейн" (асл номи шундай) деган драматик асар ёзганлиги бизга маълум. Бу асар ҳозиргача кўп марта нашр қилинган албатта, турли тилларда жарангламоқда. Аммо асарнинг илк нашрини кўрмоқ ҳамиша кишига аллақандай завқ бағишлиайди. Биз кутубхонада наинки асарнинг 1590 йилда амалга оширилган илк нашрини, — унда Амир Темурнинг портрети ҳам берилган, — балки кейинги 1597, 1605, 1606 йиллардати ҳам берилган,

ги нашрларини ҳам кўришга мұяссар бўлдик. Драма "Илк инглиз тилидаги китоблар. 1475—1640" сериясида нашр этилган.

Одатда бирон тарихий шахс ҳақида, қайси тилда бўлмасин, бадиий асар ёзилар экан, бу ўша шахснинг фавқулодда сиймо эканлигини, унинг миллат доирасини ёриб жаҳон сарҳадларига юз бурганлигини кўрсатади. Амир Темур ана шундай нодир шахслардан бири эканлиги бугун жумла жаҳонга аён. Биз Вашингтон университети кутубхонасида сақланбаётган Амир Темур ҳақидаги яна Англия тупроғида яратилган, ҳали бизга маълум бўлмаган янги трагедияга дуч келдик. Бу 1681 йилда ёзилган ва саҳнага қўйилган Чарлз Саундерс деган адабнинг "Буюк Тамерлан" асаридир. Асар даставвал "Драманинг уч асли. Англия. 1642—1700", кейинроқ "Англия ва Америка саҳна асарларининг уч асли. 1500—1830" серияларида нашр қилинган. Беш пардалик олтмиш беш саҳифадан иборат бу трагедияда Тартария императори Тамерлан, Турклар императори Боязид, Амир Темур ўғиллари Арзанес билан Мандрикард, шунингдек, Одмар, Абдалла, Аксалла, Занчес (бу исмлар албатта тўқима) каби аъёнлар иштирок этади. Асада аёллар образлари ҳам бор, булар Боязид қизи Астерия, Мандрикард хотини Испатия ва Астерия канизаги Заидалардир. Қизиқ жойи шундаки, муаллиф ўз асарига: "...Бу трагедия foясини "Тамерлан билан Астерия" деб аталадиган сўнги романимдан олиб яратдим." деган сўзларни илова қиласди. Демак, унинг юқоридаги номда роман ҳам бўлган. Аммо бу роман ҳақида изланишларимиз ҳозирча бирор натижа бермади.

Бизга номаълум бўлган асарлардан яна бири Самуил Кларкнинг (1599—1682) "Буюк Тамерланнинг ҳаёти" китоби бўлиб, 1653 йилда Лондонда "Илк инглиз тилидаги китоблар. 1641—1700" сериясида нашр этилган. Китоб Амир Темурнинг Хитой подшоси мосолик Диюк, Буюк турк Боязид, Миср сultonи, Эрон шаҳаншохи ва бошқалар билан олиб борган жанглари таърифларига бағишлиланган, унда мулоҳазакорлик, олийхимматлилик, меҳрибонлик, озодлик, адолат, итоаткор-

лик, шижаат ва шавкат сингари инсоний фазилатлар ҳақида сўз боради.

Ўша пайтларда Амир Темур шахсига бўлган қизиқиш жуда ҳам кучли эканлигини "О.С." деган ҳарфлар билан имзолаган номаълум муаллифнинг 1664 йилда Лондонда босилган бир юз олтмиш саккиз саҳифалик китобидан ҳам билса бўлади. Китобда Венгрия графи Николас Серининг одоби-ю сийратидан ҳикоя қилинади, уни албан халқининг қаҳрамони Скандарбек (Георг Кастроти) ва Тамберлайн билан қиёсланади. Муаллиф Амир Темурни "турк" деб ёзаркан, унинг (турк) тартиб-интизомини, фаолиятини намуна сифатида келтиради.

Кутубхонада мисрлик Муҳаммад Жамолиддин Рамадийнинг драмаси, покистонлик Азиз Баҳорий, Азиз Аҳмад, Раҳи Аслам сингари адиларнинг романлари, Аҳмад Ҳасан До-нининг (Покистон) "Темур мероси" номли, шунингдек, Ал-Сайид Фараж (Миср), Муҳаммад Аҳмад Паноҳ (Эрон) ларнинг илмий-маърифий китоблари ҳам сақланмоқда. Уларнинг бари Амир Темур ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилали. Барчаси тўлиб, бойиб бораётган темурнома саҳифалариdir.

VI

*С*оҳибқирон ҳаётини ўрганишда у ҳақда ёзилган ва ёзилаётган асарларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Бу борада, айниқса, бевосита унинг номи билан боғлиқ, унинг ўзи ёзган "Тузуклар"нинг бебаҳо манба эканлиги кундан ҳам равшан. Ушбу ёдгорлик Амир Темур шахсияти ва унинг даври ҳақида, давлат тузилиши ва салтанат юритиш хусусида, ўша давр об-ҳавоси, умуман одамлараро муносабатлар тўғрисида кенг тасаввур бера оладиган ноёб дурдона асардир. Амир Темур салтанати соҳибқироннинг ижоди эди, ана шу салтанат ва унинг қонунлари ҳаёт талаби билан дунёга келди, "Темур тузуклари" эса барчасининг ифодаси сифатида пайдо бўлди. Ҳа, чиндан ҳам "Тузуклар" замон

талаби ва зарурати билан яратилгандир. Буни албатта салтанатни тузган, давлат бошқариш заҳматларини ўз бошидан кечирган Амир Темур сингари одамгина билади, бу ҳақда китоб ёзиш шундай одамнинггина қўлидан келади. Бу ерда шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Илмда "шубҳа усули", яъни ҳар бир нарсага унинг чин ёки сохта эканлиги ҳақида мулоҳаза қилиш, ўйланиш, гумонга бориш, такрор-такрор ақл тарозисидан ўтказиш, шундан кейингина ҳақиқатни юзага чиқариш усули жукмрондир. "Темур тузуклари" ҳақида ҳам, илм аҳли ўртасида ҳар бир нодир асар устида бўладигандек, (масалан, ҳалихануз бутунги кунда Вильям Шекспирники деб ҳисобланалётган машҳур трагедиялар ҳақиқатда Шекспир томонидан ёзилганми, ёки бошқа бирор ёзиб, кейин унга нисбат берилганми, айрим асарлар Кристофер Марло иштироқида ёзилган бўлса керак, қабилида баҳслар юради, лекин жаҳон афоркор оммаси назарида бу асарлар шубҳасиз улуғ драматург Вильям Шекспир қаламига мансубдир) асар чинми ёки сохта, ким томонидан ёзилган, қачон ёзилган сингари турли фикрлар эшитилиб қолади. Ҳатто, даставвал "Асарнинг муаллифи маълум эмас..." деб фикр билдирган академик Бўрибой Аҳмедов ҳам узоқ мулоҳаза ва мушоҳадалардан кейин "Амир Темурни ёд этиб" китобида шундай ёзганди: "Тузукоти Темур"нинг ҳақиқий тарихий асар эканлигини Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Яздий "Зафарнома"-ларидағи маълумотларни қиёслаш орқали билиш мумкин. Хуллас, унинг Амир Темур томонидан ёзилганлиги шубҳасиздир" (32-бет).

Умуман, ушбу нодир асар муносабати билан олимларимиз (Ҳабибулла Кароматов, Омонулла Бўриев ва бошқалар) нинг билдирган ўринли мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, асарнинг асиљ туркӣ нусхасини излаб топиш, кейинчалик кўчиришда котиблар томонидан киритилган "тахрир"лардан тозалаш, унинг танқидий матнини яратиш темуршунослигимиз олдидағи долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Яқинда атоқли темуршунос аллома Асомиддин Ўринбоев билан сұхбатлашиб қолдик. Сұхбатимиз Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан амалга оширилажак ниятлар устида борди. Табиийки, сүз "Темур тузуклари"га келиб қолди. Шунда устоз аллома бағоят ўринли фикр билдири: "Темур тузуклари"дай асар борлигининг ўзи катта ҳодиса, у тарихимиз, маданиятимиз зарварақларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиздир. Уни ўрганишни давом эттиришимиз керак".

Ўзбекистон халқ ёзувчisi Пиримқул Қодиров тарихий мавзуларда илҳом билан қалам тебратиб келёттган севимли адаб ва олим сифатида халқимиз ҳурматини қозонган. Унинг қайта-қайта нашр бўлган, кўп тилларга таржима қилинган, шунинг билан тарихимиз ҳақидағи ҳақиқатни бошқа элларда тарғибу ташвиқ этган қатор романлари маълуму машҳур. Шуниси қувончлики, устоз адаб кейинги пайтларда тарихимизнинг нозик нұқталари ҳақида чукур илмий таҳмилга эга мақола ва бадиалар ёзмоқда. Масалан, унинг "Тил на эл", "Темурийлар давридаги тил муаммолари" каби илмий бадиалари ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Сўнгти бадиа "Темур тузуклари"га бағишлиланган.

Бадиада "Тузуклар"нинг Амир Темур томонидан яратилган ноёб бир тарихий, лисоний ва адабий ёдгорлик экани" таъкидланади.

Адаб соҳибқироннинг ўзи ҳақида ёзилган асарлар ортиқча муболаға ва лофлардан холи бўлишини қатъий талаб қилганлигини, аниқликни яхши кўрганлигини айтиб ўтади.

Яқинда ушбу нодир асар — "Темур тузуклари"нинг яратигланига 600 йил тўлади. Бу жуда ҳам муҳим санадир. Фикримизча, Халқаро Амир Темур фонди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Республика Миллий комиссияси ҳамкорлигига ушбу санага бағишилаб илмий-амалий анжуман ўтказилса мақсадга мувоғиқ бўларди. Бу Амир Темур Кўрагон таваллудининг олти юз етмиш йиллиги олдидан қутлуғ қадамлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Амир Темур чаманида ҳали сирлар кўп.

Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкалийнг очилиши маросимида сўзлаган нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов илҳом билан: "Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир", деган эди. Албатта, бу узоқ жараён. Биз қадамма-қадам улуғ сиймо ҳаётини ўрганиб, моҳиятини англаб бормоқдамиз. Чиндан ҳам, Амир Темурни қанча теран англасак, ўзимизни шунча англаш етамиз.

"Халқ сўзи" газетаси,
2004 йил 11—12 март.

БҮЮК ОБИДА

"Темур тузуклари" китобининг ёзилганига
олти юз иш тўлди

1

Амир Темур Кўрагон тарих майдонида жавлон урган жаҳоншумул сиймолардан биридир. Биз унинг тарихига, фавқулодда шахсига, авлодлари фаолиятига қайта-қайта му-рожаат қиласерамиз. Тарихга юз буриб, қайси йўллардан юрмайлик, қачон бўлмасин, қаерда бўлмасин, йўлимиз ай-ланиб, барибир ушбу мўътабар зот ҳузурига олиб келаве-ради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1996 йил 18 октябрда Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзлаган оташин нутқида бундай деган эди: "Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англомоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак!.." Бебаҳо сўзлар! Такрор таъ-

кидлаш жоизки, Амир Темурни бизга қайтариб берган, бу борада ҳормай-толмай ҳақни қарор топтирган зот Президент Ислом Каримов бўлади. Ушбу улуғ хизматлари учун халқимиз ундан беҳад миннатдордир. Вақтлар келадики, авлодлар ҳали Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг ҳар бир кунини, ҳар бир лаҳзасини битта ҳам қолдирмай чуқур ўрганиб чиқадилар. Бунга бирор мажбур этмайди, балки бу кўнгил эҳтиёжи, ҳаёт заруратига айланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, соҳибқироннинг суронли даврини англаб етишда у ҳақда ёзилган ва ёзилаётган асарларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Бу борада, айниқса, бевосита унинг номи билан боғлиқ, унинг ўзи қофозга туширган "Тузуклар"нинг бебаҳо манба эканлиги кундан ҳам равshan. Ушбу ёдгорлик Амир Темур шахсияти ва унинг даври ҳақида, давлат тузилиши ва салтанат юритиш хусусида, ўша давр оби ҳавоси, умуман одамлараро муносабатлар тўғрисида кенг тасаввур бера оладиган ноёб дурдона асардир. Амир Темур салтанати, таъбир жоиз бўлса, соҳибқироннинг ижоди эди, ана шу салтанат бобомизнинг машҳаққатли меҳнати билан бўй кўргизди, унинг қонунлари ҳаётий зарурат юзасидан дунёга келди, "Темур тузуклари" оса барчасининг ёрқин ифодаси сифатида пайдо бўлди. Ҳа, чиндан ҳам "Темур тузуклари" замон зарурати ва талаби билан яратилгандир. Буни албатта салтанат тузган, давлат бошқариш заҳматларини ўз бошидан кечириб, бу борада улкан тажрибалар ортирган, машхур муаррих Низомиддин Шомий сўзи билан айтганда, "камолоту мартабаларга ўзининг етук саъй-ҳаракати ва жидду жаҳди билан эришган" Амир Темур сингари одамгина ёза олади, бу ҳақда китоб ёзиш шундай одамнинггина қўлидан келади. Бу ерда шубҳа бўлиши мумкин эмас. "Темур тузуклари"ни мутолаа қилганда, унинг муаллифи нечоғлик юксак маънавият соҳиби эканлигининг шоҳиди бўламиз.

Ушбу нодир асар муносабати билан тадқиқотлар олиб боришиган олимларимизнинг билдирган ўринли мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, асарнинг асил туркий нусхасини излаб топиш, кейинчалик кўчиришда котиблар томосини киритилган "таҳрир"лардан тозалаш, "Темур тузукнидан киритилган "таҳрир"лардан тозалаш, "Темур тузук-

лари", "Тузуки Темурий", "Тузукоти Темурий", "Малфузоти Темурий", "Қиссаи Темур", "Темур қиссаси", "Зафар йўли", "Таржимаи ҳол" каби турлича номланиб келётган нусхаларни бир-бирига муқояса этиб, асарнинг танқидий матнини яратиш темуршунослигимиз олдидағи долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

II

*А*мир Темурнинг тарихий асарлар ва уларнинг ёзилишига муносабати, ҳаққоний бўлишига талабчанлиги таҳсиналарга лойикдир. Бу катта билимга эга бўлган, донишманд ва зукко инсоннинг муносабатидир. Шу жиҳатларга бор қилганда кўз олдимизда донишманд, закий инсон, теран тажриба соҳиби бўлган, келажак авлодларни ўйланна юрт, мулку миллат учун куйиб-ёнган заҳматкаш сиймоси туради.

Натъулумки, Амир Темур милодий 1401 йилнинг 11 августада Низомиддин Шомийни ўз ҳузурига чақиртиради. Таричи бу ҳақда шундай ёзади: "...Гарчи ул зот қилган ишларнинг бу абадиятга улангур давлатнинг бошланишидан бертиб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихини онҳазрат учун ўзган бўлсалар ҳам, аммо улар(улар, чамаси, анчагина бор, улар ичида "Тузуклар" ҳам бўлиши мумкин, лекин, афсуски, тарихчи ўзи фойдаланган асарлардан бирортасининг ҳам помини келтирмайди — М.А.) ҳали мунособ тарзда жамланиб, тақдим этилмаган экан; бу банда уларни йиғиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, боб-боб қилиб тартиб беришга машғул бўлғаймен, лекин шу шарт биланки, такаллуфу безак бериш, лоғ уриш зийнатидан ўзимни тийгаймен..."¹

Бу ерда соҳибқироннинг ўзи ва салтанати борасида ёзилажак асарга муносабати, асар қандай ёзилиши ҳақида тасаввури жуда равшан, талаби эса юксак эканлиги аён бўлмоқда. Яъни, соҳибқирон давлати тарихи ёзилганда ортиқча такаллуфларга, лоғу мақтовларга ўрин бўлмаслиги керак...

¹ Низомиддин Шомий. "Зафарнома". Т., 1996. 22-бет.

Ҳамма нарса фақат ҳаққоний ёзилсин... Шомий соҳибқирон сўзларини қўллаб-қувватлаб: "Яхши ва равон сўз улдирким, авом ҳалқ унинг маъносини англағай, хос кишилар унга айб қўймағай.." дейди. Соҳибқирон билан муаррихнинг фикрлари бир жойдан чиқади. Амир Темурнинг: "Мен ана шундоқ сўзни хоҳлаймен!"¹, дея маъқуллаши бафоят ибратлидир.

Муаррихга, нима учун асар содда ёзилиши кераклигини тушунтирганда соҳибқирон, унинг жимжимадорликдан холи, содда бўлишини, чунки у кенг авом, ҳалқ учун битилишини, кўпчилик томонидан ўқилишини назарда тутади: "Шу услубда ёзилган, ташбиҳ ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўртада йўқолиб кетади, — дейди давом этиб Амир Темур. — Агар сўз қоида-қонунидан насибадор бўлганлардан биронтаси маънисини фаҳмлаб қолса қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз. Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди..."² Бу сўзлар Амир Темурнинг умуман китоб аҳамиятини, илмни, тарихни қанчалар қадрига етишини, чуқур англашини кўрсатиб турибди.

Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"си соҳибқирон ва унинг давлати ҳақида бевосита Амир Темур топшириги билан ёзилган қутлуғ икки китобнинг бири эди, биринчиси Фиёсиiddин Алиниңг "Ҳиндистон ғазовоти кундалиги" ҳисобланади. Ҳар икки китоб ҳам Амир Темурнинг назаридан ўтган ва маъқулланганлиги маълум. Фиёсиiddин Алиниңг ёзичча, ушбу биринчи китобнинг битилиши ҳақида ҳумоюн ўрадудан махсус фармон чиққан бўлиб, унда тарих учун жаҳонгирнинг зафарли юришларидан айримлари таърифланishi, кейин Ҳиндистон юриши тасвирланиши лозимлиги айтилади. Ўшанда ҳам Фиёсиiddин Али олдига услубда баландпарвозликка берилмай, содда, ҳамма тушунадиган тилда ёзиш шарт қилиб қўйилади...³

¹ Низомиддин Шомий. "Зафарнома". Т., 1996. 23-бет.

² Юқоридаги китоб, 23-бет.

³ "Тамерлан". М., 1992. Стр. 193.

III

"*C*үз қоида-қонуни" ҳақида теран фикр юриттан Амир Темур бевосита ўзи китоб ёзганда бунга қатъий амал қилади ва шундай қатъият билан "Тузуклар" иншосига киришади. Шуни айтиш лозимки, асар узоқ йиллар давомида қофозга туширилган, вақт ўтиши билан бошланган матнга қайтилган, қисқартирилган, тўлдирилган, яна давом эттирилгандай таассурот қолдирари кишида. Араб олими Мазҳар Шиҳобнинг қуйидаги: "Эсадаликлар ёзишни Амир Темур ҳокимиятта келишидан анча муддат олдин бошлаган..."¹ деган сўзларида жон бор кўринади. Эҳтимол, соҳибқирон ўзи ва салтанати тарихини, тўра-тузукларни қофозга туширишни бирорга топширишни истамаган ёки бирон кишини шунга муносиб кўрмаган... Ўхшаш вазият кейинроқ машҳур давлат арбоби ва муаррих Абулғозий Баҳодирхон билан ҳам юз берган эди, у миллат учун бафоят муҳим "Шажарайи турк" асарини ўзи ёзишга мажбур бўлган эди. Бу ҳақда Абулғозий асар сўзбошисида шундай сўзларни келтиради: "Бу тарихни (яъни, "Шажарайи турк" назарда тутилмоқда — М.А.) бир кишига таклиф қиласи табдил келди. Ҳеч муносиб киши топмади. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтди. Туркнинг масали турур: "Ўксиз ўз киндигин ўзи кесар", теган..."²

"Темур тузуклари" буюк бобомизнинг жасоратларидан бири эди. Муҳтарам зотнинг кўпдан-кўп давлат ишлари тургани ҳолда, фурсат топиб, маданиятимизнинг кўрки бўладиган китоб ёзишдек бир заҳмату мashaққатни ҳам ўз зиммасига олганлиги ҳайратланарлидир. Соҳибқирон китобини авлодлар учун ёзаётганини жуда яхши англайди. Бу бежиз эмас. Асрлар давомида асарнинг тиллардан тилларга таржима этилаётгани ва кенг тарқалаётгани, унинг устида турли тилларда тадқиқотлар олиб борилаётгани "Темур тузуклари"нинг ҳаётий ва ҳаққоний оригинал асарлигини,

¹ У. Уватов. "Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида". Т., 1997. 133-бет.

² Абулғозий. "Шажарайи турк". Т., 1992. 11-бет.

инсоният учун зарур эканлигини исбот қилиб турибди. Чунки Амир Темур яшаган давр, унинг қизғин фаолияти мана салкам етти юз йил үтәётирки, жаҳонда ҳеч кимни бефарқ қолдирмайды, балки оҳанрабодай ўзига тортади, қизиқиш эса тобора кучайиб бормоқда.

IV

Хаётий ҳикматларга тўла "Темур тузуклари"нинг ноёб маърифий обида эканлигидан ташқари, Амир Темур сиймоси, саъжияси, руҳияти, табиати, бир сўз билан айтсан, бой шахсияти ва инсонийлиги ҳақида берган таърифлари жуда муҳимдир. Амир Темур "Тузуклар"даadolатни ҳимоя қилгувчи, сўзи билан иши бир, олижаноб, кечиримли, довюрак, қўрқмас, зўр тадбирлар соҳиби, моҳир саркарда, улуғ раҳбар сифатида намоён бўлади.

У золимлардан мазлумлар ҳаққини олишда жонбозлик кўрсатади, чунки яхши билади: мамлакат куфр илан турини мумкин, аммо зулмга чидай олмайди. Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халқа жабр-зулм еткизганини эшитса, уларга нисбатан дарҳолadolату инсоф юзасидан чора кўради. Яхшиларга яхшилик қиласи, ёмонларни эса ўз ёмонликарига топширади... Давлат ишларининг тўққиз улушкини кенгашга қўяди, фақат бир улушкинига қиличга қолдирали. "...Фаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг тузини ҳаломмаган бўлади", — дейилади "Тузуклар"да. Амир Темур фикрича, ўз юртининг гузини ҳалоллаган навкар, у душман навкари бўлса ҳам, ҳурматга сазовор! Чунки, у ўз юртини ҳимоя қилди! Бирон навкар туз ҳақи ва вафодорликни унугиб, савашиш вақтида ўз соҳибидан юз ўтириб, Амир Темур этагини тутмоқчи бўлса, соҳибқирон уни ўзига энг ёмон душман деб билади... Булар соҳибқироннинг энг танг вазиятларда ҳамadolат ва инсофни биринчи ўринга қўйишига ёрқин мисоллардир.

Соҳибқирон очиқ юзлилиқ, раҳму шафқат билан халқни ўзига ром этишни яхши биларди. Хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш, қўрқитиши, тушунтириш йўли билан ундиришни тайинлар-

ди. Ҳамиша раият аҳволидан огоҳ эди, улугларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрарди. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳи доим очиқ эди. Ҳамиша адолатта талпиниб яшар, жабру зулмдан узоқроқда бўлишга интиларди. Бирон кимсанинг ҳаққи бўлса уни асло унутмасди. Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмасди. Кўнгли бузук, ҳимматсиз кимсаларни мажлисига асло йўлатмас, балки мажлисларида кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишилар сухбатидан баҳраманд бўларди... Чинакам дўст ҳақидаги қўйидаги сўзлар ҳам ҳалқимиз ақл-идрокининг теранлигидан хабар беради: "Чин дўст улдирки, — дейди Амир Темур. — Дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қиласди..."

"Темур тузуклари" ана шундай фалсафий умумлашмалар, ҳаётий хуносаларга бой қомусий асардир.

V

*М*арихимизнинг дурдоналаридан бирини ҳалқ орасида кенг тарбибу ташвиқ этишда жонбозлик кўрсатган олимларимизга миннатдорчилик билдириш ўринлидир. Шўролар тузуми даврида академик И. Мўминов "Тузуклар"нинг Н. Остроумов нашри (1894) факсимилесини эълон қилдириди (1968), Алихонтўра Соғуний ушбу нодир асарни она тилимизга қайтариб, таржима қилиб "Гулистан" журналида (1967) чоп эттириди. Бу "Темур тузуклари"нинг шўролар даврида амалга оширилган биринчи таржимаси эди. Ушбу қадамлар Амир Темур номи қатағон қилинган даврлардаги чинакам жасорат намуналари сифатида қадрланишга лойиқдир.

Мустақиллик йилларида "Темур тузуклари"ни ўрганиш, нафақат аслиятда, балки бошқа тилларда ҳам чоп эттиришда жиддий ишлар олиб борган олимларимиздан бири академик Бўрибой Аҳмедов бўлди. У асарнинг 1991, 1996 йиллар нашрларига батафсил сўзбошилар ёзди, атрофлича изоҳлар илова қилди...

Асомиддин Ўринбоев, Ҳабибулла Кароматов, Ҳамидулла Кароматов, Ашраф Аҳмедов, Омонулла Бўриев, Ҳайдарбек

Бобобеков, Ҳалим Бобоев, Аҳмаджон Қуронбеков сингари заҳматкаш олимларимиз ҳам илмий тадқиқотлар яратдилар ва таржималарини эълон қилдилар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг бу борадаги сермазмун мақола ва эсслари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда...

Маълумки, "Темур тузуклари" икки мақоладан иборат. Биринчи мақола соҳибқирон ҳаётининг энг эътиборли воқеаларидан ташкил топди, улар тарих ҳужжатларига айланганликлари билан қадрлидир. Қисқа, содда тушунарли тиљда иншо этилган воқеалар ўқувчиларнинг турли табакаларига бирдай англашиларлидир. Мұхими, бу воқеалар Фиёсиiddин Али, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий асарлари сингари ишончли манбалардаги воқеаларга мос келади. Иккинчи мақола эса давлат қонунаридан, яъни тузуклардан ташкил топди. Бу тузуклар салтанатнинг барпо бўлиш йўлида, ҳаётнинг ўзи келтириб чиқарган ҳаётбахш қонунлар мажмуаси эдики, улар бугунги кунда ҳам улкан аҳамиятга эгадир.

Биринчи мақола қуйидаги сўзлар билан яқунланади:

"Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Са-
мерқандга қайтдим..."

Бу сана милодий 1404 йилнинг куз ойларига тўғри келади.

Демак, буюк обидамиз бўлган "Темур тузуклари"нинг ёшлиганига олти юз йил тўлди. Бу маданиятимиз тарихида китта ҳодисадир.

Соҳибқирон қалами билан иншо этилган "Темур тузуклари" ёшлар қалбига бемисл фурур жойлаб, уларни чина-
қим инсон қилиб етиштиришда, кўрқмас ва довюрак, ақлли
ватанпарвар сифатида тарбиялашда бебаҳо бир мактаб
вазифасини адо этади.

Бу мактабда ҳали не-не авлодлар сабоқ олишларига асло шубҳа йўқ.

*"Ўзбекистон агадиёти ва санъати"
газетаси, 2005 йил 11 март*

ОДАМИЙЛИКНИНГ БҮЮК ТИМСОЛИ

Сохибқирон Амир Темур Кўрагоннинг кураш ва шиҷоатларга тўла ҳаёти, кўпроқ ҳарбий юришлари ҳақида жаҳонда саноқсиз китоблар ёзилган ва ёзилмоқда. Аммо унинг бебаҳо инсоний фазилатлари, ақлу идроки, салоҳияту заковати, одамийлиги, инсофу адолати, ҳалоллиги, меҳру муҳаббати, ожизликлари-ю душманларга нафрати, бекиёс қудрати ҳақида ҳали кўп ёзишимиз, чукур ўрганишимиз керак. "Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир", деган эди Президент Ислом Каримов. Буюк бобомиз Шахсини идрок этиш уни Инсон сифатида тасаввур қилишга ёрдам беради, қалбларимизга яқин айлади. Чунки сохибқироннинг инсоний қиёфаси бағоят гўзал, шахси ҳайратомуздир, руҳий дунёси кенг ва теран, бой ва ранг-баранг бўлиб, авлодлар учун жуда ҳам ибратлидир.

Ўйланиб қолади киши. Ўз-ўзидан саволлар қўйилиб келади...

Қандай қилиб, ҳалқ ичидан чиққан, хонлар авлодига ҳеч бир алоқаси бўлмаган оддийгина амирнинг фарзанди Темурбек киндик қони тўкилган она юртини дадил мустақилликка чиқара олди экан?

Қандай қилиб, ҳалқдан чиққан қаҳрамон пароканда бўлиб ётган Ватанини бирлаштириб, қудратли давлат тузса олди экан? Ахир Шарқ менталитети фақат хонлар суоласидан бўлганларга эргашибни, қулоқ солишибни тақозо этади-ку, ҳалқ эса ишониб унинг изидан эргашди, уни қўллаб-куватлади?

Қандай қилиб, юртимиз бағрида ўсиб вояга етган жасур ўғлон, кунлар келиб бу ёғи Хўтандан то Миср ва Эгей денгизигача, Московиядан то Ҳиндистонгача улуғ салтанат барпо эта олди?

Қандай қилиб, (Эрондаги) Султония деган шаҳардан бoshiga бир лаганда тилло билан йўлга чиққан бола Самар-



қандга келгунча ўша тиллодан битта ҳам ўғирланмайдиган, камаймайдиган даражада тинч ва дориломон салтанат қура олди экан? Ўзининг одилона ҳаракатлари билан Европа ва Россия халқлари халоскори бўла олди экан?

Ва ниҳоят, қандай қилиб, бир пайтлар тенгдошларига бош бўлиб, "подшо-вазир" ўйнаб, Қашқадарё чўлларида от чоптириб юрган шаддод амирзода неча минг асрлик дунё тарихида ҳамма миллатларнинг, ҳамма замонларнинг тан олинган тўртта саркардасидан бири мартабасига эриша олди экан?..

Буларнинг бари бобомиз номига бугун жаҳоннинг барча тилларида жаранглаб турган "Буюк" сўзини қўшиб қўйди...

Барининг сабабини Амир Темур Кўрагоннинг, албатта, әқлу заковати ва салоҳиятидан қидирамиз, айни пайтда уларнинг теран илдизи соҳибқироннинг фавқулодда инсоний фазилатларига, комил Инсон эканликларига бориб уланишими хис этамиз.

Соҳибқирон ниҳоятда узоқни кўзлаб иш қиласиган оқил ва зукко раҳнамо, раҳбар сифатида танилди. У одамларни қандай йўл билан бўлса-да ўз атрофига жипслаштириш, ҳамжиҳат қилиш чораларини кўрар, садоқатли издошлар топа олар, лозим эса ўзидан ҳам кечишга ҳамиша тайёр турган фидойи бир зот эди. Дўстларини ҳеч қачон танглиқда қолдирмас, ҳамиша уларни қўллаб-қувватлар, бу йўлда мол-мулки, маблағини аямасди. "Амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, зеру зеварлар билан хушнуд этдим... — деб ёзади соҳибқирон ўз "Тузуклар"ида. — Шунинг учун жангларда жонларини фидо қиласидар. Дирҳаму динорларни улардан дариф тутмадим..."

Бу сўзлар тасдиғи сифатида қуйидаги воқеани келтириб ўтамиз. Амир Ҳусайннинг ноҳақдан катта солиқ, солган дўстлари қарзини қоплаш учун соҳибқирон чора тополмай қолади, уларни хижолатдан чиқариш мақсадида ноилож ёстиқдоши Улжой Туркон оқанинг бағоят қимматбаҳо икки исирғасини ҳам бериб юборади! Бу ҳақда Шарафиудин Али Яздий ҳайратланиб ёзади. Амир Темур садоқатли, ваъдасига вафо қиласиган чинакам дўст эди. Шу сабабдан ҳам Амир

Сайфиддин некўз, Амир Жоку барлос, Аббос баҳодир қипчоқ, Амир Довуд дуғлат, Давлатшоҳ Бахши уйғур, Оқ Буға найман (соҳибқирон дўстлари турли қавмлар фарзандлари эканликларига эътибор беринг!) сингари шижаотли ва жасур амирлар садоқат камарини белларига боғлаб, умрбод соҳибқирон ёнида сидқидилдан хизмат қилдилар.

Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" (ўзбекча нашри, 55-бет) асарида ёзишича, милодий 1366 йилда Амир Ҳусайн билан мухолифликка киришган соҳибқирон ўз амирлари қуршовида Бойсун мавзеига кириб боради. Шу пайт етиб келган Амир Ҳусайннинг Малик ва Абдуллоҳ деган кишилари ўзларини гўё сулҳ ҳақида музокаралар олиб боришга юборилгандай қилиб кўрсатадилар, аслида шу ерга яқин бўлган азалдан душман ясовурийлар қабиласи лашкарини Темурбекка қарши фитнага қўзғатиш ниятлари борлиги аён эди. Амирлар уларни дарҳол ҳибсга олишни маслаҳат берадилар. Темурбек шунда ўттиз ёшга кирганди. "Бу фикр тўғри эмас, чунки бу кунлар давлатимизнинг бошланғич кунларидир, — дейди эътироҳ билдириб соҳибқирон. — Агар биз уларни қўлга олсак, бошқа кишилар тисарилиб қоладилар ва биз томонга келишдан иккиланишга тушадилар... Биз ўз силтаматимизни оғамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига қураётганилигимиз (Таъкидлар бизники — М.А.) сабабли уларни юпандириб, хотиржам қиламиз..." Одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш! — бу кутлуғ вазифани соҳибқирон, таъбири жоиз бўлса, давлат дастури қилиб белгилаган эди. Амир Темурнинг юрт бошига келишига ҳали тўрт йил вақт бор бўлса ҳам, "давлатимиз", "салтанатимиз" деб комил ишонч билан гапиришлари кишини ҳайратга солади. Бошқа бир жойда эса, истиқлолимиз баҳорида турибмиз, деган сўзларни келтиради.

"Қайси бир шоҳ, халқига яхшилик истаб, ўз ишини халқнинг ва раиятнинг ҳолини сўраш, уларга ғамхўрлик қилиш асосида курса, ҳамманинг дили унинг муҳаббатига чамбарчас боғланади, уларнинг ҳиммати унинг дуоси мадҳу саноғига бағишлианди..." деб ёзади Низомиддин Шомий ўз асанининг 79-бетида. Унинг бу сўзлари батамом Амир Темурга тегишилдир. Бирон ишга киришса, ҳеч ўқинмайдиган соҳиб-

қирон ҳар бир ҳолатда етти ўлчаб бир кесиб қадам босарди. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқарадиган, хайр-эҳсон билан одамлар кўнглини забт этадиган соҳибқирон: "Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим", деб таъкидлайди ўз "Тузуклар"ида ва бу билан фуурланади. Булар шунчаки айтилган сўзлар эмас. Чунончи, беш йиллик юришдан сўнг, Амир Темур милодий 1396 йил жавзо охирларида юрга қайтади. Азиз-авлиёлар мозорларини тавоғ қилгач, давлат тахтига келиб ўтиради. Аъёну акобирлар, мутасадди раҳбарларни чорлаб, ҳалқ, фақири мискин аҳволидан, яхши-ёмондан сўраб-сuriштира бошлади.

"...Ҳар кишига золимлардин зулм тегиб эрди, ул мазлумнинг додини золимлардан олди, — дейди ушбу кунларни таърифлар экан, Шарафиiddин Али Яздий "Зафарнома" асарининг 186-бетида. — Зулмдорлар ва мутагаллибларни банд қилиб, аёғларига кунда солиб банд қилиб, иззалар қилди... Уч йиллик молу харжини раъйога (ҳалқقا) бағишлади (яъни, соликдан озод этди)..." Адолатпарварликнинг тантанаси бўлган ушбу воқеалар бари ҳалқнинг кўз ўнгида рўй беради.

Шундан сўнг, Амир Темур мамлакатнинг ҳар бир вилоятига яхши кишилардан вакиллар юбориб, ҳалқнинг аҳволидан хабардор бўлишни, фақири мискин ва дарвешу мустаҳақ кимсаларни топиб, уларни йиллик озиқ-овқат билан таъминлашни, ҳар бирига қишилик, ёзлик тўн, салла беришни буюради... Шу важдан ҳам, соҳибқирон "Тузуклар"да: "Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим..." деганида бағоят ҳақ эди! Ҳа, бутун мамлакатда оға-инидаи баҳамжиҳат яшар эди ҳалқ Амир Темур салтанатида! Бу инсонийликнинг бебаҳо намуналаридан ҳисобланади. Амир Темур ҳалққа меҳрибончилик қилса, унинг дардларидан огоҳ бўлса, ҳалқ ҳам унинг теварагида қурч ва мустаҳкам бўлиб жипслashiшини жуда теран англар эди.

Соҳибқирон умрининг охирида фарзандларга боқиб шундай васият қилганди. Шарафиiddин Али Яздий ўз китобининг 297-саҳифасида ёзади: "...Мен адлу эҳсон била оламни обод этибмен. Агар менинг васиятим била амал қилиб, адлу

ДОД ҚИЛСАНГИЗ, КҮБ ЙИЛЛАР ДАВЛАТ ВА МАМЛАКАТ СИЗЛАРДА ҚОЛГУСИ ТУУРУР..."

Юқоридағидек инсоний хислат ва фазилатлар, ҳақтүйлик ва адолатпарварлик, фидойиilik ва садоқатлилик, меҳрибонлик ва ватанпарварлик, эл ғамини ейиш ва бошқа жуда күп одамийлик шижаатлари улуғ соҳибқирон Амир Темур Кўрагонни ҳақли равищда жаҳоннинг саноқли буюклари қаторига олиб чиқди ва у миллат тарихида қуёшдай балқиган сиймо бўлиб қолди.

*"Инсон ва қонун" газетаси,
2005 йил 5 апрель*

ҚУТЛУҒ ХОНАДОННИНГ УЛУҒ СОҲИБИ

Одатда подшоҳлар, хонлар, қиромлар, императорларнинг хонадон ҳаёти, турмуш тарзи, оиласвий муносабатларига ки шилар ҳамиша қаттиқ қизиқиши билан қарайдилар. Бу табииий. Соҳибқироннинг ҳовли ҳаёти ҳам бундан мустасно эмас. Шукурлар бўлсинки, Амир Темур Кўрагон, соҳиби састанат, буюк давлат арбоби, оламшумул саркарда ҳалқимизнинг мўътабар ва ардоқли хонадонларидан бирига бош бўлиб, паҳлавон фарзанд, маргуб эр, қаттиққўл ота, меҳрибон бобо сифатида шарафли умр кечирди.

Машҳур тарихчи олимимиз Шарафиддин Али Яздий "Задарнома" китобининг 147-бетида шундай сўзларни келтиради: "Соҳибқироннинг ҳиммати қўймас эрдиким, авқоти (вақти) айшу ишрат била кечгай..." Бу сўзлар, ("айшу ишрат" сўзини тор эмас, кенг маънода, вақтни умуман роҳат-фароғатда ўтказиш, деб тушунмоқ керак) даставвал соҳибқироннинг вақтни бағоят қадрлашини, иккинчидан, ҳамма тарсада — меҳнату машаққатда ҳам, роҳату фароғатда ҳам меъёрга риоя қилишини, инсофли, қатъий интизом эгаси оланлигини кўрсатади. Шу маънода унинг хонадонидаги аёл-жанлигини кўрсатади. Шу маънода унинг хонадонидаги аёл-

лар зотига ва умуман аёлларга бўлган муносабати диққатга сазовордир.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ "Амир Темур тарихи" китобида Амир Темур мажлисида ҳеч қачон уятсиз сўзлар бўлмаслигини, ҳарам ҳақида, яъни хотин-қизлар тўғрисида ҳақорат гаплар айтилмаслигини таъкидлаганди. Агар 1389 йилда туфилган Ибн Арабшоҳнинг ўсмир эканлигини, табиийки, соҳибқирон мажлиси ҳақидаги сўзларни халқ оғзидангина эшитиб, билиб китобига киритганлигини кўрамиз. Демак, Амир Темурнинг мажлислари, хонадон ҳаёти халқ орасида маълуму машҳур бўлган.

Чиндан ҳам, соҳибқироннинг аёлларга бўлган муносабати заминида катта хурмат ва эҳтиром ётади. Амир Темур Кўрагон бафоят инсофли, қалби тоза рухларга йўғрилган фавқулодда бир Шахс эди. Аввало унда XIX аср тушунчасидаги ҳарам йўқ эди; мусулмончиликда қабул қилинган расму русумдан четта чиқилган эмас, покиза рўзгор соҳибининг никоҳда тўрттагача хотини бўлган. Тақдир тақозоси билан маликалар ўзтариб турган. Чунончи, соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо онаси Турмиш оқа, Умаршайх Мирзо онаси Тўлин оқа; Мироншоҳ Мирзо онаси Менглибика оқа вафот этганларидан кейин Дишпод оқа, Туман оқа сингари покдомон қизларга уйланганлар.

Хонадоннинг катта маликаси Сароймулхоним эди. уни "маҳди улё" — яъни улуф беланчак соҳибаси, дердилар. Гарчи таомилда шарафли бу унвон, умуман, нуфузли маликаларга берилса-да, Сароймулхоним соҳибқирон саройида бу унвоннинг якка-ю ёлғиз соҳибаси эди. Маҳди улё, гўзал ва оқила аёл ҳамиша соҳибқироннинг ёнида, унинг суюкли ёри, маслаҳаттгўйи сифатида намоён бўлади. Кўп муаммоларни, хоҳ у сиёсий, хоҳ у майший бўлсин, ҳумоюн ўрдуга етказиш ва ҳал қилишда Сароймулхонимга мурожаат этиш одат тусига кириб қолганди.

Бир мисол келтирмоқчимиз. Соҳибқироннинг набираси келишган, барно йигит Халил Султон қоралардан бўлган жувонга, аниқроғи Амир Темурнинг яқин сирдош дўист ва

сафдошларидан Амир Сайфиiddин некўзнинг Шодимулк деган оғатижон канизагига мажнунсиғат ошиқ бўлиб қолади. Бир-бирларини ҳаддан зиёд севган амирзода Халил Султон билан ҳурилиқо Шодимулк ҳеч кимга билдиrmай пинҳона никоҳдан ўтадилар... Фарзандлар ва набиралар ҳаёти, турмуши, тўй-ҳашамини ҳамиша диққат назарида тутган Амир Темур бу гапни эшитиб бағоят дарғазаб бўлади, чунки Халил Султон унинг суюкли келини, қизим эмас, ўғлим деб ардоқлайдиган, Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин Мироншоҳ, Мирзога узатилган Хоразм маликаси Хонзода хоним зурёди эди!

Изтиробга тушган, кўнгли лат еган соҳибқирон азбаройи келган ғазабдан, Шодимулкни, набирамни бошини айлантириб йўлдан урибди, деган маънода ўлимга буюради. Шунда, нажот сўраб Сароймулхонимга мурожаат қилишдан бошқа чора тополмайдилар. Маҳди улё Амир Темур ҳузурига киради ва соҳибқирон ҳукмини ўзгартириб чиқишига эришади: "Шодимулкнинг бўйида бор, Амир соҳибқирон!.." — дейди. Амир Темур ҳайратдан лол бўлиб қолади! У азалдан фарзандга, зурёдга ташна эди, иккинчидан, ҳали туғилмаган гўдак гуноҳига ҳам қолишни истамайди ва буюради: "Майли... уни кўзи ёриганидан кейин... ўлимга буюрилсин!" Сароймулхоним ана шундай қилиб Шодимулкни ўлимдан сақлаб қолади...

Амир Темур 1370 йилда Мовароуннаҳр ҳокими Амир Ҳусайнни енгандан кейин таҳтга мингач, таомилга кўра унинг ҳарамидан тўрт маликани ўзи учун танлаб олади. Бу ўзгалар ҳарамидан маликалар танлаб олишнинг боши-ю охирни эди. "Душманнинг отини минмоқ, хотинини ўпмоқдан ортиқ лаззат йўқ!" — бу сўзларни Чингизхонга нисбат берадилар. Амир Темур эса бундай ўйламасди. У бутун умри давомида йигирма етти мамлакатни мусаххар этди, аммо мағлуб подшолардан биронтасининг ҳам ҳарамига кўз солганини, кимнидир ўзига олганини билмаймиз. Ҳолбуки, киши кўнглини ўғирлайдиган гўзаллар беҳад кўплигига шубҳа қиласа ҳам бўлади. Бу бағоят ибратли, буюк бобомизнинг инсофли, андишали, кўнгли пок, ўзини тия оладиган, наф-

сига ҳукмини ўтқазишга қодир Инсон эканлигини исботлайдиган ғаройиб ҳодисадир.

1491 йилда туғилган Англия қироли Генрих VIII олти марта уйланган экан, иккинчи ва тўртинчи хотинларини турли сабабларга кўра қатла буюрган, олтинчи хотини эпчиллик қилиб қутулиб қолган экан... Рус подшолари Иван Грозний билан Пётр Биринчилар тарихида ҳам ўхшаш, балки бундан ҳам мудҳишроқ воқеалар содир бўлганини биламиз. Бу — тарих, унда ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Мана шундай воқеаларга муқояса қилганда ҳам, аёлларга меҳрибонлик ва шафқат кўргизишда, муносабатда Амир Темур Кўрагонга тенг келадиган инсофли Шахс тарихда камдан-кам топилади.

Амир Темур Кўрагон нафақат аёлларга бирон зиён-заҳмат етказиш ҳақида ўйлади, балки уларни севиш, ардоқлаш, ҳурматини жойига қўйиши, соҳибқирон хонадонида, демакки салтанатда уларнинг нуфузини кўтариш ташвишини чекади. Шу ниятда уларни ўз маблағлари ҳисобидан кўприклар, хонақоҳлар, мадрасалар, масжидлар, кўшклар қуришга рағбатлантиради, бу юмушнинг жуда савоб эканлигини уқтиради. Шундан кейин, соҳибқирон эгачиси Қутлуғ Туркон оқа, завжай муҳтарамалари Сароймулхоним, Туман оқалар, уларнинг изидан бошқа маликалар шундай бинолар, мадраса-ю масжидлар, хонақоҳлар, кўприклар ва элулусга хизмат қиласиган ҳоказо иморатлар бунёд этдилар. Улардан хосу ом баб-баравар фойдаланар эди.

Амир Темурнинг муҳтарама аёл зотини нақадар улуғлашини қуийдаги мисоллардан ҳам билиш мумкин. Соҳибқирон табиатан яратувчиликка мойил, қураман деган ҳалқнинг фарзанди бўлганидан, эътибор билан Самарқанд атрофида ўн тўртта боғ барпо этади. Бу муҳташам боғларни, асосан, маликалар ва набиралар учун яратади. Масалан, Бони Чинор Сароймулхоним учун барпо этилди. Самарқанднинг кунботарида бино қилинган, "Зафарнома"да айтилишича, "Бони давоздаҳ бурж" дейиладиган, бошқа манбаларда кенг-

роқ "Боги биҳишт" сифатида номланадиган чорбоғ эса Туман оқага аталган... "Үн икки буржли боғ" дейилишига сабаб, үн икки боғ бунёд этилиб битта боққа бирлаштирилганлигидандир, дейди Шарафиддин Али Яздий. "Боги Шимол" Амир Темурнинг набираси Мироншоҳ Мирзо қизи Бека Султон номига бунёд этилган. "Боги Дилқушо" кичик малика Тўкалхоним шарафига барпо қилинган...

Кўриниб турибдики, жаҳонда айрим салтанат соҳиблари аёлларга шафқатсиз муносабатларда бўлиб турганларида, Амир Темур биронта аёлга озор етказиш у ёқда турсин, балки уларга боғлар барпо қилиб бериб, меҳрибончиликлар кўргизди...

Амир Темур Кўрагон бобомизга буюклик рутбаси Аллоҳдан ато этилганди. Буюк инсонларда эса, ҳаракатнинг тутумнинг катта-кичилгидан қатъи назар, барчасида буюклик аломатлари аён бўлиб туради. Соҳибқироннинг улкан давлат барпо қилишдан тортиб оддий инсоний ҳаракатларигача буюклик пардасига ўралган эди.

*"Тошкент оқшоми" газетаси,
2005 йил 8 апрель*

БАДИЙ ТАРИХ МАНЗАРАЛАРИ

(Адабиётшунос олим билан сұхбат)

Олим: — Мұҳаммад Али ақа, мана яқинда янги қиёфада чоп этилган севимли журналимиз "Шарқ юлдузи"нинг биринчи ва иккинчи фаслларида "Улуғ салтанат" тарихий романнингизнинг иккинчи китоби "Умаршайх Мирзо" ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинди. "Улуғ салтанат"нинг биринчи китоби "Жаҳонгир Мирзо" муштариylар томонидан жуда илиқ кутиб олингани маълум. Роман ҳақида ўнлаб тақриз-

лар эълон қилиниб, мухлислар ҳали-ҳануз муҳарририятларга мактублар йўллашмоқда. Сизни янги романингиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

Даромадни қисқароқ қилиб, тезроқ муддаога ўтсам дейман. Иккинчи китобни "Амир Темур ва Тўхтамишон" деб аташ ҳам мумкиндек... Айтинг-чи, романда ҳазрат Амир Темурнинг Тўхтамишонга саховати сал бўрттириб юборилмаганми? Масалан, душмандан енгилиб, хор бўлиб келса ҳам, уч-тўрт марта қўшин бериши, ҳатто энг сара тулпори Хонўғлонни ҳам ҳадя қилиб юборишини кўзда тутмоқдаман... Тўғри, бу ерда қандайдир асос бордай ҳам кўринади. Тўхтамишон Жаҳонгир Мирзо вафот этиб, соҳибқироннинг юраги увалиб турган бир пайтда Самарқандга келганди. Бундан Амир Темур ўғлимнинг ўрнини ўғил бўлиб босади, деб умид қилган бўлиши мумкин...

Адаб: — Биринчидан, ул зотнинг улкан мамлакат подшоси эканлигини унутмайлик, ул зот бойликнинг кетидан қувадиган эмас, табиатан саховатли ва мурувватли инсон эди. Иккинчидан, соҳибқирон даставвал яхшилик йўлини излар, ҳар қандай душманни ҳам дўстга айлантириш фамини чекарди, бу йўлда ҳеч нарсани аямасди. Мухолифлари билан дўст бўлишга, қуда-андачиликни, қариндош-уругчиликни йўлга қўйишга, шунинг билан низолару урушларнинг олдини олишга ҳаракат қиласди. У бу одатини ҳеч қачон тарк этган эмас. Шу сабабдан хиёнат қилганларни ҳам бир неча марта кечирар, дўст бўлиб кетар, деб умид боғларди.

Тўхтамишонга бўлган муносабатнинг оддий кўзга кўринмайдиган сиёсий жиҳатлари ҳам бор эди. Гап шундаки, Олтин Ўрда ўша пайтда жуда қудратли давлат ҳисобланарди, у ёнидаги давлатларга, жумладан, Турон салтанатига ҳам доим хавф солиб туради. Шундай давлатга ўз одамини кўйиш, шимолий сарҳадларни мустаҳкамлаш жуда муҳим эди, Тўхтамишонга қайта-қайта яхшиликлар қилганлиги сабабини шундан қидириш керак. Амир Темурга хос бўлган фазилатлардан (балки, камчилиқдир!) бири — унинг ўта ишонувчалигида, деб ҳисоблайман. Аслини олганда, бу умуман ўзбек-

ларга хос хусусият. У Тұхтамишхонга ишонди, лекин афсуски, чингизийзода бу ишончни оқламади, хиёнатта юз бурди.

Соҳибқироннинг муруватпешалигини, кечиримлилигини тасдиқловчи бир воқеани эслаб ўтиш жоиз. Милодий 1405 йил январь ойи иккинчи ярмида Шарафиiddин Али Яздий ёзишига қараганда, "Дашти Қипчоқ саҳроларида паришон ва бадхол юрган", яъни бутун тахти-ю бор-буудидан айрилиб хор-зор бўлган Тұхтамишхондан элчи мактуб олиб келади. "Ҳар не йамонлиқким қилдум, барча менга келди ва сазомни топдум... — деб ёзади Тұхтамишхон. — Агар ҳазрат тараҳҳум қилиб гуноҳимдан кечсалар, мундин сўнг ҳаргиз мундок, ишлар қилмағаймен. Ва то тирик бўлсан, хизматдин ўзга иш қилмағаймен..."

Неча бор алдаб, хиёнат қилиб кетган, бир марта Самаранинг Қундузча дарёсигача, иккинчи марта Мовароукофқозда Терек бўйида жанг қилиб то Москвагача боришга мажбур этган, фитнакорлиги билан ранжитган Тұхтамишхондай одамнинг бу сўзларига яна ишониш мумкинмикан?.. Амир Темур "Тузуклар"да шундай таъкидлаганди: "Кимки менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз чўкиб ҳузуримга келса, душманлигини унутиб, муруват ва дўстлик кўрсатдим..." Ҳазрат бу ерда ҳам ўзининг бир сўзлигини намоён этди. "Соҳибқирон келгон элчини йахши сўруб дедиким, — деб ёзади Яздий худди Амир Темур сўзларини тасдиқлагандек. — Ҳоло Хитой сари мутаважжих бўлубтурбиз. Бу юришдан худой инояти била қайтсак, Жўжихоннинг улусини анга тобшурайим..." Шунчалар ёмонлик қилган одамга соҳибқирон яна яхшилик билан жавоб бермоқчи! Буюк зотнинг худо берган табиати-ю саъжияси шундай эди.

Олим: — Сиз Амир Темурнинг оиласи ҳаётини кенг ёритган ёзувчиларимиздансиз. Бу адабиётимизда ўзига хос янгилиқdir. Шунга қарамасдан, оиласи учрашувлар, хотинлари билан дийдорлашувлари тасвиirlарида меъёрга қаттиқ, эътибор берганингиз сезилиб туради. Айтинг-чи, улуф шахс ҳаётини ёритища унинг маҳобати босиб, қаламингизга мунискуллик туғдирмайдими?

Адиб: — Албатта, маҳобати босади.... Масъулият катта... Мана қирқ йилдирки, бу мавзу каминани ўзига оҳанрабодай тортиб келади. Кўп мутолаа қиласман. Муаррихларимиз ёзган китоблар, солномаларни қайта-қайта варактрайман, улар соҳибқирон даври руҳини ҳис этишда, кишилар саъжияси, феъл-авторини англашда, тирик одам сифатида тасаввур қилишда бекиёс хизмат кўрсатади.

Муаррихлар ёзаётгандари расмий тарих эканлигини на зарда тутиб ўз асарларида ҳукмдорларнинг оилавий ҳаётларига андиша билан ёндошадилар. Фарб адабиётида, масалан, сарой ҳаёти ҳақида очикроқ ёзилаверади. Шарқда "ҳарам" деган сўзнинг маъноси, хос ер, ўз аҳли бўлмаган кишилар киритилмайдиган жой, дахлсиз маскан, деганидир. Низомиддин Шомий ҳам, Шарафиддин Али Яздий ҳам, Ибн Арабшоҳ ҳам, Руи Гонсалес де Клавихо ҳам бу мавзуда жуда меъёрида қалам тебратадиларки, бари ўрнак бўларлидир. Масалан, Шомий Сароймулхоним билан Туман оқани "улуглик шабистонининг чодири ва поклик саропардаси бўлмиш бонулар..." деб атайди. Яздий "Зафарнома"да Амир Темурнинг Хоразм маликаси Хонзода хонимни Жаҳонгир Мирзо учун сўраттанини баён айлар экан, маликани бундай таърифлайди: "Малоҳатда бир бўстони эрди, Жаҳон ичра бир дилситони эрди. Париdek юзи, хўйи-феъли малак, Лаби шакар ва ўзи кони намак.." Амир Темур хотинларидан Дилшод оқани "саҳройи дилкушода", яъни саҳройи паричехра, деб таърифлайди. Соҳибқироннинг катта қизи Оқа Беги хоним таърифида "бонуий никужамол, анингдек замонада яна бири йўқ эрди ва ҳазрат ани кўб севар эрди..." деган сўзларни келтиради.

Ибн Арабшоҳ "Амир Темур тарихи" китобида Хонзода хоним ҳақида бундай ёзади: "Амир Темур... Жаҳонгир деб аталадиган ўғлини... ниҳоятда қадр-қимматли, шарафли аслзода, юзидан нур сочилган, Шириндан ҳам ҳусндор, Валлодадан (вафоти 1087 йил, бағоят паричехралиги ва шеъриятда тенгсизлиги билан ном қозонган Испаниядаги Кордова шахри қироли қизи — М.А.) кўра зарофатли бир қиз...". Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги сўзлари ҳам диққатга сазовор:

"(Соҳибқироннинг) хотинларидан энг муқаддами ва баркамоли Катта Малика(Сароймулхоним), энг хусндори ва соҳибжамоли Кичик Малика (Тўқал хоним)... баркамоллиқда тўлун ойдек бўлиб, фурубига яқинлашган қуёш мисоли Чўлпон (Мулк оқа...)" Буларнинг бари адаб учун катта материал ҳисобланади.

Расмий, ҳужжатли тарих аниқ фактларга, шахсларга, реал воқеаларга суннади ва ўз саҳифаларида барчасини қайд этиш билан чекланади. Адабиёт эса биринчи галда расмий тарихда қайд этилган Шахс қалбини — унинг муҳаббати-ю нафратини, қувончи-ю изтиробини, ҳис-туйғулари-ю ҳаяжонларини тасвирлайди, таҳдил этади. Аниқ фактлар, шахслар, воқеалар адабиёт қаҳрамони яшаётган ҳаёт майдонига безаклар бўлиб хизмат қиласди. Бошқача айтсан, муаррих расмий тарихни, ёзувчи бадиий тарихни яратади. Масалан, муаррих, Амир Темур Кўрагон Жета юришидан қайтаёттанида Сароймулхоним бошлиқ маликалар уни кутиб олиш учун Тошкентта отландилар, деб хабар беради. Ёзувчи суюкли зот билан бўлажак дийдорлашувдан қувонган маликаларнинг руҳий дунёсини, интиқ қалбларнинг зарбларини, гўзал чехраларнинг яна ҳам фусункор бўлиб кетганини тасвирлаб бериши лозим. Бунда фантазия ёзувчига ёрдамга келади. Тарих — факт, адабиёт — фантазия. Кичкина факт ҳам катта асаларга замин бўлиши мумкин. Адабиёт — фактлар асосида тўқиб чиқарилган фан, ахир йўқ нарсадан ҳеч нарса пайдо бўлмайди. Инглиз тилида бадиий адабиётни, "фикши", яъни тўқиб чиқарилган, дейишлари бежиз эмас. Лекин "тўқиб чиқариш" асосида, таъкидланганимиздек, факт бўлиши керак.

Олим: — Тарихдан маълумки, кўпгина шахзодалар, амирзодалар бир-бирларига ички файирлик билан қарайдилар. Тахт оҳанрабоси ёмон-да. Амир Темур фарзандларида ҳозирча бу нарса сезилмайди. Бу Амир Темурнинг ўзига хос тарбия усули натижаси бўлса керак. Умуман, темурийлар даврида ёш авлодни, хоҳ зодагон бўлсин, ҳоҳ оддий фуқаро, тарбиялаш хусусида фикрингизни билмоқчи эдим.

Адиб: — Миллатнинг катта ва қутлуғ хонадонларидан бири сифатида Амир Темур хонадонида ҳам, мамлакатда ҳам тарбия ишлари диққат марказида турган. Бу ерда тартиб, интизом жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Тарбия соҳасидаги ҳалқимизнинг асрий тажрибалари — каттани ҳурмат қилиш, кичикни иззат қилиш, яхши одоб-ахлоқлардан ўrnak олиш, ҳалол яшаш, адолату инсоф билан, азму жазм билан иш тутишни ўрганиш, золимга қарши мазлум додига етиш, мулку мамоликни қадрлаш — бари-бари таомилда эди. Шунинг учун ҳам соҳибқирон "Тузуклар"да: "Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға ўрнида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим", деб ёзганди.

Фарзанд ва набиралар ҳамиша ўз түкқан оналари қўлида эмас, балки Сароймулхоним, Туман оқа сингари нуфузли малика момолар қўлида тарбияланардилар. Жаҳонгир Мирзо, Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад Мирзо, Шоҳруҳ Мирзо, Халил Султон, Улуғбек Мирзолар шундай тарбия кўрдилар. Улуғбек Мирзонинг катта ўғли Абдулатиф Мирзо эса Гавҳаршод бегим ҳузурида вояга етди. Уларга атка (оталиқ)лар белгиланган, шаҳзодалар яхши ахлоқли инсонлар бўлиб етишиш, билим олиш, муомала маданияти-ю ҳарб сирларини эгаллаш билан шуғулланишган, давлат ишларини бошқаришни ўрганишган. Вақти-вақти билан бари соҳибқирон ҳузурида саройда хос хонадон мажлисларида қатнашишган, деб айтиш мумкин. Соҳибқирон бошқарган, иштирок этиш шараф саналган мажлисларга киришдан маҳрум қилиш — хатога йўл қўйган амирзодалар учун жазолардан бири вазифасини ўтаган. Бу ҳам тарбиянинг бир усули эди. Масалан, хиёнат қилиб ёв томонга ўтиб кетган набира Султон Ҳусайн Мирзога нисбатан шундай жазо чораси ҳам қўлланилганди.

Шаҳзодаларнинг маликалар қўлида вояга етишлари яхши тарбия кўрган инсонлар бўлишлари учунгина эмас эди. Гап шундаки, бўлажак салтанат соҳибларини соҳибқирон ўз ихтиёрида тутарди, бу, шаҳзодаларнинг мамлакатнинг маълум қисмларида ҳукмронлик қилиб турган оталарини жиловда тутиб туриш учун ҳам ўзига хос бир восита эди. Аммо бу ошкор айтилмасди.

Бевосита саволингизга келсак, тахминан ўн түккиз ёшлирида уйланган соҳибқирон Турмиш оқадан кўрган ўғли Жаҳонгир Мирзони ўзининг валиаҳди деб белгилаган эди. Кейин унинг ўғли Муҳаммад Султон шундай мартабага эга бўлди. Табиийки, бошқа амирзодалар бирон нарса дейишга журъат эта олмадилар... Ҳарқалай, расмий тарихда бу ҳақда маълумотлар йўқ. Лекин инсон зотининг "хом сут эмган бандा" эканлигини билганимиздан, Мироншоҳ Мирзо, айниқса, Оқа Беги хонимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзо, Халил Султон ва бошқалар кўнглида таҳтга ҳавас йўқ эди, деб айта олмаймиз. Ҳарқалай, "Тузуклар"да шундай ҳолат қайд этиб ўтилгани бежиз бўлмаса керак. "Амр қидимки, — деб ёзди Амир Темур, — агар ўғилларимдан қайси бирори салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни ўлдиришга ёки мучасидан бирор жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қиласин. Лекин ўз даъвосидан кечмагунча, асирикда сақласинлар, токи Худонинг мулкид орущ чиқмасин. Агарда набиралар ёки қавм-қариндошлардан бири менга қарши кўтарилса, уни дарвишлиқ ҳолатига солсинлар (яъни, қашшоқ ҳолга солиб қўйсинлар)". Гуноҳкорни ўлдирмаслик, бир мучасини кам қиласлик ҳисобида сўз бораётганига эътибор берайлик. Бу ерда тарбиятинг инсоний йўли танланганини, уни қонун даражасига чиқариб қўйилганини кўриш мумкин.

Олим: — Амир Темурнинг бешийиллик юриширида қўшин таъминоти қандай бўлган? Нимагадир, ҳар иккى романда ҳам бу ҳақда деярли маълумот учрамайди. Агар Алексей Толстойнинг "Пётр Биринчи" романини эслансангиз, шу жиҳатларга ҳам эътибор қилинган. Чунки бу тадориклар Амир Темур шахсиятининг яна бир қирраси-ни очган бўлур эди.

Адиб: — Тўғри илғабсиз. Бу романларда умуман, иложи-нинг борича, жанг тафсилотларини камроқ олмоққа ҳаралат қиляпман. Амир Темурни саркарда сифатида кўрсатишадан кўра Инсон сифатида тасвирилашни асосий мақсад қилиб қўйганман. Ҳар бир нарсанинг тасвири табиий шароитнинг ўзидан келиб чиқиши керак. Қолаверса, соҳибқирон-

нинг катта жанглари ва уларнинг таърифи ҳали олдинда турибди...

Олим: — Сизнингча, оддий инсон сифатида ҳазрат Амир Темурнинг бошқа жаҳонгир подшолардан фарқи нимада? Амир Темур шахсининг ўзига хослигини нималарда кўрасиз?

Адіб: — "Амир Темур чамани" деган эсседа булар ҳақида батафсил ёзишга ҳаракат қилгандим. Мухтасар айтсам, АҚШга борганимда кўрдим, улар жаҳонда буюк тўрт саркарда номини — Искандар Мақдуний, Атила, Чингизхон ва Амир Темурни бирга айтишни яхши кўрар эканлар. Тўғри, уларни саркардалик фаолияти бирлаштириб туради. Яздий "...ҳар ишгаким юз қўйса эрди, ул ишни камолига еткурмагунча қўймас эрди" деб таърифлаган соҳибқироннинг улардан фарқи — бугунги Ўзбекистонимизни, ўша пайтдаги Турон юртини бирлаштирганлигида; бунёдкорлигида — унинг биноларини ҳозир ҳам жумла жаҳон кўриб турибди; илму фанга ҳомийлик қилгани, илмнинг келажакда ривожланиши учун шароит яратганида. Инсоний фазилатларини эса қисман юқорида айтиб ўтдик.

"Жаҳонда икки подшо бўлса дунёning иши бузилур, бир подшо бўлиши керак", деган гап қадимдан келади. Соҳибқирон фикрича, жаҳонда бир подшо бўлса ўзаро жанжаллар, уруш-низолар бўлмайди, дориломонлик юз беради, кишилар баҳтли бўладилар, дунёда одамлар баҳтли яшашлари керак, бунга факат жаҳонгирлик, яъни катта куч-кудрату салоҳият билан эришиш мумкин. Соҳибқирон ана шунга интилар эди. Бу ҳақда француз тарихчиси Л. Ланглэ "(Амир) Темур ҳаёти" китобида ёzádi. Айрим фаразгўй олимлар эса, ўша давр вазиятини, замона мақомини тушунишдан бош тортиб, Амир Темурдаги жаҳонгирлик ҳаракатларини юртларни босиб олиш, бойлик ортириш ҳавасидан, деб нотўғри талқин қиласидилар. Бунга қўшилиб бўлмайди, албатта.

Амир Темур раоё ва фуқаро учун ўзини жавобгар ҳис қилгувчи, ўз хатоларини тан олишдан қўрқмаган, ҳақиқатга тик қарашга ўрганган олийжаноб инсон эди. Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгашга, бир улушини қиличга

қолдирған соҳибқироннинг нечоғлик улуг инсон эканлиги-ни қўйидаги сўзлардан кўриш мумкин. Яздийнинг ёзишича, Амир Темур вафотидан оддин шундай васият сўзларини айтади: "Ҳазрат Ҳақдин умидим борким, агарчи гуноҳим кўб турур, аммо бу жиҳатдин менга раҳмат қилғайким, золимларнинг эликларини мазлумлардин қисқа қилибдурмен... Раоё ва фуқароу мискин ҳолатидин ғофил бўлмағайсиз... Мен адлу эҳсон била оламни обод этибмен..." Шундай сўзлар айтган одамнинг кимлиги ўз-ўзидан кўриниб турибли.

Олим: — Аввалги сүхбатларингизда, китобхонлар билан учрашувларда роман ёзишингизда қўл келган, фактларидан фойдаланган китоблар ҳақида айтиб ўтгансиз. Темурийлар даври илмий манбаларини яхши ўрганган ижодкор сифатида айтинг-чи, Амир Темур шахсини камситиб кўрсатган китоблар ҳам борми? Бўлса, сабаби?

Адіб: — Бундай китоблар, холислик билан ёндошилмаған, бирёқтама назар билан қаралған рисолалар, афсуски, бор. "Мен бу қиссада үзим күрганларимни эслаб, бу түгрида бошқалардан ривоят топғанларимни баён қилишни иродат эттім", деб ёзған Ибн Арабшох, арман Фома Метсопский, рүс олими Т. Грановский, немис И. Шильтбергер (Грановский ти уни "түңг ва бесавод, ёлланған одам" деб таърифлайды) каби ва бошқаларнинг ёзғанларини айтиб ўтиш мумкін.

Сабабига келсак, ҳар ким ўзидан келиб чиқиб, фикр критади; масалан, агар Амир Темур қўшини унинг юртига борган бўлса, урушнинг оғир асоратлари, харобаликлари қўлган бўлса, албатта соҳибқирон, унинг фикрича, ёмон одам. Рундай кишилар соҳибқирон яшаган давр шароитини ҳисобга олмайдилар, сабабини билишга интилмай оқибаттагина Ғараб баҳо беришни яхши қўрадилар. Бу бирёқлама ёндошиддир. Ҳолбуки, Амир Темурнинг сиймоси, ҳаёти, фаолияти ва сиёсати, жаҳон тарихидаги ўрни унга тор шахсий иззат-нафсу нафсониятдан келиб чиқиб эмас, балки жаҳоний андозалардан туриб ёндошишни тақозо этади. Жаҳоний сиймоларга баҳо беришда жаҳоний андозалардан туриб ёндошмоқ энг адолатли йўлдир. Жавоҳарлаъл Неру "Хинистоннинг каşf этилиши" китобида Бобур Мирзога ва

Акбарга адолатли баҳо берганлиги бунга ёрқин мисолдир. Лекин ҳамма ҳам Жавоҳарлаъл Неру эмас-да.

Олим: — Воқеаларни саралашда қайси принципга кўра иш тутасиз?

Адаб: — Жавобим қизиқ туюлиши мумкин. Воқеаларни мен сараламайман, балки бош қаҳрамон, асарнинг фояси ўзига кераклигисини "танлаб" олади. Бош қаҳрамоннинг табиатини акс этдирадиган, унинг сиймосини тасаввур қилиш, руҳий дунёсини очишга ёрдам берадиган воқеалар сюжет чизигини ташкил этади.

Олим: — "Умаршайх Мирзо" романида 110 дан ортиқ кишилар номи тилга олинади. Кўпларининг адабий портретлари чизилган. Умуман, асарингиз персонажларга бой. Қаҳрамонларнинг ўзига хос кўринишлари, характерли хусусиятларини беришда чалкашиб кетмаслик учун қандай йўл тутасиз? Мумкин бўлса, ижодий лабораториянгизнинг айрим сирларини очсангиз.

Адаб: — Тўғри, тарихий роман ёзганда кўп персонажларга мурожаат қилишга тўғри келади. Адашиб кетиш хавфи қучли. Кўп нарсани эсда сақлаш лозим.

Романда қандай қаҳрамонлар иштирок этиши даставвал менга маълум бўлмайди. Буни асарга қўйилган юқ, мақсад белгилайди. Қаҳрамонлар воқеалар ривожи давомида роман фояси талабига қараб асарга кириб келади. Ана шундай унинг қиёфаси чизилади, таърифи келтирилади. Буни "Қаҳрамонлар" деган алоҳида дафтарга ёзиб қўйилади. Кейин бу қаҳрамон қачон асарда пайдо бўлса ўша ёзувга қараб кўздан кечириб борилади. Мана шундай йўсинда қаҳрамонлар борасида чалкашиб кетмаслик йўлларини қидираман.

Яна бир жиҳатни айтиб ўтишни истардим. Мен қаҳрамонларимни кузатиб, уларнинг изидан бораман, бошқача айтсам, ихтиёрни ўзларига бераман. Адабий асар қаҳрамонлари ўзлари ҳаракат қилишлари керак. Кўп ўқувчиларимиз "Сарбадорлар" дилогиясида Мавлонозода билан Жаҳонларнинг муҳаббати япроқ ёзиб улгурмагани ҳақида афсусланиб "Нега улар ёш нобуд бўлдилар?", дея сўрайдилар. Эсимга тушиб қолди, Адабиёт институтида таҳсил олётган йилларимиз, Лев Толстой ижодини завқу қизиқиши

билин ўрганар эдик. Биз талабалар Толстойнинг "Мен Аннани ўлдирганим йўқ, унинг ўзи ўзини поезд тагига ташлади..." деган сўзлари билан танишганимизда: "Анна Каренинани тирик қолдириш ёзувчининг кўлида эди-ку!..." деб юрганимиз ёдимда.

Ростдан ҳам, Инсоннинг тақдири ўзининг кўлида экан. Бас, уни ҳеч қандай ёзувчи ўзгартира олмайди. Адабиёт буни ҳаққоний кўрсатиб бериши лозим.

Олим: — Ўзбек романчилигининг эртанги куни ҳақида нималар дея оласиз?

Адид: — Фикримча, замонавий адабиёт ривожланиши билан бир қаторда тобора тарихга қизиқиш ҳам кучайиб боради. Маълум сабабларга кўра, буюк тарихимиз "очилмаган қўриқ" бўлиб келди. Энди унинг қатлари таҳ-батаҳ очилиб бормоқда. Мустақиллигимиз берган саодатлардан бири бу.

Тарихимизни ўрганишимиз керак. Қайси адабиётда тарихий жанр ривожланар экан, бу ўша миллатда ўзликни таниш жараёни кечайтганидан далолатдир. Бу — аксиома. Адабиётимиз ана шундай паллаларни бошдан кечирмоқда.

Олим: — Янада бадиий барқамол асарлар яратиб, китобхоналарни хурсанд қилишингизга ишончимиз комил. Бу борада Сизга сиҳат-саломатлик тилаб, ғайратингизга ғайрат кўшилишининг тарафдоримиз.


Адабиётшунос олим
Адҳам АЛИМБЕКОВ сұхбатлаши

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси, 2006 йил 13 январь

МУНДАРИЖА

"Адлу эҳсон била оламни обод этибмен..."	7
Амир Темур ҳайкали қошида	8
Ривоят	8
Сарбадорлар қўшиғи	11
Амир Темур қабридан овоз. (<i>Рубоий</i>)	12
Аврангзебнинг чинори	14
Соҳибқирон. (<i>Станслар</i>)	15
Туркистон султони	17
Бобур Мирзо ўтити	18
Гумбаздаги нур. (<i>Достон</i>)	19
 Соҳибқирон ташрифи	43
 Конигилда тикилган дор. ("Сарбадорлар" тарихий дилогияси иккинчи китобидан парча)	44
Соҳибқирон ташрифи. (<i>Тарихий ҳикоя</i>)	60
Подшо келини. ("Улуг салтанат" тетралогиясининг иккинчи китобидан парча)	73
Улугбек Мирзонинг сўнгги куни. (<i>Пьеса</i>)	90
 Халқ яратган даҳо	105
Сарбадорлар — халқ курашчилари	106
Амир Темур фильмни либреттоси ҳақида	111
Амир Темур ва сарбадорлар	113
Улугбек Мирзо ва Абдулатиф Мирзо	126
"Менким, фотих Темур..." асари ҳақида	127
"Буюк Темур" бадиий фильмни сценарийси ҳақида	129
Амир Темур сиймоси	131

Амир Темур ҳақида сўз.....	143
Она тарих камоли	147
Тарих давомли китобдир	153
Амир Темур салтанати ҳақида янги роман	157
Халқ яратган даҳо	159
Соҳибқирон фарзандлари	165
Амир Темур чамани. (<i>Эссе</i>)	169
Буюк обида	186
Одамийликнинг буюк тимсоли	194
Қутлуг хонадоннинг улуг соҳиби	199
Бадиий тарих манзаралари	203



Муҳаммад Али

АМИР ТЕМУР ЧАМАНИ

Муҳаррир *К. БҮРОНОВ*

Рассом *Ҳ. МЕҲМОНОВ*

Техник муҳаррир *Т. ХАРИТОНОВА*

Мусаҳҳидлар *М. РАҲИМБЕКОВА, Ш. ОРИПОВА*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. ТУГУШЕВА*

Босишига руҳсат этилди 31.05.2006 й. Қоғоз формати 70×100¹/₁₆.

Балтика гарнитурасида оғсет усулида босилди.

Шартли б.т. 17, 41. Нашр т. 19, 25. Тиражи 5000.

Буюртма № 06-91

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

